

. ТАБОЕВ, М. НАБИЕВ

ИНСОН ВА БИОСФЕРА

Узбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги. мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юрти таалабалари ҳамда табиат муҳофазаси билан шугулланувчилар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилиган

Инсон ҳаёти табиий мухит билан уззий боғлиқ. Шуинг уч) биатни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолигини саклаб қолпиш ил^{соңийт}инг мукаддас бурчидпр. Мазкур кўлланмада бизни куршаб турган ^{СУВ}Хэво, тупроқ, ўсимликлар оламининг ҳозирги ахволи, атроф-муҳит ифл^око-лишининг олдини олкш, биосферани муҳофаза килиш чоралари КУР^{ЮЧ}Ки-лади. Узбекистон худудида табиат муҳофазаси билан боғлиқ -1ар таҳлил этилади ҳамда уларни ҳал этишининг анпқ йўл-йўриклари курсатн^{ла}. ди. Атроф-муҳитнинг ифлосланишида саноати ривожланган ша*^aР^{ла}Р*инг таъсири алоҳида таъкиданади.

Китоб олий ўқув юрти талабалари, ўрта мактаб ўқитувчилар["]У["]шг-дек таоиат муҳофазаси билан шуғулланувчилар учун мўлжалл^{#нгах}-

ⁿ 903040000—180
Э56(04)—<Г~ 59—95^r

© «Уқитувчи» нашриёти, ', •=""; &-

15B[^] 5—645—02275—0

МУҚАДДИМА

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий мұхит билан узвии боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбалар *\ar* қадамда уч:раб туради.

Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш да-ражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табизтга асоратли таъсир кўр-сатмокда.

Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она деса бўлад». Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли та-биатнинг озор топиши у билан бевосита боғлиқ одамзод ва жониворларни зўр таҳлика гага солиб қўйиши мумкин.

М. М. Пришвин ўз вақтида «Табиатни кўриқлаш — Ватан-ни кўриқлаш демакдир», деган эди.

Дарҳақиқат, ҳозир табиатни муҳофаза қилиш долзарб, ке-чиқтириб бўлмайдиган муаммолардэн бири булиб қолди.

Атроф-муҳитни осфломлаштириш, унинг мусаффолигини асраш борасида сўз борар экан, аввало бизни ўраб турган гў-зал табиатга хурмат билан қараш лозим бўлади.

Маълумки, Сирдарё ва Амударё оралиғида — тарихий Мо-вароуннахр худудида, Марказий Осиёнинг аҳолиси жиҳатдан энг йирик давлати — Ватанимиз Узбекистон ястаниб ётади. Бу ерда қадимий маданият соҳиби бўлган ўзбек ҳалқи яшайди, Унинг салкам ярим миллион км² келадиган майдонида яшаёт-ган 22 миллиондан ортиқ киши ҳаёти учун аскотадиган, шу-нингдек саноат корхоналари учун ниҳоятда зарур ҳом ашёлар — қўмир, маъданлар, нюёб ва нодир металлар, нефть ҳам-да табиий газ билан бирга ўрмон бойликлари, арzon электр» қуввати манбаи бўлган жўшқин оқар дарёлар, довруғп жаҳон-га машҳур зилол сувли кўллар, антиқа қоракўл тери ва бошқа маҳсулот берувчи ҳайвонот олами мўл-кўлдир.

Ҳозирга келиб, Узбекистонимизда инсон қадами етмагав бирорта жой, қўли тегмаган нарса қслмади. Қаерга борманг, у ерда ҳаёт қайнайтганини, одамлар маҳаллий табиат неъмат-ларидан баҳраманд бўлаётганини қўрасиз.

Лекин, афсуски, табиат бойликларидан бережа, кўр-кўrona фойдаланиш, унинг эҳсонлариний сунистъемол қилиш, зўр ва забардаст техниканинг турмушга кириб келиши, ер қаърнга, юксак фазога қўл чўзиш, шунингдек кимёвий моддалардан кенг жабхаларда беармон фойдаланиш, ўз навбатида, атроф-муҳитга озор бермоқда. Бу эса мазкур жойларда яшовчи жони-ворларга, шу жумладан инсон саломатлигига бевосита ёки бўлвссита салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ҳозир табиий мұхитга бўлган нохуш таъсирот айрим музо-фот, ўлка, мамлакат миқёсидагина эмас, балки кўламида, сайёрамизнинг барча қатламларида у ёки бу кўринишда со-дир бўлиб турибди.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши лосан саноати ривожлан-ган мамлакатларда кўпроқ содир бўлмоқда.

Атмосфера ҳавоси ва сув манбаларининг ифлосланиши йи-рик шаҳар ва саноат марказларидан бошланиб, аста-секин бошқа минтақаларга ўта бошлайди. Бу борада йирик шаҳар-лар атрофидан оқиб ўтадиган Дунай ва Рейн дарёлари, Буюк кўллар, Болтиқ, Урта ер, Қора денгизларнинг ифлосланиши шулар жумласига киради.

Саноат корхоналари чиқиндиларининг ҳавога чиқариб таш-ланишидан ҳосил бўладиган «қислотали ёмғирлар» қарийб бу-тун Европа ва Шимолий Америка худудларидаги атроф-муҳит-га путур етказмоқда.

Табиатнинг ифлоеланиши минтақавий тусда бўлибгина қол-май, балки умумжаҳоний кўлам ҳам касб этмоқда.

Дунё океанидаги бирон-бир жойнинг ифлосланиши, ўз навбатида, унинг атмосфера ҳавоси билан газ ва қувват ал-машинувига таъсир этади. «Парник газлари»нинг кўплаб чи-қарип ташланиши ўрмюн биомаосалари камайишига ва бошқа антропоген фаолиятлар маълум даражада иқлим ўзгаришига олиб келади. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши, крио-ген техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонларнинг кенг кўламда кўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммо-сини кескинлаштириб юборади.

Маълум бир жойли, минтақавий ва ҳатто жаҳоний (гло-бал) характерга молик экологик муаммолар бизнинг республикамизда ҳам содир бўлиб гурибди.

Чернобиль АЭС да содир бўлган фалокат факат мазкур минтақагагина эмас, балки кўшни реслубликаларга, ҳатто хо-рижий мамлакатлардаги экологик мувозанатга ҳам жиддий таҳлнд солди.

Ҳозир кўп шаҳарлар, саноат марказлари ва районларда экологик вазият кескинлашган дейиш мумкин. Шуни кайд қи-лиш керакки, саноат корхоналарининг тадбиркорлик билан жойлаштирилмаслиги, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини тўғ-ри баҳоламаслик, ташкилий ишларнинг пастлиги, технологик жараёнлардаги нуқсонлар, шунингдек эски, дақки юнхдан колган техник воситалардан фойдаланиш ҳам атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлади,

Атроф-мухитнинг ифлосланишига саноат корхоналари, бўр-доқичилик мажмуалари чиқариб ташлайдиган чиқиндиларни етарлича заарсизлантирмаслик ҳам сабаб бўлади.

Фан-техника ниҳоятда тараққий этган ҳозирги пайтда, қиши-лок хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўта таъсирчан кимё-вий моддаларни кўплаб ишлатиш ат裡оф-мухит ва етиштирил-ган неъматлар ифлосланишига, шунингдек одамлар орасида бир қанча хасталиклар авж олишига олиб келмоқда.

Сўз табиатнинг озор топиши, экологик мувозанатнинг бузи-лиши устида борар экан, ҳозир Орол дengизининг қуриб бо-риши билан боғлиқ экологик вазият нақадар нохуш асорат-лар бераётганлигини эслатиб ўтмасдан бўлмайди.

Биз ўзимиз яшаётган сайёрага назар ташласак, кўп нарса-ларнинг гувоҳи бўламиз: инсон сўнгги 100—150 йил давомида табиатни, ер қобиги бўлмиш биосферани шунчалар ўзгартириб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган гўзаллиги ва мусаффолилигига рахна солинди, ноёб наботот ва жониворлар намуналарн камайиб кетди.

Сир эмас, Россия Федерациясининг яшил бойликлари бўлмиш Снбир ўрмойлари тобора камайиб, унинг майдонлари қисқа-риб бормоқда.

Шимолий ва Жанубий Америка қўтъяларидаги қатта-кат-тз ўрмонлар йўқолиб кетди, ер ости ва ер усти бойликларини нуттасил қазиб олиш оқибатида тоғлар ўрнида чуқурликлар, чуқурликлар ўрнида сунъий тоғлар пайдо бўлди.

Фан-техника тараққиётидан, табиат бойликларидан охилсна фсайдаланиш гўли билан ишлаб чиқаришнинг табиатга нисба-тан тазийки олдини олиш мумкинлигини исботлаш қийин змас, Еиосфергни ифлосланишдан муҳофаза қилиш, она табиатни к³ қорачифидгк асраш, ўнга нисбатан муҳаббат уйготиш, йў-қолиб кетаётган ўсимликлар ва жониворларни иложи борича сақлаб қолиш каби гюяларни тарғиб қилиш ташки муҳитни авайлашга, уни яхшилаб соғломлаштиришга олиб келади.

Шуни айтиш керакки, бир вақтлар табиат муҳофазаси мав-зусига эътибор пасайган эди. Жумладан, қирқинчи йилларда фаолият кўрсатган И. Презентнинг таълимотига кўра, совет кишиларидан табиатни муҳофаза қилиш бемаънилик бўлар-миш. Бунинг оқибатида собиқ СССРда табиат муҳофазаси, кўриқхоналар борасидаги тадбирлар тизими бузилиб кетди. Л. Берия тавсияси билан кўриқхона ишларига ўрмоншунос А. Малиновский тайинланди. Иттифоқ кўриқхоналарининг май-дени 0,56% дан 0,06% га тушиб қолди, 128 кўриқхонадан ати-ги 40 тасигина сақланиб қолди (Н. Воронцев, 1990 йил), И. Д. Папаниннинг аралашуви билан бундай номақулгарчиликка чек кўйилган эди.

Маълумки, олтмишинчи йиллар ўргаларигача мактабларда Лисенконинг ғайри илмий таълимоти ўқитилиб, И. Мичурин-нинг «Табиатдан марҳамат кутмаслик керак», деган сўзлари дастак қилиб олинган эди. Бунинг оқибати аянчли бўлиб чиқди. Саноат ишлаб чиқариш жараёни саноқсиз дудбуронлар, миллион тонналаб кўмир, пўлат, миллион киловат соатлаб электр қуввати, қишлоқ хўжалиги эса миллионлаб тонна пахта билан белгилана бошлади.

Вақт ўтиши билан демография ва унинг географияси бузи-либ борди. Табиий бойликларнинг тугаб бориши мумкинлиги Мальтус таълимоти баҳонасида бузиб кўрсатилди.

Олимлар бундан қирқ йиллар бурун табиат муҳофазаси борасида ягона ташкилот тузиш масаласини кўйган эдилар. Собиқ Иттифоқ республикаларида бундай қўмиталар 60-йил-дар охирида ташкил қилина бошланди.

Республикамизда ўз беғуборлигини сақлаб қолган бокира гўшалар, масканлар кўп. Ана шундай кўркам жойларга зарар етказмасдан, улардан тадбиркорлик билан фойдаланиш мум-кин: бу жойларга сайёхлар жалб этилса, фойдадан холи бўл-майди.

Ҳозирда дунёда бокира сақланган табиат юкори қадрлана-ди. Ҳали ўз сўлимлигини ўйқотмаган, асорат исканжасига туш-маган жойлар Америка Кўшма Штатларига ҳамда Африка қитъасидаги Кенияга миллионлаб доллар даромад келтирмок-да. Сайёхларни бундай жойлар билач таништирувчилар кўпроқ геологлар, зоологлар, ботаниклар, этногрэфлар, археологлар бўлиши мақсадгага мувофиқ бўлур эди.

Умуман, табиат муҳофазасига техникавий жиҳатдан эмас, балки кўпроқ экологик нуқтаи назардан ёндошиш керак бўла-ди. Табиат жабхалари бўлмиш ҳаво, сув ва тупрокнигина эмас, балки бутун табиатни асрашда фаол қатнашадиган ҳаёт-ни таъминловчи биогеоценоз, гипроценоз ёки экотизимни сак-даб қолиш зарур. Бунда ландшафтлар, ер ости конлари, ёвво-йи турлар генофонди, уй ҳайвонлари генофонди ҳамда маданий ўсимликлар асосий табиий омиллар ҳисобланади. Буларсиз инсониятнинг рисолали ҳаётини тасаввур қилиш қийин, кела-жак авлодларнинг генетик жиҳатдан баркамол бўлиб етиши-шини таъминлаб бўлмайди.

Укувчилар, талабалар, шунингдек барча табиат ошуфта-дарига ҳавола этилаётган мазкур китобда биз яшаб ижод эта-ётган, меҳнат қилаётган табиат экологик жиҳатдан бенуқсон бўлишини таъминлаш борасида сўз юритилади.

Экологпянинг гигиеник асослари устида сўз борадиган бу китоб ҳақида билдириладиган таклиф, истак ва мулоҳазалар-ЯИ муаллифлар бажонидил қабул қиласидилар.

ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Экология табиат билан узвий боғлиқ бўлган фанлар қато-ридаги ўзига хос илм жабҳаси бўлиб, утирик организмнинг яшаш шарт-шароитларини, организм билан табиий муҳит ўртасидаги ўзаро боғланишларни чукур ўрганади.

Бизни ўраб турган барча ўрмонлар, музликлар, тоғу дашт-лар, ҳавою сувлар, хуллас табиатнинг ҳар бир шоҳобчаси одамнинг аъзолари каби бир-бири билан узвий, мувозанатли тарзда боғлангандир. Табиатнинг бирон-бир жабҳасида содир бўладиган ўзгариш, ўз навбатида, унинг мувозанатига қандай-дир таъсир кўрсатмай қолмайди.

Хозирги замон фан-техника тарақкиёти, шунингдек табиат-га антропологик (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир эткшининг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланишн маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда,. бу эса ер гозида ҳаётий жараён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асрараш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Экология сўзи грекча сўз бўлиб, экос— уй-жой ва логос — фан (таълимот) деган маънони англатади. Бу атамани 1866 йилда биолог—дарвинист олим Э. Геккел фанга киритган эди, Бироқ, Геккел фикрича, экология тирик моддаларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати тушунчасинигина берадики, бу,, албатта, мазкур фанга акча тор қарашдир.

Экология фани организмларнинг ўзаро ва улар яшайдигав муҳит билан муносабатларини ўрганади, яъни тирик мавжуд-дот ва унинг маълум ҳудуд ва экваторияларга тўғри келади-ган муҳитларидан иборат тизимлари табиатини тадқиқ этади, Бу эса экологик тизимлар ёки ихчам қилиб айтганда, экоти-зимлар деб айтилади.

Утган асрларда яшаб ижод қилган буюк олимлардан Ла-марқ, Гумбольд, Сент Иллар, Северцев ва бир қанча бошқа олимлар ўзларининг илмий асарларида экология асосларини ёритишга ҳаракат қилгандар. Шуни айтиш керакки, экология фан сифатида аслида XX асрнинг бошларида ривожлана бошлади. Тирик организмларнинг яшаш учун кураши тўғрисидаги Дарвин таълимоти экология фанининг асосий хизматин» ўтайди.

Таниқлн олимлардан Я. Н. Павловский, В. Л. Сукачев, С. И. Вавилов ва айниқса, В. И. Вернадский экология фани ривожига салмоқли хисса қўшганлар. В. И. Вернадский биос-фера таълимотига кўп янгиликлар киритган олимлардан биридир.

Экология табиатдаги мувозанатни, табиий ҳодисаларни ат-рофлича ўрганувчи истиқболи кенг фан хисобланади.

Эндилиқда жадал суръатлар билан ривожланаётган фан-техника ва унинг ютуқлари экологик нуктаи назардан кўриб чиқилиши лозим. Атроф-муҳитни муҳофиза этиш ва табиат эхсонларидан тадбиркорлик билан фойдаланиш ҳар бир инсон-га тааллуқlidir.

Табиий фан бўлган экология, ўз навбатида, бўр-бири билан узвий боғлиқ уч қисмга — факторал, популяцйон экология ва биогеоценологияга бўлинади.

Факторал экология ёки бошқача қилиб айтганда, аутоэко-логия тур ёки жинс вакилларини ўраб турган атроф-муҳит би-лан бўладиган ўзаро муносабатларни ўрганувчи экология шоҳобчасидир. **Авто** экология гоҳо турдар экологияси деб ҳам аталади. Факторал экология организм физиологияси ва мор-**ФОЛОГИЯСИ** билан чамбарчас боғланган. Тирик ^рганизмга таъсир кўрсатувчи муҳит унсурлари экологик омиллар деб ата-лади. Бу омиллар иккп қпсмга — абиотик ва биотик деб ата-ладиган омилларга бўлидади.

Абиотик омилларга муҳитнинг жонсиз омилларн, жумла-дан, иқлими, топографик, гидрофизик ва гидрокимёвий омил-лар киради. Биотик омиллар эса тирик жониворлар таъсирида содир бўладиган ўзгаришлардир.

Ихлиний омиллар ичida ҳарорат (температура), намлик ва ёруғлик энг муҳим омиллар хисобланади. Чунки ҳар бир ор-ганизм маълум ҳароратда яшашга мослашган. Бу борада нам-ликнинг экологик аҳамиятига ҳам эътибор бериш лозим. Қу-йида намликнинг хиллари қайд қилинади.

1 м³ ҳаводаги сув буғининг грамм миқдорига мутлақ нам-лик дейилади. Маълум ҳароратда 1 м³ ҳажмдаги ҳавони тўй-интириш учун кетган сув буғларининг грамм миҳдорига кат-та намлик дейилади.

Одатда, амалиётда кўпинча ҳаво намлиги кўрсаткичлари ифодаланади. Мутлақ намликнинг энг кўп намликка бўлган (фокзли нисбати намликни беради.

Пксбий намлик ҳавонинг сув буғлари билан тўйинганлик даражасини тавсифловчи фоизли кўрсаткичdir.

Табиатдаги ҳар бир тирик организмни унинг сувга эҳтиёжн ҳамда яшаш жойларини хисобга олиб, бир қанча экологик гу-руҳларга бўлиш мумкин. Жумладан, гидрофил гурухига кирадиган жониворлар факат сувда яшай олади, гигрофил гу-руҳига кирадигаклари намлик жуда юқори бўлган жойларда яшайди, мезафил гурухига кирадиганларнинг эса сувга эҳтиёж-жи кам бўлади. Кўрсатиб ўтилган гуруҳлар ҳар бир экологик шароитда яхши индикатор—кўрсаткич хизматини ўтай олади.

Экологик омиллар орасида ёруғлик нури иқлимин омил-ларнинг асосий унсурларидир. Мавжуд тирик организмларнинг аксарияти ёруғлик билан узвип боғланган, сабаби ёруғлик табиат учун зарур кувват манбаларидан бири ҳисобланади.

Эндафик омилларга тупроқнинг барча табиий, шу жумла-дан кимевий хусусиятлари

(тузилиши кимёвий таркиби, туп-рокда айланиб юрувчи газ, сув, органик ва минерал унсурлар ва хрказо) киради. Бу омиллар тупроқда доимо ёки бирон лтуддат яшовчи организмларнинг фаолиятинн белгилайди.

Гидрохимия, гидрофизика омиллари эса сув билан бево-сита боғлиқ омилларга киради. Сувнинг экологик қинмати унинг табиий, шу жумладан кимёвий хоссалари ва ҳаракат-чанлиги билан белгиланади. Шу нарса маълумки, сув турли хил организмлар хаёт кечирадиган мухит ва макондир.

П о п у л а ц и о н э к о л о г и я тузилмаларнинг шаклланиш шароитини ва бир турнинг айрим гурухлари популяциясини динамикада ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, популяцион экология ҳар хил турлар микдоридаги (сонидаги) ўзгариш-ларни ўрганиб, унинг сабабларини аниқлайди. Турларнинг популяцион экологясини билмай туриб, табиат ва унинг ре-сурсларидан илмий асосда фойдаланиб бўлмайди.

Биз идрок этадиган табиатда учраб турадиган табиий ҳо-дисаларни таҳлил қилиш йўли билаи ҳар хил турларнинг мик-дор жиҳатидан кўпайишига ёки камайишига ташки мухитнинг абиотик ва биотик таъсирларини ҳисобга олиб, уларни бошқа-рнш мумкин бўлади.

Популяция тўғрисидаги таълимот асосида табиатдаги кўп-гина мураккаб ҳаётин жараёнларни, яъни биогеоценоз - ла рни ўрганишга имконият яратилади, Биогеоценозларни ўрганишга биогеоценология дейилади.

Биосфера оддий бирламчи тузилмасининг бирлиги биогео-ценоздан[^]. Бу тушунча биринчи бор В. Л. Сукачев томонидан фанга киритилган эди. Биогеоценоз биосферанинг кичик бир қисми бўлиб, ўзининг жойлашиши, иқлими, гидрологияси ва биотик шароитига кўра бир хилдир. Шунингдек, у бир типдаги ўсимликклар туркумидан иборат бўлиб, унга шу жойда яшай-диган ҳайвонлар, жумладан микроорганизмлар, тегишли ер юзас:[!], геологик тузилиш, шароит, миқроиклим, тупроқ, сув ре-жими, унинг ўзгача таъриф ва хусусиятлари киради.

Биогеоценоз таркибида ўсимлик компоненти (таркибий қис-ми)—фитоценоз, ҳайвонлар компоненти — зооценоз ва мик-роорганизмлар тегишилдир. Булар тупроқда, сувда ёки ҳавода маълум шароқтда микробларнинг биокимсвий жараёнларини ташкил этади.

Биогеоценозлар ра.чг-баранг бўлиб, иқлим ва айнм бир жойнинг тарихи, табиатига боғлиқ ҳолда вужудга келган. Ма-еалан, тролик мінтақаларга хос ўрмонларнинг биогеоценозлари анча қашшоқ Арктика тундраларига нисбатан маҳсулдор-лиги билан ажralиб туради. Шунингдек, океан тубиддиги биогеоценозлар денгиз ва океанлар соҳили яқинидаги саёз жой-лар биоценозларига қараганда сермаҳсул эмаслиги билан аж-ралиб туради.

Табиатда биогеоценознинг турли тирик компонентлари бир-лашиб, яшаш жараёни натижасида биологик бирлиқ, яъни биоценоз ҳосил бўлади.

Уз навбатида, биоценоз барча турдаги жониворлар популя-циясининг йиғиндиси бўлиб, маълум бир географик худудда ҳаёт кечиради. Бундай худудлар қўшни жойлардаги тупроқ ва сувларнинг кимёвий таркиби ва табиий кўрсаткичлари, яъни жойнинг баландлиги, кўёш нури билан таъминланиши ва бош-қа томонлари билан фарқ қиласи. Биоценозда яшайдиган на-ботот намуналари ҳамда ҳайвонлар доим бир-бирига нисбатав маълум муносабатда, алоқада бўлақи. Биоценоз ривожланади ва бу ривожланиш жараёни одатда узоқ давом этади. Инсон ўзининг ҳаётини фаолиятида биоценозни ўзига маъкул бўлган тарафга ўзгартириши мумкин.

Бир қанча олимлар биосферанинг оддий тузилма бирлигини экотизим деган ном билан атайдилар.

Биосфера — ҳаёт, яшаш соҳаси, ернинг ҳаётга макон бўл-тан, тирик организмлар тарқалган жойидир. Биосфера атмос-феранинг пастки қисми (тропосфера)ни, ер юзасининг океан, денгиз, кўл, дарё сувлари билан қопланган қисми (гидросфе-ра)ни ҳамда ер қобигининг устки қисми (литосферани)ни ўз ичига олади. Ер қобиги, унинг таркиби, тузилмаси ва энерге-тикаси кўп жиҳатдан тирик организмларнинг ўтмишдаги ёки хозирги ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлади. Гидросфера ва литосфера гўё моддалар ва қувват айланганидек, мураккаб биокимёвий цикллар билан ўзаро боғлангандир.

Ер сатҳида миллиардлаб йиллар давом этган эволюция биосфера қўйнида берк ҳалқа ҳосил қиласи: ўсимликлар ола-ми карбонат ангидридни ўзига сингдиради. ҳаётба>ш кисло-родни ишлаб чиқаради. Инсон ва ҳайвон кислороддан баҳра-манд бўлиб, ўсимликларни ва уларнинг маҳсулотларини истеъ-мол қиласи ҳамда карбонат ангидридни ажратиб чиқаради. Булардан ташқари, организм моддаларни ва ўлган жонивор-ларни, ўсимликларни бактериялар, замбурурглар ва яна бошқа омиллар қайта ишлайди, натижада мазкур моддалар яна фой-дали озука манбаига айланади.

Юкорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тирик организмлар билан маълум мухит орасида моддалар ал-машинуви жараёнида ҳаёт учун зарурий кимёвий омиллар, атмосфера ва литосфера ҳосилалари бевосита иштирок этиши мумкин.

Табиий ҳодиса бўлган моддаларнинг табиатда айланиши жараёнида бир қанча кимёвий унсурлар, жумладан азот, фос-фор, кальций, калий, темир ва ҳоказолар,

шунингдек сув ва ҳаво бевосита иштирок этади. Жуда мураккаб кимёвий ва биологик жараёнлар туфайли, шунингдек турли организмларнинг бевосита қатнашиши натижасида тупроқ ҳосил бўлади.

ТАШҚИ МУХИТ ВА ТАЖОВУЗКОР (АГРЕССИВ) ОМИЛЛАР

Инсон, қолаверса барча жониворлар олами яшаётган ат-роф-мухит, табиий ходисалар, жумладан вулқонлар, ер кимир-лаши, самовий жисмлар тушиши, тўфон, довул, яшиндан ўт келиши, курғоқчилик, шунингдек бевосита одамларнинг ҳаёт фаолияти билан ўзгариши, ифлосланиши кузатилиди. Инсон, зоти билан боғлиқ атроф-мухитнинг ифлослакиши хусусида тўхталиб ўтамиш.

Хавфли чиқиндилар. Аниқ маълумотларга қараганда, ҳо-зир ҳар бир киши ўзининг ҳаёт фаолиятида бир йил мобай-нида 1 m^3 ахлат қолдиради. Шунча микдордаги чиқинди ша-ҳар, республика ёки ҳамдўстлик давлатлари миқёсида кўрила-диган бўлса, унда атроф-мухитимиз қанчалик ифлосланиб ке-тишиг.н тасаввур қилиш мумкин бўлади. Масалан, биргина Фаргоя шаҳридан 150 минг тонна ахлат чиқариб ташланади (Г. Гафуров, 1990).

АҚШда 1986 йилда ҳар бир истемолчига 1 тоннадан хавф-ли чиқинди тўғри келганлиги қайд этилди. Турли хил эритма-лар, оуевчи моддалар, пестицидлар ва бошқа кимёвий маҳ-сулотлар, ўз навбатида, тупроқ, сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавоси булғанишига сабаб бўлади. Ҳар ҳюда саноат ҳамда хўжалик чиқиндиларини зарарсизлантирувчи, айrim ҳолларда чиқинди моддаларга ишлов бериб, улардан қисман фойдали маҳсулотлар олишга мусассар бўлинмоқда. Чунончи, ҳар бир тонна хўжалик чиқиндиларидан ўртача 250 кг макулатура, 30 кг қора металл, 3,5 кг рангли металл ажратиб олиш мум-кин. Ваҳоланки, бундай тадбиркорликка бизда етарлича эъти-бор берилмайди. Чиқинди моддалар маълум харажатлар эва-зига чиқариб ташланади ёки йўқотиб юборилади.

Манбаларда қайд этилишича, хўжалик ахлатлари тадбир-корлик билан маҳсус усулда ёқиладиган бўлса, улардан маъ-лум даражада фойда кўриш мумкин. Биргина Масков ахлат ёкиш заводи йилига 100 минг тонна қайнок бўғ ҳосил қилиб, у уй-жой ва хўжаликларни харорат билан таъминлаш тизи-мига сарфланади.

Айтиш мумкинки, биргина Фаргона шаҳридан олиб чиқи-ладиган ахлатлар учун ярим миллион сўм сарф бўлади. Уша ахлат-чиқиндилардан тадбиркорлик билан фойдаланилса, халқ хўжалиги, жумладан саноат учун керакли маҳсулотлар (металл, қозоғ, тола ва ҳоказо), иссиқлик олиш ва уларни тегиш-ли мақсадлар учун ишлатса бўлади.

Инсон ҳаётининг табиаг билан боғлиқлиги. Дарҳакиқат, ин-сон борки ҳаёт учун курашади, табиатнинг барча инжиқлика-рига мослашишга интилади. Ҳар бир киши идроки, ўзига ҳос мушоҳадаси билан табиат неъматларидан фойдаланади, қуради, бунёд этади. Одатда бирор мақсадни кўзлаб, табиатнинг муайян жабҳасига таъසпр кўрсатилиши мумкин. Жумладан, яаш учун иморат куриладиган бўлса, тегишли жойлардаги гиёхлар, дарахтлар йўқотилиб, замнн тайёрланади, бир вакт-лар яшнаб ётган жой сифат ўзгарниши билан инсон истикомат киладиган масканга айланади. Кўриниб турибдики, сдам маъ-лум бир мақсад билан атроф муҳитга, табиатга таъсир кўрсат-япти. Мингларча одамлар ўзлари учун пстнқомат жойлари барпо этар эканлар, бунинг натижасида бокира табиатда кан-дайдир ўзгариш содир бўлади, оқибатда табиат камбағалла-шади. Инсон қурилиш материали сифатида тасий ўрмонларнн керагича кесади. Демак, ўснмлик дунёси қксқариб, ўз навба-тида, атмосфера ҳавосининг мусаффо бўлишига раЖна тегади, тупроқ эррозияга учрайди, ер ости сувлари камая бсрди, кўч-килар пайдо бўлиб, сел натижасида жарликлар ҳсеил бўлиши мумкин.

Келтирилган лавҳа—бу катта ҳаётдан бир қатрагккадир. Инсоният ўзининг ҳаётий фаолияти лораёнда мақсадли ра-вишда табиат эҳсонларидан фойдаланиши билан бнрга, атроф муҳитга атайин, кўра-била туриб, катта заарар келтириш ҳол-лари кўплаб учраб туряди. Табиатга нисбатан кўр-кўронада ёндошиш, унинг эҳсонларидан аёвснз, бережа фсайдалакшк. пкровардида оғир асоратлар қолдирнин мумкин.

Бизни ўраб турган бутун табиат, борлиқ минг йкллар мо-байнада шундай бир мувозанатга келганкк, унинг бир жаб-ҳасига етказилган озор бошқа жабҳаларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Орол муаммоси. Инсон табиат бойликларидан, уининг эҳсон-ларидан оқилона, режали фойдаланмас экан, у ўз марҳамати-ни кўрсатавермайди. Табиатга таъсир этишда баъзан жиддий хатоликларга йўл кўйилиши мумкин. Буни Орол фожиасида кўрса бўлади.

Сайёрамизнинг энг катта экология фалюкати бўлмкш Орол муаммоси жуда кескин тус олди. Қенг минтақада санитария-эпидемиология, ижтимоий-иктисодий ва экология вазияти кук сайин ёмонлашиб бормоқда. Ҳаёти бевосита Орол билан туташ бўлган Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон республикаси, Қизил Урда ва Тошховуз вилоятларида турмушнинг барча соҳалари-да жонсарак вазият вужудга келди, одамларнинг яаш шароити ва сиҳат-саломатлиги кесккн ёмонлашмоқда, аҳолининг за болаларнинг нобуд бўлиш даражаси ошмоқда («Совет Уз-бекистони», 8.111. 1991).

Минтақадаги экология вазияти инсон назэратидан чиқиб кетди. Орол атрофи иклими

кескнн смонлашмс-қдэ. Декгизнинг қуриган тубидан туз ва кумнинг ҳавога учиши кучаймоқда. Минтақадаги ичимлик сувнинг асосий манбалари — Амударё ва Сирдарёнинг пестицидлар билак хатарлк равишда булғани-ши ва туз босиши давом этмоқда. Сизот сувлари кўтарилимок-да, боғ ва токзорлар нобуд бўлмоқда, иморатлар емирилмоқда. Тупроқ унумдорлиги пасаймоқда, яйловлар завол топмок-да. Денгиз суви ҳаддан ташқари шурланишин оқибатидл унда балнқ овлаш тўхтаб қолди. Сахро кенгайишининг жаҳон аҳа-миятнга молик маданий, тарихий ва меъморий ёдгорликларга вайрон қилувчи таъснри кучайиб бормоқда. Мазкур эколо-гия фалокатининг халқ хўжалигига етказаётган иқтисодий за-рари умуман Орол атрофи бўйича йклига бир неча миллиард сўмга етмоқда. Шуни айтиш керакки, нэбуд бўлаётган табиат дурданаларини, айниқса инсон ҳаётини хеч қандай пул билан ўлчаб бўлмайди. Орол денгизи қуриб, Орол бўйлари сахрога айланниб бораётганлигига мустакил республикалар давлат ҳам-да хўжалик идораларининг денгиз ҳавзасида пашлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш стратегиясини нотўғри танлаганлик-лари, ер ва сув бойликларидан экстенсив фойдаланганланги, бу ерларда асосан пахта ва шоли етиширишга берилиб кетган-тнги сабаб бўлмоқда.

Оролнинг қуриб боришига сабаб шунингдек сугориши ти-зимларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишда қўпол хатолик-ларга йўл қўйилишидир. Сув истеъмол қилиш солиштирма сал-моғи лойиҳада белгиланганидан ошиб кетмоқда, коллектор-зовур тармоғи мутлақо етишмаслиги ва қаровсиз ҳолда таш-лаб қўйилганлиги шароитида бу нарса ерларнинг кенг миқёс-да шўрланишига, уларнинг дехқончиликда ишлатилишидан чиқиб қолишига олиб келмоқда.

Юқорида келтирилган маълумиглардан қўриниб турибди-ки, инсоннинг ақл-заковати, тадбиркорлиги, режа билан иш тутнши табиатга озор бермаслиги лозим. Агар инсон атроф-муҳит ва табиатга кўр-кўrona қарайдиган бўлса, у ҳолда уни ўнглаб бўлмайдиган асоратларга дучор қилиши мумкин.

Инсон ва ҳайвонот олами. Инсон ўзининг ҳаёт фаолияти билан экологик мувозанатдаги ҳайвонот дунёсига маълум да-ражада таъсир кўрсатади.

Узбекистонда 38 миллион гектар ов майдони бўлиб, шунинг ўндан биригина овчиликка тегишилди, қолгани резерв фонди хисобланади. Республикада қўриқхона худуди 249 минг гек-тарни ташкил қиласди. Мазкур жойларда 3,5 минг ёввойи чўч-қа ва кийиклар, 20 минг қуён, 550 сувсар, 8 минг тулкн, 25 минг ондатра, 92 минг каклик, 645 мингдан ортиқ сувзувчи қуш яшайди. Республиkaning ўрмон фондида 5 миллион гектарча майдон бор. Қўриқхона майдонлари нисбатан оз бўлиб, улар кенгаймаяпти. Бирпша Чотқол қўриқхонасины сақлаш учун йилига миллион сўм ажратилади. Республика Урмон ху-жалиги вазирлиги қарамоғидаги қолган етига қўриқхонага эса ярим миллион сўм сарф қилинади. Уларда ҳозиргача ўрмон давлат назорати йўқ. Бунинг оқибагида муҳофаза қилиш иш-лари жуда ночор ахволга тушиб қолган. Кўп йиллик дараҳт-ларник сэни камайиб бормоқда. Соҳиллардаги дараҳтлар ке-силиб кетиши натижасида тупроқда намликни сақлаш издан чиқмоқда. Қейинги ўн йил ичидаги тўқайзорлар майдони икки марта камайиб кетган («Правда Востока», 21.11. 1989).

Табиий тўқайзорларнинг камайиб кетиши у ерда макон қу-радиган ноёб ва нодир қушлар йўқолиб, тўқай шаронтида ўса-диган наботот олами барҳам топишига шароит яратади.

Маълумки, каркидоннинг биргина зирхли шохи ёки фил-нинг тишлари учун бу ажойиб ҳайвонларни нюбуд қиласдилар ёки жаннати қушларнинг биргина ҳошияли патлари учун улар-ни ов қиласдилар. Бир вақтлар Тинч океани соҳилларида ўта беозор дengiz сигирлари яшаган. Табиатнинг бу ноёб маҳсул-лари бевосита одамларнинг айби билан ер юзидан йўқолиб кетди. Ҳозирда баъзи манбаларда Тасмания бўриси бўлтланлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ўзига хос тарғил, ажойиб ҳайвон ҳам одамлар томонидан аёвсиз қириб юборилган. Шу-ни айтиш керакки, бир тоифа ҳайвонот ва қушлар ўз ма-конларидан ажралгач, ўлимга маҳкум бўладилар.

Харбий можаролар ва экологик ҳолат. Табиат шундай бир нафис нарсаки, унинг бокираги ҳамда покизалигига жуда осонлик билан зарар етказиш мумкин. Қиёс қилиб айтганда,, катта бир дарёга ташланган бир неча килограмм калий циа-нид бутун дарё оқимидағи жонзотларни қириб юбора олади.

Ҳозир табиат муҳофазаси, инсонлар яшаши учун шароитни сақлаш қолиш улкан муаммолардан бири бўлиб қолди, бу нар-са сайёрамиздаги мамлакатлар, синфлар, ижтимоий гурухлар манфаатларига тааллуқлидир.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида жуда кўп микдорда ядро-қуроллари йиғилиб қолган. Бу эса башарият ҳаётига катта хавф туғдиради. Мазкур қуролларнинг ўзи у ёқда турсин, ҳат-то радиацияси ҳам Ер курраси иқлимининг совуб кетишига,, иқтисодий ва ижтимоий талафотларга сабаб бўлиб қолмасдан, балки бутун биосферанинг ҳалокатига олиб келади. Шу боис-дан экология билан боғлиқ бир қанча масалаларни халқарс* ҳамкорликда ҳал этишни, ҳарбий тўқнашувларга йўл қўймас-ликни тақозо этади.

Тарихда жуда кўп қонли тўқнашувлар, кирғинбарот уруш-лар бўлган, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, табиатга маъ-лум даражада озор етказган бўлса, эндиликда хавф туғдира-диган урушларнинг оқибатини баён этиш жуда қийин. Жумла-дан, Форс кўрфази можаросида миллион тонналаб нефть ден-гизга оқиб тушиб, кўрфаз сувларини хавфли

даражада ифлос-лантириб юборди, бундан ташқари, ер сиртидаги бурғу-нефть конларининг ёниши натижасида уруш бўлиб турган ҳудудлар-нинг атмосфера ҳавоси булғанибина қолмасдан, балки уруш-да қатнашмаган давлатларнинг табиатига жиддий зарар ет-казилди. Ёнғинлар натижасида Ироқ, Эрон, Саудия Арабис-тони ва Туркияда жуда кўп курум гўкилди, қора ёмғирлар-ёғди. Мутахассис олимларнинг фикрича, мазкур минтақаларда онкологик касалликларнинг кескин ошиши кузатилди («Прав-да», 11.02. 1991). Бу можарюнинг яна бир ўта хавфли томони шундаки, денгизга қуюлган нефть маҳсулотлари Аляскада юз берган фалокатдан ҳам ошиб кетди. Нефть сув юзасида ҳосил килган мойли парда сувга кислород сингишини кескин камай-гириб юборди. Оқибатда денгиз суви муҳитидаги фитопланк-тон ва зоопланктонлар деградацияга учраб, денгизнинг биоло-гик маҳсулотларида кескин ўзгаришлар содир бўлади. У эса, ўз ъавбатида, денгиз баликлари ва бошқа жониворларнинг нефть ҳосиллари билан заарланишига сабаб бўлди. Денгизнинг заарланиши қишлош учун учеб келган ноёб ва камчил күш-ларнинг ҳаётини хавф остида қолдирди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бир миллиондан 5 миллион тоннагача нефть тахминан 10 квадрат километр майдонда ёна-диган бўлса, унда атмосферага бир миллион тоннадан ортиқ заҳарли моддалар, асосан аэрозоллар тушади. Бундан таш-қари, кўплаб ёқилгининг бемаврид ёниб туриши ҳаво ҳарора-тининг ошишига сабаб бўлади. Оқиб тушган нефть 10 йилгача ўз асоратини бериб туради. Кувайт ооҳилларида денгизга тў-гилган нефть 1700 минг тонна (11 миллион баррель) бўлиб, у 4—5 сутка оқиб турди, оқиб кетган нефть 2,5—3 минг квадрат километрли сув сатхига ёйилиб кетди.

Жаҳоннинг бир майдонида бўлган фалокат, ўз ъавбатида, бир талай мамлакатларнинг экологик ҳолатига салбий таъсир қилмасдан қолмайди. Уруш вақтида эмас, балки тинч даврда содир бўлган Чернобиль АЭС и фалокати (20.04. 1987) бир қанча мамлакатларга хавфли таъсирини кўрсатди. Фалокат юз берган вақтда Урал томондан эсган антициклон, суст жанубий, жанубийшарқий шамол (таксиман 35 км/с) радиоактив моддаларни суреб кетди. Скандинавия мамлакатлари биринчи бўлиб радиоактив моддалар асоратига тушдилар, 1987 йил 27 апрелда Финляндияда радиоактив фоннинг ортиши кузатилди, 28 апрелда Швециянинг Стокгольм шаҳрида радиация фони икки марта ортиб кетгани қайд этилди. 28—29 апрель кунлари 137,3_п ва 1311 минг даражаси 2—5 ва 6—12 Бк/м³ диапазонида ўзгариб турди. 29 апрель куни Чернобиль районида об-ҳаво-еинг ўзгариши туфайли радиоактив чиқиндилар Марказий Европа мамлакатларига қараб йўналди. Парижда радиоактив омилларнинг ҳавода энг кўп бўлиши 1—2 май кунларида қайд этилган бўлиб, 137,5_п ва 1311 ларнинг салмоғи 2 ва 10 Бк/м³ га етди, 3 май куни Хюнсю (Япония) оролида радиоактивлик даражаси ошганлнги қайд этилди. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди-ки, ҳозир бир жойда фавқулодда содир бўладиган фожиавий ҳолат бошқа ҳудуд, бошқа мамлакатларга ўтиб, у ердаги бар-ча жонли мавжудотларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чернобиль фожиаси жуда катта моддий зиён етказибина қолмай, балки қанчадан-қанча одамларнинг саломатлигига путур етказдп, ҳали ҳам озор бериб келмоқда. **Табиат ва иксон.** Барча тирик ва нотирик табиий омил-ларнинг, биологик турлар, шу жумладап иксон ҳаёт фаолияти-га бевосита ёки билвосита таъсир қнлпшига та би ий ша- *** ро и т л а р дейилади.

Табиий ресурслар ва неъматларнинг истеъмол қилинкши ҳамда одамнинг ишлаб чиқариш жараёни, бевосита фаолияти табиий шароитларга таъсирини кўрсатмай қолмайди. Инсон-нинг табиатга турли ўйлар билан таъсир қилиши, инсон фао-лияти туфайли бўладиган табиий ўзгаришларга а н т р о п о - г е н таъсир дейилади. Инсон табиатга нисбатан кўрсатадиган таъсирининг салмоғи турлича бўлиши мумкин. Баъзи антропо-ген таъсир маълум бир чегарани ташкил қилиши мумкин. Ма-салан, бирор-бир кичик дарёга тўғон қуриладиган бўлса, сув-лар тўпланади ва бунинг иатижасида мазкур жойларнинг атрофидаги сизот сувларининг кўтарилиши кузатилади. Антро-поген таъсирининг кўлами янада кенг в.а каттароқ бўлиши мум-кин. Ҳозирги энергетиканинг шиддат билан ўсиши натижасида бутун ер курраси атрофидаги ҳаво ҳарорати маълум даражада кўтарилиши ва бунинг оқибатида Гренландия ва Антаркти-данинг абадий музлари эрий бошлиши мумкин.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ВА ИНСОН

Атмосфера ҳавоси Ерни ўраб олган газли қатлам — табиий. омиллардан биридир. Атмосфера ҳавоси таркибида бир қанча газлар бўлиб, уларнинг асосини азот, ок-е*н=ен (кислород), кар-бонат ангидриди, х-йдр-оген (водород), аргон ва бошқа инерт газлар ташкил этади. Маълумотларга қараганда, ер устидаги ҳаво қатлами юқорига қараб 1500—2000 км гача тарқалган. Бу, албатта, шартли чегара ҳисобланади. Атмосфера ҳавоси-нинг асосий массаси денгиз юзасидан 5 км оралиқда ётади. Ер атмосферасининг умумий оғирлиги 5 кнадрл 157 трлн тон-нага тенгдир[^].

Атмосфера ҳавоси қўёшнинг иссиқлик нурини ўзидан ўтка-зиб, сақлайди. Атмосферада булутлар пайдо бўлади, ундан ёмғир, қор бунёдга келади, шамол ҳосил бўлади. Уз ъавбати-да, атмосфера ерга намлик беради, товуш ўтказади, ҳаётбахш оксиген манбай ҳисобланади. У модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган газларни қабул

қиладиган ҳавза бўшлиғи, ҳайвонот дунёси ва одам организмида кечадиган иссиқлик алмашинувига ва бошқа физиологик жараёнларга ўз таъси-рини кўрсатади- Шу боисдан ҳам атмосферада содир бўлади-ган физик, кимёвий ва биологик ўзгаришлар тирик организм-ларга, шу жумладан, инсон соғлиғига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг меҳнат қобилия-тига, ҳаётй фаолиятига, унинг умри маълум даражада қис-каришига ёки умрбоқийлигига ва умуман сиҳат-саломатлигига таъсир кўрсатади. Ифлосланмаган, куруқ атмосфера ҳавоси қуидаги тарки-

бий кисмлардан иборат: азот — 7 8,084%, оксиген — 20,947, ар-тон — 0,934, карбонат ангидриди — 0,0314, неон — 0,0018, гидроген — 0,00005, метан 0,0002, сульфит ангидрпди 0 дан 0,0001% гача.

Атмосфера ҳавосидаги ҳар бир газ ўзига хос физик ва кимёвий хусусиятларига эга бўлиб, улар табиатда маълум бир ўрин тутиши билан ажralиб туради.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар. Инсони-ятга, қолавереа барча жониворларга ҳаёт бахш этадиган атмосфера ҳавосини ҳозир асосан икки манба: табиий омиллар ва инсон фаолиятининг маҳсули — антропоген манбалар ифлослантиради.

Атмосфера ҳаассини ифлоелантнрувчи табиий омиллзрга вулқонларнинг отилиши, тоғ жинсларининг емирилиши, ўрмон-ларга ўт кетиши натижасида атроф мухитга зарарли омиллар ёйилиши каби оғатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Антропоген ифлосланишлар асосан саноат корхоналари,.. автомобикъ, ҳаво, темир йўл, сув гранспортлари чиқинди ва ажратмалари, шунингдек турли хил ёқилғилар ишлатилиши натижасида пайдо бўладиган зараоли моддаларнинг ҳаво ҳавдасига тушиши оқибатида содир бўлади.

/Сўз атмосфера ҳавосининг ифлослакиши борасида борар экан, бу ўринда В. В. Вернадскийнинг «Биосфера» деган ки-тобидан қуйидаги ибораларни келтириш мумкин: <Инсон ат-роф мухитга ўзининг ҳар томонлама таъсир этиши билан бош-қа тирик оргағжЗмлардан ^нчдАарқ қилади.

Бу фарқ инсон ҳаётининг пбтидосида катта эди, вақт ўти-ши билан улар орасидаги фарқ янада катталашади».

Дарҳақиқат) инсон ўзининг ҳаёт фаолияти билан табиатга таъсир ўтказмоқда. Транспорт воситаларининг кундан-кунга кўпайиб бориши, ер бағрини, тоғу тошларни ағдар-тўнтар ки-ладиган кудратли механизмларининг яратилниши ва улардан кснг кўламда фойдаланриши саҳоватли табиатга, шу жум-ладан, атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатиб, унинг бо-киралигига рахна солади.

Улкан саноат корхонъларини, катта-катта биноларни, уйжойларнл иситишида тошкўмирнинг салмоғи ҳали ҳам баланд. Ҳозир ҳаётимизнинг турли жабҳаларида тюшкўмир билан бир қаторда^ тбрф, нефть маҳсулотлари, газ, атом қуввати ишлатилмоқда.

Кўриниб турибдики)^ ҳозир атроф мухитнинг, шу жумладан, атмосфера ҳавосининг кўпдан-кўп саноат корхоналари, автотранс.орт воситалари, қолаверса турмушимизнинг кўпгина жабҳаларида фойдаланиладиган кимёвий моддалар билан ифлосланиши, сўзсиз, аҳоли саломатлигига озор бермасдан қолап восини доимий (стационар) равища ифлослантирувчиларга <саноат корхоналари, коммунал ва қувват ишлаб чиқарувчи объектлар кирса, ҳаракатдаги ифлослантирувчиларга автомобиль, -темир йўл ва ҳаво транспорт воситалари киради. , , , ,

Саноати юксак даражада ривожланган Америка Кўшма Штатларида атмосфера ҳавосини ифлослантиришда саноат корхоналари ва қувват ишлаб чиқарадиган обьектлар салмок-ли ўрин тутади. Мазкур обьектлардан чиқадиган чанг-.лар — 76,8%, олtingугурт оксидлари — 96%, азот оксидлари— 44,5%, карбонат оксидлари — 13,3%, углеводородлар — 14,4% ни ташкил қиласидиган бўлса, ҳаракатдаги ифлослантирувчи манбаълардан чиқадиган чанглар — 5,5%, олtingугурт оксид-,лари— 1,3%, углеводородлар — 60%, азот оксидлари— 49,1% ни ташкил этади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўладиган «омилларга хо.м ашёга ишлов бериш (куйдириш), пўлат эри-тиш, домна ўчоклари фаолияти, кокс-кимё жабҳаси ва бошқа-лар киради, чунки улар заҳарли газ ва чанглар чиқариши би-,лан ажralиб туради. Бу корхоналар ажратиб чиқарадиган асосий заҳарли омиллар чанг, ис гази, сульфит ангидриди, азот оксиди бўлса, металлургия корхоналарининг заҳарли моддалари ис гази, сульфит ангидриди, азот оксидларидир.

Ҳозирги замон металлургия комбинатлари дудбуронлар ор-қали кўп миқдорда таъсирчан моддаларни атмосферага чиқа-риб ташлаши устига улар ҳудудида жойлашган турли ҳаво ллмаштирувчи (вентиляция) шюхобчалари, мўъжаз дудбурон-.лар, шунингдек бир қанча цехлар ҳам ҳавога кўп миқдорда чанг ва заҳарли моддалар чиқариб туради. Шундай жойлар-дан ажратиладиган чиқиндилар барча чиқиндиларнинг 25—27% ини ташкил қилади.

Атмосфера ҳавосининг кўмир, темир, рангли металл конлари, маъданли ҳавзаларда ишланганда ҳам ифлосланиши кузатилади. Жумладан, ер юзасидаги темир конларидан маъданлар, рудалар олинаётганда портловчи моддалардан фойдаланилади. Бунинг оқибатида 200—400 кг портловчи модда.нинг кучли портлаб тупроқ

қатламини күпоришидан ҳавюга .100—200 тонна чанг күтарилади, шунингдек кўп миқдорда исгази ва бошқа таъсирчан моддалар ҳаво таркибига тушади. Маъданларни майдалаш, саралаш, куйдириш ва бошқа тур ишлов беришларда 1 м³ ҳавога 500—9000 мг атрофида чанг чиқади.

Кокс ишлаб чиқаришда атмосфера ҳавосини ифлосланти-рувчи асосий омиллардан бири — кокслаш жараёнида ажра-, диги чиқадиган газлар бўлса, печни шихта билан юқлашда эса тайёр маҳсулотлар берилаётганда чиқадиган газ ва чанглар-дир. Чанглар, одатда, хюм ашёлар туширилаётганда, майда-лаш жараёнида, кўмирлар сараланаётганда, маҳсулотлар тар-қатиш вақтида ва коксни ортишда пайдо бўлиб, атмосфера ҳавосини булғайди. Саноат миқёсида кокс ишлаб чиқаришда атмосфера ҳавосда газнинг ҳавога учиши ва тайёр маҳсулотни жўнатиш вақтида[^] күтариладиган чанг-тўзон туфайли заарланиши мумкин. Кў— пинча, газсимон моддалар, чанглар маҳсус дудбуронлардан ташқарига чиқариб юборилади. Мазкур чиқинди газ, қурум,,, чанглар таркибида турли кимёвий тажовузкор бирикмалар бў-лиши табиий ҳолдир.

Кокс шихтали ўчоқ (печь) оташхонасига ортилаётганда ва-олувчиларга берилаётганда ҳар тонна маҳсулот хисобига-чанг — 0,75, водород сульфид — 0,55, аммиак — 0,070, цианид-лар — 0,0004, феноллар — 0,13, бензолли углеводородлар — 0,16 кг миқдорида ажралиб чиқади.

Чўянни эритиш жараёнида атмосферага чанг, ис гази вая бошқа заҳарли омиллар кўп миқдорда учиб Чиқади. Домиз. ўчоқларига темирли маъданларни эритиш учун кокс ва оҳак ташлагандан ниҳоятда юқорат пайдо бўлади, натижада:^{*} эриган чўян ва шлак ҳосил бўлади.

Шунингдек, мазкур домна ўчоқларида газлар мажмуи пай— до бўладики, бу табиий ҳолдир. Учоқда ажралётган газлар-ўзи билан чангларни ҳам олиб кетади. Бу чанглар таркибинда 35—50% темир, 4—14% ис гази, 8—13% кремний тузлари, шу-• нингдек алюминий, магний, кальций, марганец ва олтингугурт" оксиди бўлади.

Мартен ўчоқларида асосан пўлат эритилади. Бу усул би-лаи пўлат олишда ёқилғи сифатида габиий газ, мазут ва бош-қа ҳарорат берувчи воситалар ишлатилади. Атмосфера ҳаво-сини ифлослантирадиган моддалар асосан чанг, олтингугурт юксиди, азотли бирикмалар ва ис газидир. Саноат чиқиндила-рининг таркиби пўлат қўйишида ишлатиладиган ёқилғиларга боғлиқ бўлади. Мартен ўчоқларида ҳосил бўладиган бир тон-на маҳсулотга 6—10 кг чанг, 0,5—2,0 кг ис гази, 0,5—1 кг сульфит ангидриди, 1—2 кг азот оксиди чиқиндилари тўғри келади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи обьектларга чўян ва пўлат қўйиш цехлари ҳам киради, бу цехлардан чиқадиган" аксарият заарли моддалар пўлат эритиш корхоналарининг чиқиндиларидан айтарли фарқ қилмайди. Юқорида кўрсатиб-ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, металлургия корхоналари атмосфера ҳавосини турли хил чанглар ва газси-мон мюддалар билан заарлайди. Шу билан бирга мазкур корхоналарнинг ўзи ҳам маълум даражада тажовузкор моддалар билан ифлосланади.

Буларга марказий иссиқлик электр станциялари, ИЭС иншоотлари киради. Электр қувваги ишлаб чиқарадиган. қозонларда кокс, газ, мазут ва тошкўмир кабилар ёнади. Атмосферага тушадиган газ ва чанглар ёқилғининг кимёвий таркиби, ёқилғидаги олтингугурт салмоғига ва бошқа омил-ларга боғлиқ бўлади. Тошкўмир ёқилғиси иссиқлик қуввати олишда кенг ишлатилмоқда, жумладан, Ангрен ГРЭСи, Оҳангаропдаги, Ширин шахрида қурилган ГРЭСлар тошкўмир ва мазут ёки хисобига ишлайдилар. Бу ёқилғилар ёниши жараёнида ҳосил бў-ладиган тажовузкор чиқиндиларнинг кимёвий таркиби кўп жиҳатдан ёқилғининг таркиби, ёниш жараёнининг тўла-тў-кнслигига боғлиқ бўлади.

Тошкўмир ёнаётган ўчоқка етарли даражада ҳаво берил-ганда ҳарорат 600—700°C даражасида сакланиб туриладиган бўлса, ёнилғи охиригача ёнади, бундай ёниш маҳеулоти СОг гази ҳамда сув буғлари бўлиб қолади. Мабодо, кўмир ёнаётган ўчоқка етарли даражада ҳаво берилмаса ва ўчоқ ҳарорати здеъёрдан паст бўлса, жуда кўп миқдорда ис гази, тўйинмаган углеводородлар, охиригача ёнмаган кўмир зарралари, қурум ва қатронсимон моддалар ҳосил бўлади.

Енилғи сифатида фойдаланилаётган тошкўмир таркибида минерал моддалар салмоғи ортиқроқ бўлса, шунингдек битум-ЛП кўмирлар ишлатилса, улар ёмон ёнади, ҳосил бўлган тутун таркибида кўп миқдорда қурум, қатронли моддалар бўлади.

Тошкўмир таркибидаги олтингугурт бирикмалари (1—6%), жумладан, колчедан, органик моддалар, сульфат унумлари атмосфера ҳавасини ифлослантирувчи асосий омиллардир.

Тошкўмир ёнганда ундан олтингугуртнинг 10% и ёнмайди. Ёнган олтингугуртнинг 90% и ҳар хил сифат ўзгаришида ҳаво билан аралашиб, 50_2 , шунингдек ЗОз гази ҳолатида адмосфе-ра ҳавосига кўтарилади.

Бу моддалар эса бутун жонли организмлар, шу жумладан одамлар ҳамда ўсимликлар дунёсига салбий таъсир кўрсатув-чи тажовузкор омиллардир. Агар 1 кг тошкўмурда 2% атрофида олтингугурт бўлса, ёнилғи ёниши учун 10 м³ ҳаво керак бўлади, ҳаво таркибига .20 г олтингугурт сингийди, ундан 18 грамми учувчан олтингугурт бўлиб, у 36 г сульфат ангидридни беради ёки ҳар бир атмосфера ҳавосида 3,6 гсулфид ангидриди бор дейиш мумкин.

Тошкўмирнинг ёнишидан кўп миқдорда (6—35%) кул пайдо бўлади. Бунда сланцлар ва кўнгир кўмирлар ёнганда пайдо бўладиган кул миқдори айниқса салмоқли бўлиб, 50—60% ни ташкил қилади. Демак, кул салмоғи кўп бўладиган бўлса, бу ёқилғиларда минерал унсурлар кўплигидан далолат беради. Қуллар, ўз навбатида, икки хил бўлади — бири газлар би-лан бирга ҳазога чиқиб кетувчи жуда кичик зарралар, иккин-чиси оташхока тубида қоладиган қулнинг оғир қисмларн.

Кулларнинг дудбуронлар орқали осмонга кўтарилиши кў-шашча кўмирнинг ўтхонада ёқилиши усулига ҳам боғлиқ бўлади-

Жумладан, тошкўмир ўтхонага қават-қават қилиб қалаштириб ёқиладиган бўлса, унда ҳавога 10—30% гача кул тўзиб, учиши мумкин. Тошкўмир кукун ҳолида ёқиладиган бўлса, ҳавога учеб чиқадиган қулнинг миқдори 65—90% гача етади, бу атмосфера ҳавосига асоратли таъсир кўрсатмасдан қол-майди. Ҳисобларга қараганда, 1 тонна кўмир ёнишидан 200 кг атрофида кул тушади, унинг 80% ёки 160 кг гачаси ҳавогаг учади.

Кўриниб турибдики, бирон-бир корхона бир кеча-кундузда ёқадигак кўмирнинг миқдори маълум бўлса, мазкур муассиза атмосфера ҳавосига қанча кул чиқариб ташлаётганини аниқ: билиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, кейинги 30—40 йил давзмида ранг-ли металлургияга бўлган талаб ниҳоятда ортиб кетди, унинг маҳсулотлари ҳаётнинг қарийб барча жабҳаларида кўлланил-

1-жайдвай

Агмоефера ҳавсияи ифлослаятиручи омиллар

Иф'о лашпрувчи моздалар

Ифло:дашврӯв' и ман*а/яр

Аэрозоллар, каттиқ заррачалар: Карбон ёки қурум

Тузлар, металл оксидлари

Суюқ заррачалар: шу жумла-дан кислота заррачалари, ёғли ва катронли заррачалар

Бўёқ ва бошқалар Анорганик газлар, азот оксиidi

Олтингугурт оксидлари

Карбонат ангидридлари

Водород, сульфид

Органик газлар: шу жумладан углеводлар, парафинлар, олефии-лар, ароматик ва оксидланган уг-леводородлар (алдегид), кетон ва спиртлар

Хлорли углеводородлар

Ёқилғилар ёниши, автотранспорт, авиация, темир йўл транспорти.

Нефть маҳсулотлари ёниши, метал-лургия, катализаторлар чаштия, авто грави.спорт, авиация, темир йўл транс-

Екилғи ёниши, кислота ишлаб чиқа-риш, гальванизация, неталларга ишлов 5е"нш.

Автотранспорт, кокс-кимё корхонаси. нефтни қазиб чиқариш, асфальт ишлаб чиқаркиш корконалари.

Мғшинасозлик корхоналари ва бош-:алар
Ёқилғи ёниши, кимё корхоналари, ме-галлургия, авиаация, ззэт кислотаси иш-таб чиқарадиган корхома. Екилғи ёниши, кимё корхоналарн, ме-аллургия.

Азтранспорт, металлургия, нефтни ;айта кишлаш, авиаация. Кимёвий чолалар ишлаб чиқариш корхоналари, кокс-кимё саноатлари. Нефтни қайта ишлаш, нефть маҳсү-ютларини саклаш, эритувчиларни иш-татиш, автотранспорт.

Бензин ишлаб чиқариш на саклаш, автотранспорт, эритувчиларни ишлаб чиқарипши ва ишлатиш, органик синтез-даги оралиқ моддала.

Эритувчи омилларни ишлаб чиқариш за ишлатиш, хлорли углеводородларни ишлаб чиқиши

моқда/лозир алюминии, мис, рух ва кўргошин ишлаб чиқа-риш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Одатда, рангли металлар маъданлардан, шунингдек металл кириндиларн ва чиқиндиларидан олинади. Рангли металлар ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган за-срарли газ ва чанглар, ўз навбатида, атмосфера ҳавосини ифлослантиради. Натижада ҳаво таркибига кўргошин, хром, мар-ганец, рух, бериллий, никель, маргимуш, кадмий, фторитлар, олтингугурт оксиди, азот оксидлар ва бошқа таъсирчан мод-далар тушади.

Корхоналардан чиқадиган чиқиндилар миқдори кечадиган технологик жараёйларга боғлиқ бўлиб, заҳарли органик газ-, ларга ва аэрозолларга бўлинади. Қора ва рангли металлургия корхоналари атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалардир. Улкан мажмуя тарзида курилган бу корхоналар маъданларни қазиб олиш, йойитиш, кокс ишлаб чиқариш ва бошқа маҳсулотлар етказнб бериш билан шуғулланади. Чўян, пўлат ва яна бошқа тур дзарурий маҳсулотлар ана шу катта саноат корхоналарида ҳосил ҳилинади. Уларда технологик жараёнларда атмосфера ҳавосига чанг, курум ва бир қанча заҳарли газлар ажралиб 'чиқади. Саноат ва қишлоқ хўжалигига асқотадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараённида жуда юқори ҳарорат керак сўлади. Одатда юқори ҳарорат воситасида маъданларни эри'тиш, эритилган маҳсулотларга механик ишлов бериш, уларни ташиш, ёқилғиларни ёкиш каби жараёнларда жуда кўп миқдорда чиқиндилар пайдо бўлади.

Шуни айтиш керакки, улкан металлургия комбинатларида абир кеча-кундузда ҳосил бўладиган чангларнинг умумий миқдори 350—600 тоннадан 2500 тоннагачани ташкил қиласиди.

'Ҳавога чиқариб ташланадиган чиқиндиларнинг миқдори-•ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш кўлами, куввати, олина-диган маҳсулот миқдорига, фойдаланилаётган хом ашё сифа-тига, шунингдек чанг ва газлардан тозаловчи иншоютлар иши-;нинг унумдорлигига боғлиқ бўлади.

Жумладан, алюминий олишдаги жараёнлар хом ашёни •майдалаш, куйдириш блан кечса, унда ҳавога газ кўриниши-даги фторли гидроген ($H F$), фторитларнинг қаттиқ зарралари, алюминий, ис гази, углеводородлар, сульфит ангидриди ва бошқалар ажралиб чиқади.

Қаттиқ кўринишидаги фторид зарралар асосан Al_3F_6 нинг ярчаланишндан пайдо бўлади. Қаттиқ зарралар 35—44 % -нинг оғирлиги 1 мкг дан камдир. Алюминий ишлаб чиқара-диган заводларнинг атмосфера ҳавосини гигиеник нуқтаи на-зардан ифлослантирадиган, одам организми учун энг ҳавфли моддалари — бу фторитлардир. Ҳаво таркибига кирган газ ҳолидаги фтор бирикмалари тирик организмлар учун заҳарлилигига билан ажралиб туради.

Мис металли сульфид маъданидан иборат бўлган концент-ратлардан олинади, бунда флотация ва гравитация усуслари-дан фойдаланилади. Мис олиш асосан 4 хил жараён билан кечади, маъданларни куйдириш, эритишиб, конвертациялаш ва -тозалаш амаллари шулар жумласидандир. Бу муроакаб технологик жараёнлар натижасида атмосфера ҳавосига жуда кўЯЕ миқдорда турли таркибга эга бўлган чанглар ва газлар туша-ди. Масалан, 1 тонна концентрат тайёрлашда ажралиб чиқа-диган чанг 67,5 кг, сульфид ангидриди — 625 кг га тенг бўлади.

Кўргошин-рухли маъданлардан, кўргошин ва рухли кон-центраглар эса маъданларни куйдириш ёки уларга флотация¹ усулини кўллаш йўли билан олинади. Кейин бу концентрат-лар маҳсус конвейерларда олтингугурт ажратиб олиш учун куйдирилади, натижада кўргошин оксиди ҳосил бўлади. Металл ҳолидаги кўргошинни олиш учун маҳсулот эритишиб печигиз. кокс, оҳак, рух оксиди солинади, шунда кўргошин оксиди металл ҳолидаги кўргошинга қайтарилади.

Маҳсулотларни қиздириш, куйдириш ва эритишиб давомидз¹-газлар, чанглар ва сульфид ангидриди ҳосил бўлади ва ҳаво-ни ифлослантирувчи омиллардан бирига айланади. Бир тонна кўргошин концентратига 68,5 кг чанг, 330 кг сульфид ангидриди тўғри келади.

Алюминийнинг енгил қотишмасини олиш учун у мис, маг-ний ва кремний билан қотирилади. Одатда, булар маҳсус ти-гель печларида олинади. Алюминий асосида юқори сифатли қотишмалар олиш жараённида ажралиб чиқадиган газларни, шунингдек оксидларни холи қилиш учун оҳак тошдан, калийк хлорид каби моддалардан фойдаланилади.

Алюминий қотишмаларини олиш жараённида турли таркиб-га эга бўлган чанглар ажралиб чиқиб. алюминийнинг магний-ли, рухли, кальцийли, натрийли хлор бирикмалари ва газ ҳо-лидаги хлор ҳосил бўлади.

Бу моддаларнинг ҳаммаси тирик организмлар учун ниҳоят-да заҳарлилиги билан ажралиб туради. Латун ва бронза иш-лаб чиқариш учун мис чиқиндилари ва синикларидан фойда-ланилади. Металлар айланма тигель ёки яллиғ лаққа печлар-да зритилади.

Эритишиб вақтида чанг, газлар, ис гази, азот оксиди, сульфид, ангидриди, рух ва кўргошин оксиди ҳавога учуб чиқади. Ла-тун ва бронза ишлаб чиқаришда бир тонна

қотиши маңбасиғати тайёрлаш¹" учун олиб бориладиган технологик жараёнларда ҳавога аж-ралиб чиқадиган чанг миқдори тигель печларида 6 кг, яллир* печларда эса 35—30 кг атрофида бўлади.

Умуман металл ишлаб чиқарадиган корхоналар атмосферз ҳавосини чанг ва.газлар билан ифлослантирувчи съектлар бўлиб, одамлар истикомат қиласидаги жойлардаги радиуси 2—12 км бўлган минтақаларни ифлослантиради.

Металлургия комбинатлари чиқиндилиринг атмосфераг ҳавюсини ифлослантириши натижасида 5—6 км радиусдан минтақада атмосферанинг тиниқлиги 25—30%, ультрабинафша нурларининг ерга тушиши 30—35% камайишига сабаб бўлади.

Булардан ташқари, бундай ифлосланишлар атмосфера ҳа-восининг ионли таркибини ўзгартириб юборади. Айниқса саяоат чанглари таъсирида ҳавода оғир ионлар кўпайиб, енгил ионлар камайиб кетади.

Металлургия заводларининг атмосфера ҳавоеига етказади-ган заари, шунингдек инсон организмига салбий таъсири Япо-ния, АҚШ, Герлгания, Чехия, Словакия ва МДҲ республикала-рида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида аниқлан-ган.

Узбекистонда Олмалиқ, Чирчик, Навоий, Охангарон »а бошқа сакоати ривожланган шаҳарларнинг ахолиси атмосфера ҳавоси нфлоеланишидан зудлик билан покланишни <талаб қи-лади. Акс ҳолда ифлосликларнинг саноат корхоналари жой-лашган шаҳар ахолиси сиҳат-саломатлигига салбий таъсири янада кучайиши мумкин.

Атмосфера ҳавосининг зааррли анорганик моддалар—мис, рух, кўррошин, кадмий, молибден, вольфрам, маргимуш, симоб ва бошқалар билан кўплаб ифлосланиши А. Комилжонов, Н. Скворцова, Г. М. Шандала, Л. Н. Бухряковалар томонидзн -тагдиқланган.

КИМЁ САНОАТИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАСИҒАТИДА

Кимё саноати ранг-барагн кимёвий моддаларни — киелота-Л& ё, ишқорлар, тузлар ва бошқа анорганик моддаларни, ми-нерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, полимерлар, синтетик то-лалар, эритувчилар, смолалар, бўеклар, локлар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, хўжалик буюмлари, шунингдек саноатимиз учун аскотадигап кўпдан-кўп воситаларни ишлаб чиқаради.

Кимё саноати ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, маҳсулот «олиш учун фойдаланиладиган хом ашёлар, шунингдек техно-логик жараёнлар инобатга олинган ҳолда бир неча тармоққа йўлинади.

Кимё саноатининг энг йирик тармоқларидан бири азотли элинерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Бу корхо-«алар аммиак, азот кислотаси, азотли минерал ўғитлар, фос-4>орл, ўғитлар, фосфорли тузлар, сульфат кислотаси ишлаб чиқаради. Бу тармоқ кэрхоналарида фойдаланиладиган хом йашёлардан калийли ўғитлар, оҳак, фосфоридлар олинади. Кимё саноати тармоқларига кирадиган корхоналардан синте-тик каучук, хлор, хлорли оҳак тошлар, кислоталар, хлорли би-рикмалар, пластмасса ва сунъий смолалар, лок бўёклар, за-харли кимёвий моддалар, нефть кимёси маҳсулотлари ва яна бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўрсатиш мумкин.

Кимё саноатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда-ки, бу сэҳага таалукли корхоналар бир худуднинг ўзида бир-бирларига боғлиқ тарзда ишлайдилар, улар ишлатадиган хом ашёлар ҳам кўпинча мазкур корхоналар йўналишига мос бў-либ тушади.

Бу кэрхоналар фаолияти жараённида хосил бўладиган ора-лиқ маҳсулотлардан бошқа корхоналар фойдаланиши мум-кин.

Хозирш кимё саноати корхоналари ёки ишлаб чиқариш бирлашмалари алоҳида-алоҳида корхоналардан иборат бўл-гани билан улар бир-бири билан узвий боғланганлар. Шунинг учун ҳам кимё саноатида пайдо бўладиган чиқиндилиринг кимёвий таркибин ранг-барагн бўлиб, улар сифат ва миқдор жиҳатидан фарқ қиласиди. Куйида гигпеник нуқтаи назардан аҳамиятга молик чиқиндилир ҳақида сўз юритамиз.

Аммиак ишлаб чиқариш жараёни асосини водород ва азот-ни синтез қилпиш реакцияси ташкил этади. Мазкур реакция юқори босимда ҳамда юқори даражали ҳароратда кечади. Бунда хом ашё сифатнда табиий кокс газидан фойдаланилади. Саноат миқёсида аммиак олиш жараённида атмосфера ҳавоси корхоналардан чиқадиган ис гази, аммиак ва метан каби та-жовузкор омиллар билан ифлосланади.

1 тонна аммиак ишлаб чиқаришда хосил бўладиган чихин-диларда аммиак—100 кг, метан — 45 кг, ис гази—100 кг бўлиши қайд килинган. Шунингдек, бошқа регенегация цехларида аммиак—105 кг, метан — 45 кг миқдорида ажралиб чиқиб, атмосфера ҳавосини булгайди.

50—70% ли азот кислотаси ишлаб чиқаришда аммиак ка-тализаторлар воситасида азот оксидига айлантирилади ва сув билан абсорбция қилинади. Мазкур жараён 3,7, 7,3 ва 9 ат-мосфера босимида кечади. Азот кислотаси ишлаб чиқаришда ҳавога азот

оксидлари ва азот кислотасининг буғи учиб чи-ҳади. Ҳисобларга қараганда, ишлаб чиқарилган 1 тонна маҳ-сулоттга 25—27,5 кг чиқинди түғри келади.

Саноат миқёсида сульфат кислотасининг аксарият қисми контакт йўли билан олинади. Бунда олтингугурт асосий хом аше хизматини ўтайди. Сульфитли маъданлар кислота олишда асосий манбалардир.

Узида олтингугурт сақлайдиган манбалар куйдирилганда ёки эритилганда ҳосил бўлган газлардан хюм ашё сифатида фойдаланилади. Сульфат кислотасини ишлаб чиқаришда ҳаво-га сульфид ангидриди ЕЗ сульфат кислотасининг буғи кўтари-лиши мумкин.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнида жуда кўп кимёвий моддалар олиш кўзда тутилади. Жумладан, аммиак, азот кислотаси, аммиакли селитра, мочевина(карбомид), аммоний сульфат, сульфат кислотаси, суперфосфат, аммофос, нитроаммофоска ва бошқалар олинади.

Аммакли селитра азот кислотасининг аммиак билан ўзаро таъсири жараёнида ҳосил бўлади. Аммиак селитраси олишда уч бэсқ.чи жараён мавжуд: нейтраллаш, нейтрал эритхмалар-ни қуюлткриш, қуритиш ва доначалар ҳолига айлантириш.

Мазкур ишлаб чиқариш жараёнида атмосфера ҳавосининг аммиак ва азот оксида билан пфлосланиши кузатилади. Бу тажовузкор омил эса аоосан нейтраллаш жараёнида ҳосил бў-лади. Пировард маҳсулотни донача ҳолига айлантириш, қури-тиш ва қопларга қадоқлаш жараёнида нитратларни сақлайди-ган чанглар ҳосил бўлиб, ҳавога учиши мумкин. Ҳар бир тон-на маҳсулот ишлаб чиқишда ҳосил бўладиган аммиак селитраси чанги — 3,7 кг, азот оксида — 1,95 кг, аммиак—1,9 кг атрофида бўлади.

Фосфорли (суперфосфат, фюсфат аммоний) ва мураккаб' ўғитларни (аммофоска, нитрофоска) ишлаб чиқариш жараё-нида суперфосфат, фторли бирикмалар чангги пайдо бўлади,. шунингдек аммиак, олтингугурт, азот оксида, ис гази ва фос-форли бирикмаларнинг чанги атмосфера ҳавосига ажралиб* чиқади, улар кўпинча этиладиган микдордан кўп бўлади. Чи-қиндиларнинг ҳавога тарқалиш радиуси 5 км ва ундан ҳам[<] зиёд бўлиши мумкин. Одатда чиқинди, тажовузшр омиллар билан ифлосланишнинг энг кўпи 2—3 км ли масофа атрофида! бўлади.

2-жадвал'

Пластик массалар ишлаб чиқаришда ҳавони ифлослантирувчи чиқиндилар

Пластмассалар асоси	Ҳавопи ифлослачтирувчи моддалао	Чиқиндиларнинг манбаи
Фенолли	Альдегидлар	Омборлар, музхоналар, яхши беркитилмаган кувурлар
Аминли Полиэфирлар ва алкидли ҳоснлалар	Альлегидлар Углеводородлар, акролеин, фтал ангидриди, эритувчиларнинг буглари Винилацетат, зритувчиларнинг буғларн	» » > > Реакторлар, музхоналар
Поливинилацетат		Омборлар, музхоналар. эритувчиларни қайташиб тизимлари
Поливинилхлорид	Винилхлорид	Боспм сс:пда ишлов-чи тказимлардан ажра либ чиқиши
Полистирол	Стирол	Реактор ва омборлардан ажралиб чиқиши
Полиуретан	Толуиденпизоционат	Реакторлар

Пластмассалар ишлаб чиқаришда атмосфера ҳавосини иф-лослантирувчи объектлар реакторлар, маномерлар, шунингдек органик эритувчилар сақланадиган омборлардир.

Вискоз илагини саноат миқёсида ишлаб чиқаришда атмос-фера ҳавосига углерод ва олтингугуртнинг вэдородлр унумла-ри ажралиб чиқади, шунингдек сунъий ипак қуритилниши жа-раёнида углеводородлар ҳам учиб чиқиши мумкин.

Жумладан, 1 тонна вискоз илаги ишлаб чиқаришда ажра-либ чиқадиган сороуглерод (C8)₂ 27,5 кг ни, водород сульфи!) 3 кг ни ташкил қиласи. Нейлон толаси ишлаб чиқариш-да 1 тонна маҳсулотдан 3,5 кг углеводорюд, 7,5 кг ёғ буғлари 'ҳазога учиб чиқади.

Хуллас, кимё саноати корхоналарп гигненик нуқтаи назардан экзологнк тизимларни бузувчи, бутун мавжудот, шу жумладан писон ва ҳайвонлар ҳаётини учун мутлақ зарарли чиқин.диларни ҳавога чиқарадиган манбалардир. Қимё саноати ажратадиган чи^инди моддалар таъсирчанлиги, ҳавфилилиги ва асоратлилиги билан ажралиб туради.

Нефтни қайта пашлаш заводи ўз ишлаб чиқариши кўламлари ва қувватнга кўра йнлига 219 минг тонна ис газини атмосфе-рага чиқариб ташлайди ёкн суткасига 600 тонна зарарли чи-қиндилар билан ҳавони бузади. Мазкур заводдан 2,5 км нари-да яшаган одам

терисида, 20 км узокликка олинган ҳаво намунаси таркибида ис гази борлиги аникланган. Нефтиң қай-та ишлаш корхоналари атмосфера ҳавосига турли углеводородлар, вәдород сульфид, сульфит ангидрид, азот ва карбонат ангидриди, алдегидлар, аммиак ва бошқа бирикмаларни чи-қариб ташлайды.

Нефть кимеси корхоналарига синтетик каучук ишлаб чи-қариш объектлари ҳам киради. Синтетик каучук ишлаб чи-қаришда атмосфера ҳавосига учувчан маномерлар (изопрен, <етирол, бутадиен, хлоропен) ва эритувчи моддалар—дивинил, толуол, ацетон ва бошқа бирикмалар учуб чиқиб, ҳавони бузи-ши мумкін.

Пластик массалар олишда полимеризациялаш жараённида фенол ва амин моддалари, пластификаторлар, маҳсулотларни юмшатувчи, реакцияни жадаллаштирувчи дитиокарбоматлар, тиурам, сульфенамидлар, тиазол, гуакидин ҳамда аминлар, эфирлар, органик кислоталар ажралади. Вулканизациялаш жараённида олеинлар, аммиак, органик сульфидлар, углеводо-родлар, кислоталар, эфир каби тажовузкор моддалар пайдо Зўлади.

Демак, юқорида зикир қилиб ўтилган кимёвий моддалар ҳавэни нфлослантириши мумкин.

ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБА СИФАТИДА

Иссиклик электр станциялари орқали олинадиган электр қуввати асосан кўмир, мазут, газ каби ёқилғилар ёнишининг ҳюсиласидир. Масалан, 1 квт/соат электр қуввати олиш учун .290—350 гр кўмир керак бўлади. Табиийки, тошкўмирнинг • ёниши натижасида учувчи чанг, курум, кул пайдо бўлади. Бу мураккаб аралашмалар захарли газлар билан бирга атмосфе-ра ҳавосига тушади.

Тэшкўмир таркибидаги олтингугурт ённш жараённида сул->фидандидридга анланади, у эса, ўз назбатида, ҳаво ҳавзасига тушиб, уни ифлослантиради. Моддалар ёнишидан ҳосил бўлган юқори даражали ҳарорат — аланга атрофида ҳавздага азот тажовузкор азот оксидига айланади.

Атмосфера ҳавзсига учуб чиқадиган ис гази ва углеводо-родлар салмоғи ёқилғи (кўмир) ёқилаётган жараёнга боғлик бўлади. Тошкўмир қанчалик тўла-тўқис ёнса, чиқинди модда-лар шунчалик кам бўлади.

Маълумотларга қараганда, 1000 мвт кучга эга бўлган ис-сиклик электр станциялари йил давомида 3800 тонна турлп таркибли зарарли чиқиндиларни атмосферага чиқариб ташлайди. Шунингдек 1 тонна тошкўмир 83,4 кг олтингугурт ск-сидини, 44,1 кг азот оксидини, 374 кг чангни, 1,1 кг ис гази-ни, 0,4 кг углеводородларни ва 0,01 кг альдегидларни ажра-тади.

Маълумки, иссиқлик қувватини олиш учун жуда кўп мик-дюрда тошкўмир ёқилади, бунинг натижасида заҳарли 80_2 га-зи ажралиб чиқади.

Тошкўмир ўзининг таркибида табиий ҳолдаги ҳар хил ол-тингугурт бирикмаларини сақлайди. Жумладан, Кузнецк кў-мири таркибида 0,4%, Донецк кўмирида 1,7—3,7%, Кизель кўмирида 5,1% олтингугурт унсури бор. Бу кўмирлар қаерда: ва қанча миқдорда ёқилишидан қатъи казар, атмосфера ҳа-восини сульфит ангидриди билан заарлайди. Масалан, 1 тон-на кўргошин эритилса — 2,54 тонна, мис эритилса — 8,8 тонна, рух эритилса — 0,88 тонна сульфит ангидриди ажралнб чиқади.

З-жедвал.

Иссиқлим электр станциясининг кўнир ёнишидан ажраладиган олши:угурт оксиди миқдори

(А. У. Бурназян).

Объектлариниң тартиб нумаралари	С1Х.2да:1 (т/соат)	Олтингугурт оксиди чиқ.индиси (т/кун)	Ёқилғидаги олтин-! угурт миқдори, % *
1	5£0	240	0,85
2	500	600	2,5
3	460	558	2,6
4	2E0	374	2,74
5	2C0	55!	0,44
6	180	240	2,83
7	250	290	2,40

Иссиқлик қувватини олишда табиий газдан ҳам фойдаланилади. Ҳозир табиий газдан ҳаётимизнинг барча жабхаларида кенг кўламда фойдаланилмоқда. У ёқилғи сифатида жуда қадрланади. 1 квт/соат электр қуввати олиш учун 150—170 гр газ керак бўлади. Мабодо газнинг ёниши етарли даражада бўлмай, чала ёнадиган бўлса, у ҳолда атмосфера ҳавоснга та-жовузкор омиллардан бўлмиш ис гази, углеводородлар, сульфит ангидриди ва яна бошқа нарсалар ажралиб чиқиши мумкин. Биз қуйида ёнилғидан қақча миқдорда зарарли газлар чи-киши мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қиласиз.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди-ки, олтингугурт окспди

газининг миқдори ёқилғидаги олтингу-гурт миқдорнга боғлиқдир. Бунинг исбюти учун қуйидаги ми-солни келтирамиз: мазут ёқадиган электр станцияси мазут харкибидаги олтингугурт миқдорига қараб кўплаб заарли мод-даларнк чиқариб ташлашп мумкин.

Мазут таркибидаги олтингугурт миқдори 3,5% ни ташкил қиласа, олтингугурт оксидининг 1 суткали чиқиндиси 728 тон-нага тенг бўлади, олтингугурт миқдори 4,5% га етса, унинг чиқиндиси суткасига 936 тоннага етар экан.

Нью-йорк шаҳрида йил мобайнида ёқиладиган кўмТф ат-мосфера ҳавосига 1,5 млн тонна олтингугурт газини чиқариб ташлайди. Қизиги шундаки, олтингугурт гази ҳавони ифлос-лантирувчи манбадан бир неча км узоқликдаги атмосфера ҳа-восида борлиги аниқланган.

АВТОТРАНСПОРГ ВА АТАШСФЕРА ҲАВОСИ

Ҳозирги даврда инсон саломатлиги учун энг ҳавфли манба-лардан яна бири автотранспорт воситаларидан чиқадиган за-ҳарли газлардир.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, АҚШ ва Японияда атмос-фера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалар ичиде авто-транспорт воситалари олдинги ўринда туради. Хорижий мам-лакатлар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи газлар ичи-, да ис гази, углеводородлар, шунингдек азот оксидлари барча -тажовузкор газларнинг 60—70% ини ташкил қиласа, бизда 14% ини ташкил қиласа.

Умуман, ички ёнар воситалари атмосфера ҳавосини ифлос-лантириш борасида салмоқли ўринни тутади.

МДХ да автотранспорт воситалари 1988 йилнинг ўзида 35,8 млн тонна заарли омилларни ҳавога чиқариб ташлаган. .Москов, Санкт-Петербург, Тошкент, Ереван ва бошқа шаҳар-лар ҳавосида ис гази рухсат этилган миқдордан 3—10 баравар знёд экаплиги қайд этилгаи.

Қизиги шундаки, сульфат ангидриди атмосфера ҳавосида -турли реакцияларга киришиб, жумладан, атмосфера ҳавоси намлигига эрнб, катализ ҳамда фотокимёвий жараёнлар во-ситасида оксидланадп ва пировардиди, сульфат кислотаси пай-до бўлади.

Бундай кимёвий бирикмалар 750—1500 м баландликка кўтарилиб, 3000—4000 м масофага етади. Шунинг учун саноат корхоналари жойлашган марказлар атрофидаги турар жойларда сульфат кислотаси ёмғир бўлиб ёғади ва табиатга, шу жумладан, тирик организмларга катга зарар етказади. №10 йиллар атмосферага 70 млн юнна, 1975 йили 120 млн тонъя, 1980 йили 181 млн тонна заҳарли омиллар чиқариб ташланган бўлса, 2000-йилда 280 млн тонна тажо-вузкор моддалар атмосферани булғаши тахмин қилинмоқда.

Атмосфера ҳавосишишг кундан-кунга, йилдан-йилга бунча--лик ифлосланиб боришида автотранспортнинг «айбн» борлигш яққол кўриниб турибди. Бунга, албатта, автотранспорт воси--талари чиқариб ташлайдиган заҳарли газларни запарсизлантирувчи маҳсус мосламалар билан таъминланмаслиги ҳам сабаб--Дир. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, автомобиллар пурка-ган газлар таркибидаги ис газлари (CO), азот қўш оксидш (NO₂), углеводородлар билан бир қаторда жуда заҳарли мод-да кўрғошиндир.

Автомобиллар пуркаб чиқарадиган газларнинг таркибиш қисми инсон организмига ҳалокатли таъсир кўрсатади, азот* оксида зса фотокимёвий смог ҳосил бўлишига омилкорлик қи--лади.

4-жадвал

Бензин ва солярка ишлагадиган ички ёнар двигателларнинг мўрисидан чиқадиган заҳарли газлар (1000 литрга, кг)

Чиқинди газлар таркиби	Моторл		
	бензинли ёқилғи	1	дизель еқилғиси
Ис гази	27	7,4	
Углеводородлар	24	16,4	
Азот оксили	13.5	26,4	
Альдегидлар	0,5	1,2	
3, 4 бенз (а) пирен	7,2-10-	10,5-10-	
Сульфит ангидриди	1,1	4,8	
Органик кислоталар	0,5	3,7	
Кетник зарралаар	1,4	13,2	
Кўрғошин	0,4	1	

Автотранспорт воситалари билан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши дудбуронлардан чиқадиган газларнинг таркиби ва миқдорига, транспорт харакати тозлигига, машиналар со-нига, кўчаларнинг катта-кичилгигига, уларнинг лойихасига;.. рельефига, турар жойларнинг тюпографик ҳолатига, жойлар-нинг ҳолатига, жойларнинг иқлим шароитига ва метеорологик омилларга боғлиқ бўлади.

Автотранспортнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи: асосий омиллари ис

гази, углеводородлар, азот оксидларие. альдегидлар, кетюнлар, акролеин, қўрғошин ва бошқалар ак-сарият ҳолларда гигиеник нуқтаи назардан жуда заарли ҳи-сoblаниб, белгиланган мъёрдан ортган ҳолда бўлади.

Автотранспорт воситасида атмосфера ҳавосига ташланади-ган баъзи заҳарли газлар метеорологик шароитларда фото-кимёвий ўзгаришларга учрайди.

Азот кўш оксида парчаланиб, азот оксидига айланади, на~тижада атомар ҳолидаги оксиген (кислород) ҳосил бўлади[^] альдегид ва кетонлар эса радикалларни пайдо қиласди. Мазкур қўринишдаги реакциялар навбатдаги иккинчи реакцияларнинг келиб чикишига ёрдам беради, оқибатда ўта заҳарли таркиб-та эга бўлган смог ҳосил бўлади. Фотокимёвий реакцияларнинг келиб чикиш йўллари қуидагилардан нборат: қуёшнинг ультрабинафша нури таъсирида углеводородлар ва фото-оксидентлар билан ифлосланган атмосфера ҳавосида мураккаб фотокимёвий реакциялар кетади, бу реакциялар натижасида янги заҳарли ҳамда тажовузкор маҳсулотлар пайдо бўлади.

Бунда, азон, азот кўш оксида, пероксицилнитратлар, аль-дегидлар, зеркин радикаллар ва бошқаларни мисол қилиб кўр-сатиш мумкин. Мазкур кимёвий мэддалар маълум метеороло-гик ҳолатларда атмосфера ҳавосида йигилиб бориши натижасида фотокимёвий смогларни ҳосил қиласди. ^{^^}Смог (захарли моддалар қовушмаси) қўзнинг шилиқ қа-вЯТлари ва томоқ яллигланишига олиб келади, ўсимликларни қуритади, кўришни қийинлаштиради, аксарият ҳолларда но-хуш оқибатлар келиб чикишига сабаб бўлади.

Фотокимёвий смогларнинг қуюқлашуви атмосфера ҳавоси:-га, оксидловчи моддаларга, яъни фотооксидентларга боғлик-дир. В. Панова берган маълумотларига қараганда, фотоок-сидантларнинг 75% и озондан иборат бўлиб, қолган қисми лероксиацилнитратлардир.

Биз юқорида ташки муҳит ниҳоятда таъсиричан қўрғошин • билан ифлосланнишига асосан автомобиллар сабабчи эканли-гини кўрсатиб ўтган эднк. Манбаларда келтирилишича, 1928 йилдан бошлаб АҚШ да бензиннинг детонациясини камайти-риш ва йўқотиш мақсадида тетроэтилкўрғешин бирикмаси гкўшиладиган бўлди ва бу усул 1959 йилдан бошлаб тадбиқ этила бошланди.

АҚШда бир йил давомида бензинга кўшиладиган қўрғошин Шрикмаси 262 минг тоннага етади, натижада автомобиль ва бюшқа агрегатлар томонидан атмосфера ҳавосига чиқариб таш-«янадиган қўрғошин миқдори 181 минг тоннани ташкил қиласди. Демак, атроф муҳит ҳавфли модда хисобланувчи қўрғошин йилан ҳам ифлосланмоқда.

Ички ёнар двигателлардан чиқадигаи қўрғошин бирикма-ларп 1 m^3 атмосфера ҳавосига 1—2 мг дан 4—5 мг гача ета-ди, бунда, албатта, моторларнинг иш режимига караб, ҳавоникг яфлосланиш даражаси ўзгариб туради. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, қишлоқлардаги турар жойлар-дан 1 m^3 ҳаво таркибида қўрғошин миқдори 0,1 дан 0,5 мкг га тенг бўлса, шаҳарлар ҳавосида 1 дан 5 мкг атрофида бўлади. Датта магистрал атрофидаги 1 m^3 [^] аво таркибида 14—38 мкг [^] қўрғошин борлиги аниқланган.

Гренландия музликларида бўлган қўрғошин миқдори ҳозир VIII асрдагига нисбатан 400 марта эртиб кетган. Айниқса са-ноат марказларининг чиқиндиси атмосфера ҳавосинигина эмас, кейинчалик тупрокларни ҳам ифлослантирувчи омил бў-либ қолади. Натижада тупрок мағзидан ўсимлик таркибига, ҳайвон ва одам организмига ўтиб унда йигилиб боради. Оқибатда қўрғошин одам қонида йигилиб, аъзоларига заҳарли таъсирини кўрсатади.

Ю. Г. Фельдман ва Н. Я. Янишевалар келтирган маълумот-ларга қараганда, атмосфера ҳавоси, колаверса, бутун атвсф муҳит канцероген моддалар билан ифлосланнишига саноат кор-хоналарнинг чиқиндилариғина эмас, балки автотранспорт воситалари газлари ҳам сабабчи бўлади. Шаҳар ҳавосида 3,4 бенз(а)пиреннинг миқдори 100 m^3 ҳавю хисобида олинган-да 0,5 мкг дан тўғри келса, катта шаҳарларда 1,7 мкг га бо-ради.

Автотранспорт воситалари сонининг ортиб борнши ташки муҳитга ажралиб чиқаётган концероген моддаларн!;нг салмоғи ортишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, тажовузкор ва заҳарли хисобланган қўрғошин ва концероген моддалар орасида қандайдир узвий боғланиш бўлиб, улардан бири салмоғининг ошиши иккинчиси-нинг ҳам ортишига боғлик бўлади. Уларнинг табиатда занжи-рий айланишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

<p>Хаво --тупрок- ўсимликлар дунёси</p>	<p>инсон одшлар. "хайвон</p>
---	--------------------------------------

Кўрсатилган тарх асосида ҳавфли, тажовузкор моддалар ташки муҳитда айланиб юриб, пировардида одам организмига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, деган хulosага ке-лиш мумкин.

Академик Л. М. Шабад канцероген омиллар кимёвий мод-даларнинг куйдирилиши ва юқорп ҳароратда ёниши натижасида вужудга келади, деган фикрни билдиради. Демак, ёқил-гилар қаерда ёнишидан қатъи назар, пировардида 3,4 — бенз(а) пирин канцероген

моддаси пайдо бўлишига сабаб бў-лади. АҚШ да атмосфера ҳавоси умумий ифлосланишининг 40% и, баъзи шаҳарларда эса 80% и автотранспортга тўғри келади. Жумладан, Лос-Анжелис шаҳридаги 3 миллионга яқин автомобиль ҳар йили шаҳар ҳавосига 3 млн тонна қфлослик-ларни чиқаради. Ҳисобларга қараганда, 1 автомобиль ўртача 4 тонна оксигенни ҳаводан олиб, ташки мухитга 800 кг ис ге-зи, 40 кг азот оксиди ва 2СО кг атрофида турли заҳарли мод-далар, шу жумладан углеводородлар чиқариб ташлайди. Ҳо-зир жаҳон мамлакатларида 400 млн дан ортиқ автомобиль борлиги назарга олинадиган бўлса, атмосфера ҳавосига чиқа-рнб ташланадиган ифлосликлар миқдори жуда катта эканли-гига ишонч ҳосил қиласа бўлади.

Автотранспорт воситалари атмосфера ҳавоси:::п азот окси-ди билан 40,5%, углеводородлар билан 42% заарлантарида. Ҳавога чиқариб ташланадиган 100 млн тоннага яқин ис г; зи-нинг 73,5 млн тоннаси ёки 78% п автотранспорт воситала} 1га тўғри келади. Шаҳарлар ҳавосининг 60% и заҳарлар газлар билан ифлосланиши автотранспорт ҳисобига тўғри келади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда атмосфера ҳазоснни ифлсс-лантирувчи манбаларга саноат корхоналари ва уларнинг тур-ли тармоқларини, автс?мобиль ҳамда бошқа транспорт восита-ларини, қишлоқ хўжалнгига тегишли воситаларни, кенг кў-ламда ишлатилаётган заҳарли кимёзий моддаларни мисол қи-либ кўрсатиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг антропо-ген фаолиятидан келиб чиқаётган муаммолардир.

АҚШ да атмосфера ҳавоси ифлосланишининг қарийб 60% и автотранспортга, 17% и саноат корхоналарига, 14% и электр куввати ишлаб чиқардиган корхоналарга, қолган 9% и эса уйларни иситиш ва чиқндишларни олиб чиқиб кетиши даврида пайдо бўладиган ифлосланишларга тўғри келади. Со-биқ СССРда эса атмосфера ҳавоси булғанишининг 60% и саноат корхоналарига, 13% и автотранспорт воситаларига тўғ-ри келган эди.

Францияда эса атмосфера ҳавоси ифлосланишнинг 37% и саноат корхоналарига, 26% и хоиаларни иситиш учун ишла-тиладиган ёқилғиларга, 23% и автотранспорт воситаларига ва 15% и кувват ишлаб «иқарувчи корхоналарга тўғри келади.

Юқорида зикр қил-чб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, гигиена ва санитария муассасалари, назорат идо-ралари, меморлар, шаҳарлар барпо этувчилар ва шаҳар хў-жалиги ташкилотлари олдида жуда катта вазифалар туради, у ҳам бўлса атмосфера ҳавосини турли зарарли чиқндишлардан муҳофаза қилишдир. Чунки ҳар бир одам ўз ўпкасидан кўп мйнглаб литр ҳавони ўтказади. Демак, атмосфера ҳавоси таркибида бўлган зарарли омиллар ўпка орқали аъзоларга син-гиб кетади.

Шаҳар осмони дои:1 тутун, туман билан қопланишн инсон-кпнг аса'бига, беморларнинг кайфиятига салбий таъсир кўр-сатади. Шаҳар ҳудудига ёруғлик нурининг етарлича тушмас-лиги, истиқомат жойлари, мактаблар ва муассасаларда, иш жойларнда ёруғлик кам бўлишига олиб келади, натижада бу ўқиш ва иш жараёнига салбий таъсир этади. Масалан, Лон-дон, Глазго, Нью-Йорк, шунингдек Екатеренбург,- Уст-Қамино-горск, Олмалиқ ва бошқа шаҳарларда саноат корхоналарп то-монидан чиқарилаётгай газлар, чанг, курум, дудлар ва бошқа тажовузкор моддалар туман билан аралашиб, йилнинг бпр неча кунлари табиативи бузади: ёруғлик тўсилиб қолиб, кун-дузи ғирашира бўлиб қолади.

Мабодо атмосфера ҳавосидаги қоракуя-курум миқдори $2 \text{ мг}/\text{m}^3$ га етса, кундузги ёруғлик 90% га камайр экан.

Кўёш нури атмосферанинг юқори чегарасидан ер юзига ўт-гунича ўз нурининг 2/5 қисмини йўқотади. Илмий манбаларда қайд қилинишича, қуёхП радиациясининг кучи ҳаво ифлослан-ганлиги туфайли ПариЖДа 26—30%, Берлинда 60% камайиш» мумкин экан. Ҳаводагя чанг зарралари ультрабинафша нур-

ларнинг анча қисмини ўзига сингдиради, ерга тушишига тўс-[^]инлик қилади. Айниқса саноат марказларидан атмосфера ҳа-восига чиқариладиган чанглм чиқиндиларнинг ҳавода туриб колнши қуёш бераётган ёруғлик нурининг камайишига сабаб бўлади. Чунки бу осилиб турган чанглли чиқиндилар ҳаво му-хтида аэродисперс тизимини келтириб чиқариш хусусиятига зга. Аэродисперс тизим ҳаводаги чанг заррачаларининг ёйилган ҳолатидир.

Чангсимон моддалар ҳавода ёйилган, сочилган ҳолатда ай-рим хусусиятларни касб этади. Жумладан: а) энг майда чанг заррачалари атмосфера ҳавосида муаллақ 1гурив қолади;
б) чанг зарралари ҳавода ёйилиш ҳолатининг кучайиши билан уларнинг солиштирма юзаси ва сатҳи кучлари ортади;
в) энг майда чанг заррачаларн бир-бирига ёпишиб, йирик заррачаларни ҳосил қилади; г) заррачалар ўз сатҳларига ташки муҳитдаги ионларни, молекулаларнч, сув буғларини сингдирив, уларнинг жамланишига сабаб бўлади; д) бундай заррачаларда ҳар хил белгили зарядлар пайдо бўлади; е) аэродисперс тизим ёруғликнинг кучли таравишига сабаб бўлади.

Майда зарралар ҳавода муаллақ туриб қолиши улар дои-мий Браун ҳаракатида эканлигидан далолат беради.

Заррачалар катта-кичилгига қараб, икки хусусиятга эга бўлади: а) муаллақ осилиб туриш ва тез чўкиш хусусия-тига эга бўлганлар; б) нафас йўлларига кириш хусусиятига эга бўлганлар. Масалан, заррачаларнинг диаметри 10—100 мкм га teng бўлса, улар узоқ вақт давомида осилган ҳол-да турла олмайдилар. Улар Ньютон қонунига асюсан диффузия ҳолатида туриб қолмай, тезда чўқадилар. Бундай чанг заррачалари айтарли зарарли бўлмай, улар юқори нафас йўлларидаги бурунданги туклар, шиллик пардалар, соchlар воситасида уш-ланиб қолади. Бу заррачалар, ўз навбатида, шиллик қабат-ларни қитиклаб, яллиғлантириши ва маълум турдаги сурун-кали касалликларни чақириши мумкин. Шуни айтиш керакки, бундай заррачалар кўп микдорда ўпка альвеолаларига етиб бормайди.

Заррачалар диаметри 10 дан 0,1 мкм гача бўлса, инсон саломатлигига анча ҳавф туғдиради, улар ҳавода узоқ вақт-гача туриб қолиб, ундан жуда секинлик билан тушади. Бундай чангларнинг ҳавфлилиги шундаки, улар ўпка альвеола-ларининг чукур жойларигача бориб етади ва ўзининг зарарли таъсирини кўрсатади.

В. А. Рязановнинг таснифига кўра аэродисперс тизимлар (қаттиқ фазаси билан) диаметри 0,1 мкм дан кам бўлган ту-тунли аэроздолларга ва 0,1 мкм дан каттароқ диаметрли заррачали аэросуспензияларга бўлинади.

Атмосфера ҳавоси қанчалик мусаффо бўлса, одам ўзини шунчалик енгил ҳис этади, саломатлиги беиллат бўлади.

ИФЛОСЛАНГАН АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИГ АТРОФ-МУҲИТГА ВА ИНСОННИНГ СОҒЛИФИ ҲАМДА ТУРМУШ ТАРЗИГА ТАЪСИРИ

Атмосфера ҳавосининг чиқиндилар билан ифлосланиши XIX асрдан эътиборан тез суръатлар билан бораётганлиги қайд этилган. Бу ходиса айниқса XX асрда мисли кўринмаган дара-жада жадаллашиб бормокда.

Айрим кишиларнинг фикрича, ер к>рраси жуда бепоён, ун-да жойлашган саноат кюрхоналари — завод ва фабрикалар, шунингдек автотранспорт воситалари ҳамда бошқа ҳалқ ҳў-жалиги муассасалари ажратиб чиқараётган зарарли омиллар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади.

Аслида бундай бўлиши мумкин эмас. Саноат корхоналари ва бошқа ҳўжалик чиқиндилари узоқ йиллар давомида ташки муҳитда айланиб юради, бир муҳитдан иккинчисига ўтиб ту-ради. Жумладан, қўрғошин, ДДТ препарати кабилар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан йўқолиб кетмай, табиатнинг бирор-бир* кучоғида йигилиб боради. Айрим тажовузкор моддалар эса* бутун сайёра бўйлаб айланиб юради. Масалан, ДДТ препаратк инсюон қадами етиб-етмаган Антарктида музликларида 2500 тонна микдорида йигилиб қолганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳозир оқ айиқлар, тюленлар, ҳатто пингвин каби жони-ворларнинг жигарларида ДДТ борлиги аниқланган.

Саноати ниҳоятда ривожланган катта шаҳарлар ва саноат марказларининг атмосфера ҳавосидаги чанг, тутун, қурум ва туманлар баъзи вақтларда қуёш нурларини тўсиб қўйиб, ер юзига ультрабинафша нурларнинг ўтишига йўл бермайди.

Ультрабинафша нурларнинг ер юзига етарли миқдордз тушмаслиги, ўз навбатида, турли касалликларни, айниқса бо-лаларда рахит касаллигини келтириб чиқаради.

Намли томчилар ҳолатидаги аэрозолларга туманлар дейи-лади. Катта шаҳарларда атмосфера ҳавоси таркибидаги чанг миқдорининг ҳар хил бўлиши шаҳарни ободонлаштиришга[^] дарахтлар ва ўрмонларнинг бўлишига, саноат корхоналари-нинг катта-кичилгига ҳамда улар шаҳар худудида жойла-шишига боғлиқдир.

Ф. Ф. Эрисман номидаги илмий-тадқиқот институти берган маълумотларга қараганда, ҳаводаги ўртача йиллик чанг миқ~ дори дала жойлардаги 1 м³ ҳавода 0,01 мг, турар жойлардэ 0,12 мг, шаҳар маркази ҳавосида 0,13, саноат корхоналари жойлашган

жойлардаги хавода 0,15 мг га тенг бўлади. Саноат микёсида сульфат кислотаси кўпинча контакт йўлг билин олиниади. Уни олишда асосий хом ашё олтингугурт бў-либ, шунингдек, сульфитли маъданлар ҳам кислота олишдз асосчй маңбалардандир. Узида юлтингугурт сақлайдиган маъ-данлар куйдирилганда ёки эритилганда ҳосил бўлган газлар-дап хом ашё сифатида фойдаланилади.

Сульфат кислотаси ишлаб чиқаришда ҳавога сульфид ан-гидриди ва сульфат кислотасининг буғи кўтарилиши мумкин. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнида жуда кўп кимёвий моддалар олиш кўзда тутилади. Жумладан, аммиак, азэт кислотаси, аммиакли селитра, мочевина (карбомид), аммоний сульфат, сульфат кислотаси, суперфосфат, аммофос, нитроаммофоска ва бюшқалар олиниади.

Аммиакли селитра азот кислотасининг аммиак билан ўзаро таъсири жараёнида ҳосил бўлади. Аммиак селитраси олишда уч босқичли жараён — нейтраллаш, нейтрал эритмаларни қуюлтириш, қуритиш ва доначалар ҳолига айдантириш ке-чади.

Мазкур жараёнда атмосфера ҳавосининг аммиак ва азот оксиди билан ифлосланиши кузатилади. Бу таъсирчан омил эса асосан нейтраллаш жараёнида ҳосил бўлади.

Пировард маҳсулотни донача ҳолига (гранула) айланти-риш, қуритиш ва қопларга қадоклаш жараёнида ўзида нит-ратларни сақлайдиган чанглар ҳосил бў-либ, ҳавога учиши мумкин. Ҳар бир тонна маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳосил бў-дадиган аммиак селитрасининг чанги — 3,7 кг, азот оксиди — 1,95 кг, аммиак — 1,9 кг атрофида бўлади.

Фосфорли (суперфосфат, фосфат аммоний) ва мураккаб ўғитлар (аммиофоска, нитрофоска) ишлаб чиқариш жараёни-да суперфюсфат, фторли бирикмаларнинг, шунингдек аммиак, олтънгўрут, азот оксиди, ис гази ва фосфорли бирикмалар-нинг чанги пайдо бўлади.

Ҳавонинг чангли ёки туманли бўлиши, ифлосланиши ва қуёш радиациясига таъсири шаҳар муҳитини ўзгартириб юбо-ради, ҳаво ҳаракатини секинлаштиради, унинг нисбий намли-гини камайтириши ҳам мумкин. Шаҳарни куюқ туман босиши ҳам хавфлидир, чунки туман то.мчилари таркибидаги заҳарли моддалар инсон организмига киргач, салбий таъсир кўрсатади. Германиянинг Гамбург, Англиянинг Глазго шаҳарларида содир бўлиб турадиган туманнинг зарарли томони шундаки, у чанг зарраларининг ҳавода тарқалиб кетишига ва ўз-ўзидан тозаланишга йўл қўймайди.

Саноат марказларида бундай туманлар инсон саломат-лигига салбий таъсир қиласи, жумладан, бурун юқори нафас йўллари шиллиқ қабатларини яллиглантириб, турли касал-ликлар пайдо қиласи. Шундай туманли кунларда беморлар-нинг ахволи кескинлашади. Масалан, сурункали бронхит, эм-физема, тумов, зикнафас касалликларига дучор бўлган бемор-лар ўзларини ёмон ҳис қиласи.

Туманлар транспорт йўл ҳаракатини издан чиқаради, фа-локатлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Атмосфера ҳавосидаги чанг заррачалари инсон организми-га нохуш таъсир қиласи. Чангларнинг асорати улар таркиби-даги кимёвий моддаларнинг биологик фаоллигига, табпатига, физик жиҳатига боғлик бўлади. Масалан, ҳаводаги чанг тар-кибидан кўргошин, маргимуш, марганец, кадмий, фтор аэро-золлари организмга муттасил тушиб тургач, сурункали касалликлар пайдо бўлиши аниқ. Жумладан, камконлик, флюороз, полнартрит, полиневрит каби касалликларни келтириб чиқа-риши мумкин. Айниска радиоактивлик хусусиятнга эга бўлган чанглар ўта хавфлилиги билан ажralиб туради. Радиоактив чанглар нақадар ҳавфлилигини Чернобиль фожиасида, Семипа-латинск полигонининг асорати борган сари намоён бўлаётга-нида кўриш мумкин.

Заҳарли бўлмаган йирик диаметрлн чакг заррачалари кўз ва буруннинг шиллиқ қабатларига тушиб, уларки жароҳат-лайди, яллигланиш жараёни бурунда, томоқда, кекирдақда вэ бронх найларида кузатилади. Бундай ҳоллар ўткир ва сурун-кали ринит, ларингит, фарингит, трахеит, бронхит ёки трахео-бронхит, ларинготрахеит каби касалликларни келтириб чиқа-ради. Нафас йўллари орқали ўпкага кварц чанглари тушсэ пневмокониоз касаллигини, электр станциялардан чиқадигав қурумлар таркибида 14,9—19,7% атрофида кремний (силиций) кўшоксид мюддасининг бўлиши эса сликоз касаллигини келти-риб чиқаради.

Катта индустрисал шаҳарларнинг атмосфера ҳавоси тарки-бida мазкур модда 20—30% га етиши мумкин. Шуни айтиш керакки, чангларнинг энг майда заррачалари организмига за-рарли таъсир кўрсатади.

С Гольдберг олиб борган илмий-тадқикот ишлари шуни кўрстадики, улкан иссиқлик кувзати ишлаб чиқардигая мар) 1зий станциялар (ТЭЦ) жойлашган районларда 322 тз мак б ўкувчиси текширилганда, улардан 58,3% нинг ўпка-сидс анчагина салбий ўзгаришлар, 16,3% ида эса силикоз ка-сал/ гининг биринчи босқичи қайд қилинган.

> шодаги газ таркибининг ўзгариши гигиеник нұктай на-зядан ҳавфлм хисобланади. Ҳавода қандайдир нохуш ҳид сезилса ва у нафас йўллари орқали организмга кўпроқ кириб қолса, албатта касаллик оодир бўлади.

Бироқ шундай газлар ҳам борки, улар ўта заҳарли бўли-шига қарамай, сира хиди бўлмайди. Жумладан, ис газинв инсон сеза олмайди. Кўпинча шаҳар атмосфера ҳавосига са-ноат корхоналари жуда кўп турли хусусиятли ҳидсиз ва ҳид-ли газ аралашмалари чиқарип ташлаши мумкин. Катта ин-дустриал шаҳарларга кириб келинганда ҳаво

таркиби, унинг мусаффолиги бузилганлигини сезиш мумкин. Масалан, Олма-лик, Чирчик, Навоий ва бошқа ша^арлар атмосфера ҳавоси-нинг таркибида 10 ва ундан зиёд газлар бўлади.

Булар, албатта, бундай шаҳарлардаги саноат корхонала-ридан, автотранспорт воситаларидан ажралиб чиқадиган за-рарли газлардир. Ҳаво таркибидаги заарли газлар тўғридан-тўғри нафас йўлларига кириб, ўпканинг алвеолаларига, қонга ўтади, ёхуд шилиқ қабатидаги намликлар билан бирикиб. уни яллиглантириши мумкин. Узбекистонда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари заҳарли газлар кўпинча ёши ўтган кншилар-га, шуннингдек ёш болаларга анча кескин таъсир этйшини, касалликлар хийла оғир ўтишини, бунда беморларнинг анча қисми нобуд бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Маълумотлар шаҳарлар аҳолиси ўртасидаги нафас йўли касалликлари билан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ора-еида узвий боғланиш борлигини кўрсатади. Айниқса заҳарли туманларнинг пайдо бўлиши оқибагида саноат корхоналари жойлашган шаҳарлар аҳолиси ўртасида турли касалликлар кўплаб учрайди. Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар ҳавоси тар-кибида заҳарли моддалар кам бўлса-да, лекин сурункали ра-вишда мавжудлиги турли хасталикларни келтириб чиқараве-рар экан.

М. Маслова берган маълумотларга қараганда, нефть кимё-си комбинати жойлашган район ҳавзасида сульфат ангидриди, водород сульфит гази, ароматик углеводородлар ва бошқа омилларнинг бўлиши ёш болалар ўртасида кўп касалликлар келиб чиқишига, ўпка фаюлиятининг ўзгариши ва нафас олиш-нинг тезлашишига сабаб бўлар экан. Бунда айниқса аллергия, лневмония, бронхиал астма, дерматитлар авж олганлиги аниқ-данган.

Н. Скверцова маълумотларига кўра, ўпка ракининг келиб чиқиши билан атмосфера ҳавосининг турли чиқиндилар би-лан ифлосланиши ўртасида боғликлар мавжуд.

Хуллас, атмосфера ҳавосининг заарли газлар, чанг, қу-рум, туманлар билан ифлосланиши ўз навбатида мазкур ҳавза-да яшовчи кишилар организмига асоратли таъсир кўрсатмас-дан қолмайди.

Узбекистон гидрометеорология маркази берган маълумот-ларга қараганда, Олмалиқ ва Фарғона, шунингдек Навоий ва Кўқон шаҳарлари атмосфера ҳавосининг заарли моддалар билан ифлосланиши бўйича энг ифлос ҳаволи шаҳарлар гуру-ҳига киради. Узбекистонда доимий (стационар) манбалардан лтмосфера ҳавосига ташланадиган чиқиндилар 1,3 млн тонна-га етди. Жумладан, сульфат ангидрлди 535,8 минг, углеводород 427 минг, азот оксиди 94,1 минг тонна ва қаттиқ заррача-лар 317,4 минг тоннани ташкил этди. Ана шу заарли модда-дар асоратидан Узбекистон шаҳарларида касалликлар 1,5 ба-робар кўпайиб, бронхиал астма 20 фоиз ортди. Болалар организмининг юкумли касалликларига қарши курашиш кучи 25—37 фоиз пасайиб кетганлиги кузатилди.

Чирчиқ шаҳрида қон касали 4,7 баробар, эндокрин безлар тизими касаллиги 1,9 баробар, қон босимининг ошиши 4,5 ба-робар, юрак ишимия касаллиги 2,2 баравар ортганлиги маъ-дум.

Фарғона шаҳрида 1982—1988 йиллар мобайнида нафас йў-,ли касалликлари жуда ошганлиги аниқланган эди.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё дараси худудига Тожи-қистоннинг ;Ў1ирзо Турсынзода шаҳрида жойлашган алюминий заводи чиқиндиларининг асорати туфайли бу ерда чақалоқлар туғилгач, 1 ёшга етмай нобуд бўлиши 1,5 марта, туфма касал-ликлар 1,8 марта кўпайди.

Ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланган атмосфера ҳаво сининг организмга ноxуш таъсири турли йўллар билан аниқ-ланади. Жумладан, одам организмида содир бўладиган файри-табиий ўзгаришлар ўрганилади, хусусан, атмосфера ҳавоси ифлосланган худудларда ёш болалар тиббий кўрикдан ўткази-лади ва ҳоказо. Еки ҳавоси ифлосланган худудларда яшовчи аҳолидан сўраш йўли билан улар эътиroz ва шикоятларининг ўзига хослигини ўрганиш, организмда вужудга келадиган функ-пионал ўзгаришларни аниқлаш ҳам катта гигиеник аҳамият касб этади.

Бунда кўпинча 5 ёшга тўлмаган болаларнинг сиҳат-сало-матлигини ўрганиш ишончли натижаларни беради. Сабаби, атмосфера ҳавоси ифлосликларига ўсиб келаётган ёш организмлар сезгир бўлади. Ҳаводаги ёт моддаларнинг салбий таъсирини болалар организмида якколроқ кўриш мумкин. Шунингдек, ёш болаларнинг организми сапоат корхоналари чи-қарадиган заарли газлар, чанглар, аэрозолларнинг бевосита таъсиридан маълум даражада ҳоли бўлади. Бунинг устига бо-лаларни тиббий кўрикдан ўтказиши ташкилий жиҳатдан анча қулай бўлади.

Одатда тиббий кўрикдан ўтказишида иккита муҳим масала-ни ҳал қилиш муҳимдир. Жумладан, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси кузатиладиган жойларда турлича бўл-маса ёки ифлосланмаган назорат районлари олинмаса, касал-ликлар фарқнни англаш жуда мураккаб бўлади. Назорат райони сифатида ҳавоси ифлосланмаган худудлардаги текши-рувдан ўтказилган болаларнинг касалликлари ҳавоси турли газлар, чанглар ва аэрозоллар билан кўфлосланган районлар болаларининг соғлиғидан анча яхшироқ бўлиб, улар турли физиологик кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Бундан ташқари, текшириладиган районларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари, аҳоли турмушининг санитария ҳолати бир хил бўлмоги керак. Текширув ўтказишининг

режаларига асосан:

- 1) ахолини тиббий кўриқдан ўтказишда нафас йўлларига, кўзга, юрак-қон томир касалликларига, асаб ва бошқа аъзо-ларга бўлган таъсир синчкоалик билан текширилади;
- 2) болаларнинг жисмоний ривожланиши ўрганилади, яъни бўйининг ўсиши, кўкрак қафаси айланасининг ҳолати, ўпкаси-нинг ҳаётий ҳажми ва бошқалар ҳисобга олинади;
- 3) организмда содир бўладиган физиологик, биокимёвий жараёнларни ўрганишда турли замонавий усуслардан фойда-ланилади;
- 4) касалликларни тавсиф, таҳлил қилишда санитария-ста-тистика ҳамда математика усусларидан фойдаланилади, нис-бий ўртacha қиммат, стандартли кўрсаткичлар ва ишончли аниқ коэффициентлар топилади.

Мазкур усуслар ёрдамида назорат ва тажриба ўтказилаёт-ган районларда яшовчи ахолининг касалликлари атрофлича ўрганилади ҳамда аниқ фарқ топилгач, касалликларни камай-тириш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Атмосфера ҳавосининг инсон организмига ва унинг турмуш тарзига таъсири ўрганилар экан, яна бир масалага тўхталиш-га тўғри келади, бунда гап инсон организмига таъсир қиласи-ган омилларнинг бир нечтаси устида боради.

Шуни айтиш керакки, атмосфера ҳавосидаги газсимон, чанг кўринишидаги ҳамда бўғ ҳолатидаги зарарли тажовузкор мод-даларнинг сони кўп. Бу моддаларнинг қайси бири муайян шароитда одам организмига таъсир этади деган савол туғи-лади. Шунингдек зарарли тажовузкор моддаларга одам орга-низмининг меъёрий ҳолати, касаллиги ёки сурункали чекиш, спиртли нчимликлар ичиш ва бошқа ижтимоий, иқтисодий

5-жадвал

Захарли туманларнинг ахоли саломатлигига зарарли таъсири

Шахарлар	Давр [иддар]	Вафот втганлар	Захарланганлар мурожаати
Масс (Белгия)	1930 й., декабрь	63	Бир неча юз киши
Докор (АҚШ)	1948 й., октябрь	20	Ахолининг 43% и, шундан 10% оғир ҳолда
Лондон (Англия)	1952 й., декабрь	3900	Жуда кўп киши Кузатилган
— « —	1955 й.. январь	240	— « —
— « —	1956 й.. январь	1000	— « —
— « —	1957 й., декабрь	800	— « —
— « —	1959 й.. январь	200	— « —
— « —	1962 й., декабрь	850	— « —
Нью-Йорк (АҚШ)	1958 й., ноябрь	Хамма ёшларда бўлгая ўпим Катта ёшдаги кишилар орасида бўлгаи ўлим	— « —
— « —	1962 й., ноябрь	— « —	— « —
— « —	1962 й.. декабрь	— « —	— « —
— « —	1966 й.. ноябрь	— « —	— « —
Детройт (АҚШ)	1952 й., сентябрь	Болалар ўртаси-да кузатилган ўлим	
Осока (Япония)	1962 й.. сентябрь	60	— > —
Роттердам (Нидерландия)	1953 й.. февраль	Хабар берилмаган	— » —
Собиқ СССР	Кўрсатилмаган	Кўрсатилмаган	

Омилларнинг таъсири бўладими деган савол ҳам туғилниши табиий. Бундан ташқари, турли кимёвий токсикологик хусу-сиятга эга бўлган моддаларнинг бир-бири таъсирини кучайти-риш ёки бетарафлаш, ёхуд пасайтириш хусусиятларн назарда тутилса, бундай саволларга жавоб бериш анча мураккаб бўлади. Мабодо, кимёвий моддалар жами бир-бирининг таъсан-рини ошириб юборса, у ҳолда организмнинг заҳарланиши со-дир бўлади. Ҳақиқатан ҳам кимёвий моддалар бир-бири билан ўзаро кўшилганда уларнинг хусусиятларida маълум ўзгариш-лар бўлади.

Ушбу жадвалдаги маълумотлар одам организмига ҳаво билан бир неча хил зарарли моддаларнинг кириши қандай фэжиали оқибатларга олиб келишини кўрсатади.

Одамлар заҳарли туманлардан ўпкада 50г газининг кўпа-йиб кетишидан ҳалок бўладиллар. Сульфит ангидриди гази муаллақ ҳолдаги заррачаларга сингиб, ҳаво орқали альвеола-ларга етиб боради ва у ерда 50_2 куюклиги (концентрацияси) юқори даражага етади.

Хуллас, чанг зарралари заҳарли моддани ўпка альвеола-ларига етказувчи омил бўлиб колади. Альвеолалардаги 50г куюклигининг ошиши организм заҳэрланишига олиб келади.

Захарли туманлардан кўпинча сурункали ўпка, юрак ва асаб касалликлари билан оғриган беморлар жуда қийналади-лар. Масалан, АҚШ нинг Янги Орлеан шахрида ҳавонинг иф-«лосланиши ахоли орасидаги бронхиал астма касаллиги ривож-ланишига

олиб келган. Шунга ўхшаш ҳодиса Япониянинг Июкоачи шаҳрида ҳам «узэтилган. АҚШ нинг Нэшвиш шаҳрида одамлардаги брон-, хиал астма касаллигининг кучайиши билан атмосфера ҳавоси ифлосланишининг даражаси орасида узвий боғланиш борлиги аниқланади. БундаР! ҳолларда назорат районларини излашнинг ҳожати бўлмайди. Чунки бунда атмосфера ҳавосининг брон-хиал астма касали зўраймаган вақтдаги ҳолати назорат да-диллари хизматики утай олади.

Демак, атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан келиб чи-қадигап заҳарланишни ҳавонинг ифлослиги билан изоҳлаш. учун назорат сифатида бир гурух аҳолининг ўзи кифоядир.

Ифлосланган атмосфера ҳавоси аҳоли ўртасида сурункали ўзига хос ёки ўзига хос бўлмаган касалликларни келтириб чи-қариши мумкин. Булар эса, ўз навбатида, иккига бўлинади:

1) зарарли моддалар сабаб бўладиган сурункали ўзига хос касалликлар. Масалан, кўргошиндан касалланиш, фтордан флюороз касаллиги келиб чиқиши мумкин ва ҳоказо.

2) зарарли моддалар ҳаво орқали сурункали ўзига хос ка-салликларни келтириб чакириб, уларнинг заминида организм-нинг қувватсизлиги, бардошсизлиги оқибатида юқумли касал-ликлар пайдо бўлиши мумкин.

Атмосфера ҳавосининг кўмир ёкиш билан боғлиқ ифлос-ланкши силикоз, пневмокоиоз ёки антиракоз касалликларини чиқариши мумкин. Жумладан, симобнинг метилли бирикмаси, лолихлорли бифенил препаратлари, асвестлар ҳам ўзига хос сурункали касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Японянинг айрим префектураларида «итай-итай» деб ата-лувчи касаллик қайд қилингай. Бу касалликнинг келиб чиқи. Шига кадмий ва унинг бирикмалари сабаб бўлади. Шунингдек, симобнинг метил гурухли бирикмаси ҳам минимата деб ата-лувчи касалликни келтириб чиқаради. Бундай касаллик даст-лаб Япония, Гана, Эрон ва Ироқда аниқланган.

Одатда, ҳавоси жуда ифлослангал шаҳарларда содир бўла-диган нотипик сурункали касалликларга сабаб бўладиган омил-лар узоқ вақт одам организмига тушиши натижасида пайдо» бўлади. Бундай касалликларни аниқлашда таққослаш йўли билан далилларга асосланиб, хулоса чиқарилади. Бунда иқти-садий, ижтимоий, иқлимий ва бошқа жиҳатлардан бир хил икки район аҳолиси касалликларининг кўрсаткич даражаси аниқланади. Биринчи район аҳолиси саноат юрхоналари чи-қиндилири билан ифлосланган ҳаво таъсирида бўлса, кккинчи. район аҳолиси бундан ҳоли бўлади. Касалликлар тўғрисида олинган далиллар таққосланиб, бундаги фарқлар статистик ҳисоб-китоблар йўли билан пухта ўрганилади, сўнгра далил-ларга асосланиб, касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар--аниқланади, уларга барҳам бериш чоралари кўрилади.

Ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ барча томонлар атрофлича ҳисобга олингач, бажарилиши лозим бўлган иш дас-тури тузилиши керак. Ҳаво ифлосланишининг аҳоли саломат-лигига таъсирини ўрганиш учун аввал кузатиш районларини аннилаш керак, бунда уч район тажриба учун етарли бўлади. Бу районлар ҳудудида ҳаво таркиби турли даражада бўлиши мумкин:

1. Гоҳо район ҳавоси шу даражада ифлосланган бўладики, унинг таркибидаги зарарли моддалар руҳсат этиладиган меъёрдан кўп бўлади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики за-рарли моддалар миқдори руҳсат этиладиган меъёрдан (РЭМ) 5 марта ошса, умумий касалликлар миқдэрининг ошиши ва уларнинг тарқалиши кузатилади. Мабодо, бу моддалар РЭМ дан 2—3 марта ошса, организмда баъзи функциопал-физиоло-гик ўзгаришларни келтириб чиқаради.

2. Биринчи назорат райони. Бу районда атмосфера ҳавоси-даги зарарли моддалар РЭМ да ёки унга яқин бўлади. Аҳоли ўртасида умумий касалликлар ўрганилганда зарарли модда-лар аҳоли саломатлигига зарар етказмаслигини кўрсатади.

3. Иккинчи назорат райони. Бу районда атмосфера ҳавоси таркибидаги зарарли моддалар РЭМ дан анча кам бўлади, Саноат корхоналари чиқиндилари оқибатида келиб чиқадиган касалликлар умуман кузатилмайди.

Бундай районларни танлашда санитария органлари қуий-даги маълумотларни тўплашлари керак бўлади:

ҳавони ифлослантирувчи манбалар сони; иқтисодий-ижтимоий ривожланиш борасидаги маълумотлар; ижттшой, гигиеник ва бошқа материаллар; даволаниш ва профидактика муассасаларининг сони ва улар фаолиятининг сифати;

поликлиникага қилинадиган мурожаатлар асосида аҳолига тибий хизмат кўрсатиш ҳажми, касалликларнинг аҳоли ўрта-сида тарқалиши даражаси.

Кичик аҳоли манзилгоҳлари назоратга олинганда аҳоли-нинг барча қатламлари кузатилиши зарур, уларнинг сони 25—30 минг кишидан кам бўлмаслиги керак. Кузатиш натижасида олинадиган далиллар аниқ бўлиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан касалликлар орасида боғланиш борлиги-ни исботлаш лозим. Бу борада боғча ва мактаб ёшидаги бола-лар гурухини танлаш ва кузатиш аниқ маълумотлар беради. Чунки улар спиртли ичимликлар ичиш, чекиш сингари зарарли одатлардан холидир.

Кейинги йилларда олимлар катта ёшли касб эгалари гу-рухлари ўртасида

текширишлар олиб борилганда бир гурух ишчилар бир хил цехда бир хил касбга эга бўла туриб, лекин ишдан сўнг улар ҳавоси ҳар хил даражадаги физиологик ўзгаришларга учраб, кўпроқ ифлослаиган районда турлича ка-салланишига эътибор бердилар.

ТУРАР ЖОЙЛАР ҲАВОСИДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ГИГИЕНИК МЕЬЁРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Гигиена фани ҳаводаги заарли моддаларнинг рухсат этиладиган миқдорини аниқлаш борасида бир қанча амалий тад-бирларни жорий этди. Ҳозир гигиенистлар 1 m^3 атмосфера ҳавооидаги ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этиладиган миқдорини ишлаб чиқиш усуулларини ишлаб чиқсанлар.

Рухсат этиладиган миқдор (PЭxM)нинг ишлаб чиқилганлиги фан-техника тараққиётининг муҳим ютукларидан биридир. Илмий асосда ишлаб чиқилган PЭM воситасида саноат корхоналари ўзларининг ифлос чиқиндиларини шу меъёрдан оширмасликка ҳаракат қиласидар. Жумладан, корхоналарнинг ил-мий-техника кенгашлари заарли чиқиндиларни кам чиқариш ёки умуман чиқармаслик мақсадида мавжуд технологик жа-раёнларни пухта ўзгаришига, тутун, чанг, курум ва заҳарли газларни ушлаб қолувчи воситаларни яратишга мажбур бўйладилар.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, гигиена фани PЭM ишлаб чиқариш асосларини биринчи бўлиб яратди. Йирик олим В. А. Рязанов 1946 йили атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаспни белгилаб, қуидагиларга эътибор бериш лозим-лигини кўрсатиб ўтди:

1. Атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддаларнинг PЭM и одам организмига бевосита ёки "бильвосита заарли таъсир кўрсатмайдиган миқдорда бўлиши керак. Бунда одам-нинг меҳнат фаолиятига ва соғлиғига путур етказмаслик на-зарда тутилади. Заҳарли моддаларга ўрганиб қолишни кўнгилсиз ҳолат организмнинг заҳарланиши даври деб тушунмоқ лозим. Мод-данинг заҳарли бўлишини туғдирадиган бундай миқдор рухсат этиладиган миқдор хиобланадп.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАКИШИННИНГ УСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИРИ

Сўзиз, саноат корхоналаридан ажralиб чиқадиган модда-ларнинг ҳаммаси, жумладан кислоталар, ишқорлар, чанглар, газсимон ва бугсимон моддалар ўсимликлар оламига салбий таъсир кўрсатади. Катта-катта саноат корхоналари атрофида-ги ўрмонлар 3—5, 10—25 км нарида жойлашган бўлишига қа-рамай, чиқинди моддалар билан озорланиши ҳақида маълу-мотлар бор. Тахминларга қараганда, заҳарли газлар ўсимлик баргларининг хужайра протоплазмасига кучли таъсир кўрса-тади, айниқса фтор, хлор, сульфит ангидриди гази ўсимлик баргларига жуда заҳарли таъсир кўрсаткб, ҳатто қуидириб юборади. 1 m^3 ҳаводаги 50_2 газининг миқдори 1 mg бўлса-да, лекин у ўсимликтада кечадиган фотосинтез жараёнларини су-сайтиради. Чанг, курум ва бошқа чиқиндилар дарахт барг-ларига ўтириб, нафас олиш тешикчаларнни тўлдириб қўяди. Күёш нурининг хлорофилл доначалари етиб боришинн кескин камайтиради.

Саноат корхоналари дудбуронларидан чиқаётган дуд ға қурумлар таъсирида дарахт барглари сарғаяди, боғлардаги дарахтларда турли доғлар пайдо бўлади, пировардида ўсим-линк барглари куриб, тушиб кетади.

Арча ва турфа мевали дарахтлар газлар таъсирига ўта сез-гирликлари билан ажralиб туради. Саноат корхоналари жой-лашган ҳудудлар атрофидаги ўрмонларда яшовчи қушлар, тур-ли ҳайвонлар мазкур жойлардан ҳавоси нисбатан тоза жсй-ларга кўчиб, ҳавоси бузилган жойларда асаларилар ҳам қи-рилиб кетади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ўсимликлар дунёси-гагина эмас, балки тупрюққа, дарё сувларига ҳам заарлидир.

Тадқиқотлар атмосфера ҳавоси ифлосланган районлардз касалларнинг нисбатан кўп бўлиши турар жойлардаги ҳаво-нинг тўғридан-тўғри чиқинди моддалар билан кфлосланишига боғлиқ эканини кўрсатади. Шундай районларда юрак касал-ликлари, нотипик кўринишдаги ўпка касалликлари кўпайиши, болаларнинг бўйга ўсиш, кўкрак қафаси, тана вазни каби му-таносблекларида жиддий ўзгаришлар бўлиши қайд қилинган.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИНГ ТАБИИЙ ТОЗАЛАНИШИ

Инсониятни, шу жумладан, бутун жониворларни ўз бағри-га олган табиатда ҳар қандай заарли модда ҳаддан зиёд кўпайиб кетмаса, табиий жараёнлар таъсирида заарлн омиллар ўз-ўзидан заарсизланиши мумхин. Масалан, түғроққа оэлинган гўнг 3—6 ой мобайнида бзктериялар, табиий таъсир⁻¹ ф ёрдамида ноорганик моддаларга айланади, инфекциялар ҳирлади, натижада одам организмига зарар етказмайдиган ҳолатга келади. Шунингдек, атмосфера ҳавосига чиқаруб таш-лападиган газсимон, бугсимон моддалар еки чанглар оз миқдорда бўлса, вакт ўтиши билан ўз-ўзидан

зарарсизланиши мумкин. Уз-ўзича зарарсизланиш атмосфера ҳавосида кечади-ган доимий табиий, кимёвий жараёчлар таъсирида юз беради.

Умуман атмосфера ҳавосининг /з-ўзича тозаланиш хусу-сияти жуда секин кечади, унга тушадиган зарарли ифлослик-лар салмоғи эса ортиб боради.

Атмосфера ҳавосининг тозаланишида ёғинлар асосий роль ўйнайди. Ҳаво таркибидаги зарарли омилларни қор ва ёмғир Ювиб кетади.

Егингарчилик қанча кўп бўлса, ҳаво таркиби шунча кўп тозаланади. Ҳавони тозалашда дов-дараҳтлар, қолаверса бу-тун ўсимликлар оламининг аҳамияти каттадир. Масалан, да-рахт барглари чанг зарраларини кўп микдорда ушлаб қолади, саарли газларни ўзига сингдириб олади.

Дараҳт барглари ҳаводан CO₂ газини фотосинтез реакция-лари воситасида олиб, ҳавога тоза оксигенни чиқаришда катта роль ўйнайди.

Ҳавонинг ифлосликлардан тозаланишида сув ҳавзалари-нинг роли ҳам бор. Океан ва денгиз сувлари айниқса экватор лпктақаларида зарарли моддаларни худдн насосдек тортиб ҳавони тозалашда ёрдам беради. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, катта дарёлар — Волга, Ангара, Енисей ва бюш-қа дарёлар ҳам ҳаводан сульфит ангидридини, азот оксидини ўзинга сингдириб, ҳавони тозалашда ердам беради.

Шуни айтиш кераккни, атмосфера ҳавоси таркибидаги за-рарли чиқиндилар ҳамда газлар камайишида фаол қатнашган йғпн сувлар сув ҳавзаларинн маълум даражада ифлослати-ради.

Моддаларнинг ўсимликлар дунёсига, худуд иқлимига, ха-воннинг мусаффолигига, аҳолининг яшаш шароитига нохуш таъсир кўрсатузчи микдори ҳеч қачон рухсат этиладиган микдор (РЭМ) деб қаралмайди. Шу боисдан ҳам ҳар бир кимёвий модданнинг атмосфера ҳавосидаги РЭМИни ишлаб чиқиш ва унн амалда татбик этиш катта аҳамият қасб этади.

Мосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси аниқлангак-да унда модданинг номи ва микдорини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунда албатта аниқланган микдор рухсат этила-диган микдордан неча фоиз ортганлиги сўралади. РЭМ нинг ҳар бир модда учун ишлаб чиқилиши атмосфера ҳавоси иф-лосланиши ортиб кетмаслигининг гаровидир.

Атмосфера ҳавосидаги заҳарли моддалар РЭМИнн аниқ-лаш учун авал энг кичик микдор аниқланади. Бу микдор РЭМ ни аниҳлаш учун керак бўлган лимитли сезир кўрсаткичлар билан изоҳланади. Масалан, кишининг сэзги органлари ҳаво-даги зарарли модданинг ҳидини сезмаса, унинг мазкур миқдо-ри организмга ҳамда ташки мухитга зарар қилмаса, у ҳолда заҳарли модданинг лимит кўрсаткичи одамнинг сезги орган-лари хисобланади. Чунки энг кичик бўсаға микдорни ҳозирги ҳолда инсоннинг сезги аъзоларигина аниқлади.

Агар мазкур миқдор ташки мухитга таъсир қиласа, у ҳолда гигиеник меъёр ишлаб чиқилаётганда ташки мухитни ўзгартирувчи энг кичик бўсаға микдор назарда тутилади.

6-жадвал

Егингарчиликнинг

атмосфера ҳавоси тозаланишига таъсири

Егингарчилик миқдори (мм хисобида)] м ³ ҳавода курум чўкиши (г хисобида)
0—20	9,8
20—40	10,6
40 ва ундан кўп	16,9

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари атмосфера ҳавосидаги ҳар бир заҳарли мюддага гигиеник жиҳатдан икки хил меъёр белгиланади. Катта, бир йўла ва ўртacha суткалик рухсат этиладиган кичик бўсаға микдор шулар жумласидан-дир. Бир йўла, катта РЭМ ни ишлаб чиқиш (20 минут) иф-лосланган атмосфера ҳавосининг инсонга қисқа муддатли таъсири оқибатида пайдо бўладиган рефлектор (ҳидни сезиши, мия ярим шарларининг биоэлектрик фаоллиги, кўзнинг сезгилиги ва хоказо) реакциясига асосланган.

РЭМ дан турар жойлардаги атмосфера ҳавосининг ифлос-ланишини ўрганишда фойдаланилади. Уртacha суткалик РЭМ, модданинг организмга умумий таъсири, кайцероген, мутаген таъсири сурункали тажриба ўтказиш йўли билан ўрганилади. ва организмга таъсир этадиган энг кичик бўсаға микдор то-пилади.

Бунинг учун керак бўлган далиллар тажриба ўтказиш йўли билан аниқланади. Бир йўла, катта рухсат этиладигак микдорни топиш учун инсоннинг нафас йўллари орқали 5—20 минут давомида иш зонаси ҳавосига мўлжалланган РЭМ таъсири этирилади. Бундай микдор одамлар учун ҳавф туғдир-майди. Аввал модданинг ҳиди аниқланади. Нафас йўллари, билан аниқланиладиган модданинг эяг кичик микдоридаги ҳид. аниқланилади. Бу микдор бўсаға бўлиб, кейин нафас орган-ларининг рецептив зоналарини қитикловчи микдорда бўсаға ва: бўсаға ости микдорлари топилади. Бўсаға ости микдори рух-сат этиладиган микдор сифатида қабул қилинади ва маҳсус гигиеник муаммолар комиссия томонидан тасдиқланиб, қонун-лаштирилади. Уртacha суткали РЭМ

захарланишларнинг олди-ни олишда катта роль ўйнайди. Жумладан, рефлектор реакцияларни аниклашда хронорефлосометрия, электроэнцефоло-І >афия ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ўртача суткали РЭМ ни топишда муайян месддининг уму-м::й таъсири ўрганилади, бунинг учун суткалик маҳсус таж-риба ўтказилади. Оқ каламуш, денгиз чўчқаси каби лаборато-рия ҳайвонлари устида тажрибалар олиб борилади, бунда ор-ганизм билан ўрганиладиган модданинг контакт қилиш модели кашлаб чиқилади. Маҳсус камераларда суткалик тажриба ўтка-зилади. Бунда 3—4 ой мобайнода ҳар кунн 24 соат давомида тажрибадаги ҳайвонларга ҳаво билан ўрганиладиган модда юборилади. Тажрибада бўлган ҳайвонлар нафас йўли орқали ўрганилаётган моддани ўз гурухига қараб турли миқдорда (концентрация) олади.

Энг кичик таъспр этадиган миқдор шу йўсинда топилади. Бу миқдор модданинг бўсаға сести миқдори бўлиб, РЭМ га асос бўлади. Утказиладиган мазкур тажриба сурункали бў-либ, 3—4 ой давомида динамикада ҳайвонлар соғлиғи текши-рилади, улар организмида содир бўлаётган ўзгаришлар аникланади. Ҳайвон организмида рўй берадиган ўзгаришларнинг кичик миқдорли моддалари билинار-билинмас бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам тажриба даврида энг нозик, кичик ўзга-ришларни аникладиган усуллардан ва тегишли асбоб-уску-налардан фойдаланилади. Бунда физиологик, биокимёвий, гистокимёвий ҳамда морфологик усуллардан фойдаланилади, зинг нозик кўрсаткичлар аникланади.

Тажриба вақтида олий нерв тизимидағи ўзгаришларга катта аҳамият берилади. Айрим тажрибаларда қоннинг фермента-тив ҳолати, оқсил фракциялари, қоидаги 5Н гурухлар ҳамда организмлардаги витаминлардан С, В₁, В₂ ва бошқаларнинг зн,г кам миқдорининг эмбрионга, сперматазоидларга таъсири, канцероген, мутаген, аллергеник хусусиятлар ўрганилади. Дар-ҳақиқат, жуда кўп кимёвий моддалар юкорида зикр қилинган хусусиятларга эга экан, атмосфера ҳавосининг ифлосланишин-дан турли хил касалликлар, жумладан, аллергия, рак сингаря касалликлар пайдо бўлмоқда. Узоқ давом этадиган тажриба-лар заҳарли моддаларнинг оз миқдори асаб тизимида, қонда, ферментларда ўзига хос бўлмаган ўзгаришларга олиб келиши-ки кўрсатади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, юкорида келтирилган маъ-лумотлар факат бирон-бир заҳарли модда устида кетяпти. Вахоланки, аҳоли турар жойларининг атмосфера ҳавосида кўп турли таъсирчан кимёвий моддалар бўлиши мумкин. Демак, ор^анизмга бир қанча заҳарли моддаларнинг таъсири қандай бўлишини ўрганиш зарур. Бундай тажрибалар анча мураккаб кечади.

Гигиеначи олнмлар гигиеник меъёрлар ншлаб чиқишининг назарий ва амалий томонларини ҳал қилишда катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, атмосфера ҳавосида бир қанча моддалар мавжуд бўлиб, улар бирваракайша ўз таъсирини кўрсата-диган бўлса, уларнинг атмосфера ҳавосидаги рухсат этилади-гак миқдор қуйидаги формула асосида аникланади:

$$\frac{C}{PTGT^+} \geq \frac{C_1}{PDK_3} + \frac{C_2}{PDK_n} < 1 \text{ ѿни},$$

Съ С₂, С₃, С_п — атмосфера ҳавосидаги заарли моддаларнинг ҳақиқий миқдори. ПДК₃, ПДК₂, ПДК₃, НДК_п — мазкур мод-даларнинг рухсат этиладиган миқдори.

Бу формулага кўра, моддаларнинг асл миқдорлари йигин-диси ва улар РЭМининг нисбати 1 дан ошмаслиги керак.

Шу нарса маълумки, ҳозирда шаҳарларнинг атмосфера ҳавоси таркибида жуда кўп турли заарарлар мавжуд. Шу боисдан уларнинг инсон организмига биргаликдаги таъси-рини ўрганиш ҳамда кичик таъсири этадиган ёхуд таъсири эт-майдиган миқдорини топиш ва ифлосланишлар олдини олиш катта аҳамият касб этади. Бу масаланинг бир томони, иккин-чидан, инсон организми ўз фаолияти ва тузилиши жиҳатидан мураккаб экотизимга киради.

Демак, атмосфера ҳавоси ифлослікларнинг инсон орга-низмига таъсирини ўрганишда юкорида айтиб ўтилган ҳолат-лар назарда тутилмаса, бажариладиган вазифалар кутилган натижани бермайди.

Маълумки, тирик организм бир қанча мураккаб функция-ларни бажаради, улар эса асаб, юрак, қон-томир тизимлари¹ эндокрин органлар учун айникса хосдир. Атмосфера ҳавоси таркибидаги заарарли моддалар ана шу тизимларнинг фаолиятига таъсири кўрсатади.

Ҳар бир модданинг ўзига хос таъсирини гигиенистлар тур-ли математик моделлар тузиш йўли билан атрофлича ўрга-ниб, кейинги йилларда кўпгина маълумотлар тўпладилар. Бу маълумотлар одам организмида пайдо бўладиган патологик жараёнларнинг келиб чиқишида турли таркибий кисмлар ро-лини аниклашга ёрдам беради.

Кимёвий таъсиrotлар натижасида организмда кечадигав жараёнларни, яъни биокимёвий реакцияларни математик хи-ооблаш йўли билан аниклаш, таҳлил қилиш ва хулосалар чи-қариш йўлга қўйилмоқда.

РЭМ нинг ишлаб чиқилиши гигиена фашишинг катта ютуғк-дир, бу эса ўз навбатида,

санитария органлари фаолиятида мухим воситадир Маълумотларга қараганда, ҳозирги атмосфера ҳавоси учун 600 та кимёвий модданинг РЭМи ишлаб чиқилган, шунингдек 38 та модданинг бирлашиб таъсир қилиши ўрганилган бўлиб, улар учун меъёрлар белгиланади.

Гигиена фанида энг мураккаб масалалардан бирп ишлаб чиқилган РЭМ ни инсон организмига ва унинг фаолиятига кўчиришдир. РЭМ одатда ҳайвонларда ўткир ёки сурункали таж-рибалар ўtkазиш йўли билан аниқланади. Табиий савол туғилиш мумкин: тажриба йўлл білән аниқ—ланган энг кичик таъсир қилмайдиган миқдор инсон организмим» учун тўғри келадими ёки йўқми? Табиий шароптда ишлаб чи-қилган РЭМ ҳақиқатда одамларга таъсир этмаслигини билиш. учун уларнинг салюматлиги атрофлича тибиб ёки кўригидан ўт-казилади.

Шуни айтиш керакки, сурункали тажриба йўли билан аниқ-ланган таъсир этмайдиган энг кичик ўртача РЭМ ни одамга? бевосита татбиқ қилиш мумкин. Бўсаға ости миқдор бўсаға. миқдоридан 3—10 баравар кам бўлади. Шу бонсдан мазкур» миддорлар одамларга таъсир кўрсатмайди. Бироқ аллерген, мутаген, концероген, тератоген хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар сурункали тажрибалар йўли билан аниқланга» бўлиб, ўрганилаётган таъсирчан моддалар шу хусусиятларга: эга бўлса, у ҳолда олингап тажриба хулосаларини одамга нис-батан татбиқ этиб бўлмайди.

Ҳозирги давргача тўпланган маълумотлардан олингам ху— лосага қараганда илмий-текшириш институтларида тажрнба йўли билан ишлаб чиқарилаётган РЭМ нинг одамларнинг реал* турмуш шароитига татбиқ зтилиши ижобий натижалар бер-моқда, яъни атмосфера ҳавосидаги заарли моддалар миқдори РЭМ га тенг бўлса, одамлар орасида касалликлар тарқалиши кузатилмайди. Демак, РЭМ ни таъминлаш одамлар соғлиғида бирор ўзгаришларни келтириб чиқармайди, уни ҳатто ёш болалар учун ҳам татбиқ этса бўлади. Агар РЭМ 2—4 ба-равар ошиб кетадиган бўлса, нафас олнш органлари фаолиятида ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар у 5—7 баравар кўпайса, аҳоли ўртасида касаллпкнинг кўпайиши ку-затилади.

Ҳар бир заарли модда атмосфера ҳавоси орқали орга-низмга тушганда, органнзм унга ўзига хос биологик реакция-лар билан жавоб беради. Масалан, бетоб бўлкб қолади, ўли-шн ҳам мумкин. Атмосфера ҳавоси ифлосланганлигининг ор-ганизмга таъсир этиш даражаси уч даврли бўлиши мумкин:

1-давр асосан атмосфера ҳавоси ифлосланишининг бўсаға* миқдор ости бўлиб, унинг организмга хеч қандай таъсири бўл-маслнги мумкин.

3-даврда одам организмни заҳарли омил билан заҳарланиб. унда кечеётган хасталаниш жараёнлари аста-секин сезилади.

Юкорида кўрсатиб ўтилган 1-ва 3-даврлар оралиғида--2- давр ётади. Мазкур зонада хасталаниш жараёнлари ҳали аниқ бўлмайди ёки бу давр касалланиш олди даври бўлиб, -касаллик беморнинг ўзига, шунингдек бошқаларга ҳам сезил-майди.

Касалликнинг иккинчи даврида сийдик таркибида 17 кето-стероидлар миқдорининг ошиши, қоннинг айрим ферментлари, ҳайвонлардаги шартли рефлексларнинг бузилиши, бош миёда биопотенциалларнинг ўзгариши ва бошқалар жуда чукур бўлмаган орқага қайтувчи ўзгаришлардир. Буни организмни ҳи-мояланиш ҳамда мосланиш реакцияси деса ҳам бўлади.

Хорижий мамлакатларда рухсат этиладиган миқдорлар кў-пинча учинчи давр ўзгаришларини чақирадиган миқдорда тас-диқланади, яъни бундай давлатларда қабул килинган РЭМ

..Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги РЭМ дан анча кўпроқ. .Масалан, сульфит ангидриди учун ҳамдўстликда рухсат этиладиган миқдор 1 м³ атмосфера ҳавосида 0,05 мг га тенг бўлса, АҚШда — 0,26 мг, Францияда — 0,75 мг, Швецияда — 0,25 мг, Швецарияда 0,5—0,75 мг, Польшада — 0,35 мг, Япо-яида эса 0,1 мг деб қабул қилинган. Қейинги бир неча ўн йилда амалтй жиҳатдан ташкилий ўзгариш рўй берди. Бу борада жуда кўп конуниятлар очилди, ...айникса заарли моддаларнинг энг кичик миқдорда организм-га сурункали таъсир этиши тўғрисидаги назариялар гигиека

.Фанини маълум даражада бойитди, шу билан бирга огоҳлан-тириш ва кундалик санитария назорати яхшиланишига имко-яият туғдирди. Масалан, математик мюделлар воситасида ҳи-соблаб чиқилган формалар ёрдамида атмосфера ҳавоси учун тахминий безарар таъсир этиш даражаси ишлаб чиқилди. Маълумки, кимё саноати корхоналарининг тараққиёти ҳалқ

..хўжалигига турли ҳил кимёвий моддалар беряпти, унинг усти-та кўп миқдорда пестицидлар ва бошка ҳил кимёвий моддалар чет мамлакатлардан ҳарид қилинмоҳда. Бироқ ҳалқ хўжалиги мақсадларида ишлатилаётган кимёвий моддалар учун ташки мухит обьектларида РЭМ ишлаб чиқилмаган бўлса, улардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Огоҳлантиришга оид санитария назоратини уюштиришда тахмкний безарар таъсир этиш даражасини кўллаш ифлослаи-тирувчи омилларни гигиеник нуқтаи назарда баҳюлашда ёрдам йеради.

Кейинги вақтда концероген моддаларнинг атмосфера ха-восидаги меъёрнни ишлаб чиқиши долзарб масалага айланди. Бу моддаларнинг гигиеник меъёрларини ишлаб

чиқишидаги асосий поинциплар қуидагилардир: 1) концероген моддаларнинг қайспа миқдори тажриба қилинадиган ҳайвонларда ўрганилмасин, энг кичик таъсир эт-майдиган миқдоридан бошлаб ҳайвонлар умрининг охиригача кузатиш;

2) математик модел асосида охи-рги натижанинг вақт-миқ-дюрга боғлиқ эканлигини ҳисобга олпш;

3) қокцероген моддаларнинг оз миқдоридан вақт ўтиши билан унинг таъсири остида ўсма пайдо бўлишини олдиндан кўра билиш;

4) тажриба қилинадиган ҳайвонлардан олинган далиллар-ни одамларга татбиқ қилиш ва бошқа обьектлар учун РЭМ ни /хисоблаш. Кокцероген мюддаларнинг мазкур принциплар асосида рух-чсат этиладиган миқдорини ишлаб чиҳариш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда, унинг сифатини яхшилашда катта аҳа— мият касб этади. Масалан, 3,4 бенз (а) пирен учун ишлаб"» чиқиладиган рухсат этиладиган миқдор гигиенистлар томони— дан ҳар томонлама текшириб кўрилди, натижада ушбу конце-рөген модданинг ишлаб чиқилган ўртacha суткалик РЭМи аҳоли ўртасида рак касали, айниқса ўпка раки касали тарқалишига-сабеб бўлмаслиги тасдиқланди.

Кейинги йилларда атмосфера ҳазосини муҳофаза қилиш-борасида яна бир кўрсаткич — рухсаг этиладиган даражадаги. чиқинди, деган меъёр гигиена ва санитария амалиётида кўл— ланимокда. Бунда ҳар бир саноаг корхонасининг ўзи учун рухсат этиладиган даражадаги чиқинди деган меъёрни ишлаб чиқиши ва унга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиши керак бўлади.

Туар жойларнинг атмосфера ҳавосидаги заарли модда-ларнинг рухсат этиладиган миқдорини таъминлаш учун ҳар» бир корхона ўзи ташки муҳитга чиқариб ташлайдиган ҳар< бир кимёвий модда, ҳар қайси ифлослантирувчи манба бўйичая. рухсат этиладиган чиқинди меъёрни ҳисобга олган ҳолда фоа-лият кўрсатиши керак. Ҳар бир чиқинди ҳавога мўлжалланган-меъёрда чиқариб ташланадиган бўлса, туар жойлар ҳавоси-даги РЭМ ни назорат қилиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, рухсат этиладиган чиқинди меъерини иш-лаб чиқишида атмосфера ҳавоси учун рухсат этиладиган миқ-дор ҳисобга олиниши лозим, чунки рухсат этиладиган чиқинди меъёри алоҳида ўзига хос меъёр бўла олмайди, у РЭМ нинг" хосилидир.

Шуни қайд қилиш керакки, гигиена ва санитария амалиётига юқорида зикир қилинган рухсат этиладиган чиқинди-меъерининг киритилиши атмосфера ҳавосининг муҳофазаси № назорати фақат гигиеник нормативлар, яъни рухсат этилган. миқдорлар ёрдамида амалга оширилади.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАГИ ЗАРАРЛИ ОМИЛЛАРНИНГ ЕР СИРТИГА ТАРҚАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Атмосфера ҳавоси турли кўринишдаги заарли ва заарсиз-моддалар бўлмиш газлар, буғлар, чанглар, курум ҳамда бош--қа нарсалар билан ифлосланади. Ҳавонинг ифлосланиш дара-жаси кўп сабабларга, хусусан, туар жойлардаги ҳавони ифлослантирувчи манбаларга, хусусан, туар жойлардаги ҳавони ифлослантирувчи манбалар сонига, чиқариб ташланадиган газ-лар, буғлар ва бошқа омилларнинг миқдорига, туар жойлар-нинг иқлими, об-ҳавосига, рельефи^а, жўғрофий кенглиқдаги» жойланишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳавони ифлос-лантирувчи манбалардан чиқадиган заарли моддаларнинг ҳаво ҳавзасида тарқалишини, шунишдек суюлиб кетишини* ўрганиш атмосфера ҳавосининг муҳофазаси борасида санита-рия назорати амалиёти учун турли тадбирлар ишлаб чиқиши. «мконини яратади. Атмосфера ҳавосининг ер юзасига яқин қисмida бундай ҳолатларни ўрганиш айниқса катта аҳамият ,касб этади.

Атмосфера ҳавоси қиска муддатда заарли моддалар билан ..жуда юқори даражада ифлосланиши ва тезда ўртacha даражада-Лаги ифлосланишга қайтиши мумкин.

Гигиена нуқтаи назаридан аҳамиятга моликлиги қисқа муд-датли энг катта миқдордаги ифлосланиш ҳамда узоқ муддатли ўртacha миқдордаги ифлосланишdir. Сабаби қисқа муддатли якатта миқдордаги ифлосланиш кўланса ҳидлар пайдо бўлишига, нафас йўллари қитиқланишига, шунингдек ўтқир қўриниш-,даги касалликлар чиқаришига олиб борса, ўртacha узоқ муддат-ЛИ ифлосланишнинг асорати умумий касалланишга ва сурун-экали заҳарланишига олиб боради. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги худудида илгари мазкур ҳолатлар ҳисобга олиниб, йиб ўла, катта рухсат этиладиган миқдор ва ўртacha суткалик рухсат этиладиган миқдор қабул қилинган эди.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш жараёнидаги заарлар-миқи даражаси қабул қилинган меъерлар, яъни бир йўла рух-сат этиладиган катта миқдор билан ўртacha суткали рухсат этиладиган миқдорни ҳисобга олиб, таққослаш тегкшли ги-тиеник баҳолаш имконии беради. Демак, кундалик санитария даазорати таққослаш йўли билан олиб борилади.

Гигиеник нуқтаи назардан яна бир ҳолат — турли вақт давомида ўртacha деб тушуниладиган моддаларнинг миқдорий нисбати катта аҳамият касб этади. Масалан, маълум вақт давомида моддаларнинг ўртacha миқдорини аниқлаш ва турли звақт

давомида ўртача моддаларнинг ўзаро миқдори даражаси нисбатини билиш маълум миқдордаги ифлослантирувчи мод-лалар билан аҳолининг касаллиги ўртасидаги боғланишини би-лиш имконини беради.

XX аср ўрталарида олиб борилган илмий-тадқиқотлар шуни :кўрсатадики, 20—30 минут давюмида бир йўла энг катта миқ-дорнинг ўртача суткалик миқдорга нисбати 3:1 га тенг бўлади.

Бироқ, бундай ҳолат фақат ёқилғилар ёниши натижасида атмосферага тушадиган ифлослантирувчи омиллар учунгина бўлмай, балхи бундай ёқилғиларни уй хўжаликларида ишла-тилиш натижасида пайдо бўладиган ифлослантирувчин модда-ларга ҳам тааллукдир.

Ҳозир фан-техника тараққиёти шаҳарларни марказлашти-рилган иссиқлик таъминлаш имкониятини яратнб, ўз навба-тида, шаҳо ҳавоси ифлосланишини ҳам сифат жиҳатидан, ҳам миқдор жиҳатидан ўзгартириб юбормоқда.

Саноат марказларидан атмосфера ҳавосига тушадиган чи-қиндиларнинг ниҳоятда интенсив ифлослантириши вақтга ва атмосферага нисбатан бир хил ва доимий эмас. Атмосфера ҳавосига тушадиган ифлослантирувчи моддалар тутун мўриларп, вентиляция қурилмалари воситасида шаҳар, лардан осмонга учеб, газ ва аэрозоллар ҳолида атрофдаги ҳаво ҳавзасига аралашиб, узоқ масофаларга тарқалади. Ман-бадан ажралиб чиқаётган тутун қанчалик узоқлашмасин, тар-калиб кетиш натижасида кенгая борнб, янада кўпроқ бўшлиқ-ларни эгаллайди. У пировардида ер қ, засига яқин атмосфер* қабатини ифлослантиради, қолаверса тупроққа ҳам шимили— ши, сингиши мумкин.

Дудбуронлардан чиқаётган ҳавочн ифлослантирувчи код-даларнинг тарқалиш қонунияти шундайки, мўриларга яқин? ҳазэ ҳавзаларнадаги заарли моддалар нисбати нолга тенх> бироқ корхона мўрисидан бир неча юз метр узоқ ҳавзалардага атмосфера ҳавосида ҳам ифлосланиш нолга тенг бўлса ёқв-бундан оз бўлса, мўридан узоқлашиш билан ифлосланиш ку-чайиши кузатилиши мумкин, ер юзасига яқинлашиш билан-ифлосланишлар миқдор жиҳатдан камая бориши кузатилади, Тутун чиқарувчи манба қанчалик баланд бўлса, тутун ва бош'-қа ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори шунча кўп ва тез тарқалади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига метеорология омиллари таъсир кўрсатади, чунки атмосфера ҳавосининг ҳаракатв-айниқса атмосфера чегараси яқинида тик, кўндаланг ва ай~ланма, гирдобли бўлади. Бунда мазкур ҳаракатларнинг тез~лиги ва йўналиши ўз ролини ўйнайди. Маълумки, атмосферэ-ҳавоси доим гирдобли ҳаракатда бўлиб, унинг катталиги, кенг— лиги, тезлиги, йўналиши ҳар хил бўлади. Бундай ҳаракат қуёш* нури ҳавони нотекис иситиши, ер сирти тузилишининг нотекис-лиги ва яна бошқа омилларнинг таъсири натижасида вужудга» келади. Ҳаво ҳаракатининг жой алмасиниши ҳаво қатламла-рида ҳароратнинг турлича бўлишига сабаб бўлади, бу эса, ўз= навбатида, ҳавода заарли газлар, буғлар, чанг ва аэрозоллар бир ҳаво қатламидан иккинчисига кўчиб юришини, уларнинг' миқдори ҳар хил бўлишини келтириб чиқаради. Заарли мод-даларнинг сочилиши, тарқалиши ҳавонинг тик йўналишдагв* ҳароратига боғлиқ бўлади. Чунончи, ҳар 100 м да ҳароратнинг 1°C ўзгариши, юкорига кўтарилишда пасайиб бориши атмос-фера қатламида ўзгарувчан ҳолатни, ҳавонинг фаол аралашиб» туришини ва гирдобли ҳаракатларни келтириб чиқаради. Кү-руқлнда бундай ўзгарувчанлик ёзда кундуз кунлари рўй бе-ради.

Дудбуронлардан чиқаётган тутун ва газларнинг оқими, ҳароратининг ҳаво қатламидаги дарзжаси ҳавонинг тик ҳамда пастдан юқори томон ўзгаришига ҳам боғлиқдир. Масалан[^]. тўлқинсимон ҳаво оқими тик (баландликдан пастга ёки аксин--ча) ҳароратнинг мўри яқинидаги ўзгарувчанлигига боғлиқ бў-лади, бундай ўзгаришлар одатда кундузи, ҳаво очиқ вактда* ва қуёш нури ерни қизитган пайтларида ҳам кузатилади.

Конуссимон ҳаво оқими ҳарорат градиентининг кучсиз ҳо--латида ва ҳаво булутли, шабадали камроқ бўлиб турганда ку-затилади. Ярим доира ҳаво оқими дудбурондан узоқлашгаж сари кенгайиб, ҳавони булғатиб боради. Бундай ҳолат ҳар галги қор ёғишидан сўнг, суст шабадали <очиқ ҳавода кузатилади. Ярим доира ҳаво оқими шамол тез-лигига боғлиқдир. Бундай оқим ҳавони жуда ҳавфли даражага-да булғамайди. Чунки чиқинди моддалар анча узоқ масофа-.ларга учеб кетади ва ҳавода кўпроқ «суюлади».

Бу албатта, кўпроқ мўрининг узунлигига боғлиқ бўлади. Мабодо ҳавони ифлослантирувчи манбалар водийларда, тоғ-.ларнинг оралиғида жойлашган бўлиб, газ ва чанг чиқарувчи :мўрилар кўпроқ бўлса, ҳавонинг водий бўйлаб булғаниши анча ҳавфли тус олади, заарли газларнинг, чанг, кул ва аэрозол-ларнинг ҳаводаги миқдори ошиб кетишига сабаб бўлади.

Дудбуронлардан чиқаётган ҳаво оқими асосан кечалари кузатилади, кўпинча бу ҳол 1—2 соат давом этади, баъзан ,8—9 соат ҳам давом этиши мумкин. Кўтарилиган оқим заар-ди моддалар атмосфера ҳавосида тарқалишига, сочилиб, миқ-дори камайишига имкон беради.

Гигиеник нұктай назардан энг нохуш нарса — бу ифлос-данган ҳаво о-қимининг мўрилардан бурқисиб чиқиб «о-қиши-дир». Бундай оқим атмосфера ҳавосидаги заҳарли

моддаларни ^<ер юзасига яқинлаштириб, тупрок ва ўсимликларни булғайди. /Айниқса қишда ҳаво ҳароратининг пасайиб кетиши, дудбурон-дан чиққан дудларнинг иссиқлиги туфайли совуқ ҳавәга дуч делиб, пастга, ерга юқади.

Дудбурон мўрилар атрофдаги заарли моддаларнинг кон-дентрацияси ошиб кетишига сабаб бўлади. Уларнинг буркираб чиқадиган ифлос ҳаво оқими атмосферанинг ер юза қатлам-ларини, пировардида тупроқнинг ўзини ҳам заарлантиради. Бундай ҳаво оқимининг бир неча кун давом этиши турар жой-лардаги аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Атмосфера ҳавосида заарли моддаларнинг тикка ёки ётиқ •тар'Қалиши шамюл тезлиги ва йўналишининг ўзгарувчанлигига -<боғлиқ бўлади. Шамол тезлиги суст бўлса, заарли моддалар-янинг атмосфера ҳавосидаги микдори ортиб, аҳоли орасида за-^арланиш кўпаяди. Масалан, А. П. Шицкова ва бошқалар маълумотларига кўра, шамол тезлигининг 2 метр секунд ка-майиши, ҳаводаги бирикмаларнинг ерга яқинлашиши 5—6 км узоқлашишига, сульфит ангидриди ^азининг анча қисми тах-минан 2 марта кам бўлишига олиб кглади.

Шамол тезлиги қанча ортиб борса, ҳаводаги заарли би-•рикмалар шунча узок масофала.рга тарқалиб кетади, уларнинг .аралашиб кетиши интенсив бўлади.

Ҳаво гирдоби шамол пульеациясини ҳам келтириб чиқа-ради, бунда таҳлил учун оз вақт ичида олинган ҳаво наму-наларидағи заарли моддаларнинг микдори ҳар хил бўлиши аниқланган.

Атмосфера ҳавосидаги ифлосликларнинг тарқалиш ва «СУЮ-лиш» қонуниятлари шамол оқимининг тезлиги жуда сусайга-иша ёки ҳаракати умуман тўхтаганда ўзгаради. Бундай ўзга-ришлар ҳавонинг ниҳоятда ифлосланишига олиб келади. Айниқса Урта Осиё республекаларида ёз фаслида саноат корхо--налари жойлашган шаҳарларнинг шароити анча ёмонлашади^ атмосфера ҳавоси кучли ифлосланади, одамлар саломатлили-гига етадиган заарлар ортиб боради, ҳаво етишмагандек бў-лади. Шунинг учун қуриладиган саноат корхоналари лойиха-лари тайёрланаётганда ажратилган жойларнинг рельефи, топо-график ҳюлатлари албатта инобатга олиниши керак. Пастлив^ ерларда ҳавонинг тўхталиб қолиш ҳоллари кўпроқ кузатила-ди. Бу эса, ўз навбатида, ҳавонинг ифлосланишига сабаб бў-лади.

Баланд бўлмаган тепалик рельефли жойлардаги атмосферз' ҳавосининг ифлосланиши текис рельефли жойлардаги атмос-фера ҳавоси ифлосланишидан фарқи кам бўлади. Бироқ тепа-ликлар баландлиги 50—10 метр, улар ён бағрининг қиялигиг 5—6° бўлса, ҳаво ифлосланишининг катта кўрсаткичи 50% тв етиши мумкин. Агар дудбурон мўрилар ўртача узунликда бўл-са, шундай ҳол содир бўлади. Агар тепалик шамол йўналиши-да жойлашган бўлса, унинг ёнбағрида шамол кучи пасайиб,-ҳаво ҳавзаси янада ифлосланишига олиб келади, чунки тепа-лик шамол тезлигини пасайтиришга ёрдам беради.

Нотекис ер рельефининг атмосфера ҳавои ифлосланишига таъсири жуда катта бўлади, шунинг учун кейинги вақтда текис жойлардаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини^ ифлосликларнинг ҳаво орқали тарқалишини тўғри хисоблаш учун қўшимча коэффициентлар киргизиш масалалари ҳам кў-г йиляпти.

Атмосфера ҳавосидаги заарли моддаларнинг тарқалишигз шаҳар режалаштирилишининг таъсири каттадир. Маълумки, қуёш нури, намлик, шамол режими ва ҳарорат катта шаҳар-ларда анчагина ўзгариб туради. Темир-бетонли уйлар, асфальт-ланган кўчалар, баланд уй-иншоотлар ёз фаслида атмосферз ҳавоси исиб кетишига, ҳаво аэрациясининг камайишига олиб»* келади.

Шаҳарлар қандайдир иссиқлик тарқатувчи оролга ўхшаб бормоқда, натижада кичик ҳудудда юқоридан пастга, пастдан юқорига кўтариувчи ҳаво оқими пайдо бўлиб, мингларчз-автотранспорт воситалари ҳисобига ҳаво туманлари босмоқда, натижада атмосфера ҳавосининг таркиби маълум даражадз бузилмоқда. Бундай аҳволдан кутулиш учун олимлар ўз тав-сияларини таклиф килганлар. Дудбурон мўрилари баланд вз узун қилиб қурилиши натижасида тутун машъали кўндаланГ кесимининг катталашуви ва унинг асосий ифлосланиши ву-жудга келтирувчи чизикдан узоқланиши ҳаводаги ифлосланиши»; концентрациясини камайтиради.

Дудбурон мўриси устидан ўтадиган шамол ифлосланихг/: концентрацияси камайишига ёрдам беради. Чунки ер юзасв шамол тезлигининг пасайиши таъсирини кучсизлантиради. Баланд қилиб қурилган дудбурон мўрилари ер юзига який" бўлган ҳаво ифлосланишини камайтириши билан бирга,)нит"тутун босими минтақасини ўзгартиради ҳамда тутун билан бул-гГаниш радиусини ошириб юборади. Бунда энг юқори ифлосла-ниш мўрининг 20—40 баравар узунлигига тенг масофадаги атмосфера ҳавосида кузатиласи.

Хозир дудбурон мўриларининг 180—220 метр баланд қи-..либ қурилишп ҳавэ ифлосланишининг 10 км ва ундан ҳам узоқроқ масофага тарқалишига сабаб бўлади. Умуман саноат .корхоналаридан тарқалаётган чиқиндиларнинг маълум бир қонуният асосида бўлишини ҳисобга олиб, баъзи корхоналар учун модель ҳолатларни ташкил қилиб, тегишли ҳисоблар, таъ-рифлар ёрдамида яқин келажакда атмосфера ҳавосининг сани-тария нуктаи назардан ифлосланишини олдиндан айтиб бе-,риш ва чоралар кўриш мумкин.

Яратилган лойиха ва турли хужжатларда шундай ҳисоб-аситобларнинг бўлиши санитария врачлари учун келажакда бў-ладиган ҳолатларни аниқлашда катта ёрдам беради. Бироқ, бундай материаллар ер рельефининг текиелигига ва ҳаво қат-дами ҳароратлари бир хил бўлишига боғлиқдир. Тоғлик, тепа-лик, баланд ва паст рельефли жойларда бундай омиллардан фойдаланиш ва ҳисоб ишларини олиб бориш катта хатолик-ларга олиб келади.

Атмосфера ҳавосининг ер юзасига яқин қатламларида нф-лослантирувчи моддалар концентрациясининг кам ёки кўп бўлишига ҳаво ҳаракатидаги нотекнс йўналишлар сабаб бў-лади. Масалан, пастлик жойларда ҳаво ҳаракатининг анча секинлиги, хатто тўхтаб қолиши ҳам кузатилади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси албатта ҳаво .^авзасига чиқариб ташланадиган чиқиндилар миқдорига бюғ-лиқ бўлади. Чиқинди моддалар кг, г, мг лар билан ифодала-ниб, маълум вақт билан белгиланади. Масалан, сутка (кг, се-Лунд/гр, иилига), тонна ва ҳоказолар билан ифодаланишлар мавжуд. Шунингдек бошқа бирликлар ҳам бўлиб, улар г/м , амг/м³ ва ҳоказолар билан кўрсатилади

Атмосфера ҳавосига чиқиндилар уюштирилган ва уюшти-уилмаган ҳолда ташлапади. Масалан, вентиляция тизими ёки аспирация йўли билан йигилган газ ёки бошқа чиқиндилар .йигилган ҳолда ташланади. Бундай чиқиндилар таркибидаги .Аюддалар концентрацияси анча юкори бўлади, улар атмосфе-рага мўрилар орқали чиқариб ташланади. Масалан, иситиш қозюнлари ёқилғи билан иситилганда мўрилар орқали чиқа-диган тутун ва газлар шулар жумласидандир. Иссиқлик элек-•тростанцяларидан мўри орқали чиқадиган чиқиндилар ҳам •мўрилар воситасида ҳоли этилади. Б/ндей чиқиндилар кичик-.кичик техникалардан, дастгоҳлар устига ўрнатилган қопқоқ-лардан қувурлар орқали сўрилиб йигилган ҳолда вентиляция орқали чиқарилиб юборилади.

Аспирация йўли билан йигилган ва чиқариб ташланадиган тазлар таркибидаги моддалар концентрацияси ҳам юкори бў-лади, бундай чиқиндиларни тозалаш анча мураккабдир. Уюштирилган тарзда ташланадиган чиқиндилар завод ва комбинатларнинг турли жойларидан чиқиб ётади.

Шуни айтиш керакки, уюштирилмаган чиқиндиларнинг ат--мосфера ҳавосига чиқариб" ташланиши атроф-муҳитга салбий -тасир қилмоҳда. Гигпенистлар фанга уюштирилган ва уюш-тирилмаган чиқиндилар ибораси киритилишини унинг сани-тария амалиётидаги аҳамияти билан кзоҳлайдилар. Maeалан, санитария органлари огохлантириш-санитария назоратини олиб бориша ишлаб чиқилган лойяҳалар бўйича кўрилаётган ташки мухит объектларини муҳофаза қилишни назарда тута-дилар.

Санитария врачн лойихадаги далилларни атрофлича, тўла-т-ўкнс ҳисобга олқб тегишли тадбирлар ишлаб чиқишига йўл очади. Уюштирилган чиқиндилар миқдорини ва улар таркиби-даги айrim моддалар концентрацияини турли усууллар билан ўлчаш мумкин. Масалан, бевосита ўлчаш. Бунда умумий уюш-тирилган чиҳинди миқдорининг концентрацияси ва бунинг асо-сида ифлослантирувчи модданинг оғирлиги маълум вақтга •белгиланади (г/секунд, тонна/йил, кг/сутка ва ҳоказо). Бошқа усул билан ўлчанилганда унинг асосияи моддий баланс (му-©озанат), яъни хом ашё оғирлиги ва хом ашё ишлатилгандан сўнг ажраладиган модда ташкил этади. Масалан, ишланган ;хом ашёдан маҳсулот юлиниди ва чиқинди чиқади. Технология жараёнинг киритилган хом ашё миқдори пировардида ишлан-гандай сўнг олинадиган маҳсулот ва чиқинди миқдори билан тенг бўлади (7-жадвал).

Умуман чиқиндиларни маҳсус лабораториялар ёки тегиши-кли муассасалар аниқлайди. Юкорида зикр этилган усууллар «ёрдамида чиқинди манбалари ҳиеобга олиниб, уюштирилган ва уюштирилмаган чиқиндиларни ҳисоблаш ҳар бир йил охирида дшлаб чиқилган статистик ҳисоботга киритилади.

Санитария врачлари лойиҳаларни ёки уларнинг материал-ларини кўрувдан ўтказаётганларида, шунингдек чиқинди аж-ратадиган манбаларни ҳисоблаётганларида саноат корхонала-рининг йиллик иш режимларини ва энг кўп чиқинди чиқадиган вақтдаги санитария ҳолатларини назарда тутмоқлари лозим. Масалан, марказий иссиқлик қуввати ишлаб чиқарувчи қозон-лари учун энг қулай давр ҳароратнинг паст вақтидир, чунки жун исиб кетганида ёқилғи ишлатиш режими анча пасяди. Демак, ҳавога ташланадиган чиқиндилар ха/м ўз-ўзидан ка-гмаяди. Айrim корхоналар учун соатнга чиқариладиган чиқин-диларнинг миқдори ҳисобга олинади, бунда тегишли лабора-торияларининг фаолияти ёрдам беради. Атмосфера ҳавосига ташланадиган чиқиндиларнинг миҳдорига мазкур корхона тозалаш иншоотларининг самарали ишлари маълум даражада тасир этади. Масалан, тозалаш ичшоотлари иши самарадор--лигининг 98% дан 96% га тушиши ёки 2% камайиши чиқинди миқдоринн 2 барэбар ошириб юборади. Демак, атмосфера ха-вося ер юзасига яқин қатламкнинг ифлосланиши дудбурон мўриларидан ажраладиган чиқиндиларнинг умумий миқдоряга боғлик бўлади. Шунинг учун санитария врачлари саноат кор-хоналарининг техкюлогик жараёнларини тегишли лойиҳалар-ёрдамида ёки бевосита ўрганиб, ташки мухитга ташланадиган чиқиндиларнинг умумий миқдорини чиқинди таркибидаги за-рарли моддаларнинг аниқ концентрациясини билиш, чиқинди-ларга тўла-тўқис санитария нуктаи; назардан баҳо бериш,. пировардида шу заарли чиқиндилар атмосфера ҳавосига таш-ланмаслиги ёки муҳандис-техниклар билан биргаликда улар-ни тозалашнинг янги самарали усуулларини

ишлиб чиқиш чо-раларини кўришлари керак. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши турлича бўлиши ме~ тереологик омиллар таъсирига ҳам боғлиқ бўлади.

Дикқатга сазовор омиллардан яна биро шамол тезлиги ва>. ҳаво намлиги бўлиб, уларнинг аҳамияти саноат корхоналари--ни шамол йўналишига ва унинг тезлигига қараб тураг жой-ларга нисбатан жойлаштиришда намоён бўлади. Тураг жой-ларни дудбурон мўриларидан чиқадиган заарли моддалар* таъсирига кўндаланг ҳолатда мослаштириб бўлмайди. Саноат корхоналари жойлаштирилган ерлардан аҳолининг тураг жойлари маълум оралиқда, ҳимоя масофасида бўлади., бундл шамол йўналиши албатта ҳисобга олинади. В. А. Рязанов гигиена фанига киритган, шамол йўналишиг принципига асосланган чиқиндилар бурқираш йўналишини: аниқлаш санитария амалиётида катта аҳамият касб этади.

Бурқираш йўналишини атмосфера ҳавосида аниқлаш учун:

7-жадвал «Н» маҳсулотини ишлиб

чиқаришдаги моддий тенглик (баланс)

(К. А. Буштуева маълумоти)

Кирим		Чеким			
Номи	У.«ОВ 1 микдорь/ бирлиги	Номи	Улчов би лн и	Микдори	
Триметилфос- фат Метилбензил- спирти Дикетен Сульфат хлорид Триэтиламип Сирка кислотси	КГ — » — — » —	438,1 442,6 319,6 636,7 2,71 19,5	«Н» маҳсулоти Куб келдиги Азот икки оксид Водород хлорид Метил хлорид	кг — » — — » —	:000 187,3 295,7 221,1 151,1
Жами		1859,2	Жами		1859,2

ўтказилган барча кузатишлар натижасида олинган далиллар тизимланиб, сўнgra чизилади. Шамол йўналиши бўйича олин-ган ўртacha суткали маълумотлар гурухлапга ажратилиб, ҳар бир йўналушда аниқланган микдорлар учун алоҳида ўртacha^•рақам топилади. Рақамлар асосида график тузилади. График-'нпнг юқори қисми ҳудуддаги ифлослантирувчи манбанинг асо->сини таърифлайди.

8-жадвал.

Ҳаводаги сульфат ригидриди концентрациясининг шамол йўналишига узвий боғлиқлиги

Румбалар	Коҷентра- ция, мг/м ³	Румбалар	Концента- ция, мг/м ³
Шимол Шимоли-Шарқ Шарқ Жануби- Шар^ -	0,11 0,19 0,26 0,12	Жануб Жануби-Фарб Гарб Шарқи- Фарб	0,06 0,06 0,06 0,09

Жадвалда келтирилган маълумотлар ифлослантирувчи манбалар асосан шарқий минтақада эканини кўрсатади.

Санитария врачлари лаборатория шароитида олинган да-.лилларга асосан атмосфера ҳавоси қандай эканлигини хулоса .қилиб ёзиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

1. Санитария врачлари вазифасини аниқлаш.
2. Врач вазифасига асосан бажариладиган иш ҳаж^мини .аниқлаш.
3. Олинган маълумотлар тўлалигини аниқлаш.
4. Олинган маълумотларни ишлаш ва таҳлил қилиш.
5. Чаиг ва газлар йўналишини кўрсатадиган тасвирни чи-:зиш.
6. Атмосфера ҳавоси текширилгандан сўнг уни баҳолаш, -яъни ифлосланиш даражасини, унинг атмосферада узоқмаоо-•фаларга тарқалишини, санитария ҳимоя минтақаси етарли эканлигини, шунингдек чанг ва газ тозалаш иншоотларининг самарали ишлашини аниқлаш.

Ҳавода чанг ва газларнинг тарқалиши ва йўналишини тас-вирлаш учун бир бор олинган далиллар қуйидагича ишлана-
ди. Бир ой давомида эрталаб ва кечкурун чанг ва газларни аниқлаш учун олинган намуналар текширилади. Далиллар ҳар гал 16 румба бўйича гурухларга бўлинади, бунда ҳаво ҳа-ракати мутлақ тўхтаган вақтда ҳам ҳисобга олинади.

Рұмбалар

- | | | |
|----------------------------|----------------|------------------|
| 1 Шимол | 6. | Шк. Ж. Шк |
| 2 Ш. Ш. Шк | 7. | Ж. Шк. |
| ^о ш. Шк. | 8. | Ж. Ж. Шк. |
| 4. Шк. Ш. Шк. | 9. | ^{шк} |
| 5 Шк. | 10. | ж жк |
| | 11. | |
| | 12. | |
| | 13. Ж. F. | 15. III. F. |
| | 14. F. Ж- F. | 16. III. III. F. |
| 13. F. | 17. О (штил). | |
| | 14. F. III. F. | |

Шундан сүнг хар бир румба бўйича формула ёрдамида мод-даларнинг ўртача концентрацияси аникланади:

бүрда

X — ўргача концентрация:

Х — ургача концентрация;

Хиндиңдеги
2, — йиғинди белгиси;

— ўртапа ўлчам. Ҳар бир румба учун олинган ўртача ойлик далиллар газ-ларнинг атмосфера ҳавосидаги йўналишини тасвирлаш учун ишлатилади. Йўналишки аниқлаша ва тузиш учун масштаб тан-ланиси керак. Масалан, 1 м³ ҳаводаги 0,1 мг чанг учун — 2 см, 1 м³ ҳаводаги СО₂ газининг 0,1 мг учун — 1 см. Кейин-чалик миллиметрли (мм) қофозда 16 румба чиззилади ва ҳар бир румба учун ўртача ойлик концентрациялар масштаб бў-йича кўйиб чиқилади.

Одатда ўртача суткали ўлчовлар ёрдамида ўртача ойлик,, ўртача фасл ва ўртача йиллик, шунингдек ўртача кундалик концентрациялар аниқланади.

9-жадвал

Атмосфера хавоси гозалик даражасининг кўрсаткичлари

(Е. И. Гончарук маңылумоти. У

Тозалик даражасы	РЗМ дан ошган хаво намуналарн		1
	Катта бир марталик	I Ўргача суткайик	
Тоза Кам ифлосланган Ифлосланган Жуда ифлосланган	0 5 гача 10 гача 10 дан юқори	0 10 гача 25 гача 25 даи юқори	

* Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза килиш чо-ралари. Саноат корхоналарининг ривожланиши, автомобиль-транспортининг ортиб бориши, коммунал объектлари, шахар атрофида турли омборлар пайдо бўлиши, аҳлатхоналарнинг кўйайиши ва бошқалар атмосфера ҳазосини ифлосланишдан: муҳофаза қилиш муаммолари ечимини таҳозо этади. Мазкур-масала гигиена фанининг масаласи бўлибгина қолмай, балки: ижтимоий ва иктиюодий масала ҳамдир. Бироқ бу масала мажмуми ҳал этилмаеа, ечилиши мураккаб бўлган муаммо бўлиб колади.

ВП

Хозирги вақтда атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш мәк-садида учта табнрни амалға ошириш күзде тутилади — ло-гик, лойихалаш ҳамда санитария-төчник табири. Мазкур тад-•бірларни амалға ошириш билан ахоли турар жойларидаги атмосфера ҳавоси булғанишларининг рухсат этиладигак миқ-•доркни таъминлаш мүмкін, қолаверса ахолининг санитария-турмуш шароитини ҳам яхшиласа бўлади.

ТЕХНОЛОГИК ТАДБИРЛАР

Атмосфера ҳавосини мұхофаза қлишда технологик тад-йирларнинг аҳамияти каттадир. Кўриладиган тадбیر асосида ташқи мұхит объектларига, жумладан, атмоефера ҳавосига ташланадиган чиқиндилар қискартирилиши ёки мутлақ тўхта-тилиши зарур. Бунинг учун саноат корхоналаридағи техноло-гик жараенларни такомиллаштириш ҳисобига ҳатто чиқинди-сиз ёки кам чиқиндили корхоналарни куриш мүмкін.

Бундай технологияда шундай мутлақ берк жараёнлар бў-ладики, унда чиқиндилиар бутунлай бўлмайди, чиқинди модда-лардан бошқа маҳсулот учун хом ашё сифатида қайта фой-даланилади.

Чиқиндисиз ёки кам чиқиндили ишлаб чиқаршл корхона-лари ташкилий ва технологик жараёнларни ўз ичига олади, бунда хом ашё тайёрлаш, мавжуд материаллардан тўла фой-,•даланиш, уларни чиқинди сифатида ташқи мұхитга ташламас-лик борасида йўл-йўриқ, тавсиялар ишлаб чиқилади. Албатта, -чиқиндисиз технология жараёнларини ишлаб чиқиш назарий жиҳатдан осон бўлса-да, амалиётда жуда мураккабдир. Шу-яинг учун ҳам аксарият кам чиқиндили ишлаб чиқариш корхоналарига катта аҳамият берилмоқда.

Академик Б. Н. Ласкориннинг фикрича, кам чиқиндили -технологияга эга бўлган корхоналар қуидаги йўналишда иш олиб боришлари керак: хом ашёларни мажму ҳолда ишлаш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва такомиллаш-тириш, тархларни ишлаб чиқиш, шунга мос асбоб-ускуналар яратиш, технологик жараёнларда сув ҳамда газлардан қайта фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиши амалға ошириш, жложи борича кам чиқиндили ҳудудий ишлаб чиқариш мажму-•ларини ташкил қилиши.

Юкорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалға ошириш чиқиндиларни маълум даражада камайтиради, ташқи мұхиг аъектларини ифлосланышдан мұхофаза қиласи.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, чиқиндисиз ишлайдиган са-ноат кюрхоналари фаолияти асосини барча хом ашёлар са-ноат маҳсулотига айланиши ташкил этади. Масалан, саксон йил илгарн рангли металлургия корхоналари хом ашёларидан жами 15 элемент ажратиб олинган бўлса, ҳозирда мисли хом ашёларнинг ўзидангина 25 элемент, жумладан, мис, рух, қўр-гоши, никель, олтии, кумуш, молибден, кобальт, кадмий, селен, теллур, германий, рений ва уларнинг бошқа бирикмалари; олтингугурт, висмут, сурма, барий, темир ва ҳоказолар ажра-тиб олинмоқда.

Нефть ишлаб чиқаришда қолдик модда мазут бўлиб, у ўз- таркибида 70—90% олтингугурт сақлайди, унда элементлар-дан ванадий, никель, магний ва кремнийлар мәжедуд. Ҳозир-мазутдан олтингугуртли моддаларни ажратиб олиш технология-гиялари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, чиқинди ажратмайдиган ишлаб чиқариш корхоналарининг сони ҳали жуда кам. Баъзан' кўп маҳсулотлар сифатсиз бўлиб, Давлат стандартига тўғри: келмаслиги туфайли чиқинди ҳолида чиқариб ташланади ва>. улар ташқи мұхитни ифлослантирувчи манбага айланиб қоли-ш.и мүмкін.

Ҳозир кўп ҳудудларда металл ишлаб чиқарувчи корхона--лар чиқиндисиз технологияга ўтганлар, масалан, қора метал-лургия комбинатларида маъданларни кокссиз, домна ўчоғла-рисиз янги усууллар билан эритиш усууллари кўлланила бош-лади. ^Мазкур усууллар бўйича темирли маъданлар таркибидаги' металл табиий газ ёки водород ёрдамида эритиб олинади. Бун-дай технологик жараёнда ташқи мұхитни ифлослантирувчиг босқичлар истисно этилади. Масалан, домна печидан ал<-ра-либ чиқадиган кул, кокс ва бошқа агломерат чиқиндилар бўл-майди. Оқибатда атмосфера ҳавосига ташланадиган газ, чанг ва бошқа омиллар ўз-ўзидан йўқолади.

Металлни бу усуlda эритиш атмосфера ҳавосига ташлана-диган 80г гази, чангларни ва заарли моддаларни камайти-ради, корхона чиқиндиларидан тўла-тўқис фойдаланиш имко-нин.и беради.

Рангли металлургия корхоналарида никель, вольфрам иш-лаб чиқаришда ҳам чиқиндилар миқдори тобора камайиб бор-моқда.

Кейинги вактларда азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқа-риш корхоналарида ҳам хом ашёлар тўла-тўқис, чиқиндисиз. ишлатилмоқда. Атмосферани ифлослантирувчи кўмёвий мод-далар яна қайтадан технологик жараёнларга қайтарилмоқда,,.. атмосфера ҳавоси эса ифлосланышдан ҳоли бўлмоқда.

Синтетик каучук ишлаб чиқариш заводида технология жа-раёнида пайдо бўладиган чиқиндилардан ҳозир сульфат кис-лотаси, спирт ва стирол олинишида фойдаланилмоқда.

Чиқиндили заводларда маҳсус мосламалардан фойдала-нилмоқда, натижада корхонадан ажралиб чиқаётган газлар^ шунингдек ярим маҳсулотлар заарли моддалардан тозаланиб^ ушлаб қолинмоқда, маҳсулот лишлаб чиқаришга қайтадан ишлатилмоқда.

Корхоналар зич жойлашган худудларда чиқиндисиз ишлашг катта аҳамият касб этади, албатта. Олмалиқ ва Бекобод син-гари саноат шохобчаси ривожланган шаҳарларда йу долзарб муаммодир. Фан ва техника ютуқларидан чиқиндисиз ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилишда фойдаланиш, ўз навбатида аҳоли турар жой ҳавосининг тоза бўлишини таъминлашга ёр-дамлашади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кам чиқиндили ҳамда •чиқиндисиз саноат корхокаларини ташкил қилиш тўғрисида маҳсус декларация қабул қилинган. Бу ҳужжат асосида БМТ Европа иқтисадий комиссиясининг чиқиндисиз ва кам чиқин-дили корхоналар ташкил қилиш фаолиятида кўп ҳукumatлар қатнашмэқда. Амалиёт бу соҳада дунё мамлакатлари бирга-лиқда фаолият кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, ҳозир жуда кўп саноат корхоналари фаолияти негизини чиқин-дисиз ёки кам чиқиндили технологик жараёнларга ўтиш таш-кил этади.

Диккатга сазовор технологик жараёнлардан яна бири иш-лаб чиқаришда заҳарли моддаларни заҳари кам моддаларга алмаштиришdir. Масалан, қозонларни кўмир ёки мазут ёқиб эмас, балки газ ёқиб ишлатилса, атмосфера чиқариб таш-ланадиган заарли моддалар 70—90% камаяди. Бошқача қи-либ айтганда, автомобилларда бензинлар эмас, балки газ динлатишда атроф-мухитнинг озорланиши маълум даражада камайтирилади.

Хом ашёларни заарли моддалардан тозалаш катта аҳами-ятга эгадир. Масалан, ёқиладиган газдан олтингугуртни, се-нерация йўли билан тошкўмирдан олтингугурт колчедаини лжратиб олиш каби тадбирлар атмосфера ҳавосининг ифлос--ланишини анча камайтиради.

Бу борада чанг тарқатувчи курух материалларни намлаб ишлаш ҳам чангланишни анча камайтириши мумкин. Масалан, куруқ цемент ишлаб чиқаришнинг намли цемент ишлаб чиқа-ришга ўтказилиши ҳавога учадиган чанг зарралари камайи-шига ёрдам беради.

Технологик жараёнларда машъала ёндиришдан электр то-ки билан қиздиришга ўтиш чиқиндилар камайишига олиб ке-лади. Технологик жараёнларнинг берклигини таъминлаш, маҳ-култларни бир лийдан иккинчи жойга транспортёр ленталари воситасида жўнатиш, айниқса чанг чиқарувчи моддалар билан аглашашда сувли ёки ҳаволи ташиш воситаларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Технодогик жараёнлар узилиб қолишига йўл кўймаслик жерак, акс ҳолда чиқиндилар тўпланиб қолиб, атмосфера ҳа-воси вақт-вақти билан ифлосланади.

Демак, узилиб қоладиган технологик жараёнларни узлук-сиз технологияга ўтказиш даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, юқорида тавсиф-ланган технологик жараёнларни татбиқ этиш атмосфера ҳаво-сини ифлосланишдан тамоман ҳоли қилмаса-да, лекин сави-тария врачлари корхоналарнинг муҳандис ва технологлари билан ҳамкорликда атмосфера ҳавосини чиқпндишлардан му-ҳофаза қилишга доимо ҳаракат қилишлари лозим.

ЛОЙИҲАЛАШТА АСОСЛАНГАН ТАДБИРЛАР

Лойиҳалашга асосланган тадбирлар қуйидагиларни ўз ичиг-га олади:

- а) шаҳар худудини зоналарга бўлиш;
- б) табиий чангларга қарши курашиш;
- в) санитария ҳимоя чегараларини ташкил қилиш;
- г) турар жойлар лойиҳаларини такомиллаштириш;
- д) турар жойларни кўкаламзорлаштириш.

Лойиҳалашга асосланган тадбирлар асосан чиқиндн иф*-лосликлар атмосфера ҳавосида тарқалиши қонуниятларига риоя қилади.

Саноат корхоналарини шаҳар худудида оқилона жойлаш-тириш, улар мажмуиларини ташкил қилиш шаҳар бош лойиҳа-си ва туманлар лойиҳаларига ҳамда санитария нормаларига асосланиши керак.

Саноат корхоналари қуриш учун ер майдонлари ажратиш-да жойларнинг рельефи, иқлим шароити, туманлар пайдо бў-лиши, табиий шабадалар эсиб туриши ва саноат корхоналари-дан ажралиб чиқадиган чиқиндилар атмосферага тарқалиш. қонуниятлари назарда тутилади.

Шаҳар худудини минтақаларга бўлаётганда шамол йўнали-шини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Одатда саноат корхоналарини яхши шамолллатадиган жойларга қуриш турар жойларни тутун ва дудлардан асрайди.

Шамол йўналишини ҳисобга олганда ўртача йиллик шамол йўналиши билан бирга унинг йил фаслларида ўзгаришлари ҳам ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда саноат корхоналари жойлашган ерларда нохуш ҳолатлар, айниқса қиши фаслида қаттиқ совуқ ёки юқори даражадаги намлик пал-лаларида атмосферанинг ер юза қатламларида ифлосланиш-лар юқори даражада бўлади.

Шаҳар худудида табиий чангларга қарши курашиш чора-лари ободонлаштириш билан ҳам боғлиқдир. Булардан таш-қари, шаҳар худудида хўжалик чиқиндилари йиғилиб қолиши-га йўл кўймаслик лозим, бунда санитария назорати органла-рининг тадбиркорлик билан олиб борган фаолияти муҳим аҳа-мият касб этади.

Йигилиб қоладиган чиқиндилар юқумли касалликлар ман-баи ҳисобланади. Бу борада турар жойлар билан саноат корхоналари жойлашган минтақа оралиғида ҳимоя масофаси бў-лиши керак.

Аҳоли турар жойлари билан ифлослантирувчи манбалар-оралиғидаги масофанинг катта-кичиклиги саноат корхоналари-дан атмосферага ташланадиган чиқинди моддаларнииг заҳарлилик даражаси, миқдори, маҳсус технологик жараенлар ва ҳоказоларга ҳам боғлиқ бўлади.

МДХ мамлакатларида санитария ҳимоя минтақаси бешта синфга бўлинади:

I синф — тегишли саноат корхоналарининг санитария ҳимоя масзфасп ифлослантирувчи манбадан аҳоли турар жойлари чегарасигача 1000 м;

II синф — саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси 500 м;

III синф — саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси 300 м;

IV синф — саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси 100 м;

V синф — саноат корхоналари учун ҳимоя масофаси 50 м.

Айрим ҳолларда ушбу ҳимоя масофаларини узайтириш ёки қисқартиш зарур бўлиб қолганда гигиенистлар тегишли дав~ лат идоралари қарорига асосан уларни 3 марта кенгайтириши ёки қисқартириши мумкин.

Дараҳтлар заарли моддаларга қарши табий тўсиқ вази-фасини муваффакиятли ўтай олиши фанга кўпдан маълум. Чанг, аэрозол ва бошқа таъсирчан моддаларни яшил қалқон-лик вазифасини ўтаётган ўсимликлар атмосферадан сингди-риб оладилар, уларни ҳатто заарсиз ҳолатга келтиришлари мумкин.

Дараҳтзорлар ва кўкаламзорларнинг атмосфера 'ҳавосини чанг ҳамда турли заарли омиллардан ҳимоя қилиш қобилия-ти олимлар томонидан тасдиқланган.

Яшил минтақаларнинг бўлиши атмосфера ҳавосидаги чангл миқдорини 2—3 марта камайтиради. Олинган маълумотларга караганда, дараҳтзорлар ҳаводаги сульфид ангидрид газини ўзига сингдириб олади ва сульфатларга айлантиради.

Кўриниб турибдики, яшил қалқонлар чангларнигина эмас, балки заарли газларни ҳам ўзига сингдириб олиб, заарсиз-лантиради, шу билан механик ва ҳимоявий фильтрлик вази-фасини ўтайди.

Бироқ яшил минтақаларни ташкил қилишда алоҳида эъти-бор бериш керак бўлган масалалар бор. Яшил тўсиқларни барпо зтишда заарли газларга, кислота ва ишқорларга чи-дамли дараҳт кўчатларини ўтқазиши катта аҳамият касб этади. Шуни айтиб ўтиш керакки, саноат корхоналари бўлиб, атмос-фера ҳавосининг ифлосланиш даражаси юқори бўлган жой-ларга мевали, резавор ўсимликлар экмаслик мақсадга муво-фиқдир. Чунки ўта ифлосланган ҳаво мухитида этиштирилган меваларнинг таркибида заҳарли омилларнинг салмоғи кўп бўлади.

Санитария ҳимояси минтақасининг 70% и дараҳтзорлар бўлиши мумкин. Масалан, I, II, III синфларга тааллукли са-ноат корхоналари учун 10% майдон бирорта объект (гараж, кирхона, ошхона ва ҳоказо) курилишига, 20% майдон эса ўйл ва йўлка қуриш учун фойдаланилади.

Саноат корхоналарининг IV ва V синфларга тааллуклила-ри билан аҳоли истиқомат қиласиган турар жойлар оралиғида

қимоя масофаси очиқ қолдирилиб, уни ўтлоқларга, дараҳт-зорларга айлантириш максадга мувофиқдир.

Санитария ҳимоя минтақасидаги дараҳтларга энг күп за-рар етказадиган таъсирчан моддалар кимё, қўмири, қора ва рангли металлургия саноатлари корхоналаридан ажралиб чи-қадиган сульфит, сульфат ангидридия, водород сульфит, фтор, аммиак, сульфат, азот, бром кислоталари ва бошқалардир.

Санитария ҳимоя минтақасида IV ва V синфларга таал-луқли обьектлар—йт ўчириш депоси, ҳаммом, кирхона, га-ражлар, омборлар, ўқув юртлари, лабораториялар, автомо-ёиль турар жойлари ва ҳоказолар жойлаштириши мумкин. Бу минтақада атмосфора ҳавосини қўшимча ифлослантирувчи обьектларни жойлаштиришга рухсат этилмайди. Шунингдек бу ерда спорт клублари ва иншоотлари, истироҳат боғлари, болалар боғча ва яслилари, мактаблар, даволаш ва профилактика ҳамда соғломлаштириш муассасаларининг жойланишига ҳам рухсат берилмайди.

Шаҳарлар атмосфера ҳавосига маҳаллалардаги дараҳтзор-лар, боғлар ва кўкаламзорлар ижобий таъсир кўрсатади.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ АВТОТРАНСПОРТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Шаҳар атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган асосий омиллардан бири автотранспорт воситалари. Улар ифлос-лантирган ҳавонинг заҳарлилигини камайтириш максадида ёки ҳавога чиқариб ташланадиган чиқиндиларнинг умумий миқдорини камайтириш учун турли технологик жараёнларни қўл-лаш йўли билан исталган мақсадга эришиш мумкин. Масалан, мотор цилиндрларида пайдо бўладиган заҳарлар кучини нейт-рализаторлар ёрдамида кесиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар қандай ёкилғи тўла ёнишини таъминлайдиган моторлар иш-лаб чиқарилиши керак. Атмосфера ҳавосини автотранспорт чиқиндиларидан сақлаш учун шаҳар асосий йўллари, йўлаклар соз бўлишини таъминлаш, чорраҳаларда тартиб ўрнатиш, транспорт ҳаракатини тўғри йўлга кўйиш мақсадида шаҳар қурилиши лойихаларини лозим даражада ўзгартириш, кўча четларига дараҳтлар ўтқазиш, ер ости йўлларини кўпайтириш, айниқса чорраҳаларда автотранспорт тўпланиб қолишига йўл кўймаслик керак.

Йўлга яқин уй-жойлардан кам қаватлилари олдинги қатор-да бўлиши лозим, ундан кейин юқори қаватли уйлар, улар-кинг ортида эса болалар боғчалари, мактаб бинолари жойлаштирилиши керак^{1/}.

Энг зарур тадбирлардан бири — автотранспорт чиқиндиси-аинг атмосфера ҳавосига тушишини чеклашдир. Ташки муҳит-ни автомобиль транспорти чиқиндиларидан муҳофаза қилиш Давлат автомобиль инспекциясига топширилган Давлат автомобиль инспекцияси шаҳар ва туман худудида-ги автомобиль транспортини хисобга олади, унинг техник хо-латини текширади, автомобиль дудбуронидан чиқаётган чиқин-дилар таркибини текширади. Ис газининг давлат тасдиқлагав кўрсаткичи меъёрдан ошиб кетса, карбюратор тузатилиб, соз-ланмагунча мазкур машинани ишлатиш ман этилади. Маса-лан, автомобиль I режимда ишласа унинг дудбуронидан чиқа-диган ис гази 1,5% дан, II режимда ишласа 1% дан ошмас-лиги керак.

АХОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК ВА ХУЖАЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Ҳаётни сувсиз тасавур қилиб бўлмайди. Табиат ҳосилася бўлган сув саноат корхоналари, қишлоқ ҳўжалик экинлари, ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоклари учун энг зарур омил-лардан биридир. Сув инсоннинг сихат-саломатлигини сақлаш-да айниқса катта аҳамият касб этади. Маълумки, одам орга-низмининг 65% и сувдан иборатдир. Шунинг учун ҳам одам сувсизликни жуда оғир кечиради, организмидаги сувни 6—8% йўқотса, ҳарорати кўтарилади, тери қизариши, юрак уриши, нафас олиши тезлашади, мускуларида чарчоқ пайдо бўлади, боши айланади ва оғрий бошлайди. Сув йўқотиш миқдори яна-да ортиб бораверса, одам ҳалок ҳам бўлиши мумкин.

Сув одам организмидаги модда алмашиниши жараёнда, таом ҳазм қилишда, организм учун зарур моддаларни синтезлашда иштирок этади. Мўътадил иқлим шароитида сувнинг ўртачз истеъмоли суткасига 1,5—3 литрга этади, лекин иссиқ иқлим шароитида сувга талаб 2—3 ҳисса ошади.

Сув истеъмоли миқдори меҳнатнинг оғир-енгиллигига ҳам боғлиқдир. Одам оғир жисмоний ҳаракат билан машғул бўл-ганда сув истеъмоли кунига 4—5 литрга етиши мумкин.

Чўл минтақаларида жисмоний меҳнат жараёнда суткаси-га сув истеъмоли 11 литрга этади. Юқорида кўрсатилган сув меъёрлари организмнинг физиологик эҳтиёжини қондириш учун керак бўлган сув миқдоридир.

Киши организми учун сувнинг физиологик меъёригина эмас, балки унинг гигиеник

меъёрлари ҳам мавжуддир. Уй-жойларни, организмни тоза тутиш, кир, идиш-товоқ ва бошқа-ларни ювиш учун анчагина сув сарф қилинади. Сувнинг маз-кур мақсадлар учун етарлича ишлатилиши санитария ҳолати-ни яхшилади.

Одам учун сарф қилинадиган сувнинг кундалик миқдорп жойнинг иқлим шароитига, аҳолининг маданий-маший тур-мушига, турар жойларнинг ободонлигига, канализация ва во-допровод тармоқларининг тараққий этганлигига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Шуни эслатиш зарурки, ҳозир ер юзида жаҳонда миллиов йиллар олдин бўлганидек, 40000 км³ чучук сув мавжуд. Лекин дунё аҳолиси 1820 йили 1 миллиард бўлган бўлса, ҳозир 5 миллиарддан ошиб кетди, Хитой билан Ҳиндистон аҳолиси-нинг ўзигина 2 миллиардга яқинлашиб қолди. Сув миқдори эса шу давр ичида ўзгаргани йўқ. Бунинг устига кўп миқдорда ер-лар ўзлаштириш, кўплаб саноат корхоналари қуриш чучук сув сарфини кўпайтироқда. Шунинг учун ҳам одамларни тоза ва чучук сув билан таъминлаш бутун дунё олдида катта муаммо бўлиб турибди.

Турар жойларда жон бошига ўртacha сув сарфи 200 литр бўлгани ҳолда катта шаҳарларда хўжалик ичимлик суви сар-фи 400—450 литрга етади.

Ю-жадвал

Турар жойларда сувнинг хўжалик истеъмоли меъёрлари

Турар жойлар ва тумгилар ободонлиги	Киши бошига 1 кунга ўртacha сув (л. хисобида)
1. Ички водопровод ва канализация тармоқларни билан таъминланган ваннасиз бино	125-160
2. Ички водопровод ва канализация тармоқлари, ванна, сув иситгичлар билан таъминланмаган бинолар	160—230
3. Марказлашган иссиқ ва совук сув билан таъминланган бишулар	250—350

Шаҳар ва қишлоқ қурилиши ҳамда саноат корхоналари-нинг ривожи, кўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилиши ҳамда экин майдонларини кенгайтириш янада кўпроқ сув сарфига олиб келмоқда. Сувдан спорт, соғломдаштирикш ва бошқа мақсад-ларда тобора кенг фойдаланилмоқда.

Аҳолининг сувга эҳтиёжини тўла қондириш учун шаҳар ва бошқа турар жойларда ийрик водопровод иншоотлари қурил-моқда. Қейинги йилларда МДҲда катта минтақалар учун гў-руҳлантирилган водопроводлар барпо этилмоқда.

Сув тозалашнинг янгидан-янги техник жараёнлари ишлаб чиқилмоқда. Янги сув ҳавзалари, сув омборлари пайдо бўл-моқда. Хўжалик ичимлик суви таъминоти дейилганда мажму санитария-техник тадбирлар, аҳолини тоза ичимлик суви би-лан таъминлаш, сувдан гигиеник ва турмуш эҳтиёжлари учун фойдаланиш, турар жойларни, коммунал обьектларни ободон-лаштириш ва хоказолар (кўкаламзорлаш, дараҳтзорларни ри-вожлантириш, кўча ва майдонларни тоза тутиш, канализация -гармоқлари яратиш) тушунилади.

Хўжалик ичимлик суви таъминотидаги асосий нарса сув-нинг миқдори ва сифати гигиеник меъёр талабларига жавоб бериши кераклигидadir. Шундагина бериладиган сув юқумли касалликлар олдини олиш, аҳоли санитария ҳолаткни яхши-лаш имконини бериши мум-кинТоза сув озиқ-овқат корхоналарининг технологик жараёнв тўхтовсиз кечишига, улар маҳсулоти тоза ҳолда ишлаб чиқа-рилишига, овқатлардан келиб чиқадлган заҳарланишлар олди-ни олишга ёрдам беради.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш уюшмасининг дунё аҳолиси соғ-лиғини сақлашга қаратилган хужжатларида жумладан бундай дейилади: «Қаерда бўлмасин аҳоли соғлигига турли юқумли касалликлар хавф туғдирмаслигига, унинг олдини олишга аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан эришилади».

Аҳолини тоза сув билан таъминлаш масаласи Урта Осиё республикаларида айниқса катта муаммо бўлиб қолмоқда. Шу вақтгача қишлоқлар ва айрим шаҳарлар аҳолиси марказлаш-ган **ичимлик** водопровод суви билан 100 фоиз таъминланганв йўқ.

Узбекистоннинг қишлоқ аҳолиси ичимлик тоза суви билай ўртacha 50% таъминланган. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда давлат маблағлари эвазига шаҳар ва ша-ҳарчалар аҳшисини ичимлик сув билан кенг миқёсда таъмив-лаш масаласи ҳал этилмоқда.

СУВ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ

/ Ер куррасида сувлар турлича жойлашган. Ер ости сувларий камидан учта чуқурлик ер қаватида жойлашган бўлиб, ер усти-да эса очиқ юза сувлар мавжуддир.

Фан-техника ниҳоятда тараққий этган ҳозирги даврда тур-ли иқлим шароитларида яшаётган шаҳар, қишлоқ ва шаҳар-чалар аҳолиси эҳтиёжлари учун ер ости ва юза сувлардаг кенг фойдаланилмоқда.

Қандай сув бўлмасин, унга қўйиладиган гигиеник талабгэ кўра, у одамлар истеъмол қилганда ҳеч қандай юкумлр ка-салликлар келтириб чиқармаслиги, кишиларга заҳарли ва ра-диоактив моддалар билан шикаст етказмаслиги, таъми, хиди, ранги рисоладагидек бўлиб, аҳолига зарар бермаслиги керак.

Сувдаги тузлар ўз кимёвий таркиби жиҳатидан меъёр ҳад-ларида бўлмоғи керак.

Ер ости сувлари. Йир ости сувлари ер усти сувлари ва ёгин-гарчилик оқибатидаги намликларнинг ер қаватидан фильтр-ланиши натижасида унинг пастки, сув ўтмас қаватларида тўп-ланади ва ер ости сув ҳавзаларини пайдо қилади. Сувнинг ер остида йиғилиши, сув ҳавзаларининг пайдо бўлиши, унинг ха-ракати тоғ жинсларининг тузилишига жуда боғлиқдир. Ер ости тоғ жинслари сувга нисбатан икки хил бўлади: сув ўтказувчи ва сув ўтказмовчи жинслар,

Сув ўтказувчи жинслирға қум, шағал ва оҳактошлар ки-ради. Сув ўтказмас қаватлар мустахкам, қаттиқ гранитдан, қум қаватдан, оҳактошлардан ёки лой қаватидан иборатдир. Сув ўтказувчи ва ўтказмовчи гипс қаватлар кўпинча галма-гал жойлашган бўлиб, улар орасида > в ҳаракати 'мавжуддир Ер юсти сувлари ҳар хил чуқурликда жойлашган, оралиқ та-фовути 1,5 м дан 16 км гача етиши мумкин, улар босимли ва босимсиз бўлади. Анчагина чуқурликда жойлашган босимли сувлар артезиан сувлари номи билан юритилади. XII асрда Франциянинг Арт вилояти аҳолиси ер остида жойлашган чуқур ер қатламлари оралиғидаги сувдан фойдаланган ва бу сув шу ©ақтгача мазкур вилоят номи билая чуқур артезиан суви деб аталади.

Келажакда ер ости сувларидан кенг кўламда фойдаланиш кўзда тутилмоқда. МДХ ер ости сувларига жуда бой, масалан, Туркманистон ва Қозогистон сувлари жуда кўп микдорда ер остида тўпланган. Хорижий мамлакатлар ҳам ер ости сувлари-дан кенг кўламда фойдаланадилар. Масалан, Японияда йилига 75 500 млн. тонна сув кишилар эҳтиёжи учун сарфланади, шундан 13 300 млн. тоннаси ер ости сувларига тўғри келади.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, Узбекистон худудидаги ер ости сувларининг аксарияти типиклиги, ҳарорати, кимёвий таркиби ва бактериялар микдори жиҳатидан ГОСТ талабла-рига жавоб беради.

Гурунт сувлари. Ер юзасига энг яқин жойлашган ер ости сув ўтказмас қаватида тўпланган сувлар гурунт сувлари бўлиб, бу асоған фильтрланиш натижасида пайдо бўлади, бундай ер ос-ши сув ҳавзаларининг босими бўлмайди.

Бундай сув ташувчи қаватнинг юқори томони сув ўтказмас жинслар билан қопланган бўлади. Атмосфера сувларининг маъ-лум майдонда фильтрланиши ер ости суви тўплашига олиб келади, бу майдонни сув билан таъминлаш минтақаси деб ата-лади. Ер рельефи паст бўлган жойларда ер ости қаватидаги сувлар ер юзига булоқ (чашма) бўлиб чиқиши ҳам мумкин, «булоқ ва чашмалар тепаликлар ва тоғлар ёнбағрида, паст ер-ларда кўп учрайди.

Сув ташувчи қаватларнинг томи сув ўтказмас жинслардан яборат бўлса, паст жойларда, дарёлар оқадиган водийларда сув босим билан ер тагидан отилиб чиқади. Бундай чашма-ларга юқорига кўтариувчи чашмалар дейилади \$ Дўтариувчи чашма-булоқлар санитария нуқтаи назардан анчагина хавф-лидир.

Гурунт сувлари қудуклар ёрдамида ҳам олинади, уларнинг • миқдори доимо бир хил бўлавермайди, у атмосферадан ёғила-диган ёғингарчиликка жуда боғлиқдир. Гурунт сувларига ик-лим, ер жинсларининг кимёвий таркиби ва бошқа омиллар таъсир этади. Ер ости сувларининг таркибида анча микдорда тузлар бўлиши мумкин. Масалан, Урта Осиё минтақасидаги районларнинг ер ости сувларида ҳатто 1 литр сув таркибида анчагина туз топиш мумкин. Гурунт сувлари одатда 1,5—2 метр, • гоҳо 3—10 метр чуқурликда жойлашади. Гурунт сувларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш учун унинг оқим йўлини аниқлаш керак бўлади. Унинг ер остидаги захираси узоқ вақт • давомида юзадан пастки қаватга фильтрланиш натижасидкатта бўшлиқда тўпланади, шунинг учун ҳам йил фасллари-нинг ўзгариши билан атмосфера ёғингарчилигининг кўп ва камлигига қараб ўзгариб туради. Сув захираси айниқса қу-рукчилик даврида жуда ўзгариши мумкин. Ер юзасидаги дарё-ларнинг ер ости гурунт сувларига таъсири жуда каттадир» (1-расм. Расмлар китобнинг сўнгидаги берилади).

Гурунт сувларининг жойланиш тарихи:

1. Сув ўтказувчи қават;
2. Сув ўтказмайдиган қават:
 - а) юқори ер ости суви (верховодка);
 - б) гурунт суви.

Табиий ҳолатда гурунт ер ости сувлари ичимлик суви бў-либ, ифлосланишдан холи бўлади, гурунт сувлари баъзан туз-ларга бой бўлиши мумкин, унда сувнинг таъми албаттага ўзга-ради.

Қудук сувидан кенг фойдаланилади, у аслида гурунт суви-дир. Қудук сувининг таркиби одатда карбонат кислотаси ва органик моддаларнинг парчаланиш маҳсули билан бойиган бў-лади. Аҳоли турар жой биноларининг ифлосланиши грунг сувлари ифлосланиши хавфини туғдиради.

Гурунт ер ости сувларининг таркиби маълум турар жой-ларга боғлиқ бўлганлигидан,

уларнинг ҳаммасини санитария жиҳатдан бир хил баҳолаш хато бўлар эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир вилоятда ёки туманда гурунт сувларининг кимёвий[^] бактериологик ва физик хусусиятлари санитария нуқтаи на[^] зардан текширилиши керак, сўнгра унга тегишли баҳо бери[^]-лиши тавсия қилинади.

Сув сувга чидамли қават орқали ҳаракатланиб, шундай бўшлиққа бориши мумкинки, ҳатто унинг ҳамма томонлари сувга чидамли жинслар билан берк бўлиши ва сув эса босим-сиз ҳолда бўлиши мумкин. Бундай қаватлар орасида жойлаш-ган сув ифлосланишдан холидир.

Тепа ер ости суви. Айрим ҳолларда гурунт ер ости сувла-рининг тепасида ер остида тўпланиб қолган сувларни ҳам уч-ратиш мумкин. Тепа ер ости сувлари сувга чидамли ёки сувни кам ўтказадиган қаватларда, гурунт сувлари устида пайдо бў-лади.

Тепа ер ости сувларининг тўпланиши доимий эмас, улар ёғингарчиликка боғлик бўлади. Тепа ер ости сувлари ер юза-сига яқин бўлганидан улар тез-тез микроорганизмлар, тузлар, заҳарли кимёвий моддалар, минерал ўғитлар билан ифлосланиши мумкин. Бундай сувлар ичимлик сув сифатида тавсияг қилинмайди. Уларни заарсиз ҳолатга келтирибгина ичиш мум-кин.

Артезиан сувлари, Чуқур ер ости қатламларида тўплан-ган юқори босимли бу сувлар сувга чидамли биринчи, иккин-чи ёки кўп қаватли жинсларнинг тагига жойлашган бўлибкатламлар орасида ётади. Сув ташувчи қаватлар анчагина иф-лосланишдан ҳимоя қилинган бўлади.

Артезиан қатламлараро сув ҳавзалари асосан узок масофа-ларда (бир неча 100 км) ер юзасига чиқиб, ёғинлардан ёки юза сув ҳавзаларидан озиқланади.

Босимли артезиан сув ҳаракатлари гравитацион кучлар ва бир неча атмосфера босими таъсирида сувнинг қайишқоқлик хусусияти туфайли ҳаракатга келади.

Сув ўтказмайдиган сув йўллари ва унинг томи оралиғида қисилиб ётган сув доим босим осигда бўлади, ер бургулаб ковланиши билан босимли сув ер юзасига отилиб чиқади, баъзи ҳолларда ер тагидан чашма сингари ўзи ҳам отилиб чи-киши мумкин.

Баъзи ҳолларда босим таъсирида сувнинг қайишқоқлик хусусияти туфайли бундай ҳолат гравитацион кучлар билан алмашиниши мумкин, унда сув эркин ҳолда босимсиз сув қат-ламларига кўтарилиши мумкш¹»

Ҳар бир қатламлараро сув ташувчи қаватнинг ўз маҳаллий таъминланиш минтақаси, маҳаллий босим чегараси ва бўш-лик минтақалари бўлади.

Айниқса бўшалиш минтақаларида сув ер юзасига дарёлар, кўллар тагидан кўтарилиб чиқиб, ўзи куйиладиган жой топа-ди. Қатламлараро жойлашган босимли ёки босимсиз сувлар дЖ[^]бургуланган кудуклар ковлаш йўли билан олинади. Артезиан Усувларининг сифати уларнинг қай даражада ва қайси масо-ада озиқланишига боғлиқдир.

Р ости сувларининг кимёвий таркиби кўп жиҳатдан кимё-вий реакцияларга, сув сизиб ўтадиган жинс қаватларининг физик хусусиятига боғлик бўлади. Масалан, жинсларнинг сув-да эрувчанлиги, ион алмашиниши, чўкма пайдо қилиши, ши-милиши ва бошқалар, шунингдек фильтровчи жинслардан адоддаларни ажратиб олиш, газ ажратиш ва ютиш жараёнла-ри сув таркиби ташкил топишида катта аҳамият касб этади.

Хозир янги физикавий ва кимёвий усувлар ёрдамида 70 га яқин кимёвий элементлар ер ости сувларидан топилади. Ма-салан, фтор, мис, рух, темир, фосфор, кальций, магний, хром, кўргошин ва бошқалар. Албатта, элементларнинг сувдаги мик-дорлари бир-бирига сира ўхшамайди, баъзи бирлари микро-граммлар микдорида топилса, баъзи бирлари бир неча ўн мил-лионлардан бири ҳисобида топилади.

Бу албатта сув йўлидаги жинсларнинг кимёвий, физикавий хусусиятларига боғлиқдир. Инсон хўжалик ва ичимлик сув билан таъминланганда сувдаги фтор, темир ва сувнинг қаттиқлигини белгиловчи кальций, магний тузларининг микдори гигиеник жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Масалан, сульфатлар, карбонатлар, бикарбонатлар, магний, кальций тузлари ва «бошқалар. Сувда камроқ микдорда бор, селен, бериллий, стронций ҳам учраб туради Қатламлараро ер ости сувларининг характерли томони шундаки, уларда эриган оксиген бўлмайди, лекин микробиологик жараёнлар сув таркибини шакллантиришда катта роль ўйнай-ди. Масалан, серобактерия сувдаги водород сульфид ва ол-тингугуртни оксидлантириб, сульфаг кислотасини, темирбакте-рия темир ва марганец бирикмаларини ҳосил қиласи, улар сувда қисман эриш хусусиятига эга бўладилар, баъзи бир -угшфоорганизмлар нитратларни қайта тиклаб, азот ва аммиак-нидосил қиласида{х)

Қатламлараро ер ости сувларининг олинадиган жойидан таъминланиш манбаи қанча кенг ва узок бўлса ёки бўшаш минтақаси қанча узок бўлса, ер оети сувлари шунчак ифлосла-знишдан ҳимояланади ва сув таркибий бўлиб қолади. Сув тар-кибининг доимий бўлиши санитария нуқтаи назаридан жуда зарур, чунки гап одамларнинг саломатлиги устида боради.

Ер ости сувларига табиий омиллардан ташқари түғдирила-диган омиллар ҳам ўз таъсирини кўреатиши мумкин. Маса-лан, сув қатламларидан нотадбиркорона фойдаланиш, сув па-змуналарини олиш ёки ер ости сув ҳавзасига бошқа сув манйалардан сув сизиб ўтиши, ер қаватлари бутунлигининг бузи-лиши ер ости қатламлараро сувлари таркибини ўзгартириб -вдбориши мумкин.

Ер ости сувларининг ифлосланишига саноат корхоналари-дан оқиб чиқадиган ифлос сувлар сабаб бўлади. Булардан ташқари, ер ости сувлари ташландик қудуқлар, уларга ўрна-тилган кувурлар орасидан ёки ташқи томонидан сувнинг сизи-лиши зовурлардан, карьерлардан, дарё сувларининг сизили-шидан ҳам ифлюсланиши мумкин.

Сувнинг ифлосланиши сув ташувчи қаватдаги жинсларнинг тозилишига қам боғлиқдир. Масалан, сув ҳаракати жада май-да заррачали (қум) жинсларда юз берса, заррачалар катта-«чиликлигига қараб унинг тезлиги ва лойқаланиши турлича ўлади.

Мутахассислар келтирган далилларга қараганда, сувнинг ҳаракат тезлиги суткасига бир неча 10 см дан 1—3 метргача ётди мумкин, агар тоғ жинслари етарли бўлса, сув ҳара-кати бир неча **10 метрга этиши** мумкин. Умуман олганда, сув-янинг фильтрланиши күмли жинсда содир бўлиб, сув таркиби-,даги турли заррачалар, микроблар ушланиб қолади, улар гоҳо цум заррачаларига ёпишиб қолади, шимилади ва ҳоказо.

Дарз кетган жинсларда фильтрланиш умуман содир бўл-■майди, сув линс ёриклари орқали оқиб ўтади, шунинг учун ҳам дарз кетган жинслардан ўтадиган ер ости сувлари муҳо-•фаза қилинишга ва тозаланишга муҳтож бўлиб қолади.

[Кўпинча қатламлараро ер ости сувлари ичимлик тоза сув .хисобланиб, ишланмасдан истеъмол қилинади, чунки унинг си-фати, кимёвий ва бактериологик таркиби барқарордир ва тоза-лиги давлат стандартига тўғри келади. Ер ости сув манбаларининг бирдан-бир камчилиги шуки, уларнинг марказлашгак водопровод тизимини сув кам бўлганидан қуриб бўлмайди.

Артезиан қудуқларидан фойдаланиш даврида сувни ер юза-сига кўтариш учун ўрнатилган ускуналар сувни сўриши нати-жасида қудуқ атрофида босими кам бўлган минтақа пайдо бўлади. Босимнинг камайиш даражаси сув кўтаргич ускуна-ларнинг кувватларидаги босим даражасига ва бошқаларга боғлодкдир.

""Қатламлараро ер ости сувларидан дарзлар оқадиган водий-ларда фойдаланилади. Бунда дарё соҳилларида ер ости сув-ларини чиқариш артезиан қудуқлари ускуналари ўрнатилиши-да анча қурайлик туғдиради, сувнинг заҳира миқдари мумюш

11-жадвал.

Сузиш ҳовузларига тушириладиган сув сифатининг рухсат этилган кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Талаблар	■
Сув лойқалиги (мг/л)	Грунт заррачалари диаметри 0,5— , 1 мм бўлса — 20, 0.15—0.3 мм бўлса — 10 мг/л	
Ранги (даражада)	Сув таркибидаги гумин моддалар 50 мг/л бўлса — 60°: ундан кам) бўлса — 40°, бунда ер ости сувлари билин сунъолтирилгани хисобига оли-Г нали.	
*		
Органик моддалар: перманганат оксиулпанинг мг 0,7/л бихромат оксидланиш, мг 0,7/л	15 гача	I
Бактериялар билан ифлосланиш. колининдекс/л	30 гача	E
Бактерияларнинг умумий сони. 1 см ³	грунт заррачалар диаметри 0.15—Г 1 мм бўлгандан 10000	
Темир. мг/л	1000—5000	
Феноллар	3 гача	
Юза актив моддалар	0.001—0.003 гача	
Нефть	0.5 гача	
Кўроғошин	0.3	
Мис	0.1	
Pvх	3.0	
Маргумуш	5.0	
Фосфатлар	0.05 мг гача	
Хлоридлар	1.0 гача	
Сульфатлар	ер ости сувлари	
Қаттиқлик	сунъолиши даражаси хиообнга олинади	

қадар анча доимий бўлиши мумкин. Чунки дарё сувлари си-зуб, ер ости сув манбаларини тўлдириб туришга қурайлик туғдиради. Ер ости сувларидан фойдаланишининг тобора кенгай-тирилиши ер ости сув заҳираларини кўпайтиришни талаб қи-лади, бунинг сунъий равишда мураккаб бўлмаган ускуялар ёрдамида муҳандислик иншоотлари қурилиб, ер ости сув ҳавзаларига сув тўплашга имкон топилади. (1-расм).

Ер ости сув манбаларини сунъий равишда юза сув ҳавза-лари ёрдамида тўлатиш кўзда тутилади, бунда юза сув ҳав-заларига санитария ҳимоя минтақаси ташкил қилинади, сизи-лиш ҳовузларини сув билан тўлдириш учун сувни олдин тин-дириш ва фильтрлаш зарур бўлади, ахолига сув тарқатишдан олдин уни заарсиз ҳолга келтириш

албатта зарур. Инфильтрация (еизиши) ҳовузларига тушадиган сув жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлади. Сизиш ҳовузлари билан лойда қумли сув ташувчи қатламлардан сув олиш жойигача йўлган масофа 50 метр, ийрик қумли ёки шағал тошли қат-ламлар учун 100—200 метр бўлиши керак.

Маълумки, кичик худудларда катта саноат корхоналари-шинг пайдо бўлиши, аҳолининг кўпайиши, кўп қаватли бино-ларнинг кўплаб қад кўтариши сув сарфини оширади. Лекин ер ости сувларининг миқдори аҳолнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Бинобарин, бу эҳтиёжни қондириш учун очиқ юза сув манбаларидан фойдаланишга зарурият туғилади.

ОЧИҚ ЮЗА СУВ МАНБАЛАРИ

Урта Осиё республикаларида сувориш тизими яхши ривож-ланганлиги учун ҳам кўпгина қишлоқ аҳолиси ўзининг хўжа-лик, ичимлик ва маиший эҳтиёжларига кўпинча дарё, канал, ариқ сувларидан фойдаланади.

Юза сув ҳавзалари сувининг таркибий қисми тез ўзгарув-чанлиги, унда минерал тузларнинг камлиги, осиғлиқ заррача-ларнинг кўплиги, микроблар билан ифлосланиш даражаси-нинг юқорилиги, сув миқдорининг фаслларга қараб ва мете-триологик шароитлар тақозоси билан кўпайиб ёки камайиб кетиши билан ажралиб туради.

Муз қопламалари, ёғингарчилик, сел ва бошқа табиий ҳо-дисалар сувнинг кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Юза сув манбаларининг суви доимо PH 6,5—8,5 ора-сида аниқланади. Лекин очиқ сув ҳавзалари инсоннинг антропоген фаолияти натижасида ифлос сувлар, саноат чиқиндила-ри билан, жамоа хўжалиги ва давлат хўжалиги ер майдоила-ридан чиқадиган оқава сувлар ва бошқалар билан ифлосла-нади.

Кейинги йилларда оқава сувларнинг очиқ сув ҳавзаларига тушиши туфайли бир хужайраги сув ўтлари нихоятда тез ри-вож топмоқда, сув қаватларини ўт босиб кетмоқда, сув омбор-ларида сувнинг гуллаши — уларнинг органолептик хусусиятларинн ўзгартириб, уларни аллергеник янги сифат ўзгаришлари-га олиб келмоқда.

Юқорида келтирилган омиллардан маълумки, бундай сув-ларни тўғридан-тўғри истеммол қилиб бўлмайди, бундай сув-лардан хўжалик ва ичимлик мақсадларida фойдаланиш учунулар албатта тозаланиши, заарсизлантирилиши, водопровод икшоотларида ишлов берилиши керак.

Дарёлар. Улар энг асосий очиқ сув ҳавзалари бўлиб, кенг кўламда маълум ишланишдан сўнг аҳюли эҳтиёжи учун ишла-тилмоқда. Лекин дарё сувлари сифат жиҳатидан тез ўзгарув-чандир, улар ўз таркибида кимёвий моддалар, микроблар, гельминт тухумлари ва бошқа моддаларни тутиши мумкин.

Очиқ сув ҳавзалари табиий ҳолатининг бузилиши корхона-ларнинг тозаланмаган чиқинди сувларни ташлаб юборишж оқибатида юз беради.

Гоҳо табиий сувлар органолептик хусусиятларининг ўзга-риб, кўқимтири ва бошқа рангларда бўлиши уларнинг келиб чиқишига боғлик бўлади. Бундай сувли дарёлар ботқоқлик-лардан бошланганидан улар суви рангининг ўзгариши гумиш моддаларига боғлиқидир. Урта Осиё республикаларидаги дарё-сувлари тоғлардаги қор ва музликларнинг эришидан пайдо бўлиши туфайли уларнинг сувлари нихоятда тиник, тоз^a, чу-чук, мазали, қарорати 12—14°C дан ошмайдиган, чанқовни қондирадиган ажойиб сувлардир. Лекин сув оқими 500—600 км-га етганда айниқса Амударё сувлари лойқаланиб, ўз тарки-бida жуда кўп миқдорда осиғлиқ заррачалар, кум, лой, хасчўпларки тутади, уларнинг минерал гаркиби, органик модда-лари миқдори, микробларининг сони жуда ўзгариб кетади.

Бир литр сув таркибида 6500—13000 мг озиғлиқ заррача-лар бўлиши мумкин. Демак, ҳар бир худудда иқлим, тупроқ, сув оқадиган грунт, ёғингарчилик ва бошқа табиий шароит-лар сувнинг ҳамма кўрсаткичларини ўзгартириб юборади. Агар» дарё сувлари шўх оқадиган бўлса, сув жуда лойқа бўлиб, дарё соҳилларини бузади, ўз йўналишини тез-тез ўзгартириб туради.

Дарёларнинг сувга бойлиги бир хил эмас, улар бир дақиқа ичида канча м³ оқиб ўтиши ҳиеобга олиниб, унинг кирими аниқланади*. Мақалан, Амударёнинг ўртача 1 дақиқадаги оқи-ми — 1500 м³ га, Сирдарёни эса 540 м³ га teng. Аммо сув* миқдори дарёнинг бошланишида унча кўп бўлмай, ўрталарида анча кўпайиши мумкин. Баҳор бошланиши билан йиллик сув миқдорининг 70% дарёдан оқиб ўтиши мумкин. Шу сабаблар-га кўра аҳолини марказлашган водопровод орқали тоза сув. билан таъминлашга мўлжалланган дарё сувларининг кирими: ҳисобга олиниши керак.

Агар сув кирими огоҳлантириш-санитария назорати даври-да аниқланилмаса, турар жойлар аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин бўлмайди, аҳоли сонини, унинг келажакда ўсишини назарда тутмоқ айниқса зарур.

Кўллар. Кўллар очиқ сув ҳавзалари бўлиб, улар майдони Дарё сувининг де"игя куйидаги формула билан аниқлакилади;

5•V•P

p=—2—• 5 — ^a?* кенглиги; V — сув оқшинилг тезлиги; 11—дарё сувининг чукурлигининг катта-кичиклиги, сувининг ҳажми, чукурлигиги жиқатидан •бир-

бирларидан фарқланади. Кўлларнинг сувлари асосан чу-чук бўлиб, улар дарёларнинг қўйилишидан пайдо бўлади, шу-нинг учун улар сувининг таркиби дарё сувларининг таркибига ўхшайди. Кўлларда сув ҳаракати кам бўлганлигидан улар осиглиқ моддалардан холи бўладилар.

Кўллар суви тиник, кўриниши анча ёқимли бўлади. Кўллардаги чўқмалар органик ва ноорганик моддалардан иборат ёўлнб, уларда жуда тез фурсатда биокимёвий жараёнлар ке-чади. Кичик кўлларда сув тўлқинланганда сув остидаги лой-қалар сувнинг барча қатламларини ифлослантириши мумкин.

Аҳолини тоза хўжалик ичимлик суви билан таъминлаш ниятида кўлларнинг сувидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин, лекин бунинг учун кўллар чуқурлиги камида 10 метр, сув кирими етарли бўлмоғи шарт. Чуқур кўлларда, масалан, 10 метр чуқур кўллarda микроблар кам учрайди, сувнинг ҳаро-рати 10—12 С° атрофида бўлиб, кимёвий таркиби ўзгариб туради. Шунинг учун катта ва чуқур кўлларнинг суви билан аҳо-лини марказлашган водопровод иншоотлари орқали таъминлаш мақсадга мувофиқидир.

Лекин дарё сувлари кўлга қўйилиш жойидан бошлаб ифлосланишни бир неча км га тарқатиши мумкин. Шунинг учун водопровод учун сув олиш жойи бу чфлосликлардан, чиқинди оқава сувлардан ва бошқа сувни заарловчи моддалардан холи бўйиши керак. Сув олиш учун мўлжалланган жойда са-нитария-химоя минтақаси ташкил қилиш лозим.

Сунъий сув омборлари. Кейинги 30—40 йил мобайннда катта дарё сувлари ёрдамида электр куввати олиш учун бир қанча сув омборлари курилди. Масалан, Узбекистон дарёла-рида кўплаб сув омборлари курилган бўлиб, улардаги сувнинг ҳажми 10 млрд/м³ ни ташкил қиласди. Улар туфайли ҳозир Амударёнинг тез оқар сувлари анча жиловланган.

Туямўйин сув омбори, Қайроқкум, Чордара ва бошқа сув омборлари Узбекистоннинг халқ хўжалиги тараққиётида катта роль ўйнамоқда. Саноат корхоналарининг кенг кўламда ривож-ланиши, аҳоли турар жойларининг кўплаб курилиши, янги ша-^арчаларнинг пайдо бўлиши сувга эҳтиёжни муттасил ошнр-моқда. Шунинг учун дарёларга сув йиғиши мақсадида тўғонлар қурилмоқда, атмосфера ёғинларини йигиши, ер майдонларини сугориш каби муммолар ҳал қилинмоқда.

Сув омборлари сувининг таркиби дарё, ёмғир ва оқава сув-лар таркибига ўхшаш бўлмайди, чунки улардан оқиб келадп-ган сув сув омборларида йиғилади.

Сув омборлари сувининг ўзига хослиги шундаки, улар бор-”ан сари минераллашиб, тузлар миқдори ортиб боради. Сув-нинг буғланиши, грунтга шимилиши сув таркибидаги минерал тузларнинг миқдорини йилдан-йилга ошираверади.

Сув омбори юза сатхининг сув миқдорига нисбатан катта бўлиши сувнинг тез минералланишига олиб келади. Ундан ташқари сув омборларидаги сув қатламларида эри-ган тузлар миқдорининг бир хил бўлмаслни кузатилади. Чун-к.1 сув омборига тушаётган сув кам минералли бўлиб, солиш-тирма оғирлиги камроқ бўлганлигидан енгил ифлосликлар юқори қатламда қолади ва тўла аралашиб кета юлмайди. Ма-салан, сув омбори юзасидаги сув намуналарида сувнинг қат-тиқлиги 9 мг экв/литр бўлиб, чуқур қатламида эса 9,5—15 мг экв/литрга етади. Лекин шамол таъсирида сувнинг тўлқинла-ниб аралашиби натижасида сув қаттиқлиги анча ўзгаради.

Сув омборидаги сувларнинг яна бир хусусияти уларнинг ёзда кўкариб кетишидир, бунга сувда микроскопик ўсимлик-ларнинг ўсиши сабаб бўлади. Кейинчалик сув ўсимликлари-нинг ўсиши, ўз навбатида, сув таркибини органик моддалар» билан бойитади, унда водород сульфид пайдо бўлиб, сув ҳол-даги эрнган оксиген камайиб кетади, оқибатда балиқлар ва бошқа сув жонивюрлари қирилади. Сув ўсимликларининг кўп қисми фильтрловчи ускуналарга кириб қолиб, уларни ишдан чиқаради, водопровод иншоотларининг бир меъёрда ишлашига утур етказади. Одатда сувнинг кўкаришига қарши самолётлар ёрдамида 1 м³ сувга 0,5 грамм СиЗСЧ (мис сульфати) сепилади. Сув омборларида сув ўзини-ўзи табии тозалashi туфайли микро-организмлар билан ифлосланмайди. Сув омборлари қуриш, арафасида олиб борилган санитария тадбирлари, масалан, сув-куйиладиган омбор тубини тозалаш сувни ифлослантириши мумкин бўлган омиллардан маълум даражада холи қиласди мақсадда сув омбори қурилаётган жой дарахтлар, чан-галзорлар, кўп йиллик ўтлар ва бошқалардан тозаланади. Шундагина сувнинг органолептик, бактериологик ва кимёвий таркиби талабга жавоб берадиган бўлади.

Сув омборларини түгри ташкил қилиш аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда мұхим рөль үйнайды, мазкур жой иқ-лими яхши, ёқимли бўлишига, ободонлаштириш ишлари ри-вож топишига таъсир кўрсатади.

Сув омборларининг суви алмашиниб турғани учун санита-рия жиҳатдан унча хавф туғдирмайди, дарё сувлари доимо харакатда бўлганлигидан ўз-ўзини тозалаш жараёнлари теа суръатлар билан кечади, маълум турдаги бактериялардан холи бўлади, органик моддалар, ўз навбатида, заарсиз минерал тузларга айланади.

Катта гидроэнергетика иншоотлари курилаётган районларда санитария муассасаларининг вазифалари қуидагича бў-лиши мақсадга мувофиқдир:

— сув омбюрлари курилмасдан илгари ва сув омбюрлари қурилиб бўлгандан сўнг сув сифатини ўрганиш;

— сув омбюри ўзанининг келажакда сув сифатига таъси-рини камайтириш ёки салбий таъсирини йўқ қилиш мақсади-да санитария тадбирлари ўтказиб туриш;

— турар жойларни ичимлик, хўжалик суви билан таъмин*

.эташ мақсадида сув омборининг бирор жойидан водопровод иншоотлари учун сув олиш жойини белгилаш;

— хўжалик оқавалари ва саноат корхоналари чиқинди ка-яализация сувларини тушириш жойини белгнлаш.

Маълумки, сув омборларини қуриш жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан Ятўғон юқорисидаги сув кўтари-либ, атрофдаги кўп жойларни сув босади, ер ости сувлари жўтарилади, ер ости сувлари кўтарилган майдонлар кенг бўл-ганлигидан у ерларга бирорта ҳам обьектлар қуриб бўлмайди.

Сув омборлари қурилиши муносабати билан аҳоли турар жайлари бузилишининг олдини олиш мақсадида артезиан қу-дуқлари қазилиб, ер ости сувлари моторлар воситасида чи-қарилади. ^

Каналлар. Кейинги йилларда кам сувли минтақаларда ка-яаллар қазиб, сув келтириш авж олмоқда. Каналлардан кел-тан сувдан халқ хўжалиги учунгина эмас, балки аҳоли истеъ-моли учун ҳам фойдаланилади. Масалан, Катта Фарғона ка-кали (345 км), Шимолий Фарғона канали (144 км) сингари «аналлардан шу мақсадларда фойдаланилади.

Каналлардаги сув ҳаракати нисбатан тез — секундига 20—40 м³ ни ташкил этса-да, лекин унинг ўз-ўзидан тозаланиши суст кечади ҳамда вақт ўтиши билан кўкариб кетади, шагал-ли жойларда ўтлар ўсиб, канаяни ифлослантиради.

Урта Осиё республикалари худудларидағи каналлар суви-дан ичиш учун фойдаланиш санитария нуқтаи назаридан кат-та аҳамият қасб этади. Лекин шуни айтиш керакки, бу канал-лар сувидан асосан пахтачиликда фойдаланиладиган бўлгани-дан мазкур республикалар аҳолисини марказлашган водопро-Сод суви билан таъминлаш нисбатан кам фоизни ташкил этади.

СУВВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Аҳолини гигиена талабларига жавоб берадиган тоза ичим-лик суви билан таъминлаш унинг саломатлигини муҳофаза 4ҚИЛИШНИНГ асосий омилларидан ҳиообланади. Бу борада Уз-бекистон ҳукумати томонидан жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳолини сув билан таъминлашда уни сув орқали тарқа-ладиган юқумли касалликлардан асраш ва сувнинг кимёвий таркиби ўзгаришидан келиб чиқадиган заҳарланишлар олдини олиш кўзда тутилиши керак. Сувларнинг сифати ва табиий ҳолатининг бузилиши, улар таркибida юқумли касалликлар кўз-ғатувчи микроорганизмлар бўлиши, гижжа тухумларининг кў-лайиб кетиши ёки турли кимёвий моддалар микдорининг ўзга--иши инсон соғлиғига зиён етказиши мумкин.

Сувнинг кўриниши, ҳиди, таъми ўзгарса одамда унга нис-'батан шубҳа пайдо бўлади. Чунки бундай шубҳали сувни ис-теъмол қилишдан юқумли касалликлар пайдо бўлиши мум-кин Сув орқали тарқаладиган юқумли касалликлар. Хазфль

юқумли касалликлар — иҷбуруқ, гепатит, корин тифи, паратиф, диаррея каби касалликлар келиб чиқишида сув каттз роль үйнайди, Тариха бир назар гашласак, сув орқали тар-қалган вабо, турли ошқозон-ичақ юқумли касалликларида» бир қанча мамлакатларда кўп одамлар ёстиги қуриганинн кўрамиз.

Сув ҳавзаларнда вабо вибриони кўпайса аҳоли орасида ва-бо тарқалишини, ичтерлама, иҷбуруқ микроблари кўпайса шу касалликлар тарқалишини кутиш мумкин. Кейинги маълумот-ларга, қарагандা, ичак касалликларининг келиб чиқишида, шунингдек сарик касаллиги, полимиэлит ва бошқа касаллик-ларнинг тарқалишида сув таркибидаги вирусларнинг роли кат-та экан. Сув мухитида мазкур вируслар узоқ вақт яшашв мумкин.

12-жадвал, Бактерияларнинг сув

манбаларида яшаш муддатлари (кунлар)

	Водопровод сувида	Дарё сувида	Кудук сувида

Ичак таёкчалари	2—262	21 — 183	—
Йчтерлама Оактериялари	2—93	4—183	15—107 1
Дизентеокя микроби	15—26	19—92	-
Вабо вібропонн	4—28	0,5—92	1—III г
Липтосфера	—	150 кунгача	/—/5 I
1 үляремнә (күйлнөгү)	92		
икробы			
Бруцелләз	кунгача 2—85	1 7—31	1 — 6' V — 122

Агар сув шифохонасининг оқава сувлари заарсиз ҳолатга келтирилмай, сув ҳавзасига ташланса, бундай сувдан фойда-ланган кишилар турли касалликларга йўликиши мумкин. Сув ҳавзаларида инфекцияларнинг пайдо бўлишига а eosan инсоннинг ўзи сабаб бўлади. Тўла-тўқис даволанмаган, микроб ташиб юрувчи кишилар ташки муҳитни заарлаб турадилар¹

Жадвалда келтирилган маълумотлардан микроорганизм-ларнинг сувда анча кўп яшай олиши кўриниб турибди. Гари-хий маълумотлардан маълумки, сув орқали юқтирилган юхум-ли касалликлардан жуда кўп одамлар қирилиб кетган. Яқин 20—30 йиллар ичидаги хам турли эпидемиялар содир бўлгани-нинг гувохимиз. Масалан, 1972 йили Мексикада ичтеряма эпидемиясига 10000 киши чалинди, ичбуруғи касалидан эса 15000 киши ҳалок бўлди.

Ажабланарлиси шундаки, ичак касалликларини келтириб чиқарувчи микроблар ташки муҳит объектларида мураккаб омиллар таъсирида ўзгариб, ўзининг касал чиқарувчи хусуси-ятларяни орттироқдаф О. В. Барояннинг фикрича, шартди патогенлар, хатто сапрофит бактериялар патоген микробларурнин эгаллаб, касалликни келтириб чиқарувчи микробларг» айланмоқда.

Сувнинг ифлосланишидан тарқалэдиган касалликлар ҳақи-қатан ҳам жуда хавфлидир. Айниска илгари ичимлик сувлар-га яхши эътибор бермаслик оқибатида бундай ҳолат тез-тез-учраб турарди. Буни шундай тарх билан ифодалаш мумкинг касал одам->канализация->дарё суви->шахар водопровод шо-хобчаси->-соғлом одам. Масалан, 1963 йили Узбекистон ва-э Россиянинг бир қанча вилюятларида шу тарзда тарқалган вабога ўхшаш касални Эль-Тор номли вибрион юқтириди. Таш-ки муҳит таъсирига ўта чидамли ва эпидемия хавфини туғди-рувчи бу вибрион очик сув ҳавзаларида аниқлана бошландиган Жуда кўп марта қайд этилган итбуруғ, қорин тифи, пара-тиф юкумли касалликлари ифлосланган сув орқали тарқали-шининг гувохимиз» Сув орқали тарқ¹чган хавфли эпидемиялар² китобларда яхши³ ёритилган, Мас⁴иан. Васильева — Вейла» касаллиги (интер геморрогоик лептоспироз) ва бошқалар кала-мушлар, сичконлар ҳамда ҳоказо сув ҳайвонлари ахлати би-лан ифлосланган сув орқали гарқалади. Бундай ифлосланган сувларни исътемол килдирмасли.к иззур эпидемия олдини» олишнинг бирдан-бир йўлидир

СУзбекистонда сув орқали тарқаладиган ичак касалликла--ри таҳлили қуйидагича кулоسага олиб келади: 70—80% ичак: инфекцияси ҳовуз, ариқ ва канал сувларини ичиш, 8—13% шо канал ва катта ариқлар сувидаги чўмилиш, 5—8% ифлослан-ган қудук сувини исъемол қилиш натижасидир. Бундай ка--саллик гоҳо етарлича заарсизлантирилмаган водопровод сув-ларини ичишдан ҳам юқиши мумкин.

Жуда кўп канализация сувлари, ахлатляр тозаланмасда»,, заарсиз ҳолга келтирилмасдан очик сув ҳайск⁵лармга гашлани-шидан Зарафшон дарёси сувлари микробл >p маконига айла-ниб бормоқдаки, бу нарса тез фурсатда тегишли шошилинч⁶ чоралар кўришни тақозо этади.

Хуллас, сув орқали бир қанча хавфли юкумли касаллик-лар тарқалиши мумкин. Ичимлик сувларни заарли оқава? сувлардан, чиқиндилардан ва бошқа ифлосликлардан тадбир-корлик билан ҳимоя қилиш, сув орқали юқадиган кўп касал--ликларнинг олдини олиш имконини беради.

*) СУВ ВА ЮҚИМСИЗ КАСАЛЛИКЛАР/

Табиий сув манбаларида инсон, жониворлар, ўсимликлар» ҳаётини учун зарур биологик микроэлементлар мав:- \д. Улар» тирик организмлар фаолиятида фаол моддалар билан бирик-кан ҳолда муҳим биокимёвий жараёиларда қатнашади.

Инсон саломатлиги учун маълум миқдорда микроэлемент-лар (мис, рух, йод, марганец, кобальт, темир ва ҳоказо) за-рур, улар инсон организмидаги биокимёвий жараёнларда бе-восита қатнашади. Қальций, калий, аатрий, фосфор каби киммё2340 81

1ЯВИЙ моддалар ҳам тир.ик организм учун жуда зарурдир. Бу •моддалар организмга сув, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тушиб, унинг элементларга бўлган эҳгиёжини қониқтириб турасидн."Организм бу микро ва макроэлементларга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириб турмаса, турли касалликларга чалиниши муқаррардир. ^Масалан, киший организми суткасига 120—200 мкг йорд микроэлементи олиб турмаса, бўқоқ касаллигига йўлиқади.] Истеъмол қилинадиган сувда, озиқ-овқатларда йод^-элеметтеги" кам бўлса, касаллик олдини олиш учун таомга, айниқса ош тузига йод.элементи кўшиб берилади. Шу туфайли «бундан 30—40 йиллар муқаддам кўп учрайдиган бўқоқ касали ;ҳозир деярлй барҳам топиб кетгайЗ

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бўцок^ касаллиги фақат .йод элементи етишмаслиги эмас, б-алки тегишли минтақалар-,даги ташки мухит обьектлари таркибида бу зарур элементнинг тинид бўлмаслиги оқибатидир.

Гиноон организмига сув кимёвий таркибининг таъсири ма-еаласи кўп вактдан буён кўтарилиб келади. Чунки сувнинг жимёвий таркиби касалликлар- келиб чиқишида катта роль уйнайди. Сув таркибидаги кимёвий моддалар ундаги бошқа органик ва ноорганик моддалар билан ўзаро боғланган ҳолат-да бўлади. Ҳозирги саноат корхоналарида тоза сувларнинг кўп микдорда ишлатилиши сув ҳавзаларида табиий сувнинг кимёвий таркибини ўзгартириб юборади. Бу ҳолатни назарда тутишнинг гигиеник аҳамияти каттадир^ Сув ҳавзаларида .сувнинг кимёвий таркиби табиий омиллар таъсирида, ўз гидро-геологик келиб чиқишида ўзгарган бўлиши мумкин. Масалан, сувда йод етишмаслиги, фтор элементи кўпайиб кетиши ёки етишмаслиги ва ҳоказодёки сув таркибининг одам антропоген фаолияти таъсирида ўзгариши. Бунда гап биогеокимёвий мин-тақалар, вилоятлар устида боради.

Бу, қолаверса, табиий ҳолдир. Иккинчи ҳолда эса гап инсон 'фаолияти оқибатида сув ҳавзалари таркибининг ўзгариб бо-риши тўғрисида кетади. Иккала ҳолда ҳам одам организми катта таъсиротларга учрайди ва бунинг натижасида у касал-ланиши мумкин. Бу ҳолларни мксол тариқасида келтиришдан мақсад керакли гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш, иккала ҳолда ҳам юқумли касалликларнинг олдини олишдир. Гигиена фани кейинги йилларда мазкур соҳани ўрганишда кўп ишлар цилди. Масалан, сувнинг минерал таркиби ўзгариши ва аҳоли орасида турли касалликлар тарқалиши туфайли бу масала гигиенистлар назаридан четда қолмади^алки ҳозирги давр-нинг долзарб масаласи бўлиб қолди. Гайрим минтақаларда • чучук сувнинг етишмаслиги, борининг ҳам тез минераллашиши аҳолини ГОСТ талабига жавоб берадиган тоза ичимлик с}'в башта н таъминлашдек долзарб масала кўндаланг бўлди.

£^Айниқса сувнинг қаттиқлик кўрсаткичи катта аҳамият касб этмоқда. Чунки сув ҳавзаларига шудгорлар шўрини ювишдан бўшаган оқава сувларнинг кўплаб туширилиши, зах сувларнинг коллекторларга оқизилиши, саноат корхоналарининг чиқинди сувлари дарёлар сувнинг кимёвий таркибини бузиб,» унинг қаттиқлигини ошириб юбораши Бунга Амударё ва Сир-дарё сувлари мисол бўла олади.Кузнинг қаттиқлиги кальций ва магний тузларининг 1 литр сувдаги умумий микдоридир^ Одатда қаттиқ сувда совун ишлатганда я.ҳши кўпирмайди, сун қайнатилган идишда туз қатламлари пайдо бўлади.

Кейинги йилларда олнб борилган тадқиқотлар сувнинг қат-тиқлигига кальций ва магний тузлари билан яна бошқа 12 та элемент — бериллий, бор, кадмий, калий, натрий ва ҳоказо иштироки ўртасида коррелятив боғланиш борлигини кўрсатади.

/Сувнинг қаттиқлиги билан организмда тошлар пайдо қила-диган касалликлар ўртасида боғланиш борлиги тўғрисидан* бир қанча фикрлар маълум. Хоразм вилояти ва Қорақалпо-ғистон республикасида олинган далилларга қараганда, одам-ларнинг ўт ва сийдик қопида, шунингдек буйрагида тошлар пайдо бўлишига асосан Амударё ҳавzasидаги сувлар қаттиқ-лигининг тобора ортиши сабаб бўлмоқда{

Урологлар тажрибалар йўли билан қаттиқ сувлар истеъмо-лидан сўнг сийдик йўлида тошлар пайдо бўлишини, ичимлик'. сув билан бевосита бюғлиқ касалликлар кўп учрайдиган вило-ятларни аниқлаганлагъя Бундай ^илюятларда сувнинг қаттиқ-лиқдаражаси анча юқори экан.^т

/Кейинги вактда сувнинг қаттиқляги билан айрим юрак ка-салликлари ўртасида боғлиқлик борлиги маълум бўлмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сув қаттиқлик даражасининг пасайиб кетиши юрак-кон томир касалликлари-нинг келиб чиқишида маълум роль ўйнар экан. Лекин бундз^ ижтимоий ва иқтисодий омиллар таъсири ҳам борки, бундз асло инкор қилиб бўлмайди.

Бинобарин, аҳоли ўртасида сув орқали юқумли касаллик-лар келиб чиқишида омиллар мажмуи ҳисобга олинмоғи за-рур. Кейинги йилларда минерал ўғитларнинг кенг кўламда ишлатилиши сув ҳавзаларининг кўп муаммоларини келтириб чиқардн. Ичимлик-хўжалик сувлари таркибида азот гибридлар' ва азот нитратларнинг аниқланишига сув ҳавзаларининг сани-тария ҳолатини кўрсатувчи белги деб қаралди.

ЯTitrat тузлари билан заҳарланган кишида қувватсизликд течётликиш, рангсизлик

ва бошқа аломатлар кузатилади/ Одатда нитратлар қонда мет^гемоглобин ҳосил қилмасада, ле-кин диспепсия, дисбактериоз касалликлари таъсирида азог нитратлар азот нитритларга айланади, нитратларнинг ичак-лардан сўрилиши қонда метгемоглобин микдорини ошириб юбдггади.

Л^гейинги йилларда турли тиббий эдабиётларда гигиенист-л^ггр эътиюрини жалб этаётган яна бир омил нитрозаминлар-бўлиб қолди. Нитрозаминлар нитратлар билан алифатик ва ароматик аминларнинг ўзаро бирлашишидан пайдо бўладигануладдалардир. Бу моддалар саноатда кенг кўламда ишлатила-диган бирикма бўлиб, сув ҳавзаларида ҳам, табиий ҳолатда «одам организмида ҳам синтезланиши мумкин.

Нитрозаминлар жуда фаол модда бўлиб, рак касаллигини -туғдирувчи канцероген модда ҳисобланади. Нитрозамин мод-,далари сувда яхши эрийди, уларнинг суғориладиган ерлардан *~ув ҳавзаларига қуолиши одам организмига канцероген мод-,ялар тушишига сабаб бўлади.

"Сув таркибида 65 га яқин микроэлементлар борлиги аниқ-ланган. Улар одам организмида, ўқмлик тўқималарида, шу-#шнгдек ҳайвонлар танаси ва тўқималарида бўлиб, мингдан !-5ир фоизни ёки ундан ҳам кам микдорни ташкил қиласи. Организм саломатлигини саклашда микроэлементларнинг роли жуда каттадир. Маълумотларга қараганда, 20 дан ортиқ миқ-^гроэлементлар организм эҳтиёжи учун жуда зарур. Шулардан энт кўп ўрганилгани йод, фтор, молибден, мис, темир ва бош-?қа элементлар ҳисобланади^Г

Фтор. Унинг одам организмига таъсири анча яхши ўрганил-■\$ган. Фтор элементи одам организмида 10% дан 80% гача ҳол-^гярда сув билан киради. Фтор элементи таъсирида одам орга-анизмида турли касалликлар келиб чиқиши аллақачон ўрга-^гяилган. Масалан, фторнинг бир литр сувдаги микдори 2—8 мг :-га етганда организмда, умуртқа поғонасида, қовурга ва бошқа ;сүякларда ўзгариш содир бўлиши кузатилган. Бу касалликни флюороз деб аташган.

Бундай касаллик биогекимёвий вилоятларда яшовчи ки-даилар орасида кўп тарқалганилиги маълум. Флюороз касалли-тининг ривожланиш даражаси унинг сувдаги микдорига бево-еига боғлиқлиги аниқланган. -Фтор микдори 1,4—1,6 мг/л га *.етган сувдан сурункали и.чган кишилар тишлинида сарғиш-жигар ранг доғлар пайдо бўлганлиги кузатилга^ЗФтор микдо-ри бир литр сувда 2 мг/л га етган сувдан ичган аксарият ки-шилар тишида жигарранг доғлар пайдо бўлиши, 2,5 мг/л га етганда тиш эмали ғадир-будур бўлиб қолиши ва унинг юза-сида қорамтири доғлар пайдо бўлганлиги аниқланган. ■

|^Зтор элементининг сувда кам бўлиши ёки овқат рациони-да етарли бўлмаслиги тишлининг у ёки бу жойида қорамтири ...доғлар пайдо бўлишига олиб келади. Оқибатда тиш эмали ва дентининг органик ва ноорганик моддалари орасидаги боғла-яиш бузилади, тишининг ка.риес касаллиги содир бўлади. Фтор элементи етишмай қолганда бу касаллик тез намоён бўлади, -зунки бу элемент билан фосфорнинг организмидаги алмашиниши жараёни бузилади.

Сувни тиндириш ва рангизлантириш. Сув таркибидаги фито ва зоопланктонлар олиб ташланмаса, сув тозалаш иншо-отлари улар билан ифлосланиб, заарланади, самарали ишлай олмайди. Шунинг учун ҳам сувни олдиндан фито ва зоопланктонлардан тозалаш учун у микрофильтрлардан ва барабанли элаклардан ўтказилади. Бундай иншоотлар сув бир ой даво-мида кўкариб кетадиган бўлса ва 1 см³ сувда ҳужайраларнинг бир ойлик ўртача миқдори 1000 га ортса, қурилади.

Микрофильтрлар ва барабанли элакларнинг асосий эле-ментлари кўп қиррали барабанлар бўлиб, улар тўғри бурчакли рамалар этиб ясалган, орасига фильтрловчи тўрлар тор-тилган бўлади. Ишлов бериладиган сув барабан ичига оқизи-лади, тўрлардан фильтрланиб, микрофильтр камерасига ўтади, ундан иншоотнинг бошқа хоналарига киради. Элакли барабан-нинг 3/5 диаметри сувга чўқтирилган бўлиб, у доим айланиб туради. Тўрларда ушланиб қюладиган ифлосликлар воронка-лар орқали канализация қувурларига юборилади. -

Сувдаги муаллақ моддаларнинг 30—40 фоизини микро-фильтрлар ушлаб қолади, зоопланктонлар 100% гача, фито-планктонлар эса 60—90% гача ушланиб қолади. Микрофильтр-ларнинг водопровод иншоотларида ишлатилиши бошқа обьект ишини яхшилади. Маълумки, механик тиндириш ва фильтр-лаш йўли билан 0,1 мм ўлчамдаги муаллақ заррачаларни ушлаб қюлиш мумкин бўлади. Сувдаги коллоид ва жуда кичик дисперсли аралашмаларни улар таркибини парчалаш ва коа-гуляциялаш йўли билан йўқотиш мумкин бўлади.

Сувдаги муаллақ моддаларнинг чўқтиригич ва тиндиригич-лари. Дарё, канал, катта ариқ сувлари сувнинг ҳаракат тез-лиги, оқаётган ери, гурунти ва юзасига қараб, ўз таркибидаги муаллақ туриб қолувчи заррачаларни ушлайди, бундай зарра-чалар ёмғир сувлари билан ювилиб сувга тушиши, хўжалик •оқава сувлари тушиши оқибатида янада кўпайиши мумкин.

Сув таркибидаги заррачаларнинг муаллақ ҳолда бўлиши «сув ҳаракатининг тезлиги, заррачалар солиштирма оғирлиги *и* диаметрига боғлиқдир. Сув ҳаракати секин бўлиб, заррача-лар оғирлиги кўп бўлса, сувнинг у моддалардан тозаланиши тезроқ бўлади. Шунинг учун ҳам сувдаги моддаларнинг чўки-шини тезроқ таъминлаш учун водопровод иншоотларида тин-диргичлардан фойдаланилади; улар ўз тузилишига кўра тур-лича бўлади. Сув тезлигини тиндиригичларда секундига 1 метр-дан бир неча мм гача пасайтириш мумкин.

Кўпина тиндиригичлар ётиқ тўртбурчак сув ҳовузлари хиз-матини ўтайди; бундай тиндиригичларда сув кирган заҳоти се-«кинлашиб, қарама-қарши томонга секин ҳаракатланади, унинг йўлида тўсиқ кўйилса, ҳаракатининг тезлиги анча пасаяди.

Тиндиригичлардаги сувни тақсимлаш учун сув кириш те-шигидан унинг эни бўйича сув қуйиш ёки тешикли тўсиқлар ўрнатилади. ЁТИҚ тиндиригичларда моддалар иккитаир-

бирига тик кучлар таъсирида муаллақ туради, параллелограмма қо-нуни кучига асосан тиндиригич тагига чўқади ёки сув оқими билан тиндиригичдан чиқиб кетади. Бу эса, ўз навбатида, икки тезлккнинг ўзаро нисбатига боғлиқ бўлади. Тик тиндиригич-лар цилиндр ёки тўртбурчакли, конуссимон, тўнкарилган пира-мидада ҳолида бўлиб, сув марказий қувурдан киради, 180° бу-;рилиб, пастга тушади, сўнгра юқорига секин ҳаракатланади (расмларга қаранг), кейин тиндирилган сув айланма нювлар морқали пастга тушиб, фильтрловчи хоналарга оқиб боради. Ўнда сувнинг оғирлик кучи (И) ва сув ҳаракат кучи (У) сувдаги заррачаларга тўғри қарама-карши йўналишда таъсиркўрсатади. Шунинг учун тиндиригичлар самарали ишлаши учун сув ҳаракатининг тезлиги жуда секин бўлмоғи керак.

Ётиқ тиндиригичларда сув ҳаракатининг тезлиги одатда 2—4 мм/сек, тик тиндиригичларда эса 1 мм/сек, сувнинг тиндиригичдан ўтиш вақти 4—8 соат.

Шаҳар ва шаҳарчалар кўпайиб бораётган, сувга талаб-ошиб бораётган ҳозирги шароитда аҳолининг сувга бўлган талабини тиндиригичлар ёрдамнда қондириш қийин, бунинг ус-тига сувдаги эриган коллоид моддаларини тиндиригичлар ёрда-мидада ушлаб қолиб бўлмайди. Шунинг учун сувдаги муаллақ, моддаларнинг чўкишини тезлатиш учун турли реагентли ме-тодлардан фойдаланишга тўғри келади.

СУВНИ КОАГУЛЯЦИЯЛАШ УСУЛИ

Коагуляция аслида сувда коллоид ҳолатда осиглиқ ту-рувчи моддаларнинг (гидрозол ёки золлар) реагентлар билан ўзаро боғланиб ивиши, пағалар пайдо қилиши ва чўкиши (гидрогеллар ёки геллар) деган маънони билдиради. Коагуляция жараёни сув таркибидаги бевосита кимёвий реагент — коагулянтнинг қўшилиши натижасида куйидагича намоён бўлади:

- 1) коагуляциянинг сувдаги заррачаларга қарама-каршв электр зарядлар пайдо бўлиши;
- 2) сувда эриб, коллоид эритма пайдо қилгани ҳолда кюагуляция реакциясига киришиб, пағалар ҳосил қилиши ва чў-киши.

Коагулянтнинг таъсири одатда сувдаги коллоид заррача-ларининг зарядларини нейтраллаштиради, натижада коллоид месдаларининг кинетик мувозанати, заррачаларнинг диффуз; (тарқок) ҳолати ҳам бузилади, улар бир-бiri билан қўшилиб (агломерация), йирик йағалар ҳосил қиласида. Коагулянт паға-ларнинг коллоид ва кичик муаллақ заррачаларни нейтралла-шига нейтралланувчи коагуляция дейилади. Коагулянт сифа-тида водопровод тизимида кенг қўлланиладиган реагентларнинг бири — алюмин сульфати ($\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3\text{H}_2\text{O}$) ишлатилади. Алюмин сульфати одатда алюмич элементини сақлайди. У лой-тупроқ (бокситлар, коалинлар, оқ лой) ларни сульфат-кислотаси билан оксидини—13,5%, алюминий сульфатини — 40,3% ва ($\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3\text{H}_2\text{O}$) — 78,25% сақлайди.

Коагулянт ўз таркибида қўшимча заарли моддаларни; тутмаслиги, айниқса одам соғлигига таъсир кўрсатувчи омил-лардан ҳоли бўлиши, маргумушга, фторга, мисга ва бошқа моддаларни аралашиб қолишига эҳтиёт бўлиш керак. Шунинг учун коагулянтлар олдин синчковлик билан текширилиб, си-новдан ўтказилгачина коагулянт сифатида ишлатилиша: мумкин.

Коагулянтларнинг сувга қўшиладиган микдорлари бир хил; эмас, сабаби улар сув таркибидаги муаллақ заррачалар микдорига, йилнинг фаслларига қараб ўзгариб туради. Кўйидаги жадвалда уларнинг микдори CH_4P 11—31—74 га асосланиб келтирилади.

Ранги сувларни тозаланаётганда коагулянт микдори куйи-даги формула билан аниқланади: $D = 4Ud$. Бунда U — ишлов берилган сувнинг ранги градусда—платина кобальтишкала бўйича аниқланади. Ишлов берилган сувдаги колдик коагулянт микдори— яъни алюминийнкнг микдори 0,5 мг литр-дан ошмаслиги керак, темир эса литрига 0,3 мг синтетик фо-кулянт полиакрил амид эса 2,0 мг дан ошмаслиги керак.


18-жадвал

Сувдаги муаллақ моддалар микдорига кўра коагулянтнинг керакли микдори (мг/л)

Сувдаги муаллақ моддаларнинг 1 литр. сувдаги микдори, мг. хисобида:	Сувсиз алюминий сульфат ёки темир хлориднинг 1 литр. сувга берилладиган микдори, мг. хисобида
---	---

гача	25—35
101—200	30—45
201—400	40—60
401—600	45—70
601—8000	55—80
801—1000	00—£0
1001—1400	65—105
1401—1800	75—115
1801—2200	80—125
2201—2500	£0—130

Кейинги йилларда сувдаги коллоид моддаларни нейтрал-лаш ва флокуляциялаш мақсадида водопровод иншоотида син-тетик модда — полиакриламид ишлатилмокда. Сувга киритил-тан алюминий сульфатнинг коагуляциялаш жараёни қуйидаги-ча кечади:



Алюминий сульфат сувда парчаланиб, гидролизга учрайди, •сўнгра карбонат кислотаси кальций турдлари билан реакцияга кириб, бикарбонат тузларини ҳосил қиласида ва сув қаттиқлиги-,нинг олдини олиш вазиятини туғдиради.

Бу тузларнинг сувда бўлишн сув ишқорлигига таъсир қилилади. Алюминий гидрооксидининг коагуляциялаш вактида-лайдо бўлиши жуда муҳимdir, чунки сульфат кислотасининг кальцийлик ва магнийлик тузи ва карбонат ангидриди гази жоагуляциялаш жараёнида сира қатнашмайди.

Гоҳо сўвнинг ранги анчагина сарғиш бўлиб, бу унинг тар-кибида гумин моддалари борлигидан далолат беради. Коагу-лянт пағалари ўз юзасидаги мураккаб гумин моддаларини шимб, сувнинг ражги ўзгартиришнга ёрдам беради ва уни стандарт талабига якинлаштиради. Коагулянт сифатида окси-хлорид алюминий ҳам ишлатилиши мумкин.

Алюминий сульфатидан қолицмайдиган темир хлорид тузи ҳам коагулянт сифатида ишлатилади. Аммо бу коагулянтлар кашлатилганда сувнинг ишқори реакцияси ошириши ва улар-зинги ранглаштириш! кучайтириш хусусияти борлиги учун кўп кашлатиш имконини сермайди. Алюминий сульфати сувга кўй-аинилгандан сўнг бўладиган гидролик реакциясига сув рН нинг таъсирин анча каттадир. Масалан, pH нинг пасайиши гидро-лизни сусайтиради, pH юқори бўлса, манфий зарядга эга бўлган AlO_2^- ҳосил бўлиб, у сувда коагуляциялаш жараёнини тут-дирмайди. Шунинг учун ҳам $\text{Al}^{3+}\text{O}^{2-}$ нинг гидролизи учун меъёр pH=4,3—7,6 бўлиб, энг қулайи 5,5—6,5 дир.

Қоагуляциялаш жараёни сувни кейинчалик тиндириш ва рангизлантириш имкоғни беради. Демак, коагуляциялаш жараёни бошқа жараёнлав билан, яъни тиндириш, рангизлантириш, фильтрлаш ва зараризлантиришлар билан узвий боғлангандир. Водопровод иншоотларида сувни тиндириш ва рангизлантириш жараёнламши тезлаштириш, коагуляциялаш си-«фатини ошириш мақсадида юқори молекулали синтетик бирикмалар ҳам ишлатилади. Булар ичидаги анионли ва катионли йрлекулянтлар бўлиб, анионлилар флокулянтларга — полиакриламид K—4, K—6, активлаштирилган кремний кислотаси, знионли флокулянтларгарса VA—2 типдаги полимер моддалар киради; катионли флокулянтлар самарали ишлатиш учун сувни оз бўлса-да коагуляциялаш керак, катионли флокулянтлар учун сувни коагуляция қилмаса ҳам бўлаверади.

Олокулянтларни ишлатиш коагуляциялаш жараёнини ан-ча яхшилайди, сувнинг тиндиргичларда бўлиш вактинин анча ҳамайтиради, муаллақ моддаларнинг чўкиш жараёнини тез-лаштиради. Кейинги вактларда флокулянтлар тури борган са-ри ошиб бормоқда.

Коагуляциялаш иншоотлари ўз гаркибида меъёрлаштириб берувчи; аралаштрувчи ва пағалар ҳосил қилувчи камера-ларга эга бўлиши керак. Бу мақсадлар учун жуда кўп конструкциялар маълум, улар мураккаб қисмлилиги, самарали хизмат қилиши ва иш унумдорлиги билан фарқ қиласидар, водопровод иншоотлари лойиҳаланаётганда шу ҳолат ҳисобга олинади.

Сув тиндиргич воситалар. Сувни тиндириш, унинг тиникили-пши ошириши учун маҳсус тиндиргичлар куриладики, уларда -кечадиган тиндириш жараёнлари тинитиши сувидаги муаллақ моддалар қаватидаёқ давом этади. Тиндиргичлар таги конус-симон бўлиб, улардаги сув коагулянт билан аралашгандан сўнг тиндиргич-нинг паст қисмига ўтади, майдон бўйича баравар ■етик кесик бўйича тарқалади, кейин коагулянтнинг муаллақ дағалари орасидан тўғри ўтиб, тезлик билан юқорига кўтари-ладшбунда сув таркибидаги муаллақ моддалар сувнинг қаватида коагулянтнинг янги пайдо бўлган пағалари билан тўқнашади ва ушланиб қолиши анча самарали бўлади. Сувдаги

осиғлик қуйқум тиндирилган сув минтақсига киради, сўнгра тиндиригич юкори қисмидаги тўсиқдан Ншиб, айланма новга тушади, ундан сув фильтрга ўтади. Ҳамра вақт пайдо бўла-диган ортиқча лага қуйқумлар ва аралашмалар улар йифила-диган жойига сурилиб, зичланади, сўнгра канализация шохоб-чаларига оқизилади. /

Бундай тиндиригичлар оддий тик тиндиригичлардан анча ар-зон. Лекин уларнинг ишловдан ўтказиб берадиган суви сутка-сига 50000 m^3 дан ошмайди. Катта водрпровод иншоэтларида бундай тиндиригичлар ишлатилмай, балки оддий ётиқ тиндиригичлар ишлатилади.

Сувни фильтрлаш. Сув тиндирилга[^] ва коагуляция жара-ёнидан ўтиб, фильтрлаш хонасига тушайи. Чунки биринчи бос-қичдаги тозалашда сув энг майда эаррачалардан тозалан-майди. Шунинг учун биринчи боскичдаги тозалашдан ўтган сув албатта фильтрловчи курилмалар воситасида сузилади, фильтрловчи материаллар юзасида сувдаги осиғлик моддалар қолади, сув анча тиниқлашади.

Фильтр курилмалари дастлаб 1829 йилда пайдо бўлиб, улар қум билан тўлдирилган, сув шу қум қаватидан ўткпзил-ган, аммо фильтрдан ўтиш даври анчагина чўзилган, чунки сув секин фильтрланган, 1884 йили тамоман бошқача фильтр-ловчи курилма тавсия этилади, мақсад фильтрлашни жадал-лаштириш эди. Аммо бунда ҳам фильтрловчи восита сифатида қумдан фойдаланилади. Фильтрлашда сув юкоридан пастга қараб йўналтирилади, фильтрдаги кум қалинлиги 1,5 метргача бўлади.

Хозир янги тузилишга эга бўлган фильтрлар яратилган. Фильтрлар, ўз навбатида, секин ва тез фильтрлайдиган тур-ларга бўлинади. Масалан, икки ёқлама фильтрлар (АКХ) ва контактли фильтрлар фарқланади.

Фильтрлаш мосламаларининг ҳаммаси темир-бетонли ҳо-вузлар бўлиб, икки тагли бўлади. Пастки таги яхлит бир бу-тундир, юкори таги тешикили бўлиб, улар орасида бўш зовур-лар қолдирилади. Шу бўш зовурларга фильтрланган сув ту-шиб, кейин хлоратор ускунаси орқали контактли ховузга ту-шади. Фильтр материалларини ювиш учун ўша зовур ва тешикили таг орқали сув босим билан орқага қайтарилади, шун-да улар ювилади.

Юкори тагликка шағал ва майдаланган тош ётхизилади, уларнинг устига фильтрловчи қават — қум солинади.

Секин, оддий ва тез ишлайдигал қумли фильтрлар ювил-гандада сув қум юзасига қўйилади, икки ёқлама фильтрларга эса сув пастки қисмдан юборилади (4-расм).

Шағал ва майда тошларнинг диаметри 2 дан 40 мм гача бўлади, улар ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда фақатгас фильтрлар ишлакилади, улар соатига 5—10 метр сув қа-еатини фильтрлаб беради. Суст фильтрлар соатига 0,1—3,0 мегр баландликдаги сувларни фильтрлаб беради. Фильтра-кувчи сувнинг оқиш гйўналиши бир ва икки ёқлама бўлади, фильтрловчи қаватлар эса бир ва икки қават бўладилар. ■фильтрловчи материаллар сифатида новларга ажратилган қаттиқ материаллар, рессан кварц қуми керамзит, майдалан-ган мармар ва антрацит ишлатилади. Янги фильтрловчи материаллар махсус усурда текширилиб, хулоса чиқарилгандан сўнг ишлатилиши мумяин. Янги материаллар экспертиза қили-“чаётгандা уларнинг таркиби, сувда эриши, ювилиши, оғир •металларнинг тузлари вриб сувга ўтиши текширилади.

Суст фильтрлар соагига 10 см лик сув қатламини ўтказиб, қум юзасида биологик пардалар ҳосил қиласи, унинг тарки-муаллақ моддалар, сув •бода ушланиб қолинган планктонлари, моддалар бўлиши мумкин. Бу парда-лар •бактериялар ва бошқа сувни тозалашда кинтта аҳамият касб этади, майдада осиғ-дик заррачалар ва бактерияларни ушлаб қолади.

Суст фильтрлар ҳари, 5—2 ойда тозалаб турилади, кўл ёрдамида 2—3 см ли ифлоелангандан энг юкори парда қавати олиб ташланади, бунинг учун 2—3 кун вақт керак бўлади. Суст фильтрларнинг ишлаши жуда самарали бўлиб, 99% бак-терияларни ва бошқа оскғлиқ моддаларни ушлаб қолади.

Тез ишлайдиган фильтрларнинг узумдорлиги анча юкори-дир, лекин улар қўп хажмдаги сувни ўтказгани учун тез иф-лосланади, шунинг учун уларни суткасига икки марта тоза-лашга тўғри келади. Фильтр ҳаммаси бўлиб 15 минутда юви-лади, уни тозалаш механизация ёрдамида бажарилади. Бун-да фильтрланган сув зовур бўшлиги орқали босим осгиди ва тезлик билан қум қаватидан юкорига қараб ўтади, қумни ҳэрракатга келтириб, уни пага ва бошқа ифлосликлардан то-заланди, ифлосланган сув канализацияга ташлаб юборилади.

Фильтр секцияларга бўлинган, айланма, тўғри тўрт бур-чакли бўлиб, бир-бирига боғланмаган. Фильтр секциялари алоҳида алоҳида тозаланаверади. Фильтрларнинг осиғлик мод-даларни ушлаб қолиш самарасини бактериялар ушлаб қоли-нишидан билиб олиш мумкин. Фильтрнинг бир меъёрда иш-лаши аҳоли учун жуда зарур, шунинг учун фильтр ишлаш тезлиги пасаймасдан, доим ишлаб туриши керак. Фильтр ус-гидаги сувнинг қалинлиги 2 метрдан кам бўлмайди, фильтр-лаш жараённида сув фильтрловчи ва таг ушловчи қаватлардан ■сизилиб ўтиб, зовурга, сўнгра kontaktли резервуарларга куйи-лади.

Икки қаторли АКХ фильтрида сув юкори фильтр ҳамда пасгки фильтр қаватларидан

сизилиб ўтади, фильтрлангач, бирлашиб, ҳовуз-резервуарга тушади. Бунда 70% фильтрлан-ган сув пастдан юқорига, 30% сув эса фильтрнинг юқори қа-ватқдан пастга сизилиб ўтади. Демак, ифлосликлар асосан катта донали пастки фильтрда ушланиб қолади. Фильтрларювилганда ишлатиладнган сув зовур бушлиғига секундига 1 м^2 да 6—8 л юборилади, шунда юқори қаватдаги күм ҳара-катга келади, кейин ювадиган сув оралиқда жойлашган так-симловчн тешекли құвурларга босим билан ҳар секундига 1 м^2 да 13—15 л юборилади, бу жараён 5—а минут давом этади. Новга тушаётган сув тозаланиши билан пастки фильтрни ювиш тұхтатилади, зовурдаги бұшликларни юниш учун 2—3 минут давәмида секундига 1 м^2 да 10—12 л сув юборилади.

АКХ фильтри доначаларининг ўлчами 0,5—1,8 мм, фильтр-ловчи қаватнинг қалинлиги 1,45—1,65 метр бўлади. Шу қават-нинг 0,6—0,7 чуқурлигига құвурли зовур ўрнатилади. АКХ фильтри тезкор бўлиб, соатига 1 метр сув қаватини фильтрлаб беради. Шу зовурлардан фильтрланган] сув оқади.

Контактли коагулация усулида ишлатиладиган иншоог контактли фильтр номи билан аталэди еки уни контактли тин-диргич дейиш ҳам мумкин. Уни қуришда маҳсус пага ҳосил құлувчи камера ёки маҳсус тиндирувчи ҳовузларга эхтиёж қолмайди. Бунда иншоотнинг умумий ҳажми 4—5 марта ки-чик бўлади ва унга кам маблағ кетади.)

Контактли фильтр КФ 2—5. Бу гез/кор фильтр уч қаватли-дир. Унинг юқори қаватидаги доначалар (керамзит, аглопорит,, полимер асосли модда)нинг катта-кичиллиги 2,3—3,3 мм, ўрта қаватидаги доначалар (антрацид, йерамзит)ники — 1,25—2,3 мм, энг паст қаватидаги доначалар кварт қуминики —0,8—1,25 мм бўлади.

Фильтрловчи материаллар устида тешекли құвур бўлиб, у орқали коагулантнинг сувли эритмаси юборилиб туради. КФ-5 фильтрларида сувнинг фильтрланиш тезлиги —20 метрли сув; қавати 1 соатда фильтрланади. Бундан ташқари, контактли: тиндиригич — КО — 3 ҳам бор. Бу тиндиригич тезкор фильтр-лардан оз фарқ қилса-да, лекин тўртбурчакли темир бетонли: резервуар, унинг ичига ортилган фильтр материалларининг қа-линлиги 2—2,3 метр бўлиб, фильтр материалларишш (доначаларининг) лиаметри майдаланиб борали сувнинг фильтр-паниши пастлан юкорига

1

Учинчи тарх сув лойқалиги 1 литрга 1800 мг ва сувнинг ранги 120° бўлганда ишлатилади. Бунда радиал тиндиригичлар, чўкмали муаллақ моддалар ва тезкор фильтрни тозалаш иншоотлари катта ёрдам беради.

Бундан бошқа тозалаш тархлари ҳам мавжуд. Масалан, сув лойқалиги 50 мг/л, ранги 50° бўлса, сув фильтрлашдан фойдаланиш мумкин, лойқалиги — 120 мг/л ва ранги — 120° да — сувни фақат контактли тиндиригичлардан ўтказиш мумкин.

Кичик тураг жойлар, масалан, дам олиш уйлари, пансио-яатлар ва хоказолар! учун очиқ сув ҳавзаларидан фойдала-нишга "Шери келса, кичик тозалаш иншоотлари қурилади. Шу мақсадда компакт қурилмали «Строя» аппаратидан фойдала-ниш мумкин. Бу аппарат суткасига 25 дан 800 м³ гача сувни тозалаб бера олади. 1

Бу аппарат найсимюн тиндиригич, донали материаллар— юкландан фильтрлар, пеагентларни тайёрлаш ва дозалаш мосламаларидан ҳамда йиғилган сув учун бакдан иборат бўлади (5- расм).

«Строя» аппаратининг барча қисмлари босим остида иш-лашга мўлжалланган. Сув ҳавзасидан биринчи кўтариш на-сослари ёрдамида сув гаппаратга берилади, аппарат орқали сув босим ҳосил қиладиган водопровод минорасига узатилади, кейин ахолига тарқатилиди. Аппаратдаги күмли фильтр лой-қалар ва микробларни вљиб қолишига ёрдам беради. Сувни тиндириш олдидан ёки фильтрлашдан сўиг хлорлаш мумкин.

Бу аппарат суткасига 1—2 марта тозаланади, бу ишни 5—10 минут ичиди бажариш мумкин. Район кўламида тузатиш ишлари марказлаштирилши бўлса, созлаш ишлари ўз вақтида бажарилса, аппаратнинг иш самараси янада кўпаяди.

Қўриниб турибдик, ичимлик сувни водопровод иншоотлари орқали 28—74—82 ракамли Давлат стандарти талабига жа-зоб берадиган даражада етказиб бериш мумкин. Лекин коагу-дяциялаш, фильтрлаш ва тиндириш, шунингдек, кимёвий мод-даларни кўлланиши саноат корхоналари чиқинди сувларини тозалашда етарлича самара бермайди. Саноат корхоналари-дан чиқадиган сувлардаги ёки табиий сувлардаги айrim эле-ментларнинг меъёрдан ортиб кетишм

одамларорганизмiga путур етказиши сувларга махсус усууллар билан ишлов бериш-ни тақозо этади. /у^х

СУВЛАРНИ МАХСУСТОЗАЛАШ

Аҳолини хўжалик ичимлик суви билан таъминлаш амалиё-тида сувга махсус ишлов беришнинг асосий мақсади уникг туз--ли таркибини меъёрга, қолаверса давлат стандарти талабига мувофиқлашдир. Шу мақсадда сув таркибидаги темир, фтор элементларн ушлаб қолинади, шўр сув чучук сувга айланти-илади, водород сульфидли сувлардан закарли омилларни чи-қарпб ташлаш тадбирлари кўрилади.

Сувларни темир элементларидан ҳол* қидиши. Сувдаги темир элементи 0,3 мг/л дан ошиб кетганда хўжалик ичимлик сувндан темирни чиқариб ташлаш керпк бўлади. Темир ер ости сувларида кўп учраб, аксарпят тамир II оксид ҳолида Сўлади, тоза сувларда эса коллоид ёка муаллақ гидрооксид юпқа дисперс ҳолида, темир сульфат куринишида ёки мурак-каб мажмулар таркибида бўлиши мумкин. Сувни темирсиз-лантириш учун қуйидаги усууллардан фйдаланиши мумкин: сув чукур аэрация (шамоллатиш) йўли билън тўйинтириб, фильтр-дан ўтказилади, ёки оддий аэрациятаниб, бир ёки икки по-ғокали фильтрлаш йўли билан тозаланади. Тозаловчи реагент кўшиш усууллари аэрация усули билан мажму тарзда олиб бериладп. Масалан, оксидлантирувчи кимёвий омилларнинг кшлғтилиши мумкин ёки оҳак ишлагииб, кейин юпқа қават-да фильтрлаш йўли билан сув темирфлантирилиши мумкин.

Темирслзлантириш усууни танлаш, керакли иншоотларнв аниқлаш сувдаги темир элементи қажси ҳолатда бўлишига бсғлиқлнр-. Масалан, темирнинг қандф бирккма ҳолида бўли-ши, ишлов бериладиган сувнинг фаол реакцияси ва ишқорий-.....елнолэгих жараёнларнинг мураккаблиги ва бошқалар тажріба ўтказкш йўлн билан аниқланади. Аэрация қурилма-снда с,в оксиген билан тўйинади, қабонат ангидриди қисмав \чиб кгтади, темир (II) оксид темшр (III) оксидига ўтади. Темирнкнг контактли ҳовузда ёки контактли фильтрда оксид-ланнши тугаб, уч валентли темир (III) оксид гидролизга уч-рагани ҳолда пафасимон чўқмалар ҳосил қиласи.

Кимёвий реагентсиз темирсизлантириш асосини сувни ол-диндан шамоллаткш ташкил этадп, унда -еувдаги карбонат ангидркди, водород сульфид учуб кетади, сувнинг РН муҳитв кўтарилади ва унинг оксиген билан "ўйиниши ортади, темир-нинг гидрооксиди ҳосил бўлади, у сувни тиндириш ёки фильтр-лаш жараённда тутиб қолинади.

Очиқ ҳавзалар суви реагентли усул билан темирсизланти-рилади, бунда унга алюминий сульфат, оҳак ва хлор кўшила-ди. Темирсизлантириш тархи оддий коагуляцияда ишлатнла-диган тиндиргичлардан кам фарқ қиласи. 28—74—82 ракамли; Давлзт стандарти «Ичимли сув бўйича» темирнинг сувдаги меъёрн 0,3 мг/л.

Сувни фторлаш. Айниқса болалар ўртасида кўп учраб ту-радиган тиши оғриғи — кариеснинг олдини олиш учун сувга маълум микдорда фтор элементини кўшиш кифоядир. Кўпгина мамлакатларда олиб борилган илмий-тадқиқотлар кариеснинг олдини олишда фтор элементининг роли катта эканлигини кўр-сатади. Кейинги йилларда аниқланишича, турли минтақаларда кариес касаллкгининг пайдо бўлиши билан сув таркибидаги фтор-ион концентрацияси ўртасида боғланиш бор зкан. Ка-риес — тиши қаттиқ тўқималарнинг емирилиши билан боғлиқкасалликдир. Бу касаллик тарқалишига иқлим шароити (куёш-нинг ультрабинафша! нури), овқатлакиши характеристи (овқат рационида сут, вита» инлар ва бошқа микроэлементлар бўли-ши) катта таъсир кўр-атади.

Шунинг учун бар^а минтақаларга бир хил фтор меъерини тавсия этиб бўлмайди. Фтор меъерини бирор минтақага тав-сия қилиш учун унинг тарқалиш даражаларини ва сувдаги микдорини аниқлаш иақсадга мувофиқдир.

28—74—82 ракамли «Ичимли сув» Давлат стандарти тала-;би бўйича фторнинг сувдаги микдори ҳар бир минтақага қа-раб, 1 литр сувда 0,74-1,5 мг бўлиши лозимлиги тавсия қили-нади. Бу эса турли минтақалардаги аҳоли ўртасида кариес жасали тарқалишинингюлдини олувчи микдордир. Сувни фтор-ловчи реагентга қуйидаги талаблар кўйилади: фотозиянг ка-риесга қарши юқори снмарали бўлиши; заҳарлаш алломатини чақирмаслиги; унинг таркибида заҳарли — маргумуш, оғир металл тузлари бўлмаслиги; сувда яхши эриши; уни бевосита ■ншлатувчи одамларга ха^вфли бўлмаслиги.

Сувни фторлаш учуга натрий фтор, кремний фторид кисло-тасн ва унинг натрийли|тузи, фтор ва аммоний фторид каби-лар ишлатилади. Одатда, фтор сув фильтрлангандан сўнг кў-шилади, чунки фтор коагулянтлар билан кимёвий бирикма ҳосил қилиши натижасида унинг кариезга қарши хусусияти пасайиши мумкин. Санитария муассасалари кундалик назорат олиб боргандга сувга кўшилаёттан фтор микдорини аниқ би-л.тшлари керак. Фтор — ион сувга туширилаётганда йўл кўйиладиган хато 10% атрофида тебраби туринш мумкин.

Фтср моддасини сақл3ш, у билая бевосита ишлаш барча гигиенкк талабларни қаттый бажаришни тақозо этади. Фтор-лашнинг кариесга қарши самарасини кузатиш учун икки-уч мактаб ўқувчиларини ўн 1йил давомида ҳар йили медицина кўригидан ўтказиб туриш, шу касаллик билан оғриган бола-ларни хисобга олиш зарур бўлади. Агар болалар ўртасида флюороз касаллиги тарқалмаса, сувни фторлаш давом этти-рилади.

Агар болалар ўртасида кариес камайиб, флюороз касалли-гининг биринчи даражаси 10% га етса ёки флюорознинг иккин-чи даражали шакли бошланган бўлса, фтор микдорини маъ-лум микдорда камайтириш зарур бўлади.

Сувни фторсизлантириш. Шароит тақозосн билан сувни фторсизлантириш лозим бўлганда бунинг учун кўп усууллар тавсия этилади. Шулардан иккитаси — чўктириш ва фильтр-лаш усууллари анча ривюж топган. Масалан, маҳсус реагент-лардан фойдаланиш фтор моддасини шимиб қолиш ва уни сувдан ажратиб олишга асосланган. Бунда реагент сифатида янги тайёланган алюминий гидрооксиди ёки магний гидро-оксидидан фойдаланилади. Бу усул кўпинча юза сув ҳавза-лари таркибидаги фторни олиб қолишида ишлатилиди

Булардан ташқарп, мазкур усулда ре&ги фильтрдан ўтказшхъ ди. Фторли сувни рангизлантирилади, тиндириш жараёнла¹ яси 1—1,5% ли суль- фаол алюминий оксид;:

юқори натижа беради. Фильтр регенерац]
фат алюминийнинг эритмаси билан амклга оширилади. Бу
усул билан фтор элементининг сувдаги микдорини ҳатто»
1 литрда 1 мг гача етмайдиган ҳолатга/келтириш мумкин. Бу
микдор Давлат стандарти талабига тўғри келади.

Сувни чучуклантириш. Фан-техника/ тараққиёти даврида аҳолини чучук сув билан таъминлаш масаласи жиддий муам-мо бўлиб туриди. Ер куррасидаги сув микдори 1,4 млрд. км³ га тенг бўлиб, шундан 98% и денгиз/ ва океанларнинг шўр сувларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам дунёдаги арид ва ярим арид минтақаси 60% ни ташкил <илса, ундаги чучук сув. танқислиги жуда сезиларлидир. Сув шиқислиги натижасида. кўп минтақаларда аҳоли юқори миневаллашган сувларни ис-теъмол қилишга мажбур бўлмоқда. Лашалан, Урга Осиё мам-лакатларида, хусусан Узбекистонда вичагина аҳоли шундай сувлардан фойдаланади. Минераллатхган сувларни узоқ вақт истеъмол қилкш оқибатида организмда содир бўладиган био-ккмёвий жараёнлар айрим ўзгаришларга олиб келиши куза-тилади. Жумладан, артерия қюн босжми 3—4 марта ошиб ке-тиши, модда алма-шинуви бузилиши, 1умумий касалликлар 2—2,5 марта кўпайиши мумкин.

Кейинги йилларда Орол бўйи вивоятдарида яшовчи аҳоли үртасида буйрак, қовуқ ва ўт қопч касалликларининг қўпа-айиб кетиши, болалар ўртасида ўлимиянг тобора ортиб боришив минераллашган сувларни истеъмоли оқибатидир.

Олимларнинг фикрича, келажакда чучук сувлар микдори: бундан ҳам камайиб кетади, шу сабабли асосий сув манбаи; хисобланган шўр сувларни чучук сувга айлантириб, аҳоли та-лабини қондириш муаммоси қўндаланг бўлиб туради.

Сувни чучуклаштиришда электролиз, дистилляция, июв алмасиши, музлатиш ва юқори фильтрлаш усууларидан фой-даланилади.

Сувни дистилляция усули билан чучуклаштириш. Бу усул келажакда ва ҳозирда жуда яроқли тадбирлардан бўлиб, бун-да бугланган сув томчиларга айлантирилади. Сув таркибидаги тузлар микдори бир литр сувда 8 г га етса, бу усулдан кенг фойдаланса бўлади.

Дистилляция қурилмаларининг принципиал тархга 1) сув иситиладиган қозон; 2) шўр сувни қозонга ҳайдаб берадиган насос; 3) буғларни совитадиган конденсаторлар киради.

Дистилляция йўли билан олинган чучук сув ўз оргонолеп-тик хусусияти билан фарқланади, жумладан, мазаси аччиқ-таксирроқ, хиди беш балл атрюфида бўлиб, таркибида туз ва газ ниҳоятда кам бўлади. Дистилланган сувнинг бундай хусу-сияти органик бирикмаларнинг аралashiши оқибатидир.

Сувнинг минерал таркибини кузатиш мақсадида дистилляцияланган сувга шўр сув қуйилади ёки дистилляцияланган сув-майдаланган мармар ёки даломитдан ўтказилади, шунда сув-кальций тузлари билан боййиди.

Сув шўрини кетказиши учун яна бир усул — ион алмашти-рувчи зоситалардан фойдаланишdir. Бунда сув Н катионит-ли, OH анионитли фильтрлардан ўтказилади. 1 л сувда 3 гр-гача гуз ушлаган сувларни тозалашда бу усулдан фойдала-нилади. Сувга ионитли қурилма восигасида ишлов бериш ҳаж-ми кам бўлганлигидан бу усулдан кенг фойдаланилмайди.

Электролиз усули шунга асослачганки, бунда сувдан мус-бат зарядга эга бўлган катод ёрдамида доимий электр токи ўтказилади. Оқибатда эриган ҳолатдаги катионлар сувга ту-ширилган катодларга интилади, манфий зарядга эга бўлган тузлар анодга интилади. Катод билан анод оралиғидаги сув= тузлардан холи бўлиб, чучук сувга айланади.

Сувнинг мембрана усуулари билан ҳам шўрсизлантириш мумкин. Бу усул анча мураккаб бўлиб, таркибидаги конструк-тив полимер материалларини ишлатиш билан фарқланади.

Сув ўтказувчи қувурлар асосан полиэтилен, винипласт., полиуретан, эпоксид ва

фенолформальдегид смолаларидан ва шиша пластинкадан иборатdir. Мазкур материаллардан тай-ёрланган кувурдарнинг физик ва кимёвий хусусиятлари чучуклаштирилган сувнинг органолептик хусусиятларига анчагина таъсир кўрсатиши мумкин. Қейинги маълумотлар сувнинг син-тетик ва мембран материаллари маълум шароитда чучуклаш-тирилган сувга шундай моддаларни ажратиши мумкинлигини кўрсатади. Мазкур моддалар эса сувнинг органолептик хусу-сиятини ўзгартиши мумкин. Масалан, сувнинг ҳиди 3—4 балл-гача бўлгандан унинг ранги 30—40° ўзгариши мумкин. Мазкур нуксонлар туфайли бу усулдан фойдаланимайди.

Водопровод сувини заарсизлантириш (дезинфекциялаш). Аҳолини марказлаштирилган сув билан таъминлашда бундай сув уннинг соғлиғига зиён етказмаслиги кўзда тутилади. Сув истеъмолидан сўнг турли ошқозон-ичак касалликлари тарқа-либ кетмаслиги керак. Чукур ер қатламида табиий ҳолатда ётадиган сувларгина инфекциялардан бехавотир бўлиши мум-кин.

Хозирги водопровод тизими, ундаги тозалаш иншоотлари¹ 99% гача бактерияларни ушлаб қолиш имконини беради. Аммо сув бактериялардан 100% холи бўлмайди.

28—74—82 рақамли «Ичимли сув» Давлат стандарти бўйи-ча коли индекси 3, бактериялар сони 1 мл сувда 100 дан ош-маслиги керак, хозирги водопровод тизимини яхши ўюнтири-лиши натижасида сувнинг сифати шу кўрсаткичлар дарајаси-га етказилмоқда.

Хозирги замон техникаси сувларни заарсизлантириш, уларнинг одамлар учун хавфсиз бўлнишини таъминлаш имко-нини беради. Хозир сувни заарсиз ҳолатга келтириш учун газсимон хлордан кенг фойдаланилади, бу хлордан ташқарикибида фаол хлор ушловчи хлорли оҳактош, гипохло-уидлар,

ХЛОРНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

Хлор бактериялар хужайрасидаги модда алмашиниши жараёғинини издан чиқаради, уларнинг ферментлар фаоллигига қаттиқ тўсик бўлади. Фермент эса микроблар танасида кетадиган юксидланиш ва тикланиш жараёнларини кучайтирадиган омил-дир.


Текширишлар натижасида дигидрюогеноза фаоллигининг па-сайиши хлор концентрациясига тўғридан-тўғри боғлиқ экан-. лиги аниқланади. Бунинг устига, хлор микробларга бактери-дад сифатида таъсир кўрсатиши ҳам маълум бўлди.

Хлор ичак таёқчаларининг глютаматдекарбоксилаза фер-;менти фаоллигини пасайтиради. Ичак таёқчасидаги ДНК кпнг иуклиоитид таркиби хлор таркибида ўзгармайди.

Хлор сувни тозалашда, аҳоли соғлиғини сақлашда жуда катта роль ўйнайди. Хлор ҳар қандай шароитда ишлатилиши мумкин. Ҳатто қудук сувларини ҳам хлорласа бўлади. Ҳозир, аксарият аҳоли марказлаштирилган вюдопровод суви билан таъминланган. Сув қайси манбадан олинган бўлмасин, уни хлорлаш зарур. Сувни хлорлаш унинг юқори сифатли бўлиши-ни таъминлади.

Хлор ва унинг хоссалари. Хлор оддий ҳароратда кўк-сар-ғиши ранг касб этиб, шилик қаватларни қаттиқ китиқловчи ўта заҳарли моддадир. Завод шароитида хлор ош тузини гидролизлаб олинади. Водопровод иншоотларига хлор суюқ ҳолатда ёки хлорли оҳак сифатида етказилади.

Хлорли оҳак хлорнинг сўнганинг оҳак билан ўзаро таъсири -ятижасида хосил бўлади:



-янги ишлаб чиқилган хлорли оҳак ўзининг таркибида 32—■ :36% фаол хлорни тутади.

Хлорли оҳакдаги фаол хлор миқдорини аниқлаш учун у лаборатория шароитида ўрганилади. Суюқ хлор моддаси пўлат балонларда сакланади. Хлор 5—6 атмосфера босими ос-тида бўлиб, умумий миқдори 30—40 кг га етади. Хлорли оҳак моддаси маҳсус қоп ва яшикларда, салқинроқ, куруқ ва қооонти, қўёш нури тушмайдиган берк хоналарда сакланади. Бундай шароит хлорли оҳакнинг парчаланишини секинлаштиради.

Хлорнинг бактерияларни ўлдириш хоссаси асосан гидрохли-рид (ОСТ) ионининг бўлишига боғлиқдир. Н. И. Трахтманнинг кўрсатишича, хлорнинг бактерицид хоссаси билан орга-яизмдаги дегидрогеназа ферменти фаоллигининг пасайтириши ўртасида бевосита боғланиш бор экан. Дегидрогеназанинг тормозланиш даражаси хлорнинг бактерицидли натижасини кўрсатади. Дегидрогеназа ферменти хоссасининг хлор

рида бутунлай ўлиши унинг бактерицид хусусиятига тўла мос келади.

Кейинги текширишлар шуни кўрсатадики, хлор глюкоза-нинг дегидрогеназа ферменти фаоллигинигина тұхтатиб қолмай, балки этил спиртини, глицерини, карабо, глутамин, сум, пирониноград, чумоли кислоталари ба формальдегид дегидрогеназа ферментларини ҳам ишдан чиқарар экан. Уларнинг сувда гидролизланishiдан гипохлорид ҳосил бўлади.

$\text{Cl}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{HCl} + \text{HOCl}$ — гипохлорид кислота— тез парчала-надиган модда, у ҳам— H^+ ва (OCl) га парчаланади. НОСГ ва OCl сувни заарсизлантирадиган энг фаол мюддалардан-дир. Шуни эслатмок зарурки, сувни хлорлаш киши соғлиги учун хавф туғдирмайди. Унинг хавфсиз эканлиги лаборатория тажрибалари асосида аниқланган. Үр куррасининг ҳамма мин-тақаларида хлорланган сувни одамлар кўп йиллардан буён ичиб келмоқдалар.

Албатта, хлорнинг катта концентрацияси одам организмси-га тушса, ЗсГрап қилиши мумкин, Масалан, тажрибалар шуни кўрсатадики, бир литр сувдаги хлорнинг миқдори 10 ва 1 мт бўлганда, ўша сув билан чайилган оғизнинг шилиқ қаватла-рида ҳеч қандай ўзгаришлар содир бўлмаган. 1 литр сувда хлорнинг 1—2 мг ли концентрацияси билан оғиз чайилганда-5—10 секунддан сўнг сув таркнибидаги хлор концентрацияси 0,1—0,2 мг га тушиб қолган, 5—10 мг ли хлор ушлаган сувда оғиз чайилганда орадан 30 секунд ўтиши билан жами 10% қолдик хлор топилган. Демак, хлор моддаси оғиз бўшлиғида унинг шилиқ қаватлари орқали тез сўрилиши мумкинлиги-аниқланиб, бирорта ялиғланиш жараёни кузатилмаган.

Хлор моддасининг сувга тушгандан кейинги самарали таъ-сири қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- 1) сув микробларни химоя қилувчи ва ўз таркибида улар--ни ушловчи муаллақ мюддалардан ҳолн қилиниши керак;
- 2) хлор заарсизлантириши учун етарли миқдорда бўлмо-ги керак;
- 3) хлор заарсизлантирилиши керак бўлган сув билан тўла аралашиши лозим;
- 4) хлорнинг бактериоцидлик таъсирини тўла амалга оши--риш учун унинг сув билан тўқнашиши етарли бўлиши, яъни 30—60 минутни ташкил қилиши керак.

Хлорни ишлатиш меъёри. Сувни тўла заарсизлантириш учун унинг заарсизлантиручи дозаси етарли бўлмоғи шарт. Хлор сувга тушгач, микроблар билангина реакцияга киришиб қолмай, балки органик мюддалар (оксидланиб охиригача пар-чаланмаган ноорганик мюддалар, масалан, темир (II) оксиди билан ҳам реакцияга киришиши мумкин. Демак, хлорнинг маъ-лум миқдори сувдаги мюддалар билан боғланади, бунга сув-нинг хлорни боғлаш хусусияти дейилади. Шунга кўра сувга юбориладиган хлор миқдори ундаги бактерияларни қириши керак, яъни сув таркибида ортиқча хлор миқдори бўлиши керак. Шу ертиқчз эркин хлор сувдаги микробларни қириш учун ■зарур бўлади.

Сув хлорининг самарали экани ўша эркин қолдик хлор миқдори билан аниқланилади, яъни 0,5—1 соат сув — хлор -тўқнашуви натижасида сувдаги мюддалар хлорга тўйинади ва ортиқча хлор сувда қолади. Бу қолдик хлорнинг заарсизлантирилган сув таркибида 0,3—0,5 мг/литр бўлиши гигиеник меъёрга, стандартга тўғри келади.

Сувда хлорнинг шимилишига сув ҳарорати, ундаги коллоид ва муаллақ мюддалар таъсир кўрсатади. Водопровод амалиёти шуни кўрсатадики, сувни хлор билан заарсизлантириш учун 1 литр сувга хлорнинг 1 дан 3 мг гача бўлган миқдори яхши «бактерицид самара беради. 28—74—82 рақамли «Ичимлик сув» Давлат стандарти бўйича сув таркибидаги қолдик хлор 0,3— ■0,5 мг/л бўлса, бу миқдор сувнинг заарсизлик кўрсаткичи 5-либ қолади, хлор бу миқдордан ошиб кетса, сувнинг мззаси ўзгаради, унда хлор хиди пайдо бўлади.

Сувдаги хлорнинг энг кам миқдори 0,8 мг/литр, энг кўп миқдори 1,2 мг/литр бўлиши керак, бунда сув билан хлорнинг тўқнашуви 30—60 минут дазом этади. Сувдаги қолдик хлор миқдори ҳар 30—60 минутда аниқланиб туриши керак. Сув ■бактериологик тахлилиниг натижалари 24—48 соат ичидан олинади. Улар хлорлаш самарасини ифодалашда аҳамиятли бўлиб, айниқса хлорлаш режими бузнлганда ёки сув ҳавзасидаги сув таркиби кўпроқ ўзгариши даврида жуда керакли ...кўрсаткич хисобланади.

Заарсизлантириш самарасининг камайишига сувда оксид-ланувчи органик мюддаларнинг, коллоид ва муаллақ мюддалар ва бактерияларни ўраб олувчи мюддаларнинг мавжудлиги ■сабаб бўлади.

Кейинги йилларда водопровод суви амалиётига хлорлаш-нинг янги усули киритилди, жухмладан, гипохлорид сувни за-арсизлантириш жойида ҳосил қилиш ва ишлатиш ўз кулай--лиги билан ажралиб туради.

Бунда электролитлар сифатида махсус тайёрланган нат-рий хлорид эритмаси ва юкори минералланган ер ости суви, денгиз сувидан фойдаланиш мумкич. Гипохлорид электролиз йўли билан водопровод стаициясида олиниб, сувларни заар-*<сизлантириш* учун ишлатилади, бу иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали усули **хлорлашни**

уюштириш. Водопровод станцияларида сувни хлорлашни уюштириш қуйидаги ишлардан ташкил топади:

- 1) хлорли оxaкни эритиши ва эритмалар тайёрлаш;
- 2) суюқ хлори бўлган аппаратни бошқариш;
- 3) хлорни меъёrlаш, дозалаш, сув билан аралаштириш;
- 4) хлор билан сув тўқнашувини таъминлаш.

Хлорли оxaк билан сувни заарсизлантириш учун одатда учта ҳажмли идиш — бак олинади. Биринчи бакда "энг қуюқэрима эритилади, иккинчи бакда эритмата сув кўшиб, 2% ли-ишчи эритма олинади, учинчи бак эса дозаловчи бак ҳисоб-ланади.

Хлорли оxaкдан водопровод станцияларида фойдаланиш; анча қийин: ҳар куни эритма тайёрлаш, уннинг концентрация-сини аниқлаш, эримаган чўкиндия олиб чиқиб ташлаш каби жараёнлар кечади. Айниқса, катта сув билан таъминлаш станцияларида бу ишларни бажариш оРир бўлганлиги туфайли ҳо-зир суткасига 3000 метр куб сув берадиган водзпровод тар-моқ бошларида фақат суюқ хлор ишлатиш қабул қилинган.

Хлор дозасини аниқлаш ва уни сув билан аралаштириш' учун барча водопровод шохобчалари марказида маҳсус хлора--тор аппаратлари ишлатилади.

Хлорлп баллон ва хлоратор аппаратлари одатда маҳсус ажратилган хонага ўрнатилади, мазкур хона вентилятор билан таъминланади. Бунда фавқулодда содир бўладиган фалокатли ҳолатлар ҳисобга олинади. Катта водопровод иншоотларида хлор электролиз йўли билан ўша жойнинг ўзида олинади.

Одатда сув фильтр хоналаридан ўтказилиб, тиндирилгач_г. хлэрлаш ишлари бошланади. Шундагина хлюринг сувда қол--ган бактерияларга таъсири анчагина самарали бўлади.

Фильтрланган сув берк ҳовуз — резервуарга тушиб, хлор-билан тўқнашади, кейин насос билан водопровод тармокла-рига, аҳоли турар жойларига тарқатилади.

Сув билан хлорнинг яхши аралashiши қувурдан заарсиз-лантириш учун келаётган сув оқимига хлорнинг тушиши би-лан амалга оширилади. Сув оқими хлоратор аппаратига ула-ниб, унга маҳсус аралаштирувчи курилма ўрнатилган бўла-ди. Сувни хлорлашнинг технолюгик жараённ қуйидаги босқич--ларда кечади:

- а) хлорнинг сувли эритмасини тайёрлаш (хлорли сув);
- б) хлорли сувнинг дозасини маълум режимда аниқлаш;
- в) хлорни хлорлаш учун мўлжалланган сув массаси билан аралаштириш ва хлор билан сувнинг етарли вақтда тўқнашувини таъминлаш.

Хлорни сувга аралаштириш маҳсус аппарат—хлораторда бажарилади. Ҳозир кенг кўламда ЛК—10 ва ЛК—11 маркали: хлораторлардан фойдаланимокда, улар соатига 0,04 да» 25,4 кг ва 4,5 дан 120 кг гача хлорни сув билан аралаштири-лиши мумкин, яна ЛОНИИ-100 маркали хлоратор ҳам ишла-тилади, унинг иш ҳажми 0,08—82 кг/озатдир. Хлораторлар ва-куумли шароитда ишлаб, хлор хлоратор хоналарига газ ҳол-да тушишига йўл қўймайди.

Хлор билан сувнинг сув резервуарида қўшилиши 30—601 мин. давом этади. Кейинги вақтларда водопровод иш тартиби; ўзгартирилиб, унинг самарадорлигинг ошириш учун икки мар--та хлорлаш, сувга аммиак билан ишлов бериш ва ортиқчз хлор билан хлорлаш усусларидан фойдаланиллади. Қайта хлорлаш. Биринчи бюр хлор заарсизлантирилди-ган сувга у тиндиргичлардан олдин қўшилади, сув фильтрдан ўтгандан сўнг қайта хлорланади. Хлорни тиндиргичлардан илгари қўшишга коагулянтларни меъёридан кам қўшиш сабаб бўлади, иккинчидан, бу коагуляция жараёнини енгиллаштира-

...ди, бундан ташқари, фильтрда бактериялар ўсишини тўхтатади, яккинчи бор хлорлаш самарасини оширади. Икки марта хлор-лаш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу тадбир кўпчиликнинг дик-кат марказида туради. Умуман очиқ сув ҳавзалари бактерия-лар билан кўп ифлосланганда ёки дарё сувлари тез-тез ўзга-риб турганда водопровед иншоотларидағи сувларни қўшимча хлорлаш юқумли касалликлар тарқалиши олдини олади. Аммонизация. Кейинги вақтларда заарсизлантириладиган

■ сувга дастлаб аммиак ва бир неча секунддан сўнг хлор қўши-лади. Натижада сув таркибида аммиак эритмаси билан хлор-нинг сувдаги хлорноватистий кислотаси ўзаро таъсирланиб, сувда монодихлораминларни ҳосил қиласи (НгС1 ва КШСЬ).

Жейин бактерияларга хлоргина эмас, балки хлораминлар ўз «бактерицид таъсирларини кўрсатади.

Бу усул шу билан қадрлики, 1) хлорга нисбатан хлорамин-ларнинг бактерицид таъсири хийла узоқ вақтга чўзилади; 2) у сувнинг органик моддалари билан бирлашиб, уни ёқим-

-сиз ҳид ва мазадан холи қилинади. Айниқса сув таркибида фенол ва нефть маҳеулотлари бўлганда, бу усул жуда қўл келади.

Хлорлаш натижасида сувнинг органолептик хусусияти ўзга-ришининг олдини олиш сувга аммиак тушиши билан амалга

. оширилади. Сувга аммонизация билан ишлов бериладиганда дүйнегиларни назарда тутиш тавсия этилади:

1) хлораминнинг тасири тез пайдо бўлмайди;

2) аммонизация қилимасдан олдин лаборатория шароитида :Хлор билан аммиакни кўшиши нисбатини аниқлаш зарур.

Одатда сувга аммиак ва хлор 1:4, 1:6 ёки 1:8 нисбатида кўшилади. Нисбатларнинг энг яхшиси 1:4 дир; ҳосил бўлган •[•]нохлорамин сув хидини қайтаришда энг муҳим роль ўйнайди. Аммонизация қилиш аппаратлари худди хлорлаш аппаратларига ўхшашибди.

Сувни ўта хлорлаш. Бу усул бўйича сув мўл хлор билан за-

■|арсизлантирилади. Масалан, 1 литр сувга 5—10 мг хлор солинади, қолдиқ хлорнинг миқдори 1,5 мг литрга тенг бўлади. Одатда бу усул сувда бактериялар сони кўп ва сувни на- зорат қилиш қийин бўлганда кўлланилади. Катта миқдордаги хлор самараси жуда тез ва ишонарли даражада бўлади, сувдаги катта қолдиклар, кўлланса ҳид сувни бирдан истеъмол қилишга йўл кўймайди. Бундай сувни хлорсизлантириш керак •[•]ўлади. Бунда хлоргипосульфид ёки сульфат кислота гази во-, ситасида ушланади ёки у сувни фаоллаштирилган кўмир воси- тасида адсорбциялаш йўли билан йўқотилади Тошкентнинг Қиброй водопровод иншоотида ёз бошланиши билан хлорнинг сувга солинадиган меъёри оширилади, лекиц сувдаги қолдиклар 0,6—0,7 мг/л дан ошмайди. Водопровод. сувни билан таъминлаш амалиётида хлор икки оксиддан ҳам заарсизлантириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Икки ок-сид хлорнинг хлорга нисбатан ижобий томонлари кўп: 1) сув-ни заарсизлантириш жараёнида хлорга ҳос ҳиднинг ўзи ки-шини огохлантириши мумкин; 2) хлорга кўра қорин тифи ва* паратиф инфекцияларига нисбатан бактериоцидлилик томонй анча баланд. Таъсир этувчи моддаси (HClO₄) хлористий кислота; 3) унинг сувдаги чидамлилпги хлор ёки хлораминга нисбатан анча узок.

Кўпкінча водэрпревод станцияларида сувни хлорлаш жараёнида бир қанча қийинчиликлар учраб туради: 1) хлорни бир» жойдан иккинчи жойга олиб бориш анчагина мураккаб'. 2) хлор ўта заҳарли модда бўлгани учун уни сақлаш ҳам му-раккаб; 3) хлорни сақлаганда, ташиганде меҳнат хавфсизли-гини таъминлаш талаб этилади. Бунда ишчиларни шахсий; химоя воситалари, тегишли кийим-кечак, респиратор, противо-газ ва ҳоказолар билан таъминлаш зарур бўлади.

Сувни озонлаш. Бу усул водопровод амалиётида асримиэ бошидан бўён кўлланиб келмоқда. Озон (С_В) — ҳаво рангли газ бўлиб, нохуш ҳид беради, ўзи сувда яхши эрийди. У жуда ўтқир оксидлоъчи модда бўлганидан кучли бактерицид хусусиятига эгадир.

Ози микробларнинг протоплазмасига кучли таъсир кўр-сатади, ҳар қандай органик моддалар билан фаол реакцияз киришиб, уларни яхши парчалайди, >лар тузилишини бузиб» юборади. Қейинги йилларда озонга бўлган қизиқиш тобора ор-тиб бормоқда.

Озон молекуласи сув муҳитида оралиқ моддаларга парча-ланади, эркин радикаллар H₂O, OH оксиген молекуласи вз эркин радикаллар жуда кучли оксидлантирувчи модда бўлга-нидан айниқса микроорганизмларга бактерицид сифатида куч-ли таъсир кўрсатади.

Озон бактерицид хусусиятга эга бўлибгина қолмай, балк» сувнинг органолептик хусусиятини яхшилашга ҳам ёрдам бе-ради.

Сувни озонлашнинг қўйидаги ижобий томонлари бор:

1) оз вакт ичида сувни ишончли даражада заарсиз ҳолат-га келтиради;

2) озон сувнинг ўзига ва сувдаги моддаларга аралашиб, ҳеч қандай маза ёки ҳид бермайди;

3) сувни заарсизлантиришидан ташқари, озон уни ранг-сизлантиради, табиий ва сунъий хидларни йўқотади;

4) сувни озонлаштиришда сувнинг pH, лойқалиги, ҳаро-рати ва бошқа хусусиятлари халақит бермайди;

5) озон моддасини водопровод иншоотларида ишлаб чиқа-риш мумкинаот корхоналарида сзонли ҳазони маҳсус усулда электр-сиэлаб, озонаторлар воситасида озон олиш мумкин. Озонатор икки электродли, бир-бпри билан 2—3 мм ҳаво қавати билан ажralиб турувчи асбобдир. Электродлардан бири 10000 ва ун-дан юкори вольтли ўзгарувчан электр токига, иккинчиси эса ерга уланади.

Электродлар улар ўртасида чақмоқ бўлмаслиги ва электр-сизлантиришни тинч йўл билан амалга ошириш учун диэлект-рик маҳсус ойнадан тайёрланган пластинканинг электрсизлантириш бўшлиғига қўйилади. Озон олиш учун ҳаво ниҳоятда куруқ, мутлақ намлик 0,05 мг/литр бўлиши керак. Шунда озон ҳаво-озон аралашмаси таркибида бутун ҳаво оғирлиги-нинг 1 % ни ташкил қиласи. Ҳаво намлигининг ошиши озоннинг етарли

миқдорда олинишига халакит қиласи. Сув озонлаш ап-парати блоклари ёрдамида заарсизлантириши керак бўлган сув билан қўшилади. Озонлаш самарасини билиш учун водо-яровод сувидаги қолдиқ озон аниқланади. Сув билан озонни аралаштпрувчи камерадан чикаётган сувдаги қолдиқ озон миқдори 1 литрда 0,1—0,3 мг га тенг бўлади. Озоннинг хлор-дан афзаллиги шуидаки, у сувда заарли бирималар ҳосил килмайдп, аксинча, сувнинг оргаколептик хусусиятларини ях-шилайди.

Озон 6—7 минутда кўп ҳажмдаги сувни заарсизлантира-ди. Сувнинг самарали заарсизлант-филишини назорат қилиш мақсадида қолдиқ азонни аниқлаш зарур бўлади.

Сувни ультрабинафша нурлари бўлан заарсизлантириш еувни бактериялардан холи қиляшда яна бир усулдир. Ультра-бинафша нурлар микроорганизмларга бактерицид сифатида таъсир қиласи. Бунда микроорганизмларнинг ҳужайра прото-плазма оксидлари парчаланади, микроблар ҳужайрасида мод-да алмашиниш жараёнлари бузилади. Ультрабинафша нур-ларнинг таъсир қилувчи фаол тўлкин узунлиги 205 ва 200 нм (нанометр) га тенг бўлади.

Бу усул билан сув жуда тез заарсизлантирилади (бир неча секунд ичида), сувда хлорга ўхшаб ультрабинафша нур ҳиди, мазаси бўлмайди.

** Сувнинг тўла заарсизлантиришига сув жуда тиник ва .калоид моддалардан холи бўлгандагина эришиш мумкин. Шу нинг учун ультрабинафша нурлар билан ер ости сув ҳавза-ларидан водопровод иншоотлари учун олинадиган сувларгина заарсизлантирилади. Очик сув ҳавзэларининг сувлари жуда тиник ва рангиз бўлгандагина ультрабинафша нурлардан ■фойдаланиш мумкин.

Симобли-кварц лампалари ёки симобли-аргон лампалари ■ ёрдамида ҳам сувни заарсиз холга келтириш мумкин. Ультра--бинафша нур чақиравчи манба маҳсус қурилмага жойлашти-■рилиб, ундан чикаётган нур оқими заарсизлантириладиган .сувга йўналтирилади.Ультрабинафша нурларнинг заарсизлантирувчи кучнни сувнинг лойқалиги, ранги, туз таркиби ва бошқалар камайти-риши мумкин, шунинг учун бундай нурлар чақиравчи қурил-малар ҳисоб-китоб билан ўрнатилиши керак. Симобли-кварц лампаларидан 5000 соатгача, бошқа лампалардан эса 3000 ооатгача фойдаланилади. Водопровод сувларини заарсизлантириш учун ультратовуш ва гамма нурларидан ҳам фойдала-ниш мумкин.

ВОДОПРОВОД СУВ ТАРМОҚЛАРИ

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда водопровод тармоқлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу тармоқлар турли .диаметрдаги қувурлар, юқори сув босимли миноралар, сув резервуарлари. насос станциялари, кўчаларга ўрнатилган ко-лонкалар, хонадон ва биноларга сув тақсимлагич шохобчала-ридан иборатдир. Уларнинг яхши ишлаши, сувнинг ифлослан-маслиги, уй хоналарида доимо бўлиши, водопровод бош ин-Йюотларидан хонадонларга етадиган сувнинг сифати стандарт талабига жавоб бериши аҳоли саломатлигини сақлашда ҳал қилувчи аҳзмият касб этади.

Водопрэзод тармоқлари ўз жойлашишига кўра айланма ёки тармсқли, боши беркли бўлиши мумкин. Гигиеник нуқтаи вазардан айланма водопровод тармоғи муҳимроқдир. Чунки «бундай водопровод-^армоғи сув билан ҳамма юбъектларни узлуксиз таъминлаб туради. Энг ноқулай бўлган боши беркли .водопровод тармоқларида сув оқмай қолади, чўқмалар пайдо рўлади, улар зса микроблар ўсишига шароит яратиб, сувнинг ифлослашишига сабаб бўлади, бу, ўз кавбатида, сувнинг орга-долептик хоссалари бузилинлтга олиб келади (б-расм).

Водопровод қувури учун темир, пўлат, каучук, асбоцемент, темир-бетонлардан фойдаланилса ҳэм бўлади. Кейинги йил-ларда водопровод амалиётида полимер-пластмассадан фойда-ланилаётгани кузатилмоқда. Аммо бундай қувурлар гигиеник хуносадан ўтгач тазсия қилиниши мумкин.

Водопровод қувурлари иқлим шароитига қараб ҳар хил — 1,5 м дан 3,5 м гача чуқурлиқда, Урта Осиё минтақасида эса 70 см дан 100 м чуқурлик атрофида ётқизилади. Водопровод қувурлари ётқизилган ер-гурунт ҳар қандай ифлосликлардан холн бўлиши керак. Водопровод ва канализация қувурлари диа-метрларига қараб, мавозий ётқизилса, ораларидаги масофа — 1,5—3 метр бўлиши мумкин. Лекин канализация қувурлари водопроводнига нисбатан анча чуқур ётқизилиши керак.

Еодопровод қувурлари ётқизилиб, гидравлик босим сино-видан ўтгандан сўнг қувур тармоғи тозалаб ювилади ва заар-сизлантирилади.

Водопровод иншооти ишга туширилмасдан илгари тиндир-тичлар, фильтрлар, резервуарлар, сув жихозлари яхши текши-рилади ва бир неча марта, токи ювкладиган сув тоза холга

келмагунча ювилади, ювинди сувлар ўт ўчирваш гидрантлари ёрдамида умумий канализацияга ташланади.

Водопровод құвурларини ювиш ва заарсизлантириш сани-тария-эпидемиология станцияси ходимлари назорати остыда ўтказилади. Заарсизлантиришда күпинча хлорли оxaк ёки суюқ хлор ишлатилади. Фаол хлорнинг бир литри камида! 75—100 мг бўлиб, сув билан хлорнинг тўқнашув вақти 5—6 соат, агар фаол хлор 40—50 мг/литрга тўғри келса, тўқнашув вақти 24 соатга чузнлади.

Умуман водопровод иншоотлари қурилиши бошланиши-даёқ ҳар бир ишлатиладиган құвурнинг тозалигини саклаш, уни омборларда эхтиёт қилиб, яхши асраш мақсадга мувофиқ-дир. Катта диаметрли құвурлар водопровод ўралари тепасига' келтирилгач, икки томонидан беркитилиши керак, бу эса қу-вурларни ифлосланишдан саклайди, Резервуарларни сувга тў-латишдан олдин жуда яхшилаб текширилиши лозим.

Водопровод тармоқларининг ҳаммаси хлорланиб бўлган-дан сўнг ушбу бутун тизим ёки унинг айрим бўғимлари сув-даги қолдик хлор 0,3—0,5 мг/литр бўлгунча сув билан ювила-ди. Кейин санэпидстанция ходимларининг рухсати билан водо-провод ишга туширилади.

Суткали сув режимини бошқаришда сув босимини таъмин-ловчи миноралардан фойдаланиладя, улар доимо жамланган сувлари билан, 1одопровод тармоқлари даги сув истеъмолинш ҳамма жойда баробарлаб туради. Бундай резервуарларга кў-йиладиган талаблардан бири—улар деворининг зич берк бў-лишидир. Уларнинг тузатиш учун мўлжалланган қонқоқларш ҳам зич беркитилган ва қулфланган бўлиши керак.

Шуни айтиш керакки, водопровод тармоқларининг иккиласи-чи ифлосланиши фақат сув олинадиган колонкалардан пайдо-бўлиши мумкин. Қишида сув олинадиган колонкалар музлаб[^] қолмаслиги учун тўхтамай ишлаб туриши керак, бунинг учун тегишли чоралар олдиндан кўриб кўйилади.

Маълумки, қудукнинг пастки томонида колонка тургаш жойда сув йигилиб қолади, бу сувнинг йигилиш сабаблари тур-лича бўлса-да, лекин улар ифлосланган бўлади. Колонканинг зичлиги бузилгудек бўлса, ифлосляган сувларни босим би-лая шимиб, водопровод тармоқлари даги сувни ҳам ифлослан-тириши мумкин.

Ноҳуш ахволнинг олдини олиш учун водопровод колонка-сикудуқлари доим қуруқ ҳолда сакланиши керак. / ~"Ер ости сув тармоқлари. Ахолини тоза водопровод суви; билан таъминлаш учун аввало ер ости сув ресурсларидан кўп-роқ фойдаланишга эътибор берилади, сабаби ер ости сувлари кўпинча санитария-гигиена талабл-арига тўла жавоб беради.-Ер ости сувларининг афзалликлари гўйидагилардир:

- а) уларни тозалашнинг ҳожати бўлмайди;
- б) сув манбаи табии ҳолда ифлосланишдан химояланади;
- в) ахоли яшайдиган ҳар қайси 'жойга яқинроқ бўлган май,-дондан сув олниш имконияти бўлади, бу эса қўшимча сарф-.харажатларни тежаш имконини беради.

Агар ер ости сувлари етарли дебитга эга бўлмаса, унда ахоли эҳтнёжи учун албатта очик сув ҳавзаларидан фойда-ланншга тўғри келади. Лекин ер ости сувидан ахолини водо-провод ёрдамида таъминлаш кўзда тутилса, куйидаги далил-лар керак бўлади:

- 1) сув олинадиган районнинг геологик тузилиши ва сани-•тария ҳолати;
- 2) сув дебитининг етарли бўлиши;
- 3) сув катлами қандай чукурликда жойлашгани;
- 4) сувнинг кимёвий, бактериологик ҳолати.

Одатда, сув ўтказмайдиган чукур ер қатламлари орасидаги «сув режими доимий бўлиб, катта майдон чукурлигига ётади, гоҳо сув ўтказмас қаватлар сув ўтказувчи қаватлар билан алмашиниб туриши мумкин. Агар шундай жойларнинг гидро-геолэгик тузилиши, суви ва бошқа томонлари яхши ўрганил-сан бўлса, қўшимча чукур текширишнинг ҳожати бўлмайди.

Санитария муассасалари ер ости сув ҳавзаларини танлаш-,да ҳамма фактларга асосланадилар, улар сувидан ахоли фой-Лалангандан бирон-бир касаллик тарқалиш ҳавфи туғилмаган-.дагина рухсат берадилар.

Ер ости сув манбаларини танлаш. Ер ости сувлари қанча ^чукур жойлашган бўлса, шунча тоза ва ҳавфсиз бўлади, чун-ки сув билан таъминланиш минтақалари ҳамма томондан хи-мояланган бўлади. Ҳар ҳолда ер остидан сув олиш учун мўл-жалланган жой ва сув олиш иншоотларини келажакда талаб-га қараб кенгайтириш кўзда тутилиши, ҳеч қачон ер ости сув-лари ифлосланишига йўл қўймаслик керак. Туар жойлар шу -талабга жавоб берса, сув олиш жойи хийла баланд бўлиши ва атрофика сув йигилмаслиги лозим. Бунда сувли қаватлар ифлосланиши ҳавфини бартараф этиш ва айникса улар дарз ақетган бўлса, атрофдаги ер қатламлари орқали ифлослани-,шига йўл қўймаслик керак.

ЕР ОСТИ СУВ МАНБАЛАРИ ИНШООТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН САНИТАРИЯ ТЛЛАБИ

Ер ости сувлари икки хил усулда олинади: а) тик усул; ётиқ усул. Агар ер ости сувлари 5—8 метр чукурликда ётса, -ётиқ сув олиш иншоотлари қурилади, лекин марказлашган сув таъминоти амалиётидан ётиқ сув олиш иншооти қуриш камдан-жам

учрайди. Күпинча ер ости сувларини олиш иншоотлари тегишли асбоб-анжомлар ёрдамида қурилади. Бургулаш усули билан қу-,,дук ковлаш ҳам жуда чуқур қатламдаги сувларни ер юзасига чикариш имконини беради.

Кудук — тик ковланган, юмалок, ер ости сув қаватигача «етадиган шахтадир. Унинг деворлари ўпирилиб кетмаслигиучун темир қувурлар ўрнатилади. Кудукнинг пастки сув қава-тидаги қувурга фильтр уланади. У қувурни ифлосланиш ва кум тиқниб қолищдан саклайди. Одатда, сув ернинг паётки: таг юзасидан бешлаб насослар билан тортиб олинади, шунда унпинг юкори сатҳи пасаяди, лекин ер ости суви камайганин сари сув ташувчи қават сув билан таъминланиб туради. Ер ости тагининг юзаси билан боғланган сувнинг сатҳи статик сатҳ деб, сув олингандан кейинги сатҳ динамик сатҳ деб ата-лади.

Кудукка яқин жойлашган сув ташувчи қаватдаги сувнинг босими насос билан тортиб олингани учун пасая боради, яъни: депрессия ҳолати юзага келади. Сувни тортиб слиш тезлиги, ошиши билан сув ташувчи қават атрэфидаги босим пасайиб, депрессия минтақасини ҳосил қилади. Сув босимининг энг кўпг камайиши қудукник сув олиш жойида кузатилади, натижада сувнинг статик сатҳи динамик сатҳгача тушиб кетади (7-расм).

Асосий қудук атрофида яна қудуклар ташкил қилинса,, улар сувининг сатҳи пасая боргами, лекин асосий қудукдан: энг узокда жойлашган назорат қудути сувининг босими кам.: ўзгаргани гувоҳи бўламиз. Демак, марказдан узокдаги назорат қудуғи сувининг босими марказга яқин жойлашган қудук суви босимидан юкори бўлади. Ҳамма қудухлардаги сув сатҳи бир., чизикка ётқизилса, эгри чизик сув босими марказдан пасайиб,, четга нисбатан ошиб боришини кўрсатади.

Депрессия минтақаси бир неча юз метрларга чўзилниш мумкин. Бу минтақа депрессия чуқурлиги деб ҳам аталади. Чуқурликнинг зинг баланд чўққиси сувнинг динамик сатҳига: тўғри келади, унинг асоси эса суванинг статик сатҳи устидан? ўтади. Де.мак, бир қанча сув қудукларидан фойдаланилганда; уларнинг депрессия чуқурликлари бир-бири билан кесишмас-лиги керак. Акс ҳолда сувнинг дебити камайиб кетади, ахолининг сувга эҳтиёжи етарлича қондиоилмайди. Ер ости сувла--рини юқорига ҳайдаш учун лоршенлн ва марказга интилувчи? насослардан фойдаланилади. Наоэсларни созлаштузатиши ва уларни алмаштириб туриш санитария муассасалари томони--дан назорат қилинади.

Умуман олганда, бургуланиш йўли билан қудуклар козлаше ер ости сув қатламларини ер юзаси билан боғлайдп, бу эса ер^ ости сув қатламларининг кфлосланишига имконият туғдиди. Демак, сув ишоотлари лойиҳалари тузилаётганда ер ости: сувларини ифлосланишдан саклайдиган тадбирлар ишлаб чи-қилиши керак. Масалан, найлар орасидаги, диаметри ҳар хил бўлган темир найлар уланаётганда эса улар орасидаги зичликка алоҳида эътибор бериш, фойдаланилмайдиган сув қат-ламларидаги найларни абсад найлар ичидан ўткази.б юбориш ишчи найлар билан сув қатламларн бирлашиши ва ифлосла-нишининг олдини олади ва ҳоказо.

Зарарсизлантириш (дезинфекция). Ер ости сувлари кўпин-ча Давлат стандартига тўғри келишига қарамай, уларни баъзан хлорлаб туришга тўғри келади. Бундан мақсад ахоли соғ-лигини сақлаш ва касалликлар олдини олишдир. Ер ости сув-лари тиник бўлиб, ундаги муаллақ моддалар кам бўлса, за-рарсизлантириш- учун хлор кам сарфланади, ускуналаргина хлорланади. Хлор марказга интилувчи насоснинг сув торталиган жойида кўшилса, сув билан жуда яхши аралашади. Баъзи ҳолларда хлор сув йигиш резервуарлари олдида кў-яшлса, сув билан яхши тўқнашиб, самараси ошади (8-расм). Агар "қудук суви қувурлар орқали тўғридан-тўғри ахолига тарҳатилса, қувурлар ахоли турар жойигача 1—1,5 км узун-ликда бўлса, хлорни шу қувур сувларига ҳам кўшиш мумкин, •€>унда хлорнинг сув билан тўқнашуви 30—60 минутча давом этади. Бу муддат сувни зарарсизлантириш учун етарлидир.

ҚИШЛОҚЛАРДА АХОЛИНИ МАРКАЗЛАШГАН СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ГУЗИГА ХОСЛИГИ

Шаҳар ахолисини хўжалик ичимли суви билан таъмин-лашда Давлат стандартига кўядиган талаблар қишлоқ ахоли-сига ҳам тааллуқлидир.

Қишлоқ шароитида ахоли турар жойлари бир-биридан узоқ .жойлашганлиги, район ва шаҳарча марказлари билан қишлоқ «расидаги масофа олислиги марказлашган водопровод қуриш учун анча маблағ сарфланишни талаб этади. Қурилиш сарф-,лари кўп бўлганидан кўпинча катга бўлмаган қишлоқ водо-проводлари қуришга тўғри келади, гоҳо маҳаллий водопровод-..лар қурилиши билан чекланилади.

Қишлоқ водопровод иншоотларини қуришда санитария нуқ-таи назаридан асосан қуйидаги икки вазифа кўндаланг бўлади:

1) қишлоқ водопроводи учун шундай сув манбаи танлани-ши лозимки, токи у суви ишланганда гигиеник стандарт та-лабига жавоб берсин. Сув фермаларда, корхоналарда ва яна қаерларда ишлатилмасин, бу талаб ўз кучида қолаверади. Сув моллар ичиши учун ҳам, бошқа эҳтиёжлар учун ҳам ишлатил-:масин, барibir тоза бўлиши керак;

2) қишлоқда қуриладиган водопровод ишооти асосан қишил-лок ахолисини сифатли

сув билан таъминлаш масаласини ҳал этиши, сўнгра саноат корхоналари, ферма ва бошқа обьект-ларни сув билан таъминлаши лозим.

Қишлоқларда водопровод иншоотлари — скважина қудук-лари ёки очик сув ҳавзаларига курилган сув олиш курилмала-ри, насос станциялари ёки босимли резервуарлар бўлса, водо-тфовод тармокларини аҳоли яшайдиган жойларгача узайтириш жуда муҳимдир. Бу санитария врачларининг назаридан четда а^олмаслиги керак.

Уртacha қишлоқлар аҳолиси учун суткали сув сарфи 300 л га этиши мумкин. Қишлоқ водопроводларини лойиҳалаш шу-51И кўрсатадики, сувнинг асосий кисми аҳоли ва жамоа муассасаларининг зҳтиёжини қонднриш учун кетади, қолгани ишлаб* чиқаришга сарфланади.

Қишлоқ шароитида ер ости сувларидан иложи борича фой-даланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда водопровод тизими скважина қудуклари, сув чиқарувчи насос станциялари, сув; йиғиш учун босимли сув миноралари ва сув тарқатиш тармокларидан ибюрат бўлади.

Қишлоқ аҳолиси чашма сувларидан ҳам фойдаланпилари' мумкин. Масалан, секундига 5—6 литр сув берадиган чашма бир> маҳалла аҳолисини таъминлай олади. Тоғ бағрида кўпнинча. чашмалар ер тагидан отилиб чиқиб, аҳолини сув билан таъминлайди. Бунда сувни катта ҳовузларда тиндириб, аҳолига» қувурлар орқали тарқатса бўлади. Агар сувнинг сифати гигие-ник талабга жавоб бермаса, уни тиндириш, фильтрлаш ва? хлорлаш тавсия этилади. Шу мақеадларда «Струя 100» аппа-ратидан фойдаланиш мумкин.

Мабодо ер ости сувларидан қишлоқ шароитида фойдалана-нишга имкон бўлмаса, очик сув ҳаззаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунда водопровод иншоотларида оддий сусг фильтрлардан фойдаланилади.

Қишлоқ жойларида артезиан қудук сувларидан мустақил? фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки ҳар ким ўзи учун ар-тезиан қудук ковлаб, ундан фойдаланаверса, ер ости сувларш ифлосланишига имкон туғилади, уларни назорат қилиш муш-куллашади.

Кейинги йилларда қишлоқ аҳолисини сифатли сув билан; таъминлаш учун янги фикрлар ва лойиҳалар пайдю бўла бош-лади. Улардан кўзланган мақсад водопровод тизимини бир-кандча қишлоқлар, ҳатто районлар билан биргаликда барпо этиш, йиғилган маблағни тўғри сарфлаш, қолаверса, аҳолини: гигиеник талабга жавоб берадиган ичимлик сув билан таъмин-лашдир.

Бундай водопровод тизамларини куриш саноат корхонала-рини ҳам, жамоа ва давлат хўжаликларини ҳам, аҳолини ҳам сув билан тўла таъминлаш имконини беради. Кўпгина мин-тақаларда сув манбаларининг бўлмаслиги, сувлар ҳажмининг камлиги ёки йўқлиги водопроводларяни гурух бўлиб куришнк. тақозо этади.

Маълумки, ҳаракатланувчи сув водопровод қувурларидз. босим ортишига олиб келади. Сувнинг таркибида темирнинг кўпайиб кетиши унинг органолептик хусусиятини бузади, ти-никлигини пасайтиради. Темирнинг 1 л сувдаги миқдори 0,3— 0,4 мг дан 1,5—3 мг гача бўлади. Фтор миқдори эса 30—35% камаяди. Чунки сфтор билан сув таркибидаги темир қаттиқлик; тузлари билан ўзаро бирлашиб, эримайдиган мажму бирик-маларни ҳосил қиласи. Сувнинг сифати ундан микроорганизм-лар ва гидробионтларнинг ривожланиши туфайли ўзгариб ке тади. Сув тозалаш иншоотларининг сапрофит микрофлораларга, сув ўсимликларига ва хоказоларга нисбатан фаолияти чеклангандир. Тозаланган 1 м³ сувдаги биологик моддалар ўн, юз, минг граммгача этади. Сув катта магистрал қувур виоситзсида бир нуқтадан иккинчисига юборилганда тақсимлаш тармокларида, тўхтатиш жойларида, оралчқ резервуарларда микроблар йиғилишига, ўсишига сув ўсимликлари ва чўқмалар пайдо бўлишига шароит туғилади. Чунки сув таркибидаги биоген элементлар, органик моддалар микроблар учун озука бўлди. Ўндан кутулишнинг чораси ўша сувларда озгина қолдик хлорзнинг бўлишидир. Шунинг учун ҳам сув ташувчи магистрал темир қувурларда ҳар 20—25 км массфада хлоратор асбоби 5'рнатилиб, сув хлорланиб туради. Хлорнинг сувдаги таъсир вақтини чўзиш учун унга аммиакнинг маълум миқдори 1:4—1:6 н::сбатда қўшилиб туриласи.

Санитария муассасалари ходимлари қишлоқларда ҳозирга-ча тарқалган ва ишлатиладиган қудук сувларига катта аҳа-•мият беришлари керак. Қудук сувларининг сифати қишлоқ-даги аҳоли яшаш жойларининг санитария ҳолатига кўп жихат-,дан боғлиқ бўлади.

АҲОЛИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИНИ УЮШТИРИШ

Аҳолини сув билан таъминлашдек жуда масъулиятли дав-;лат санитария назеэатини жойларда санитария-эпидемиология етанциялари ходимлари бажарадилар. Қишлоқ шароитида эса аҳолини сув билан таъминлашни қишлоқ (туман) санэпидстан-циялари хедимларидан ташқари, қишлоқ врачлари, фельдшер ва акушерлик пунктлари ходимлари ҳам назоратга олади-,,тар.

Огоҳлантириш санитария назорати. Аҳолини хўжалик ичим-..лик суви билан таъминлашда огоҳлантириш санитария назо-7ратининг роли жуда муҳимдир. Бу

назоратнинг асосий вазифа-си сув тўғрисидаги қонун ва қоидалар сўзсиз бажарилишини таъминлашдир.

Санитария врачлари бунда санитария муассасаларининг санитария назоратини уюштириш тўғрисидаги низоми асосида иш кўрадилар, сув манбаларини, сув олиш жойларини аник-лашда ва бош юодопровод иншоотларини жойлаштиришда қат-здашадилар. Бунинг учун сув билан таъминлашга мўлжаллан-тан сув манбаларини, сувнинг сифатини текширишда, тан-ланган сув манбалари учун санитария ҳимоя минтақалари чегараларини белгилашда иштирок этадилар. Бу мажуи иш бўлиб, унда гидрогеологлар, гидробиологлар, гидрологлар қатнашади. Лекин бунда асо^сий масъулият санитария идора-ттари зиммасида бўлади.

Санитария вргчлари жойларнинг санитария ҳолати ва сув манбаларп тўғрисидаги далилларни мазкур ҳудудлардаги ташки мухит тўғрисидаги фактларни йигадилар, ишни 27—61—84 рақамли давлат стандартнга асосланиб уюштирадилар. Бу ишда санэпидстанциялар лабораторияларининг жодимлари фаол қатнашадилар (кимёвий, бактериологик ва ҳоказо таҳ-лиллар лаборатория ходимлари томонидан бажарилади).

Санитария врачлари янги ва қайта қурилаётган водопро-вод иншоотлари ва санитария ҳимоя минтақаларининг лойи-халарини ўрганадилар ва уларга хулюсалар ёзиб берадилар.

Лекин водопровод иншоотлари ва санитария ҳимоя минта-қалари лойиҳаларини бажарувчи ташкилотлар керакли далшв ва фактлар билан санитария муассасалари томонидан таъмин-ланадилар. Масалан, улар санитария ҳимоя минтақаларининг санитария ҳолати, келажакда ахоличинг кўпайиши тўғрисида-ги факт ва далилларни етказиб берадилар.

Аҳолини хўжалик ичимлик сувлари билан таъминлаш учун қуриладиган водопровод иншоотларининг лойиҳалари тузил-ганда уларни санитария нуқтаи назардан баҳолаш, яъни аҳо-лини тоза сув билан узлуксиз таъминлаш, сув манбаидаги сув: дебитини ҳисоблаш, водопровод иншооти ишлаб чиқадиган сув-loyihadagiga тўғри келиши, манбадаги сувнинг сифати, сани-тария ҳимоя чегараларининг тўғри ҳисобланиши, мазкур ҳу-дуддаги халқ хўжалик обьектлари ҳисобга олинганилиги ва ҳюказоларни кўзда тутиш зарур бўлади.

Санитария врачи лойиҳани тўғри баҳолаши учун қўлида далил ва фактлари, яъни ҳудуддаги санитария ва эпидемио-логия ҳолатининг характеристикаси (булар йиллар давомида, санэпидстанцияда йигилади) бўлиши керак.

Лойиҳага бериладиган баҳо Давлат стандартига, санита-рия қоидалари ва санитария меъёрларига асосланган бўлиши-лозим. Лойиҳада камчиликлар кўп бўлса, у қайта ишлаш учун қайтарилади.

Санитария врачлари водопровод иншоотлари қурилишида бошдан охиригача қатнашиб, лойиҳаларга ўз вақтида қўшимчалар киритишлари керак бўлади. Водопровод иншоотлари қурилиши лойиҳадан четга чиқмаслиги, айниқса, тозалаш обьектлари пухта қурилиши лозим.

, Огоҳлантириш санитария назоратининг сўнгги вазифаси; санитария врачларининг ишли ва қабул қилиш давлат комиссияси ишида фаол қатнашишдир. Водопровод иншоотларини қабул қилиш учун тегишли таш-ка килотлар вакилларидан иборат таркибда комиссия тузилади. Водопровод тү^ниншоотлари қуришда лойиҳадан четга чиқишилар содир бўлган, санитария тү^нмуассасалари кўрсатган камчиликлар тузатилмаган бўлса, уларни қабул қилиш ма. тўғрисидаги актни санитария врачи имзоламайди. Бу холда иншоотлар учун тузиладиган актда ҳамма камчиликлар кўрсатилади ва уларни йўқотиш муддати белгиланади.

126 Огоҳлантириш санитария назорати. Санитария врачлари аҳолини маҳаллий сув манбалари орқали сув билан таъминлашни уюштириш учун 1) сув манбаларини танлашда ва сув олиш жойини белгилашда қатнашадчлар; 2) артезиан шахта-ли қудуклар қазиши лойиҳаларини текширишда ва уларга ху-лоса ёзишда иштирок этадилар; 3) сув чиқариш иншоотлари ишлатишга қабул қилинаётганда улар атрофларини қуришда, бнгандарини хлорлашда ва сув сифатини текшириш ва ку-рншда фаол қатнашадилар ва хулоса— акт ёзадилар.

АҲОЛИНИ МАРКАЗЛАШГАН ВОДОПРОВОД СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КУНДАЛИК САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Аҳолини хўжалик ичимлик суви билан таъминлашни уюштиришда водопровод иншоотларининг тўғри ишлашини ташкил қилиш, сувнинг тозалигини, технологик жараёнлар натижали бўлишини назорат қилиш катта роль ўйиайди. Шу-нинг учун водопровод иншоотлари чуқур ўрганилиб бўлгач, санитария врачлари уларнинг I) санитария паспортларини тузадилар; 2) сув манбалари санитария ҳолатини мунтазам текшириб турадилар, водопровод учун ўрнатилган санитария ҳимоя чегараларида тартиб ва интизом сақланишини кузата-дилар; 3) водопровод бош иншоотларининг санитария ҳолати-ни, уларнинг натижали ишлашини, лаборатория ишларини, сув сифатини назорат қиладилар, олинган факт ва далилларни таҳлил килиб, хулюсалар

чиқарадилар. Водопровод ходимла-рининг ишбклармонлигнни, санитария ҳолатларининг коида-ларига риоя қилишларини, сиҳат-саломатлигини, микроб ташиб юрувчилар змаслигини текширадилар ва бунда тегишли тадбирларни ишлаб чиқадилар; 4) водопровод тармоқлари ва иншоотлари устидан мунтазам санигари назорати ўрнатади-лар, уларни ишлатиш, тузатиш ва хлорлашда санитария қоидалари бажарилишини кузатадилар, санэпидстанция лабора-торияси ёрдамида сув сифати кўрсаткичларини аниқлади-лар; 5) аҳоли вюдопровод сувидан қанчалик мамнун эканли-гини, унинг соғлифи, сузнинг сифати ва юкумли касалликлар ҳолатини ўрганадилар, бундай касалликлар сув орқали тарқа-лишини ўрганишда қатнашадилар. Аҳоли ўртасида тишнинг кариоз ёки флюороз касали тарқалишини ва сув билан боғлиқ бошқа касалликларни ўрганадилар ҳамда улар олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқадилар; 6) район ва шаҳарларнинг тегишли раҳбарин идоралари олдига аҳолини марказлашгав водопровод суви билан таъминлашни яхшилаш юзасидан ҳужжатлар тайёрлаб, уларни кўриб чиқиш масаласини қўядилар ва ҳоказо.

МАҲАЛЛИЙ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КУНДАЛИК САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Санитария врачлари маҳаллий сув манбаларини ҳисобга олиб, уларнинг паспортларини тузадилар, вакт-вақти билаи уларнинг санитария ҳолатини текширадилар, сув сифатини таҳлил қилиб турадилар:

сув манбаларини текшириб, уларни вакт-вақти билан соғ-ломлаштириш мақсадида тузатиш, гозалаш, хлорлаш, жихоз-лаш, худудлар санитария ҳслатини яхшилаш каби ишларни уюштиришда қатнашадилар;

кудуқларнинг доимий ёки вакт-вчқти билан хлорланишини ва унинг натижасини текширишни ташкил қиласидилар;

айрим уюшган жамоаларда— мактаб, боғча, дала шийпон-лари ва бошқалард-а сув билан таъу.инлашнинг санктария на-зоратини амалга оширадилар. Сув ташувчи воситаларни на-зорат қиласидилар;

маҳаллий сув манбаларидан фойдаланиладиган аҳоли соғ-лифи-, санитария ҳолати, яшаш шароигини ўрганадилар ва бу борада тегишли тадбирларни ишлаб чиқадилар;

аҳоли ўртасида сувнинг аҳамияти, унинг аҳоли сиҳат-сало-матлигини саклашдаги роли, сув хавзаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва ҳоказолар тўғрисида сухбатлар ўтказа-дилар, санитария-маориф ишини олиб борадилар.

Санитария муассасалари бунда ҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашда, огоҳлантириш ва кундалик санитария назоратини ташкил қилишда жуда кўп қонун-қоидалар, Дав-лат стандартлари ва бошқа ҳужжатларга асосланадилар.

СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ МУХОФАЗАСИ

Сув ҳавзалари санитария муҳофазасининг ҳозирги ахволи анча ночор. Аввало мавжуд сувларнинг салмоқли миқдори хў-жалик ва одамлар истеъмоли учун яроқсиз, шўр сувлардир. Чучук сув эса жуда кам бўлиб, асосан қутблардаги ва тоғ-лардаги музликларли ташкил қиласидилар.

Аҳ оли сонининг ўсиши, шаҳарлар кўпайиб бораётганлиги, уй-жой бинолари ва янгидан-янги корхоналар пайдо бўлаёт-ганлиги сув сарфини тобора авж олдирмоқда. Бизда ҳар бир киши бошига суткада сарфланадиган сув ўртача 170 литрга етади, катта шаҳарларда эса 300 литрдан ортиши мумкин.

Сув саноат ҳом ашёси сифатида ҳам қадрлидир. Бизда сув ҳавзалари қанчалик кўп бўлмасин, сув танқислиги камаймаёт-тир. Айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун кўп сув талаб этилади. Сувнинг жуда кўп қисми моддаларни эри-тиш, совитиш, аралаштириш ва тозалаш, айниқса турли тех-нологик жараёнларда ишлатиш учун сарфланади.

Масалан, бир тонна чўянни эритиб, пўлатга айлантириш учун $50-150 \text{ м}^3$, бир тонна мих олиш учун 500 м^3 , бир тонна синтетик никел олиш учун 400 м^3 , бир тонна сульфит цељлю-лоза олиш учун 1325 м^3 гача сув сарфланади.

Йирик саноат корхоналари баъзан бутун бир дарё свини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Тоғ жинсларига ишлов бе-ришда сув кенг кўламда ва катта ҳажмда ишлатилади. «Демак» ҳозир сув ҳавзалари сувлари саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик объекtlари учун сарфланади ва ҳоказо.

Сув манбаларининг санитария муҳофазаси — бу жуда катта мажмуй тадбир-чоралар бўлиб, уларнинг бажарилиши аҳоли-нинг хўжалик ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради, турар жойларда микрояклим шароити, аҳо-лининг чўмилиши, спорт билан шугулланишига шароит яра-тади, район ва шахарлар меъморчилигини яхшилайди ва ҳоказо.

Лекин шуниси ҳам борки, фан-техника тараққиёти, ҳозир-ги замон саноатининг кенг кўламли тараққиёти ташки мухит-ни ниҳоятда тез ифлослантириб, экологик танқисликни туғдир-моқда. Саноатлаштириш, айниқса саноат корхоналарининг ша-

харларда бир жойга йиғилиб қолишига одамлар сонининг ошиб кетишига сабаб бўймокда, уй-жойларнинг кўплаб қури-лиши, янгидан-янги коммунал объектларнинг пайдо бўлиши сувни кўплаб ишлатишга олиб келяпти. Бу эса, ўз навбатида, сув ҳавзаларини чиқинди сув ифлосликларидан муҳофаза ки-лиш заруратини тобора қатъийро[^] кўндаланг килиб қўймоқда,

Аслида XX аср иккинчи ярмидан, айниқса унинг сўнгги чо-рагида сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш масалалари долзарб муаммога айланди, чунки инсоннинг табиатга техникавий таъсири кучайиб кетди. Ҳозир айрим 1аълумотларга қараганда, жаҳондаги дарё, кўл ва сув омборларидаги мавжуд бутун чучук сув 25000 км³ бўлиб, бу одамлар эҳтиёжи учун яроқли бўлса-да, лекин сув ҳавзаларига ҳар йили 450 км³ чиқинди ва бошқа ифлосликлар ташланмоқда, сувнинг фақат 50% игина чала-ярим тозала-нади.

Маълумки, ҳатто сув ҳавзаларига тозалаб туширилган чи-қинди сувни зарарсизлантириш ҳам жуда кўп меҳнат ва маб-лағ талаб қиласди. Шуни айтиш керакки, ер куррасида чучук сувларнинг географик жойланиши бир хил эмас. Масалан, Европа ва Осиё мамлакатларида жаҳон аҳолисининг 70% и яшай-ди, лекин сувнинг бу минтақадаги заҳиралари 39% ни таш-кил қиласди, холос. Сувнинг бундай географик жойланиши дуне аҳолисининг 50% и учун сув танқислигини келтириб чиқаради.

Сув танқислиги муаммоларини ўрганувчи эколюг олимлар['] ва иқтисодчиларнинг фикрича, аҳвол шундай қолаверса, дунё-да яқин орада сув «очарчилиги» бошланиб кетиши мумкин.. Аксинча, мавжуд сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланилса, улар кўз қорачигидай асралса, сув тежамкорлик билан ишлаб чиқилса, одамларнинг санитария мада-нияти юширилса ахоли сув билан узоқ вақт етарли даражада таъминланиши мумкин.

Давлатлар сув ҳавзалари муҳофазаси билан жамият тарақ-қиёти босқичларида турлича шуғулланган бўлсалар-да, лекин бундай масалалар доимо уларнинг диккат марказида бўлиб келган. Масалан, Англияда 1876 йили дарёлар муҳофазаси тўғрисида қонун қабул қилиниб, дарё сувларига ифлосликлар-ни ташлаш ман этилган. Шунга ўхашаш қонунлар кейинчалик Франция, Россияда ва бошқа давлатларда ҳам қабул қилинган эди.

Урта Осиё ҳалқлари хусусан, ўзоек ҳалқи орасида сувга ҳатто туфуриш ҳам ман қилинган, агар кшмса сув ҳавзала-рига ифлосликларни ташласа, ҳалқ олдида гуноҳкор саналиб, изза қилинар, жазога маҳкум этиларди.

Сув ҳавзаларини асраш давлат иши бўлиб, бунда жуда кўп ташкилотлар, вазирликлар, қўмиталар қатнашади.

Очиқ сувларни асраш ва муҳофаза қилиш биздаги давлат сув қонунчилиги асосларида ўз ифодасини топган. Бу қонунчи-дик асосларига кўра тегишли ташкилотлар зиммасига сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ифлосликлар ичida энг хавфлиси чидамлилиги ва заҳарлилиги билан ажralиб турувчи нефть маҳсулоти, оғир металлар, кислота ва ишқор-дардир.

Нефть маҳсулотлари сувга тушганда 300 км гача тарқа-лади, сув юзасида улкан доғлар пайдо киласди, натижада сув-ни ҳаводан ажратиб, газ алмашувины бузади.

Кимё саноати корхоналаридан чиқадиган оқова сувлар сув ҳавзаларидаги жонвюрларни кириб юборади, қофоз-целлюлоза ишлаб чиқариш комбинатларидан чиқадиган чиқинди сув-лар ўта заҳарлиги билан ажralиб туради. Шунингдек нафтен ароматик углеводородлар ва ҳоказолар ҳам анча заҳарлидир. Саноат корхоналаридаги чиқинди сувлар пайдо бўлишига кўра уч гурухга бўлинади.

Биринчи гурухга чиқинди сувларга сувни технологик жа-раёнда реагент сифатида ишлатиш оқибатида пайдо бўладиган сувлар киради. Бу сувлар технологик жараёнда қатнашганда зарарли моддалар билан ифлосланади.

Иккинчи гурухга агрегатлар ва аппаратларни совитишда ҳамда қўшимча юперация ва жараёнларда қатнашиш оқибати-да пайдо бўладиган чиқинди сувлар киради. Бундай сувлар юдатда ифлосланмаса-да, лекин ҳарорати юқори бўлади.

Учинчи гурухга ёрдамчи хўжаликлар, қўшимча цехлар, ом-борлар, транспорт воситалари ва ҳоказолардан пайдо бўла-диган чиқинди сувлар киради. Бу сувлар турли заҳарли мод-далар билан ифлосланган бўлиши мъмкин.

Саноат корхоналари чиқинди сувларининг пайдо бўлиши уларнинг таркибий қисми, моддаларининг концентрацияси, иш-лаб чиқариладиган маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёни, ишлатиладиган асбуб-ускуналар, иш сменаси ва бошқа омил-ларга боғлиқ бўлади.

Чиқинди сув таркибини яхши билиш учун ишлаб чиқариш жараёнларининг санитария холатини, технологик жараёнларни, уларда ишлатилаётган моддаларни ўрганиш керак бўлади, Гоҳо одамларнинг физиологик ажратмалари тушаднган канализация шохобчаларининг сувлари бирон-бир сабабга «ЎР» ичимлик сув манбаларига тушиши мумкинки, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, чиқиндилар ошхоналардан, ҳожат-хоналардан ва бошқа жойлардан йиғилиб, канализация тру-балари орқали кўча канализацияларига тушган ҳеллар ҳам учраб туради.

Хўжалик чиқинди сувлари ўз кимёвий бирикмаларига кўра минерал, органик ва

бактериал таркибилиларга бўлинади. Бундан ташқари, хўжалик чиқинди сувлари микроорганизмга ҳам бой бўлиб, уларнинг 1 мл таркибида миллионлаб микроблар яшайди.

Хўжалик чиқинди сувлари сув ҳавзаларига ташланадиганда ҳисоб-китоб қилиб ўтирилмайди, чунки бир суткада бир одам ажратадиган чиқинди ўрганилган. У доимийдир, лекин таркибидаги моддалар концентрацияси доимий бўлмаслиги мумкин, бу сувнинг миқдорига боғлиқ бўлади.

19-жадвал

Бир одам бир суткада ажратадиган ва канализацияга ташланадиган чиқиндилар

Нфлослантирувчи омиллэр	Бир одамдан ажратилган чиқинди (грамм ҳисобида)
Муаллақ моддалар	65
Тинлирилган суюкликлаги оксигенга биокимёзий галаб (5 кундан сўнг)	54
Тинлирилган суюкликлаги оксигенга биокимёвий талаб (5 кундан сўнг)	35
Т-индирилмагағ. суюклиқда оксигенга биокимёзий тўлик талаб	75
Тиндирилган суюклиқда оксигенга тўлик талаб	40
Азотнинг аммоний тузлари	8
Юза фаол моддалар	2.5
Хлоридлар Cl	9
Фосфатлар	3.3 !

Шахар канализациясига тушадиган чиқинди сувларда сани-тария врачларини безовта қиласидагая юкумли касалликка уч-раган беморлар ажратмалариридир.

Шахар худудида жойлашган саноат корхоналарининг чиқинди сувлари умумий канализациясига туширилади. Шахар чиқинди сувлари умумий қисмининг 40% и саноат корхона-ларидан чикадиган сувлар билан хўжалик чиқиқди сувлари-нинг аралашмасидир.

Лекин қоидага кўра, шахар канализациясига заҳарли мод-даларни сакловчи, ҳавога газлар чиқарувчи, биологик тозаиншоотларига зарар етказувчи чиқинди сувлар ташлан-майди.

Кейинги йилларда шахар худуди ва саноат корхоналари жойлашган майдонлардан оқиб тушадиган сувларнинг тарки-би корхоналар суви таркибига яқинлашиб қолди. Масалан, ёмғир ва эриган қор сувлари билан очиқ сув ҳавзаларига 36% яфлослик ташланниши мумкин.

Айтишларича, Сиэтл (АҚШ) шахаридаги кўк кўллар суви-еинг ишдан чиқишига ёмғир оқова сувларининг шахар худу-дидан шу кўк кўлларга тушиши сабаб бўлган.

Юза оқова чиқинди сувлар асосан ёмғир сувидан, эриган қор сувларидан ва кўчаларни ювгачда ҳосил бўладиган сув-«лардан иборатdir.

Шахарларнинг тез суръатларда ўсиши, аҳоли сони ва транспорт воситаларининг кўпайиши чиқинди сув таркибидаги моддалар концентрациясини ўзгаририб юборади.

Кейинги йиллардаги текширишлар бир литр чиқинди сув-даги осиглик моддалар миқдори 1,5—6, органик моддаларнинг оксигенга биокимёвий талаби 40—120 мг, оксигенга кимёвий талаби 400—450 мг эканлигини кўрсатди. Чиқинди сувларда-ги нефть маҳсулотлари миқдори 20—25 мг га етганлиги ҳақи-да маълумотлар бор.

Шахар худудидаги чиқинди оқоза сувларнинг колититри $\text{IO}''' - 10^\circ$ бўлиб, хўжалик сувларига нисбатан 10—103 марга ош-ганлиги маълум. Бундай чиқинди оқова сувларнинг сув ҳавзала-рига тушиши уларнинг кимёвий, физик ва бактерија-логик таркиби-ни ўзгаририб юборади. Сув таркибидаги зарарлч моддалар жони-ворларни кириб юборади, сувдаги модда алмашиниши жараёнини йздан «кикаради».

Дарёларда ёғоч оқизиш сувни ифлослантиради, кўп ёғоч-лар сув тагига чўкиб, тикилади, уларнинг пўстлоқлари чирий-ди, натижада тирик сув ўлик сувга айланади.

Хўжалик сувларини сув ҳавзаларига ташлаш натижасида сув ўсимликлари ўсиб, ривожланиб кетади. Сув юзасида кў-кимтири-корамтири пўстлоқлар пайдо бўлади, тоза сувга хос хусусиятларнинг барча кўрсаткичлари ўзгариб кетади. Жум-ладан, сув ҳавзаларида оксиген сарфланиши кўпайиб, унинг •етишмай қолиши ҳоллари пайдо бўлади. Натижада сув сасий бошлайди, ноxуш хидлар тарқатади. Бундай сувларни баликлар ва бошқа сув ҳайвонлари тарк эта бошлайди. Иссиклик қуввати ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқинди сувлари сув ҳавзаси сувининг ҳароратини 8—10°C кўтариб, микроорга-яизмлар ўсиши ва кўпайишига имкон яратиб беради.

Хавфли радиоактив моддаларни ушлаган чиқинди сувлар инсон ва бошқа жониворлар ҳаёти учун ҳам хавфлидир. Бундай сувларга термоядро қуролининг сув ости

синовларида, уранли маъданлардан уранни ювиб олишда ишлатиладиган сувлар, реактор сувлари, атом электр станцияларидан чиқа» диган сувлар киради Сув ҳавзаларини ифлослантирувчи энг заарли манбалардан яна бири ҳозирги замон қишлоқ хўжалик объектларидир, Сут етиширишнинг янги технологияси қишлоқларда улкав бўрдокчилик мажмулари курилиши, кўплаб суюқ гўнглар пай-до бўлишига силиб келмюқда. Суюқ гўнг асосан органик мод-далардан иборат бўлиб, унинг таркибида бактериялар, гель-минт тухумлари бўлади.

Кўп минглаб қора молларга мўлжалланган фермалардав чиқадиган ажратма органик моддалар 150 минг аҳолидан чиқиндилар таркибидаги органик моддаларга тенг ке-лади. Бундай чиқиндилар тозаланмай, сув ҳавзаларига таш-ланса, унинг ифлосланиш даражаси ниҳоятда юқори бўлиб, сув манбалари одамлар учун ҳавфли бўлиб қолади.

Ҳавзалардаги сувларнинг ўз-ўзини тозалаш хусусияти. Сув ҳавзалари сувининг ўз-ўзини тозалаш жараёни доим фаол ке-чиб туради; бунда қуёш нурларининг таъсири, органик мод-даларнинг парчаланиши, микробларнинг қирилиши каби жара-ёнлар давом этади. Уз-ўзини тозалаш жараёнларида бактериялар, замбуруғлар, сув ўсимликлари фаол қатнашади. Бу жа-раёнда айниқса чиқинди сувларнинг суюлтирилиши катта ахамият касб этади.

Сув ҳавзаларида сувнинг ўз-ўзини тозалаш жараёни нати-жасида 24 соат ичида, кўшимча ифлослик тушмаса, 50% ат-рофида бактериялардан тозаланади, 96 соат ўтгандан сўнг сув манбаида жами 0,5% микроблар қолади. Қиши кунлари сув-нинг бактериялардан озод бўлиши 150 соатда ҳам тамом бўл-майди. Шунинг учун ҳам сув ҳавзалари ишдан чиқмаслиги учун чиқинди сувларни тозалаб, сўнгра сув ҳавзасига ташлаш руҳсат этилади.

Сувнинг ўз-ўзини тозалashi санитария амалиёти учун энг мақбул ва муҳим жараёндир. Бу жараён сув манбаларида санитария ҳимоя минтақасини аниқлашда жуда зарур бўлади. Шунга қарамай, мазкур сув манбалари одамларни сув билав таъминлаш ҳамда сиорт ва чўмилиш мақсадлари учун ярамай-ди. Шунинг учун очик сув ҳавзаларига ташланадиган оқова сувлар олдин тозаланиб, заҳарсизлдирилгач, сув ҳавзалари-га ташланади. Шундагина бу сув ҳавзаларидан аҳолини мар-казлашган водопровод суви билан таъминлашда, спорт ва чў-милиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Санитария ва гигиенага доир илмий манбаларда келтирилган фактлар чиқинди сувлар тоза сув ҳавзаларини ифлослан-тириш оқибатида улар аҳоли ўртасида касалликлар тарқа-түвчи манбага айланиб қолишини кўрсатади.

Маълумки, сув ҳавзалари жуда мураккаб биологик тизим бўлиб, улар сувига ташланган чиқиндилар ўзаро таъсиrlаниши нати-жасида бошқа моддалар — органик ва ноорганик би-рикмаларни ҳосил қиласи, сувда кетаётган жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади ҳолатда кечадиган ўз-ўзини тозалаш жараёни бош-қа таъсири этувчи омиллар бўлмаса, гигиеник нуқтаи нэзардан нормал ҳисобланади. Бунда жониворларнинг ҳаётий фаоллиги катта роль ўйнайди. Лекин сув ҳавзаларининг чиқядилар билан кўп ифлосланиши уларнинг кимёвий, бактериологик ва физик ўзгаришларига сабаб бўлиб, инсон соғлиғига салбий таъсири кўрсатиши мумкин.

Кўп кимёвий моддалар сувнинг хидини, рангшш, мазасини ўзгартиради, юза фаол моддалар эса сувнинг юзасида кўпик, парда ҳосил қилиб, ундаги биологик жараёнларга салбий таъ-сир қиласи. Қимёвий моддалар одам организмига ичимлик сув орқали тушиб, турли касалликларни чиқариши мумкин.

Адабиётлардан маълумки, сув орқали оғир металл тузларидан қаттиқ заҳарланиш мумкин. Масалан, Япониядаги Инитсу дарёси соҳилида яшозчи 200 киши сувдан заҳарланиб, уларнинг 50 фоизи нобуд бўлган эди. Бу одамлар сувякларининг юмшаси, синиши кузатилган, улар қаттиқ оғриқдан шикоят қилганлар. Улган одамларнинг сувякларида, органларида кўп миқдорда кадмий, кўрғошин ва руҳ элементлари топилган. Одамлар заҳарланишига кадмий ишлаб чиқиш конидан оқиб чиқкан сув билан шолини[^] еуғорн[^]д сабаб бўлгани маълум бўлди.

Кейинги йилларда сув таркибида азот нитратларининг йи-гилиши, айниқса ер ости сувларида кўпайиши ҳаммани ташвиш-га солмоқда. Чунки қишлоқ хўжалигида азотли минерал ўғит-ни кўп ишлатиш суворувчи сувларда азот нитрати тузлари кўпайишига сабаб бўлади.

--[^]Сувда нитрат тузларининг кўпайиши 40- йилларда болалар ўртасида тери ва лабларнинг кўкариб кетиши, қонда метге-моглабин миқдорининг ортиб кетнши каби ҳолатларни чиқар-ган зди. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдиги, болалар ўр-тасида азот нитратли сувни кўп истоъмол қилиш метгемогло-бинемия касаллигига олиб келар экан. Маълум бўлишича, сувда азот нитратли тузнинг кўп бўлиши оғир кўринишдаги метгемоглобинемия касаллиги келиб чиқишига сабаб ' бўлар экан.

Келтирилган бу маълумотлар шуни кўрсатадики, очик сув ҳавзаларнга чиқиндиларни, айниқса, саноат корхоналаридан чиқадиган сувларни ташлаш киши организми учун бефарқ эмас.

Ичимлик сув орқали пайдо бўладиган касалликларни аниқ-лаш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки организм табиат объектлари билан чамбарчас боғлих бўлгани учун унга бўла-диган таъсири фақат сув томондангина эмас, балки бошқа омиллар томонидан

ҳам содир бўлади. Шунинг учун санита-рия врачлари сув ҳавзаларинн ифлосликлардан асраш учун «ўпроқ билвосита кўрсаткичлардан, яъни сувнинг хавфсизли-гини таъминловчи кўрсаткичлардан фойдаланадилар. Бу кўрсаткичлар асосини эса меъёрларни сақлаш талаби ташкил этади.

Бу талаб «Очиқ сув ҳавзаларини чиқинди сувлар билан ифлосланишдан асраш қоидаларида кўрсатилган. Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар сув ҳавзаларидан ўз-ўзини тозалаш жараёнлари нормал ўтишига ёрдам беради, сувнинг оксигенга биокимёвий талаби, эриган оксиген, сувнинг фаол реакцияси, харорат ва бўшқалар эса ўз-ўзини тозалашга халал бермайди. Хўжалик ва маданий-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган сув олиш нуқтларида юкумли касаллик-лар тарқатувчи микроблар бўлмаслиги керак. Шу мақсадда «Қоидалар» ўз таркибида кўзгатувчм микробларни сақловчи •сувларни маҳсус тозалаш иншоотларида зарарсизлантириб, ?пидемик ҳолатнинг олдини олиш масаласи тўғри кўйилган. Сув ҳавзаларидан сув таркибидаги кимёвий моддаларни рухсат этиладиган миқдоргача камайтириш учун илмий асосда рух-сат этиладиган миқдорларни ишлаб чиқиш жуда муҳимdir.

Ҳозир сув ҳавзалари учун кимёвий моддаларнинг рухсат этиладиган миқдорлари ишлаб чиқилган. Масалан, минг хил кимёвий моддаларнинг рухсат этиладиган миқдори тасдиқланган.

Очиқ сув ҳавзаларига чиқинди сувларни ташлаш шароит-лари. Гигиеник талабларнинг бузилиши сув ҳавзаларига хўжа-ликлар, ташкилотлар, корхоналар ва шахсий хонадэнлар то-монидан чиқинди сувлар ташланишига олиб келади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш зарурати чиқинди сувларни очик сув ҳавзаларига ташлаш меъёрларини ишлаб чиқишни тақозо этарди. Бундай меъёрлар аллақачонлар ишлаб чиқил-ган бўлса-да, лекин уларнинг мажбурий эмаслиги бу соҳадаги долзарб муаммони узил-кесил ҳал этгани йўқ.

Санитария инспекцияси ишлаб чиқсан шундай меъёрларга кўра 1) сувнинг таркибий хоссалари ва миқдори очик сув ҳавзаларига тушган чиқинди сувлар билан аралашгандан сўнг ҳисобга олинадиган; 2) сув ҳавзалари фойдаланишига қараб тоифаларга бўлинадиган бўлди ва шунга асосан талаб қили-надиган меъёрлар ўзгартирилди.

Кейинги вақтда олиб борилган илмий ишлар дарё ва бош-қа очик сув ҳавзаларини текшириш, айниқса, уларга чиқинди сувлар ташлангандан сўнг бўладиган ўзгаришларни ўрганиш натижасида кўп далилларни тўплашга, уларни таҳлил қилиб, қоидаларга янги кўшимчалар киритилишига муваффақ бў-линди.

Мазкур далиллар сув ҳавзалари санитария ҳолатининг бу-зилиши, сув ҳавзалари сувларнинг чиқинди сувлар билан ўза-ро бўлиниши, сувнинг қайси миқдорида ўзгаришлао бўлмас-лиги, бу ўзгаришларнинг одамларга таъсири ва бошқа ма-салалар тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Очиқ сув манбаларига ташланадиган чиқинди сувларни ва улар таркибидаги заарли моддаларни текширишнинг С. НЧеркинский тавсия этган гигиеник тархида куйидагилар кўзда тутилади:

— сувларнинг физик ва кимёвий ҳамда санитария тавсифи, сув шароитида уларнинг чидамлиги ва ўз-ўзидан тозала-ниши мумкинлигин;

— сув органик қисмининг манбадаги қисми санитария ре-жимиға, минераллашиб, нитрификацияланиш жараёнига, бак-терия ва фитопланктон, зоопланктонларга таъсирини аниқ-лаш;

— ташландиқ чиқинди сувларнинг сув манбаидаги сувнинг органолептик хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

— мазкур сувларнинг аҳоли саломатлигига таъсири, яъни сувдаги захарли моддаларнинг заҳарлилигини ўрганиш;

— заҳарли моддаларнинг заҳарли хусусиятларини лабора-тория ҳайвонларида, ўткир, чала ўткир ва сурункали таъсири-ни тажрибаларда ўрганиш.

Тажриба йўли билан заҳарланишнинг тўла клиник кўри-нишлари, заҳарланиш аломатлари, заҳарнинг марказий асаб (тизимиға, организмнинг иммунологик тонусига таъсири ўрга-:нилади. Булардан ташкири, орган ва тизимларнинг патолог* .анатомик, гисталогик ва бошқа ўзгаришлари ҳам текшири-лади. Организмда кечадиган физиологик, биокимёвий жара-снлар, қондаги ферментлар ва бошқалар ҳозирги замон янгк усуллари билан текширилиб, аниқланилади.

С. Н. Черкинский саноат чиқинди сувларининг аҳоли соғ-лиғига ёмон таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, гигиеник меъёрлар ишлаб чиқиш учун лойиҳаларни тавсия этди. Бу тигиена фанининг янада ривожланишига ёрдам берди. Ҳар бир саноат корхонаси оқова суви учун ишлаб чиқилган гигиеник меъёр мажму тарзда олиб бориладиган илмий-тадқикот ҳоси-ласидир. Бунда ҳар бир заарли модданинг сув ҳавзасида тутган ўрни, сувнинг асосий кўрсаткичи (сувнинг умумий са-нитария режими, органолептик хусусияти ва сув орқали аҳо-лига

таъсир этиш) ўрганилади.

С. Н. Черкинининг фикрича, рухсат этиладиган гигиенкк. миқдор тажриба ўтказиш учун сувга тушириладиган заҳарли кимёвий моддаларнинг сувга ва инсонга таъсирини, унинг қанча миқдори безарар эканини, мазкур моддаларнинг орга-низмга таъсир этиш механизмларини ёритиб бериш имконинк беради. Олинган далиллар ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жараёнларни ўзгартириб, сув таркибидаги заҳарли модда миқдорларини камайтириш йўлларини аниклаш, очик, сув ҳавзаларига чиқинди сувларини оқизиш қоидаларини иш-лаб чиқишга ёрдгм беради. Ҳайвонларда олиб борилган токси-кологик тажрибалар кимёвий моддаларнинг заарарли даражасини аниклаш, қурилаётган цех ва корхона лойихаларига те-гишли ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

Демак, сув ҳавзаларини ифлослатиравчи заарарли кимёвий моддаларнинг сувдаги меъенини ишлаб чиқиш зарур тадбирдир. Ҳар бир модда учун илмий аоосда ишлаб чиқилган ва рухсат этилган миқдор Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлангандан кейингина қонуний ҳужжатга айланади, са-нитария амалиётида қундаклик санитария назоратини олиб боришда катта аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, чиқинди, оқова ва ифлос сувларни тозалаш, уларни заарсизлантириб, очик сув ҳавзаларига тушириш ҳо-зирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳар бир инеон олдида фан-техника тез суръатлар билан тараққий этаётган, шаҳарлар ва аҳоли кўпайиб бораётган, сув танқслиги тобора катта муаммога айланәётган бир вақтда чиқинди оқова сувларни очик сув ҳавзалар-лга ташлаш мум-кинми, мумкин бўлса, қайси даражада ва миқдорда ташлаш лозим ёки ташламасдан, бошқа эҳтиёжларга ишлатиш мум-кинми? деган масала кўндаланг бўлади.

Бу муаммони ечишда амал қилиб турган «Очиқ сув ҳавза-ларини чиқинди сувлар билан ифлосланишдан муҳофаза қи-лиш» қоидалари маълум даражада ёрдам беради. Бу қоида-ларга кўра, сув ҳавзасига чиқинди сув оқизиш рухсат этилган бўлса, аҳоли яшайдиган жойдан 1 км юқорида оқиб келаёт-ган (дарё, канал, ирригация шоҳобчалари) сувнинг таркиби ва сифат даражаси гигиеник талаб меъёрларига тўғри келиши: керак. Мабодо сув оқмайдиган бўлса (сув омбори, кўллар), унда аҳоли, хўхолик ва истеъмол мақсадлари учун фойдала-чаётган жойдан сув сатҳи бўйича 1 км юқорига фойдаланаётган жойдан 1 км дан 2 км гача масофа қолдирилади. Шу масофадаги сув сифати гигиена талабига жавоб берадиган бўлиши керак. Сувдаги заҳарли моддалар миқдори рухсат этилган миқдордан ошмаслиги керак. Бундай талаб барча сув ҳавзаларига ва сув манбаларига оқизиладиган сувга ҳам те-гишилдири.

Юқорида келтирилган қоидаларга аоосан тоза сув манба-ларига саноат чиқинди сувларини қўйидаги ҳолатларда оқи-зиш муккин эмас:

- 1) чиқинди сувларни корхона эҳтиёжи учун қайта ишла-тиш иложи бўлганда;
- 2) чиқииди сув таркибида кимматли хом ашё, нодир ва еоёб моддалар ва бошқа керакли омиллар бўлганда;
- 3) чиқинди сув таркибида кимёвий моддалар рухсат этиладиган концентрациядан ошиқ бўлганда;
- 4) чиқинди сув таркибидаги айрим моддаларга рухсат этилайдиган меъёр ишлаб чиқилмаганда;
- 5) чиқинди сувлар билан қишлоқ хўжалик экинларини су-фориш мумкин бўлганда;
- 6) чиқинди сувларда юқумли касалликларни тарқатувчи микроорганизмлар бўлганда.

Чиқинди сувларни сув ҳавзаларига оқизиш рухсат этилган бўлса, аҳоли фойдаланаётган сув манбаининг юқори қисмидаги зиазкур оқоваларнинг суюлиш даражаси, сифати ҳамда сувхавзаларининг ўз-ўзини тозаланиш хусусиятлари хисобга оли-нади. Қоидаларга кўра, чиқинди оқова сувларни очик сув ҳавзаларига қўйидаги ҳолатларда ташлаш рухсат этилади:

- 1) сув ҳавзасидаги сувнинг органолептик, физик кўрсат-ккчларига катта таъсир кўрсатмаса;
- 2) сувнинг минерал таркибини рухсат эткладиган миқдор-дан ошириб юбормаса;
- 3) сув ҳавзаларида кечеётган табиий ўз-ўзини тозалаш жараёнларига таъсир кўрсатмаса;
- 4) сув ҳавзаларни заарли патоген микроорганизмлар ' билан заарланмайдиган бўлса;
- 5) сув ҳавзаларига заарли моддаларни рухсат этиладиган миқдордан ортиқ туширмаса.

Бу гигиеник талаблар аҳоли фойдаланадиган 1 ва 2-тои-фалардаги сув ҳаззаларига тегишилдири. Ҳозир бундай гигиё-ник талаблар бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган сув ман-баларн учун ҳам кашлаб чиқилган. Сув ҳавзаларини чиқинди сувлар беклан ифлосланишдан муҳофаза қилкш қондалари қўйидаги барча объектлар сувларига тааллуқlidir:

- 1) барча ишлаб чиқариш корхонларининг, шунингдек, ту-рар жойларнинг хўжалик-маиший фаолиятидан ҳосил бўлган чиқинди сувларга айрим жойлашган бинолар ва

жамоа қдора-ларидан, коммунал хўжалик объектларидан, даволаш-профи-лактнка муассасаларидан, транспорт, жамоа ва дазлат хўжа-ликларидан, саноат корхоналаридан, шу жумладан, шахталар-дан чиқадиган сувларга ҳамда сугорнладиган ерлардзи чиқадиган заҳарли сувлар ва бошкэ объектлардан ажралади-ган чиқинди сувларга;

2) чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлаш учун лойк-ҳаланаётган, қайта курилаётган, кенгайтирилаётган корхокз ва муассасалар, технологик жараёнлари ўзгараётган кэрхонл-лар, лойиҳаланаётган турар жойлар какализацияси сувларига, айrim алоҳида жойлашган ташкилотларнинг чи-қинди сувла-рига;

3) аҳзли турар жойларидан, саноат корхоналари майдон-ларидан ва бошқа жойлардан ёғингарчилик сувлари орқалк тушадиган оқова сувларга, катта молхоналар, сут фермаларн-дан ажралиб чиқадиган чиқинди сувларга.

Юқорида келтирилган қоидаларга кўра, сувдаги заарли моддалар меъёрини аниқлаш асосан учта кўрсаткичга — а) органолептик; б) умумий санитария режими; в) санитария-токсикологик кўрсаткичларга асосланади. Бу кўрсаткичлар ичida қайси бири заарлиги энг кичик бўсаға микдори билан аниқланса, у шу модданинг лкмит че-гараланган меъёри бўлади. Масалан, 1 литр сувдаги фторнинг 5 мг микдори сувдаги ўз-ўзини тозалаш жараснини бузади, 25 мг сувнинг органолептик хусусиягини ўзгариради, 1,5 мг эса заҳарлаш хусусиятига эгадир. Демак, фторнинг лимитли кўрсаткичи (микдори) санитария-токсикологик кўрсаткич бўади. Агар бу кўрсаткич микдори таъсирида организмда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса, у микдор рухсат этиладиган микдор деб аталади.

Чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлаш шартлари қўйи-дагича аниқланади:

1) аҳоли ичимлик сув сифатида, маданий-маиший ва ба-лиқчилик мақсадларида фойдаланадиган сув ҳавзасига таш-ланган чиқинди сувнинг ўша жойдан то 1 км юқорисидаги кузатиши жойигача аралashiш ва суюлиш даражаси ўрганилади ва ҳисобга олинади;

2) чиқинди сувларни ташлаш учун тузилган лойиҳага асо-сан мўлжалланган жой юқорисидаги сувнинг сифат даражаси, кимёвий, физик таркиби ва бошқа хусусиятлари ўрганилади за ҳисобга олинади.

Бунинг учун «Қоидаларига» кўра очик сув ҳавзаларига чи-қинди сувларни ташлаш учун куйидаги босқичларни бажариш керак бўлади:

1) чиқинди сувларни ташламоқчл бўлган объектнинг бар-ча материал ва хужжатлари билан танишилади, бунда сув-нинг микдори, таркиби, хоссалари, чиқинди сувларни ташлаш режими ва ҳоказолар ўрганилади;

2) сув ҳаззаларини тавсифловчи хужжатлар билан танишилади, сув ҳавзаларига сув сарфи, оқиш тезлиги, аралashiш шароитлари, муз ости даврининг яқин ва узоқлиги, сув тарки-бининг йил фаслларига қараб ўзгариши, чиқинди сувлар таш-ланадиган жойлар юқерироғида чиқинди сувлар ташланishi, чиқинди сув ташланган сув ҳавзалари нима мақсадда ишла-тилиши аниқланади;

3) сувдан фойдаланиш жойида чиқинди сувнинг сув ҳав-заси сувлари билан аралashiш, суюлиш даражаси ҳисоблаб чиқилади;

4) сув ҳавзасига тушириладиган чиқинди сув ингридиент-ларини алоҳида алоҳида ҳисоблаб чиқиб, унинг сувга тушади-ган микдори аниқланади;

5) кундалик санитария назоратини уюштиришда ҳисоб қи-линган микдорлар тўғрилиги таққосланади ва туширилаётган чиқинди сувларнинг ва сув ҳавзаларидаги сув сифати кўрсат-кнчларининг сувдан фойдаланишга, айrim ҳолларда эса аҳоли соғлиғига таъсири ўрганилади.

Очкқ сув ҳавзаларига чиқинди сувлар ташлашда унинг неча марта суюлиши ҳисобга олинади.

Саноаг корхонасининг чиқинди сувлари технологик жара-снда тоза сувларни ишлатиш оқибатида пайдо бўлади ва у кор-зона канализацияси орқали ташқарисига чиқарилади. Сувнинг таркибий қисми ниҳоятда ҳар хил бўлиб, улардаги аоосий ингридиентларнинг миқдорлари ҳам бир хил эмас. Чиқинди сувларнинг таркибий қисмидаги моддалар органик ва неорга-ник бўлиши мумкин. Қорхона чиқинди сувларининг техник ва кимёвий хоссаларига кўра, уларни сув ҳавзаларига ташлаш ман этилади. Очиқ сув ҳавзаларига бундай сувларни ташлаш учун албатта заарсиз ҳолатга келтирилиши шарт. Чиқинди сувлар таркибида ҳозирда кўпроқ синтетик, чидамли, узоқ вақтгача парчалакмайдиган моддалар жуда кўпdir.

Хозирги вақтда Узбекистондаги 140 дан зиёд энг йирик саноат корхоналаридан доимо чиқинди сувлар чиқади.

Корхояларда техник сувлар қуйидаги мақсадлар учун қашлатилади:

1. Тури агрегатларни қизиб ёки эриб кетишидан сақлаш-да ишлатилади, жумладан, металлургия саноатда темир-пўлат зритищда кенг ишлатилади. Сув агр^атларни совитиш учун берк системада айлануб туради, система яхши ишласа, сувнинг температураси кўтарилиши мумкин, у бошқа хоссаларга эта эмас.

2. Сув қанд ишлаб чиқариш саноатида тури моддаларн эритиб олиш учун ишлатилади, Бундай чиқинди сув таркиби

органик, эриган ва қалқнйдиган майда зарраларга бой, қанд эриган ҳолда сув билан чиқиб кетади.

3. Ишлаб чиқариш маҳсулотларини пашлаш учун реактив-ларни эритишида, металларни сульфат ва нордон кислоталар-да ишлашда ишлатилади, чиқинди сув таркибида кўп микдор-да темир оксиdi бўлиб, нордон реакцияли сувлардир. Терини оҳақ, ашлов моддалари билан ишлаш оқибатида сувда кўн микдорда хром, реактив қолдиклари ва бошқа органик мод-да ифлюсликлари мавжуд.

4. Сув тўқимачишк фабрикаларида бўялган матоларш» ювиш учун ишлатилади, сув таркибида бўёқ қолдиклари ва[^] бошқа моддалар аниқланилади.

5. Газ ва газсимон аралашмалари таркибидаги моддалар-ни ажратиб олиш мақсадида ҳам сув ишлатилади. Жумладан,. металлургия комбинатларида домна гази, қанд ишлаб чиқа-ришда — карбонат ангидриди гази ювилади, аммиакни эса кокс газини ювиш билан олинади.

6. Кимёвий ва спирт ишлаб чиқариш заводларини аппарат-ларини ювиш учун сув ишлатилади.

7. Сув конлар шароитида қаттиқ моддаларни ажратиб олишда — қўмир ювишда, бойитиш фабрикалари ва ҳоказода кенг ишлатилади.

8. Сувни электростанцияларда кулни ҳайдаш учун, алю-минийни олиб бўлингандан сўнг лойни ювиш ва бошқа жара-ёнларда ишлатиш мумкин.

Сув технологик жараёнларда аппаратлар, агрегатлар, реак-тив моддалар ва бошқалар билан яқин контактда бўлганда ўз таркибини, хоссаларини ўзгартириб юборади. Эриган модда-лар, ҳар хил ишланадиган материаллар сув таркибида кетиб чиқинди сувга маҳсус хосса беради, бу эса ўз навбатида кор-хоналарни характеристига боғлик бўлиб қолади.

Олимлардаи С. Н. Строгоновнинг айтишича, саноаг корхона чиқинди сувларида органик ва неорганик бирикма-лар ҳар хил ҳолатда, бирикмада қаттиқ ва суюқ, коллюид фа-зада учраб туради, аммо жуда кўп ҳолатларда чиқинди сувда негадир фосфор, азот, калий элементлари учрамайди, бундай сув патоген микроорганизмидан холи тозаланган (стерииллан-ган) бўлади. Ҳар бир санитария врачи, саноат корхона чиқин-ди сувларини ўрганишни бошлар экан, у аввало технологик жараённи тўла тўқис ўрганиши, чиқинди сувлар таркибида қандай заарли моддалар бўлишини ва қандай заарли хусу-сиятларга эга эканлигини билиши шарт, шундагина унинг мўлжалланган иш йўналиши яхши натижа бериши мумкин. Шунинг учун, сув намуналарини ҳар 30—60 минутда маълухМ микдорда бутун иш сменасида, балки ундан ҳам кўпроқ вақт-га мўлжаллаб олиниши ва анализ қилиниши керак. Шундай олинган ўртacha намуна анализлари тўғри ишончли далиллар-ни беради.

Саноат корхоналари чиқинди сувларининг ўзига хослиги, улардаги заҳарли моддаларнинг борлигидандир: жумладан сув, таркиснда феколлар, цианиндар, марганец, мис, фтор, кўрғо-шин, симоб, кадмий, хром, нитробирикмалар ва бошка кимё-вий моддаларнинг мавжудлиги ва киши организмига, сувнинг флора ва фаунасига хавф туғдиришидандин. Ҳаттоқи, бир> саноат корхонасидаги чиқинди сувларда бир неча хпл зарарли моддаларнинг борлиги аниқланган, чунки ишлаб чиқариш-нинг ҳар хил босқичларида турли хил кимёвий моддаларш* ишлатилиши, олиниши, қатнашиши мумкин. Шунинг учун ҳам корхона чиқинди сувига санитария томонидан баҳо беришда умумий заводнинг бирлашиб чиқаётган чиқинди сувига эмас, балки ҳар бир цехда пайдо бўладиган чиқинди сувлар текши-рилиб, лаборатория анализи ўтказилиб, ундаги ингридиентлар-га қараб баҳо берилиши керак. Шу йўллар, усуллар билан уларни зарарсиз ҳолатга келтириш мумкин.

Саноат корхоналарининг чиқинди сувлари сув ҳавзаларига, ундаги жониворларга, одам организмига л[<]уда кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи бир корхоналар — гўшт ишлаб чиқа-риш, тери ишлаш, қанд, гидролиз ва бошқа заводлар чиқинди сувларининг таркиби органик моддаларга бой бўлиб, улар асосан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги органик моддалардир,, уларнинг таркибида қалқиб юрувчи майда зарралар сув тагига чўкиб иккиламчи ифлослантирувчи омилларга айланади.

Бошқа саноат корхоналарининг чиқинди сувларининг тар-кибида жуда кўп микдорда минерал типида қалқибиган мод-далар бўлиб, улар чўкиб сув ҳавзаларини саёзланишига олиб боради, кейинчалик ботқоқлар пайдо қилиб, дарё тагидагӣ яшайдиган жониворларнинг қирилишига олиб келади.

Тўқимачилик коадбинатлари, металл ишлаш заводлари ва кимё корхоналаридан чиқсан сув таркибида кўп микдорда за-ҳарли моддалар бўлади, улар сувдаги тирик организмлар ва аҳоли учун ўта заҳарлидир. Саноат корхоналарининг чиқиндук сувлари таъсирида сувнинг ранги ўзгаради, кимёвий моддалар сув мазасини, ҳидини ўзгартиради.

Нордон ва ишқорилик чиқинди сувлар сувнинг реакция[^]л киришишини ўзгартириб юборади. Ёғлар, нефть қолдиклари сув юзасида юпқа пардалар ҳосил қиласди, сувга оксигеннип ўти-шига қаршилик кўрсатади. Сувнинг ташқи кўр[^]лишини бузади. Баъзи бир корхоналар чиқинди сувлари турли инфекция касалликларини тарқалишига сабаб бўлади, масалан биофаб-рикалар, мўйна, тери ишлайдиган фабрика чиқиндиларида куй-дирги касаллигини тарқатувчи микроб бўлиши мумкин.

Умуман олганда, чиқинди сувлар билан сув ҳавзаларини ифлосланиши халқ хўжалигига, одамлар соғлигига ва табиат-га жуда катта зарари бор.

Саноат корхоналари чиқинди сувларини тозалаш ва за-рарсиз ҳолатга келтириш энг асосий масала бўлиб қолди.

Бу борада республикада олиб бооилаётган жуда күп илмии ишлар, тажрибалар, шу соҳада ишлаб турган ҳозирги тозалаш иншоотларини, чиқинди сувларни тозалаш ва зарарсизланти-ришни янада мукаммаллаштириш, еаноат корхоналари учун тозалаш иншоотларини қуриш ва ишлатиш — бу масалани ижо-бий ҳал қилишда катта аҳамият касб этади.

Аммо шуни айтиш керакки, күп ҳолларда тозалаш ин-шоот-ларининг чиқинди сувларини тозалаш ва зарарсизлантиришнинг янги усуулларини жорий қилиш анча мураккаб бўлиб, жуда катта маблагни талаб этади. Шуничг учун лоақал умумий тадбир ҷарабаларни амалга ошириш ахволни анчагина енгиллаш-тиради ва ёрдам беради. Жумладан саноат корхоналари учун янги жойни танлаш, чиқинди сувларни сувга ташлагандага аҳо-лининг сувдан фойдаланишига зарар бермаслигини таъмин-лаш ёки чиқинди сувни зарарсиз ҳолатга келтиришни ташкил қилиш; корхоналарда сувни кам ишлатиш йўлларини режа-лаштириш, хом ашёни тежамли ишлатиш, реактивларни сувга тушишини камайтириши, аппарат ва ускуналарни яхши берки-тилишини таъминлаш; сувни қайта ишлатишни ташкил қилиш, унда чиқинди сувлар миқдорини иложи борича камайтириш; цехларда пайдо бўладиган чиқинди сувларни алоҳида-алоҳида канализацияга тушириш; агар корхона чиқинди суви ўзининг таркиби ва хусусияти билан шаҳар чиқинди сувига ўхшаса унда чиқинди сувни умумий канализация сувига қўшиш тав-сия қилинади, пировардида ҳамма чиқинди сувлар шаҳар тоза-лгиз иншоотларида тозаланади ва зарарсиз ҳолатга келтири-лади.

Агар саноат корхоя сувлари очик сув ҳавзаларига туши-рнладиган бўлса, қўйидагиларга аҳамият берилиши кера.к:

1. Иссик чиқинди сувларни фонтанларда, сув соладиган ҳовузларда совутилиб, сўнгра очик сув ҳавзасига туширилади.
2. Нефтларни, ёғларни нисбий зичлиги кам бўлган модда-ларни маҳсус ушлагичларда тозаланади.
3. Кислотали чиқинди сувларни доломит ёки оҳак билан нейтраллаш лозим.
4. Қалқыйдиган моддаларни тиндиргичларда ушлаб қолиш, шуларга мос мосламалар тайёрлаш ва тиндиргичлар тагига чўхтиришки таъминлаш.
5. Усимлик ва ҳайвонларни органик моддалари билан иф-лосланган чиқинди сувларни биологик усууллар билан тоза-лашни таъминлаш.
6. Қимёвий зарарли моддаларни ал-ратиб олиш, парчалаш, шимдириш ва тиклаш усуулларини кўллаб, уларни очик сув ҳав-заларига тушмаслигини таъминлаш.

Агар корхоналардан чиқадиган чиқинди сув таркибида ор-ганик моддалар кўп бўлса, ундай сувларни биологик методлар билан тозалаш ва зарарсизлантириш керак.

Металлургия заводлари. Бу заводларда технологик жара-ёнлар асосан қўйидагича: 1. Домна ўчоқлари темир рудасидан

чўянни эритиб олиши; 2. Мартен ўчокларпда чўяндан пўлат эритиб олиш; 3. Пўлатни ишлаш, ундан темир излар, тўсинлар ясалади. Бу жараёнлар жуда юқори ҳарэратда кечади. Метал-лургия заводларида 75% сув ишлаб чиқилган маҳсулотни соф-вутиш учун сарфланади. Энг кўп чиқинди сув домна ўчогида, пўлат эритиши ва прокат цехларида пайдо бўлади. Домна цехн-да сув домна газини чанг ва газсимон моддалардан тозалашда пайло бўлали. 1 тонна чўян учун 20 m^3 чиқинди сув ишлов-дан ўтади, сувнинг ҳарорати $40-50^\circ\text{C}$ га teng, ранги қорам-тир-кулранг, 1 л сув таркибида $1000-4000$ мг қалкӣдиган моддалар аникланилади. Чўянни совутишда, темир қуядиган машинадан 1 тонна чўян учун $3-4\text{ m}^3$ сув сарфланади ва на-тижада чиқинди сув пайдо бўлади, 1 л сув таркибида 2000 мг қалкӣдиган моддалар учрайди.

Пўлат эритиладиган цехларда ҳар бир тонна пўлат учун 3 m^3 дан 15 m^3 гача сув сарфланади. Чиқинди сувлар сувда қалкӣдиган майда моддалар билан ифлосланган бўлиб, улар-нинг миқдори 50 дан 1500 мг-литрга teng.

Прокат цехида сув асосан конструкция ва механизмларни совутиш учун ва окалин моддаларини ювиш, совутиш ва оқн-зиш учун ишлатилади. Чиқинди сувдаги қалқиб юрадиган зар-ралар миқдори 220 мг/л, ёғлар 30 дан 170 мг/л га етади.

Металлургия саноати чиқинди сувларга, шунингдек, руда-ларни бойитиш ва агломерация фабрикаларининг сувлари ҳам киради. Аммо бу объектлар чиқинли сувларининг таркни жула кўп қалқиб юрадиган моддалар, қолдик флютореагент-лардан иборат. Бу чиқинди сувлар шлам йигувчи ҳовузларда тиндирилади, сўнгра ишлаб чиқаришда қайта ишлатилади. Масалан, Олмалиқ тоғ жинсларини бойитиш фабрика сувлари шу усул билан икки тиндиргичларлан ўтиб фабрикада қайта ишлатилади.

Санитария нуқтаи назардан энг хатарли чиқинди сувлар металларни кислоталар билан ишлаш цехининг чиқинди сув-ларидир. Бу жараёнда икки хил чиқинди сув ҳосил бўлади; темирни кислоталар билан ишлаш оқибатида ҳосил бўладиган эритмали чиқинди сувлар ва шунингдек механизмларни ювиш оқибатида пайдо бўладиган чиқинди сувларни. Био. тонна маҳ-сулотга сарфланадиган эритмали чиқинди сувлар миқдо^и $0,5\text{ m}^3$, ювинди чиқинди сувлар эса 3 m^3 га teng. Эритмалн чи-киндилар ўз таркибида 1 метрида $30-100$ гр экин сульфат кислота, $100-300$ гр, темир купороси бўлади, сув температура-си 80°C дир. Ювинди сув чиқиндиларида кислоталар концентрацияси литрида $0,6$ ва $0,8$ г., темир тузлари $2,5$ граммни таш-кил қиласди. Металлургия заводларининг чиқинди сувлари сув ҳавзаларига ташланганда, уларда қалқиб юрадиган мюддалар миқдорини оширади, нисбатан йирикроқ, зарралар сув таш-ланган жойда, сувни тагида чўкма ҳосил қиласди.

Майда зарралар сув ҳавзасида узоқ масофага оқиб бэради ва сувдаги тозаланиш жараёнларини бузади.

Кислотали чяқиндилар су - .: и I Гини ва санитария режимин :: ва чи ;увкинг харакати айки вакт да сув ҳавзаларнга ҳам ' этади. ди сувдаги заҳар-л\\ моддалар сувдагп ўсимлик ва ҳайвон ва жониворларга таъ-сир қилиб, уларнинг фаолиятини ҳам издан чиқаради.

Шундай аҳвол сэдир бўлмаслиги учун металлургия завод-ларнда ҳосил бўлган чиқиндп сувлар тўла-тўкис қаптадан пшлатилиши мумкинлиги юлим ва инженерлар гомонидан ис-ботланади. Шу чиқинди сувларни тозалаш иншоотларн орқа-ли заводга қайтариш уларни очик сув ҳавзасига ташлагандан кўра анчагина қулайдир.

ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ҚОФОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТЛАРИНИНГ ЧИҚИНДИ СУВЛАРИ

Халқ хўжалигини асосий тармоқларидан бири целлюлоза, •қоғоз ишлаб чиқариш саноатидир. Қоғоз ва картон ишлаб чи-каришда технологик жараёнлар учун жуда кўп микдорда сув херак. Масалан, бир тонна қоғуз ишлаб чиқариш учун ўртacha $300-350 \text{ m}^3$ сув талаб қиласи, баъзи бир маҳсулотлар учун эса 600 m^3 сув сарфланади.

Целлюлоза материалыни олниш технологиясида сульфат ва •сульфитни пшлатиш мумкин. Чиқинди сувлар сульфат — целлюлоза корхоналаркнинг ҳаммасида ҳосил бўлади. Бу чиқинди сувларнинг ўзгага хос томони шундакн, уларнинг таркибида жуда кўп микдорда қалқиб юрадиган моддалар, эригаи хол-даги оргакк моддалар ва нохуш ҳид тарқатадиган моддалар учрайдк. Чиқинди сувлар тўрг бўлакка бўлиниб, канализация-га оқиб тушади. Улар: пўстлоқли чиқинди сувлар, толали иш-қорли ва нохуш ҳид берувчи чиқинди сувлардир.

Пўстлоғи бўлган чиқинди сувлар барабанли ва тўрли фильтрларда тиндирилади ва корхонага қайтарилади. Толали чиқинди сувлар турли фильтрлардан ўтказнилиб, горизонталь ёки тик ткндиригичларда тиндкрилади.

Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқарпш сакоатларидан чиқадиган чиқинди сувлар ҳар хил бўлишидан қатъий назар маҳаллий тозалашлардан ўтгандан сўнг уни умумий биологик воситалар бклан тозаланишдан ҳам ўтказиш шарт.

НЕФТЬ ЧИҚАРУВЧИ, НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ САНОАТЛАРНИНГ ЧИҚИНДИ СУВЛАРИ

Нефтни ер тагидан олиш ва упи қайта кишаҳаш жуда кўп микдорда сув талаб қиласи. Айниқса, нефтни қайта ишлаш заводлари қаторига нефть-химия саноатини қўшилиши чиқин-ди сув таркибини ниҳоятда мураккаблаштириб юборади, бу албатта бундай сувларни тозалашни ва заарсизлантиришни қийинлаштириб юборади.

Нефть конлариннг чиқинди сувлари асоспда қатlam сув-лари ётади, улар қазиб олинадиган нефть миқдорининг 10—25% ташкил қилади. Нефть таркибидаги қатlam сувларни аж-ратиб олиш мақсадида нефть термик ва электр кимёвий усул-лардан фойдаланилади.

Ер қатlam сувлариминг таркнбн ҳар хнл бўлиб, бу нефть конларига жгда боғлик.

Бир литр" сув таркибидаги 1200—2000 мг нефть ва 1500 мг сувда қалқнйдпган заррадар мавжуд булади.

Нефтни қайта ишлаш корхояларида турли технологик жа-раёнларнинг бўлиши ҳосил бўладиган чиқинди сувлар мурак-каблигидан далолат беради, ва бу чиқинди сув таркибпда ками: билан 10 хил мюддалар борлиги қайд этилади.

Бу эса чиқинди сувларки тозалзшда комплекс методлар-дан фойдаланпшни талаб этади. Санитария нуктаи назардан. электр тузсизлантиргич аппаратларииинг чиқинди сувларни: анча аҳамиятли, бундай сувлар бир литри таркибнда 30—40 г нефть 10—15 г хлорид мавжуд бўлади. Бу сувларнинг юкори даражада минераллашуви қайта фойдаланишга пмкон бер-майди. Нефтни қайта ишлайдиган бошқа корхоналар чиқинди. сувининг бир литрида бир неча мг дан бир неча граммгача нефть, шуннингдек парафин, сероводэрорд, аммиак ва меркан-тан сульфит, фенол мюддалари бўлади. Ҳар бир тонна нефть маҳсулоти учун 2 дан 3 м³. мукаммаллашган корхоналарида эса 0,8—1,5 м³ сув сарфланади.

Сув ҳавзаларига чиқинди сувлари билан нефть маҳсулот-лари ташланади, оқибатда сув юзаснда нефть пардалари, нефт-нинг оғир бўлаклари сув остида чўкма ҳосил қилади, сувдан керосил ҳиди келади. Булар жуда кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Сув тўлқинлари нефть пардаларини хай-даб қиргоқларкн ифлослантиради, бундан ўсимлнклар зарар-ланади, сув тагида нефть чўқмалари иккиласччи ифлосланти-рувчига айланиб қолади.

Дарёлардаги чўқмалар тошқинларда ҳам йўқолмайди, иф-лосланиши сув та'ида бир қанча масофаларга етиб боради.

Нефть ва унинг маҳсулотларининг энг ккчик миқдори ҳам" сувга нохуш ҳидларни беради. Сувдан доимо керосин ҳиди ке-либ туради, аҳюли асосан шу кўрсаткич бўйича шикоят қила-дилар, натижада сувнинг санитария ҳолати бузилади.

Чиқинди сувлар ташланадиган сув ҳавзаларидан нефть ва унинг маҳсулотларини ҳиди келмаслиги учун чиқинди сувлар-ни исфть маҳсулотларидан тозалаш катта аҳамиятга эга.

Нефть ишлаб чиқиш корхоналарининг чиқинди сувлари сув ҳавзаларининг фақатгина иефть ва унинг маҳсулотлари би-лангнка эмас, балки турлар билан ҳам ифлослантириб, сувни шўр ҳолатга келтиради.

Сув ҳавзаларини нефть ва нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқинди сувлари билан ифлосла-нишидан мухсфаза қилиш учун тозалаш икшоотларини мукам-

маллаштириш, технологик жараенларни янгилаш ва комплекс санитария ва технология чораларини амалга ошириш зарур бўлади.

КОКС-КИМЁВИЙ ЗАВОДЛАР ВА ГАЗОГЕНЕРАТОР СТАНЦИЯЛАРНИНГ ЧИҚИНДИ СУВЛАРИ

Кокс-кимё заводларида ишлаб чиқариш икки кисмга бўли-нади. 1. Учоқларда кокс олиш учун кўмирни қуруқ хайдаш жараёни. Кўмирни кокслашга тайёрлаш (кўмирни ювиш) ва ўчоқдан чиқкан чўғ коксни ўчириш оқибатида чиқинди сувлар пайдо бўлади, унинг таркиби сувда қалқийдиган моддаларга бой. Бундай чиқинди сувларни тиндириш йўли билан қалқий-диган зарралардан тозалаш зарур. 2. Ишлаб чиқариш жараё-нида газлар ҳосил бўлади. Бу газдан турли маҳсулотлар, яъни аммиак, бензол, смолала, рни ажратиб олиш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди сувлар сув ҳавзаларини булғайди. Жумладан, бу сувдаги феноллар ва бошқа органик моддалар оксидланиши натижасида ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бундай чиқинди сувлардан смолалар уш-лаб қолингандан сўнг, сувни эриган органик моддалардан то-залаш керак. Фенолларни биохимик усуслар билан парчалаб улардаги карбонлардан фойдаланадилар. Бунинг учун фенол-ди чиқинди сувларни ахлатли чиқинди сувларига қўшиб, тоза-лаш иншоотларига юборилади.

Фенолнинг сувдаги миқдори 80—120 мг/л ва ундан опшқ бўлса парчаланиш жараёни яхши кетади.

Энг ишончли методлардан бири коксни ўчириш учун фе-волли чиқинди сувлардан фойдаланишидир. Бунда 50% сув парчаланиб, қолган миқдори қайта жараенда иштирок этади. Бу методлар ко>кс химия саноатларада кенг кўламда ишлати-лади.

Газогенератор станцияларида сорти паст кул ранг кўмирни ^урук хайдаш билан газ, тошкўмир олинади. Ҳосил бўлган газни ювиш натижасида чиқиқди сувлар пайдо бўлади. Ла-боратория тажрибаларидан маълум бўлишича фенол парча-ловчи микроблардан фойдаланиб чиқинди сувни фенолдан ҳо-ли килиш мумкин.

Иситилган сувлар. Иситилган сувларни очик сув ҳавзала-рига ташлаганда пайдо бўладиган салбий таъсир кўп вакт гигиена мутахассислари эътиборидан четда эди. Кейинги 15—20 йиллар даво-мидагар марказлашган ёқилғи ёкиш билан ёки атом молекулаларини ишлатиш билан электр

знергиясини олиш, ўта кучли электростанцияларини қурит жуда тарақкй этиб кетди. Электростанциянинг аппаратлари, ускуналари, трубиналарини совутиш учун жуда катта миқдор-даги сув ишлатилади. Бу сувларни совутиш эса катта муаммо бўлиб қолди.

Ҳорижий мамлакат адабиётларида келтирилган далиллар-га қараганда иситилган сув очиқ сув ҳавзаларига ташланиши оқибатида юқори даражада ифлосланиш кузатилмоқда. Сув ҳавзаларига оқиб тушган иссиқ сув сапрофит микроорганизм-ларининг кучли тарақкй этишига ва кўпайишига ижобий таъ-сир кўрсатади, сув ҳавзаларидан азот ва фосфор элементлари кўп бўлса микробларни кўпайиши айниқса жадаллашади.

Бактерияларни кўпайиши сувдаги эриган оксигеннинг миқ~ дорини камайтиради. Бундан ташқари, иеиган сувда оксиген-нинг камайиши унинг эрувчанлигини ҳам камайишидандир.. Исиган сув ҳавзадаги хид ва мазасини ўзгартириб юборади.

Бундай сувларни водопровод сув иншоотларида ишлатиш: ҳам қийин бўлади. Юқори ҳароратли сувдаги ачиш жараёни тезлашиб кетади, бу эса ўз навбатида эриган оксигенни қабуд қилишини кучайтириб юборади, сувнинг санитария режими: бузилади. Айниқса, патоген микроблар вирусларнинг сақлани-шига, кўпайишига ва сув оқими бўйича тарқалишига имкон. тугилади. Сув ҳавзаларida ҳарорат $37-38^{\circ}$ етганда сувда қо-рин тифи микроби, энтероконлар ва бошқа патоген микроблар ўсади ва кўпаяди. Сувдан фойдаланишни ҳамма формалари бузилади, яъни ичиш, чўмилиш, экинларни суғориш, корхона-ларда ишлатиш, дам олиш мақсадларида сувдан фойдалани& бўлмайди.

Исиган сувларда хлор ва озон бактерияларни қириш ху-сусиятларини йўқотадилар. Сувнинг исиган зоналаридан ба-ликларнинг ҳамма тури қочади. Чукки иссиқ сув балиқларни қирилиб кетишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам мутахассислар қайси йўл билан бўлмасин иситилган сувларни очиқ сув ҳавзаларига ташламаслик йўл-ларини топиши керак. Бу масалалар Ленинград атом электро-станциясида ижобий ҳал қилинган. Ишлатилган сув ҳавзалар-га ташланмай атом электростанциясида қайта ишлатилади. Иссиқ сувлар фонтанлар ёрдамида сув совутиш ҳовузларига ташланмай мумкин. Иссиқ сувни ҳавзаларга ташлашдан ол-дин уни рухсат этилган ҳароратга келтириш талаб қилинади.. Масалан, фойдаланилган сувнинг ҳарорати $+3^{\circ}\text{C}$ атрофида бў-лиши ва шундан кейингина ҳавзага юборилишига рухсат бе~ рилади.

ЧИҚИНДИ СУВ ЮЗАСИДАГИ АҚТИВ МОДДАЛАРДАН ТОЗАЛАШ

Чиқинди сув юзасидаги актив моддалар юқори молекулали органик бирикмалар бўлиб, улар суюқлик юзаси билан ҳаво-

тегиб турган чегарада йиғилпб, бу юза таранглигини пасайи-шини кўрсатади. Бу моддалар асосан нефть маҳсулотларидан олннади. Улар саноат корхоналарининг турли соҳаларида иш-латилади: жумладан, химия, тўқимачилик, металлургия ва ранги металларни темир маъданларини бойитишида ва бошқа-ларда ишлатилади. Чиқинди сувларда актив моддаларининг бў-лиши, уларни тззалашиб қийинлаштиради. Кейининг вакъларда юза актив моддалар оддий совун ўрнкда игилатилмоқда.

Каткжада юза актив моддалар канализация сувларида донмо мавжуд бўлмоқда. Уларни сув ҳавзаларига тушиши эрнган оксиген микдорини камайтириб сув юзасида чидамли .кўпиклар пайдо килади, балиқ ва бошқа турдаги жониворлар-ний заҳарлайди. Юза актив моддалар биокимёвий оксидланиши қийин, биологик тозалаш икшоотларида тозалаш жараёнлари-ни нитрификация жараённда қатнашадиган бактеркларнинг фаолиятини пасайтиради, аэротенклоада жуда кўп кўпиклар-ни пайдо килади, улар ўз навбатида актив лойқаларни ўзла-рига илаштириб кетади.

Юза актив моддалар чиқинди сувларни озон билан ишлаш яхши самара бериши тажрибада аниқланган. Юза актив моддаларининг оксидланиши асосан сув қатламида боради, бошқа зарарли моддалар пайдо бўлмайди, шунинг учун озон микдо-рини бошқаришга ҳожат қолмайди.

Табиий сувларда органолептик кўрсаткич бўйича сульфо-натлар, алкилсульфонатлар учун бир литр сувда 0,5 мг. мик-дордаги актив моддала,р бўлишига рухсат этилади.

ҚАНД ЛАВЛАГИ ЗАВОДЛАРИНИНГ ЧИҚИНДИ СУВЛАРИ

Қанд ишлаб чиқариш жараённида лавлагидан сув ёрдамида қандни ажратиб олинади. Бунда қанд лавлаги транспортёрлар ёрдамида ювадиган хонага етказилади, сўнгра лавлаги майда-ланкб, бу маҳсулот диффузорларга ўтказклади. Асосий жараён диффузорларда кечади. Диффузорлардан ажраткб олинган лавлагини шарбатига карбонат ангидрпдн газн билан ишлов берилади, сўнгра фильтр-прессадан ўтиб буғлатиш цехига юбо-рилади. Фильтр-пресс ҳамма ифлосликларни ушлаб қолади. Буғлатиши цехида қанд кристалл ҳолга келади. Сиқиб шарба-ти олинган лавлаги қолдиги диффузордан маҳсус ўрага туши-рилади.

Транспортёрдан ва лавлаги ювилишидан ҳосил бўлган чи-қинди сув ифлосланиши мумкин. Буядай чиқиндк сувлар тин-дирилгач, сув ҳавзаларкга ташланиши мумкин. Диффузорлар-да, фильтр-поессларда ҳосил бўлгам сув қабул резервуарла-рида тўпланкб, насос станц-иляр ёрдамида фильтрлаш май-донларига ташланади.

Конденсация оқибатида ҳосил бўладиган сув совутилгандан сўнг ҳавзаларга ташланиши мумкин.

Бу китобда ҳамма саноат корхоналарида пайдо бўладиган нди сувларда тўхталиб ўтишин иложи йўқ, улар жуда кўп. Аммо умумий тавсиялар устида тўхталиб ўтамиз. Саноат чи-кпндин сувлари жуда кўп ва маҳсус адабиётларда ёритилган.

Аммо чиқинди сувларга нисбатан умумий тадбир ва чора-лар устида тўхтаймиз, чунки бу тадбир-чоралар очик сув **ҳавз**-заларши мухофаза қилишда албатта ижобий ролни ўйнайди.

24-жадвал.

Очиқ сув ҳавзаларини саноат чиқинди сувлари билан ифлосланишини камайтириш тадбирлари

(К. А. Буштуева ва бошқалар)

Технологик тадонрлар 1	Санитария-технологик тадбирлар 1	Ёрдамчи тадбирлар
<p>1. Ишлаб чиқариш жаргиларининг технологик томондан ўзгарниши</p> <p>2. Чиқинди сувлар миқдорини камайтиклиш ва қайта фойдалапиш, сув таъминотининг берк системасини яратиш</p> <p>3. Чиқинди сувлардаги кимматли моддалардан фойдаланиш</p>	<p>1. Чиқинди сувларни тозалаш ва зарар-еъизлантириша физик, математик методлардан фойдаланиш</p> <p>2. Чиқинди сувларни тозалашда ва зарар-сизлантириша физик, кимёвий ва меҳаник усууллардан фойдаланиш</p> <p>3. Чиқинди сувларни тозалашда хўжалик сувларни биргаликда ва алоҳида болослик методлардан фойдаланиш</p>	<p>1. Лойиҳалаш. Масалан, сув оладиган ЕЭ чиқинди сув ташланадиган жойки бир-бира га нисбатан тўғри жойлаштириш</p> <p>2. Айрим корхона ва цех чиқинди сувларини чиқаришда алоҳида канализация-дан фойдаланиш</p> <p>3. Чиқинди сувларни ташлашни бошқариб туриш</p>

Очиқ сув ҳавзаларини мухофаза қилиш, уларга саноат чи-қинди сувларини тозаламай ва уни зарарсиз ҳолатга кедтир-май ташлашни олдини олиш жадвалда аниқ кўрсатилган.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги технологик жараёнларни ўзгартириш, чиқинди сувлар миқдорини камайтириш ва чиқин-ди сувларни ишлаб чиқариш корхоналарига яна қайтариш сув ҳавзалариш* мухофаза қилиш имкониятини беради. Тозалан-ган чиқинди сувларни қайта ишлатиш учун сув таъминотининг берк системаси зарур бўлади. Айниқса, бир-бiri билан боғ-лиқ технологик жараёнларда чиқинди сувни қайта ишлатиш имкониятини топиш мумкин. Бу соҳанинг яна бир мураккаб томони ҳар бир корхона сувини қайта фойдаланиш учун уни тозалаш ва зарарсизлантириш тадбирларини кўришдир. Бу масалаларнинг техник томони ҳал қилинган бўлса-да, уларни амалга оширишдаги қийинчиликлар мавжуд, табнат мухофаза-сининг иқтисодий томонларини ҳисобга- ола билмаслик қуза-

тилмоқда. Оқибатда жуда күп сув ҳавзалари саноаг чиқинди сувлари билан ифлосланиб халқ хұжалигига, ахоли соғлигига катта путур етказмокдалар.

Бу масаланы яхш-и ҳисоб-китоб қилиб комплекс ҳал қилиш табиатта ва одамлар соғлигига етказаётган заарнинг олдини; олади, миллионлаб маблағларни тежайди. Масалан, Оролға етказилған заарни, унинг атрофига жойлашған ақолининг соғлигига, иқтисодига, табиатнга келтирилған заарни мил-лиард сүмлар билан ҳисоблаш мүмкін. Бу эса сув ҳавзалари-дан нотұғри фойдаланиш оқибатидир. Шунинг учун ҳам чиқин-ди сувларини қайта фойдаланиш методларини арzon йүллар-билан ишлаб чиқиш сув объектларини ифлосланишдан сақ-лайди ва сув ҳавзаларидан корхоналар учун фойдаланилади-ған сув миқдорини кескин камайтиради.

Хозирғи нефть қайта ишлаш кооконаларидаги чиқинди сув-ларни күп қисми қайта ишлаб чиқаришга қайтарилади. Яңғыз технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга тадбик этиш янғы сувдан фойдаланишни 27% камайтиради.

Целлюлоза-қозоз ишлаб чиқариш корхоналарининг техно-логик жараёнларининг такомиллашиши чиқинди сувлар миқдо-рини анча камайтиради. Жумладан, үтін пүстлогини тозалаш-да юза барометrik конденсаторлар қўллаш чиқинди сувларни. камайтиради. Шу билан тоза сув сарфи бир тонна маҳсулог учун 3—5 м³ га камайди. Сувни тиндириш оқибатида ҳссил бўлган чўкма картон ишлаб чиқаришда тўлдиргич сифатида фойдаланилмоқда.

Яна бир мисол. Сода ишлаб чиқаришда күп моддалар чи-қинди сув билан оқиб кетади, ҳозир фильтр суюқлигидан хло-рид кальцийни, хлорид аммонийни ажратиб олиш — уларнинг чиқинди сув таркибидаги концентрациясини акча камайти-ради.

Саноат корхоналари чиқинди сувлари таркибидаги сувда қалқыйдиган моддаларни тиндириш усуслари сувларнинг ҳа-ракат тезлигини ўзгартиришга олиб келади. Чунки чўкма ҳо-сил құлувчи моддалар заррачаларининг диаметри турличадир. Масалан, Иссиклик злектр зиергияси ишлаб чиқиладиган корхоналардан кулларни чиқариб ташлаш учун фсайдаланилади-ған сув кул ва шлак билан ифлослчнади. Демак, тиндиригичлар сувни шлаклардан ва куллардач тозалаш керак, сўнг сув корхо'нага қайтарилади.

Чиқинди сувлардаги жуда чидамли ва ўта захарли тетро-этилқўргошинли бирикмалар озонлаштириш ёки водород атами билан қайта тиклаш орқали ажратиб олинади. Ферромарганец ишлаб чиқариш корхоналари сувининг литрда 100—300 мг цианилдар ушлаган чиқинди сувларини, прокат цехида пайдо бўлган таркибида 140—180 мг темир сульфат ва 40—50 г сульфат кислота бўлган эритма билан ишланади ва заарар-сиз ёки кам захарли ҳолатига келтирилади. Кейинги вақтлар-да чиқинди сувларни биологик усуслар билан тозалаш тез.

ривож топмокда, бунда актив чўкма таркибидаги биоценоз билан чиқинди сувлар таркибидаги органик моддаларнинг ўза-ро таъсири остида сувларнииг тозаланиши юқори натижа бер-моқда.

Тозалаш иншоотларида хўжалик чиқинди сувлари турли микроорганизмларнинг манбаи бўлганлиги, жумладан, биоло-гик пардаларни пайдо бўлиши, актив чўкмалар ва бошқалар чиқинди сувларининг тозаланишига катта имкониятлар туғди-ради.

Бундай ахволни саноат чиқинди сувларида кузатиш анча қийин. Чунки корхона сувларида микроблар учун озук модда-лар, биологик элементлар, яъни фосфор, азот ва калийлар умуман учрамайдн. Аксинча, чиқиндл сувлар таркибидаги ор-ганик модда жуда кўп микдорда оксигенни ўзига олади.

Корхзна чиқинди сувларини тозалашда ва заарсиз ҳолат-га келтиришда юқорида зикр қилинган тадбир ва чоралар билан бир қаторда лойиҳалаш ишлари ҳам анчагина ёрдам беради.

Баъзи бир корхоналарда маҳаллий тозалаглни уюштириш учун айрим цехларнинг чиқинди сувларига нисбатан алоҳида канализация ташкил қилишни планлаштириш катта аҳамиятга згадир. Маҳаллий тозалаш иншоотларидан сўнг корхона сув-ларини ифлосликларини ўртача ҳолатга келтириб умумий чи-қинди сув канализациясига ташлаш сув ҳавзаларидағи кимё-вий моддалар концентрацияларининг ортиб кетишига йўл кўй-майди, сувнинг санитария режимини оз бўлса-да саклаб қо-лишига ёрдам беради.

Ююрида баён қилинган комплекс тадбир ва чораларнинг амалга оширилиши корхона чиқинди сувларини сув объектла-рига ташлаш шароитини яратиб беради. Бунда регионларда ишлаб чиқариш объектларини, аҳоли турар-жойларни тўғри жойлаштириш, район лойиҳалаш схемасини тузиш жараёнида корхона чиқинди сувларини тозалаш ва заарсизлантириш тадбирларини синчковлик билан ҳал қилиш керак бўлади. Де-мак, ҳамма кўриладиган чоралар чиқинди сувларни очиқ ,сув ҳавзаларида ташламаслик, сув таркибидаги моддаларни ерлар-га ўғит сифатида фойдаланишга қаратилган.

Суюқ гўнгларни олдиндан заарсиз ҳолатга келтиришда гўнг тўплагич ва тиндиригич ўраларида табиий биологик тоза-ланиш жауаёнларининг кечиши учун суюқ гўнг узок вақт сакланади. Бунда гўнг иккига, яъни суюқ ва қаттиқ гўнгларга -бўлинадн. Гўйтнинг суюқ қисмини 8 соатдан кейин шудгор ат-рофидағи гўнг сакланадиган ўраларга ташланади. Гўнгнинг .қаттиқ қисми тозалаш иншоотларини майдонида 6 ҳафта саклангандан сўнг шудгор атрофидағи гўнг уюмларнга ташла-нади.

Сунъий биологик тозалаш усуулларида ҳам суюқ гўнг икки-та бўлинади, яъни суюқ қисми аэрация усули билан аэротенк-ларда ёки, биологик сув тозалагич ховузларида заарсизлан-

тирилади. Чиқинди сув гигиена талабларига жавоб бериш учунғ. аэротенкшшг икки босқичини ва биологик тозалаш сув ҳовуз-лариннг уч босқичини ўтиши керак.

Бирнчи босқичда аэротенкда 2—2,5 кун, иккинчи босқичда бир кун шамоллатиши керак. Чиқинди сувлар аэротенклардан чиққандан сўнг 20 кун давомида биологик сув тозала ларида сақланади. Бунда сув тозалагич ҳавзалар қурилаётган-да уларкинг таги сув ўтказмайдиган мосламалар билан жи-хозланади, акс холда ер ости суви ифлосланиши мумкнин.

СУВ ҲАВЗАЛ&РИ УСТИДАН ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Тоза сувга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда, чи-қинди ва оқава сувлар тобора кўпайиб, сув ҳавзаларининг ифлосланиши кузатилмоқда. Жуда кўп сув ҳавзалари ишдан чиқаяпти, ахолининг соғлигига путур етаяпти. Бу масала кўп: мамлакатлар олдиди турган муаммол&рдан хисобланади.

Бу масалалар ўз вақтида ақл-идрок билан ечилмаса оқи-батда жуда хавфлидир.

Фан ва техника тараққиёти натижаларини сув ҳавзаларини муҳофаза қилишда фойдаланилмаса, бу йўлда тегишли назораг органлари ўз ишларини кучайтирмаса, қонун ва қоидалар ба-жарилиши кузатилмаса, корхона, шаҳар чиқинди сувларинж мукаммаллашган тозалаш ва зарарсизлантириш иншоотлари-да-ги вазифалари бажарилмас экан, ахолининг сихат-саломат-лиги, доимо хавф остида бўлади.

/"Бу борада анчагина хайрли-амэлий ишлар килинмоқда, жошалекс илмий-тадққот ишлари амалга оширилмоқда. / Узбекистон республикаси табиатни, жумладан, сув ҳавзаларини муҳофазасига катта аҳамият бериб, 1992 йил 3 июляда Республика Олий кенгаши томонидан «Давлат санитария на-зорати тўғрисида»ги қонунни тасдиқлади. Бу қонунда атроф-муҳитни, сув ҳавзаларини муҳофазасига, ахолининг стандартга тўғри келадиган тоза сув билан таъминлашга катта аҳамияг берилган.

ОГОХЛАНТИРИШ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Шаҳар хўжалик ва саноат корхоналари чиқинди сувлариниг. олиб чиқиб кетиш учун қурилган ёки қурилаётган канализация шоҳобчаларидағи техник камчиликлар санитария ҳолатини бу-зиб, соғлиққа путур етказиши мумкин.

Сув ҳавзалари устидан олнб борнладиган огохлантириш санитария назорати тўрт босқичдан иборат.

1. Саноат корхоналари, тураг-жопларни қуриш ва жойлаш-тириш учун ер майдонларини танлаш;
2. Саноат корхоналари ва тураг-жойларни лойиҳалашти-риш;
3. Саноат корхоналари ва тураг-жойлар қурилиши;

4. Объектларми фойдаланиш учун қабул қилинаётганданда шя мутахассисларининг иштичокни таъминлаш.

Санитария амалиёти шуни кўрсатадики, саноат корхонала-ва туарар-жойларни қурниш учун ажратиладиган ер май-д ;арини танлашда, уларни лойиҳалашда канализация маса-!нди сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш тўғ-ри бажарилса — сувларни олиб чишиб кетиш, тозалаш иншо-отларпни лойиҳалаш ва қуриш имконияти яратилади, санита-рия чораларининг самарали бўлиши таъминланади.

Агар объект фойдаланилаётган вақтда камчиликлар топилса, иншоот санитария норма ва қоидаларини бузуб кўрилган бўлса, уларни тўғрилаш жуда мураккаб ишдир.

Қурилиш учун ажратилган майдонларда объексларни тўғри жойлаштириш, бунда сув ҳавзаларидан, ичимлик сувидан фойдаланиш кўзда тутилади. Сув объексларини санитария ахво-лини текшириб, сувнинг санитария ҳолатига аҳамият беришни унутмаслик, саноат корхоналарининг чиқинди сувлари, унинг таркибидағи заарли моддалар концентрациясини билиш, сув ҳавзаларини муҳофаза • қилишдаги тадбирларки ишлаб чишиб-га ёрдам беради.

Лойиҳаланган корхонанинг технологик жараёнларини би-лиш, корхона кучини, чиқинди миқдои, ингридиентлар кон-центрациясини бнлиш зарур. Ер майдонларини ажратишда давлат комиссияси томонидан тузиладиган акт асосий хужжат бўлиб, шунга асосан санитария назорати қурилиш устидан олиб борилади.

Янгйи объексларнинг қурилиши учун тайёрланган лойиҳалар санитария органлари билан келкшмаслиги ҳам мумкин. Ле-кин санитария тажрибасида лойиҳачилар санитария органла-рига шу соҳада мурожаат қилиб турадилар ва гигиена маса-лалари бўйича консультация ёрдамнни оладилар. Умуман, -санитария қоидалари бўйича ҳар қандай лойиҳаларни санита-рия муассасалари талаб қилиб олишлари мумкин. Саноат корхоналари объексларни қуриш учун лойиҳалар тайёрланганда корхона томонидан қабул қилинадиган сув ҳажми, ҳосил бў-дадиган чиқинди сув ҳажми, қайта тозаланган сувни ишлати-ладиган миқдорига аҳамият берилади.

Сув ҳавзаларининг муҳофазасини таъминлаш учун лойиҳа-ларда қўшимча чоралар ўз ифодасики топиши керак. Бунда тасодифан ишнинг бузилиши оқибатида эритмалар, реактивлар, чиқинди сувларни йиғилиши учун маҳсус ҳовузлар, резервуар-ларнинг бўлиши талаб этилади. Бу тозаланмаган куюқ чиқин-диларни сув ҳавзасига ташлашнинг олдини олади.

Лойиҳада албаттa санитария-гигиена лабораториялари кўзда тутилмоғи керак, у лаборатория чиқинди сувларининг то-залаш иншоотларида тозаланиш самарасини текшириш учун зарур.

Қурилиш даврида санитария назоратини лойиҳага киритил-ган ва ишлаб чиқилган баъзи бир гигиеник чоралар бажарил-

ганлигини ва бошқа сув ҳавзаларинн мұхофазаскға қаратил-ған чораларни күзатиш керак. Айниңса, лойиха экспертиззенда күрсатылған камчпликларни бажарилишинн назорат қилиш катта ақамиятга зәғ. Санитария врачлари қурилишда кей шча-лик беркитилиб қўйиладиган обьектларни қабул қўлнишда қат-нашиши зарур.

Санитария врачлари қурилиш вақтида олиб бориладиган назоратни босқичма-босқич ташкил этишин керак, фақат шун-дагина сув ҳавзаларини чиқинди сувлар билан ифлосланиши-нинг олдини оладиган чоралар бажарнлган бўлади.

Лойиха экспертиза қилингандан уч шарт назарда тутплиши зарур:

1. Лойиханинг асосий йўналишини баён қилиш;
2. Лойиханинг ижобий ва салбий томонларига баҳо бериш;
3. Лойихадаги камчиликларни йўқотиш . учун киритилган ўзгаришларни асослаш.

Шулардан кейин умумий хулоса чиқарилади.

Энг катта масалалар, жумладан янги саноат корхоналари-ни сув хўжалиги билан таъминлаш, сув омборлари, мелкора-ция шохобчаларини куриш каби масалаларни тўғри ҳал этишг харур. Бу комплекс бажариладиган ишлар бўлиб, бунда му-таксислар, турли ташкилотларпинг вакиллари ва шулар қаторида албатта санэпидстанция ходимлари ҳам қатнашади.

Одатда келажак учун дастур тузишда уч босқич назарда тутилиши зарур.

1-босқич — ўтмишни ҳисобга олган ҳолда сув обьектларн-ни, табиий ва ижтимоий омилларни таҳлил қилиб, аҳволки яхшилаб аниқлаш;

2- босқич — ҳозирги шароитда аҳолининг сув таъмнотини ва уларнинг сув ҳавзаларига таъсирини ўрганиш даркор. Бн-ринчи ва иккинчи босқич далилларини математик, статистик методлари билан таққослаб учинчи босқични, яъни келажак дастури ва режасини тузиб чиқиш мумкин.

КУНДАЛИК САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Санитария врачлари кундалик санитария назоратини олиб бориш учун канализация лойихаси билан танишиши керак, бундан мақсад лойихадаги сув ҳавзаларини мұхофаза қилиш чоралари амалга оширилғанми, бу амалда қандай бажарил-моқда, канализацияга қайси бир уйнинг чиқиндилари қўшил-ған, қанча аҳоли турар бинолари канализацияга уланмаган, саноат корхоналарининг суви умумий канализацияга тушади-ми ёки алоҳида канализация қурилғанми? ва ҳоказолар.

Канализация шохобчаларп текширилганда, айрим уй, бино канализациясини синчковлик билан кўздан кечириш, тармоқ-ларни, насос станцияларини, тозалаш иншоотларини, очиқ сув ҳавзасига чиқинди сув тушаётган жойни кўриш зарур. Агар канализацияга баъзи бир саноат корхоналарининг чиқинди

сувлари қўшилаётган бўлса, унда ўша корхонада сув ҳосил бўлишидан токи канализацияга келиб қўшилган жойгача тек-шириш шарт. Аҳоли туарар-жойларда сув ҳавзалари, чиқинди сувлар ташланадиган жой, водопровод суви олинадиган жой, пляжлар, спорт машғулоти ўтказиладиган жойдар, қайиқ станциялари кундалик санитария назорати остида бўлади. Зрвли ва кўча канализациялари текширилганда кудук қопқоқ-лари очилиб кўрилади. Қувурларда чиқинди сувларининг ра-вон оқишига қум ва бошқа нарсаларни тиқилиб қолмаганига жонч ҳосил қилмоқ зарурдир.

Назорат кудукларини чиқинди сувларга тўлиб тошиши жуда хавф тугдирадиган фалокат деб тушиниши керак, бу санитария қоидаларини жуда қаттиқ бузилишидир. Чиқинди сувларни тозалаш иншоотларига ҳайдовчи насос станциялари-ни, чўқмаларни текширганда тўрларда ушланган қаттиқ чи-киндиларни олиб ташлаш ва заарсиз ҳолатга келтириш тад-•бирларини кўриш зарурдир.

Тозалаш иншоотларини текширганда куйидагиларга аҳа-змият бериш зарур:

— тозалаш иншоотларини лойиха бўйича қанча чиқинди су-вини тозалашга мўлжалланган ва бутувги кунда қанча чиқин-ди сув тозаланмоқда?

— мабодо тозалаш иншоотларининг бирор бўлинмаси бу-зилса чиқиндини оқизадиган жой борми?

— тиндиргичлардан, қум ушлагичлардан чўкма қандай олинади, қўл кучи ишлатиладими, ишчилар шахсий ҳимоя ки-йимлари билан таъминланганми ва бошқалар аниқланади.

— аэротенкларга, компрессорлар билан ҳаво беришни уюш-тириш тўғри олиб бориляптими, аэрация жараёни учун ажра-тилган вақт етарлими?

— хлоратор аппарати орқали хлор сарфини қаттиқ текши-рилиши керак. Сувни дезинфекцияси учун сарфланадиган хлор микдорини заарсизлантириш самарасини аниқлаш катта аҳа-миятга эга. Шу мақсадда қолдиқ хлорни аниқлаб кўриш ке-рак.

— Биофільтрлар текширилганда сувни фільтр устида тўғ-ри тақсимланишини ва фільтрлар устида чўқмалар йиғилиб қолганлигини кўздан кечириш керак.

Сув обьектларидан олинадиган намуналари сув юзасидан 30—40 см чукурликдан олинади. Агар сув тагидаги чўқмалар иккиласми ифлослантирувчи омилларга айланса, у ҳолда чўқ-малар намунаси ҳам олинниб текширишга юборилади. Сув на-мунаси дарёнинг кеиглигига, оқиши тезлигига ва бюшқа ҳолат-ларга қараб бир неча нуқталардан олинади. Қундалик сани-тария назорати икки кўрсаткич бўйича олиб борилади. Би-ринчисида сапрофит микроорганизмларнинг 37°C ҳароратида инкубация даври 24—48 соат ичиди ўсиши 1 мл сув намуна-сида аниқланилади, иккинчи кўрсаткичи — лактозага ижобий таъсир этувчи ичак таёқчалари сонидир. Иккинчи тоифадаги

сув ҳавзаларида фақат ичак таёқчалари аннкланилади. Эпи-демик шароит яхши бўлмаса сув намунасида патоген микро-организмлар, яъни салмонел, шнгел, пчак вируслари, стафи-лакоклар аниқланплади.

Сувнииг ахлат билан ифлосланганлигпни асосий қўрсатки-чи ичак таёқчалариридир. Одатда сувга ахлат билан тушиб қол-ган бир патоген ҳужайрага 1 млн. ичак таёқчаси тўғри келади.

Тозалаш иншоотларини нш самарасини фақат сув ташла-надиган нуқтадан оқаётган қуий қисмидаги сув намуналарини ўрганиш йўли билан аниқланлиди.

ТУПРОҚНИНГ ИНСОН ҲАЕТИДАГИ УРНИ

Тупроқ ташки мухитнинг асосий бир бўлгидир. Бутун ти-риқчилик, жониворларвинг тирикчилиги, одамзотнинг хаёти тупроқ билан боғланган. Одам ва ҳайвонларнинг саломатлигя тупроқнинг санитария ҳолатига жуда боғлиқдир.

Мутахассисларнинг фикрича, тупроқ тоғ жинсларикинг устки қаватидир. В. Р. Вильямс фикрича, тупроқ жуда мураккаб ми-нерал ва органик моддалар аралашмаси бўлиб, унда хеч қа-чон бирор минут ҳам тинчлик ҳолати бўлмаган, ундаги ҳаёт ва тирик жонлар бир-бира билан боғланниб кетган, тупроқнинг ўзи ҳаёт бағишлайди ва унинг тинчлик, ҳаракатсиз ҳолати ўлимдан иборат.

Дарҳакиқат, тупроқда доимо ҳаёт қайнайди.

Тупроқ қопламасида пайдо бўладиган ўзгаришларда фа-қатгина табиий кўринишгина бўлиб қолмай, балки бу ўзга-ришларга ахолининг катта таъсири бордир, жумладан, одам томонидан ерларни ўзлаштириш жуда катта жойларда дараҳт-лар экиб ўрмончилик қилиш, саноат корхоналари қуриш, уй-жойлар барпо этиш, ерларни мелиорациясини яхшилаш жуда **кўп** органик ва минерал ўғитлар ишлатиш ва ҳоказолар ер-нинг тузилишини, таркибини, физик кимёвий ва биологик ҳо-латини ўзгартириб юборади.

Тупроқ қопламасини ўзгариб кетнши турар-жойларда жуда яққол кўрилмоқда. Саноат корхоналари қалин жойлашган ер-да тупроқ турли хоссага эга бўлиб органик моддалар билан тўйинмоқда.

Техника тараққиёти ернинг рельефини ўзгартириб юбор-моқда. Баъзи бир жойлар чуқурлашиб, баъзи бир жойларда баланд тепаликлар пайдо бўлмоқда. Ҳозир корхюна, кон ва бошқалардан кўплаб чиқиндилар чиқмоқда. Мисол учун Анг-рен кўмир кони, Олмалиқдаги рангли металллар кони ва бош-қаларни кўрсатиш мумкин.

Тупроқни таркибида жуда кўп жониворлар мавжуд бўлиб, улар орасидаги энг муҳими — микроорганизмлардир. Тупроқ юзасида микроорганизмлар қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида қирилса, аксинча тупроқнинг 5—10 см чуқурлигига улар кўпайиб тараққий этадилар, қуёш нуридан сақланадилар,

тупроқ микробларни овқат, намлик ва ҳаво билая таъминлзй-ди. Тупроқ шароити микроорганизмларнинг ривожига, тузлишига, шароитига ва бошқа омилларга таъсир кўрсатади. Микроорганизмлардан ташқари тупроқда бир кужайрали содда ҳайвонлар, мўгорлар,чувалчанглар, бактериофоглар, вирус-лар, кана ва пашшалар, ҳашаротларниг тухумлари ва улар-дан чиққан қуртлари ва ҳоказолар яшайди. Шу жсниворлар-нинг мавжудлиги тупроқка тушган органик моддаларнинг пар-чаланиши жараёнларини фаоллаштириб, тупроқан чиқиндилар-дан тозаланишига ёрдам беради.

Тупроқдаги микроорганизмларнинг жуда қўтгчилигн сапро-фитлар бўлади. Шунингдек ичак касалликларпни тарқатади-ган микробларни ҳам кузатиш мумкин. Тупроқ орқали ЕИрус касалликлари, юқумли сариқ касалляклари ҳам қелаб члкши мумкин.

Гигиеник ва эпидемиологик нуқтаи назирндан энг хавфли-си шундаки, тупроқ шароитида микроорганизмлар ҳар ҳолда анчагина узоқ вақт яшайди. Масалан, қоратупроқда, қўмли тупроқда, қумда ва бошқаларда ичб/руқ касалини тарқатузчи флекснер микроби 25 кундан 100 куягача ва ундан ортиқ, қо-рин тифи ва паратиф касалликларини келтириб чиқарадиган микроблар эса 100 кундан 400 кунгача ўз ҳолатини сақлаб қо-лади.

Бу микроблар инсон организмига тупроқ орхали тўғридан тусиши мумкин ёки бу инфекциялар билан ифлослан-ган тупроққа экилган экинларнинг ҳосили орқали ёки ёмғир билан ювилиб сув ҳавзалари орқали тусиши мумкин. Айниқса, шаҳар тупроқларини тоза тутмаслик тупроқда допмо гижжа тухумлари, ичбуруқ бактериялари пайдо бўдишига олиб кел-моқда.

Тупроқнинг табиий ҳолатини саноат корхоналаридан ташқи муҳитта ташланаётган чиқиндилар бузмоқда. М. Гусез, А. Ка-милджанов, В. Морозов ва бошқа олимлар келтирган далил-ларга қараганда саноат корхоналари жойлашган жойдан узоқ маоофаларда 2 дан 12 км гача ва ундан узоқроқ бўлган жой-ларда симоб, маргимуш, фтор, қўроғшин, мис, марганец, те-мир ва бошқа бир қанча элементларни тупроқда топилгани айтилади, энг хавфлиси шундаки, улар тупроқда йкигила бориб ўсимлик таналарига, уларнинг ҳосилига ўтиб заарлайди. Усимликларнинг таркибида саноат чиқиндиларин-и-нг кўп мик-дорда топилиши ҳайвон ва инсонлар соғлини учун хавфлидир. Бунга мисол қилиб Тожикистон ҳудудида жойлашган алюмин заводининг чиқиндилари Сариосиё туманинг ифлосланишига ва тупроқда, сувда, ўсимлик, ҳайвон таналарида фтор моддаси-нинг ортиб кетганлигини келтириш мумкин.

Тупроқка кимёвий заводлардан, автомобиль транспортидан ва бошқа турли манбалардан рак касаллиги айборлари — канцероген моддалари ҳам тусиши мумкин. Бунда курум, кат-та молекулали углеводородлар, смолалар, нефть ва унинг маҳ-

сулотлари ва бошқалар тупроққа шимилиб-йиғилиб бораётгани тўғрисида маълумотлар бор.

Қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий дориларнинг ишла-тилиши оқибатида тупроқда турли кимёвий моддаларнинг тўп-ланиб бориши кўпчилик олимлар томонидан аниқланди. Улар ҳаводан ёки ердан туриб сепилганда ёхуд уруғлар дорилан-гандা улар билан бирга тушиб ифлослантириши ҳаммага маълум. Айниқса, хлороорганик заҳарли моддаларни тупроқда парчаланмай 4—10 йил қолиб кетиши одамларни ташвишга солмоқда, чунки улар инсон соғлиғига анча хавфлидир.

Кейинги йилларда тупроқни фосфорорганик моддалар ва гербицидлар билан ифлосланиши тўғрисида анчагина далил-лар бор. Жумладан рогор, севин, диурон, монурон, симазин ва бошқалар тупроқда bemalol 1—2 йил ўзининг заҳарли хусусиятини йўқотмай сақланиб туради.

Кейинги йилларда заҳарли химикатлар билан тупроқ иф-лосланишининг олдини олиш тўғрисида анчагина тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан уларни қоидага бўйсунганд ҳолда иш-латиш, иқлим шароитига аҳамият бераб, тупроқлар учун рухсат этиладиган миқдорларви ишлзб чиқиш ва ҳоказолар.

Хозирги вақтда фан ва техника ўсаётган бир даврда жуда кўп миқдорда тупроққа чиқяндилар тушмоқдаким, охир-пиро-вардида тупроқнинг ўзи ишдан чиқиб, одамларнинг соғлиғига путур етказмоқда.

Демак, тупроқни ифлосликлардан муҳофаза қилиш инсоя саломатлигини таъминлашда муқим омил ҳисобланади.

Тупроқни муҳофаза қилиш комплекс тарзида бажарилиша керак. Бу ташкилий гигиеник, санитария, сантехник, агротех-ник ишлари бўлиб, бунда тупроқ ифлосланишининг олдинн олувчи, улар тушган тақдирда одам ва ҳайвонларга зарар бермайдиган, атмосферанинг ифлосланишига олиб келмайдиган, юза ва ер ости сувларидан ва тупроқдан фойдаланишни чега-раламайдиган тадбирлардир. Шундан кўриниб турибдики, ҳо-зир санитария врачининг туирокни турли ифлосланишлардан муҳофаза қилишдаги роли борган сари ошмоқда.

ТУПРОҚНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНИНГ ГИГИЕНИК ЖИҲАТЛАРИ

Тупроқларнинг барчасини гигиеник нуқтаи назардан ҳи-собга олиб, уларнинг фойдаланишига қараб З турга бўлинади:

1. Туар жойлардан ташқари бўлган табиий тупроқ. Бун-дай тупроқлар қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг экиш учун, янги қурилишлар учун фойдаланилади.
2. Туар жойлар учун яратилган сунъий тупроқ, бундай тупроқлар аҳоли туар жойларида ҳосил бўлган, саноат кор-хоналаридан чиқсан ахлат ва чиқндишлар мавжуд ерлардир.
3. Сунъий қоплама билан, яъни асфальт, бетон ва шагал-лар билан қопланган ерлар.

Тупроқлар механик таркибига кўра бир неча гурухларга бўлинади: қумли, қумлоқ тупроқли, қумоқ тупроқли, сертуп-роқлли.

Гигиена нуқтаи назаридан тупроқнинг юза қавати аҳампят-лидир, бунга тупроқнинг ҳайдаладиган қатлами (25—30 см) киради. Чунки бу қатламда қишлоқ хўжалик экинлари етиш-тирилади. Ернпкг шу қаватида тупроқнинг ўз-ўзйини тозалаш жараёни жадал утади. Уининг чуқурроқ қавати ҳам а.нча аҳа-миятлидир, чункин шу қаватда органик мюддалар, ахлатлар за чиқинди сувлар заарсизлантирилади. Тупроқнинг шу қавати-да канализация, водопровод қувурлари ётқизнлади, бинолар-нинг асосий фундаментлари кўйилади.

Шунинг учун ҳам дунёдаги саноат корхоналарининг асосий масалалари технология жараёнларини такомиллаштириб, корхоналарда чиқиндиларнинг ажралишини камайтиришdir, яъни лом-ашёларни, ёқилгини тежаш ишлаб чиқариш жараёнида истрофарчилликка йўл кўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва ҳоказолар. Демак, кам чиқиндили ёки чиқиндисиз технология жараёнларини ишлаб чиқишdir. Аммо, бу талаб-лар тез бўладиган ва амалга ошади^{ан} талаблар эмас. Бу кўп вақтни, маблағни, юқори малакали кадрларни, ишлаб чиқа-ришни ақл-идро!ки билан ўюштиришни тақозо этади.

12.1.007—76 Давлат стандарти бўйича саноат корхона чиқиндилари заҳарлилиги ва ташки муҳитга хавфлилиги билан тўрт гурухга бўлинади:

- 1) фавқулодда хавфли;
- 2) жуда хавфли;
- 3) ўртача хавфли;
- 4) кам хавфли.

Масалан, чиқиндилар таркибида симоб, маргимуш, хром қўрғошинли азот, туз ва богошқалар ўзининг хавфлилиги билан 2 гурухга тўғри келади.

Корхона чиқинди ахлатларида мис сульфати, миснинг ша-вел кислотали тузлари, никелникларни хлорли тузи, қўрғошин ок-сиди ва бошқалар ўзининг киши ооғлигига зақари бўйича

3- гурухга тўғри келади.

Чиқиндиларда фосфатларни, марганец, рухнинг сульфат тузлари ва бошқалар ҳам хавфли зарарли моддаларга, яъни

4- гурухга тегишилдикр.

Қанада давлатида саноат корхона чиқиндилари 10 туркум-га бўлнинган — органик химикатлар, эритмалар, ёғлар, мойлар, кислоталар, ишқорлар, металл чиқиндилари, пластмасса, тўқи-мачилик буюмлари, тери ва резиналар, ёғоч ва қофозлар. ГФР да чиқиндиларнинг рўйхати бўлиб, янги чиқиндилар туркуми пайдо бўлса рўйхатга кўшилиб борилаверади ва уларни зарар-сизлантириш чоралари ишлаб чиқилади.

Саноат корхоналари чиқиндиларини заарсизлантиришишг ўзига хос томонлари бор.

Саноат корхоналари чиқиндиларини гигиеник нұқтаи на-зардан заареизлантиришда шундай усуллардан фойдаланиш керакки, унда одамларга зарар берувчи ва ташқи мухиттік қфлослантирувчи моддаларни заарсиз ҳолатта келтирілсін ёки саноат корхоналари технологияси чиқиндіпсіз бўлиб, таш-қи мухит мухофазасида катта роль ўйнасин.

Кейинги вақтларда заарарли чиқиндилар халқ хўжалигига* кишлатилишига йўл очилмоқда, бунда албатта гигиеник талаб-ларга амал қилинади, чиқиндилар аҳоли соғлигига, атроф-му-ҳитга зарари етмаган ҳолда фойдаланилади.

Саноат корхона чиқиндилари иккига бўлинади, яъни бири-дан фойдаланиш мумкин ва иккинчисидан эса мумкин. эмас, Фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндилар халқ хўжалигининг турли соҳасида ишлатилиди.

Корхона чиқиндилари ўғит, қурилиш материаллари ва баъзи бир маҳсулотларни тайёрлашда •сом ашё сифатида ишла-тилади. Масалан, кимё, кефть саноатларидан чиқадиган шлам қолдик қатламларининг 1 млн. тоннаси қайта ишланса, 4300 тонна кобальт олиниши мумкин. Металлургия комбинат шлак-ларидан ва иосиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган объект-ларнинг чиқинди кулидан цемент, ўғит, минерал толалар олиниди. Уларни бетон қуиши учун тўлдиргичлар сифатида ишла-тиш, кислотага чидамли изоляция материаллари тайёрлаш мумкин. Саноат чиқинди сувларини маълум нормада қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун ишлатса ҳам бўлади. Ху-лоса қилиб айтганда, саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндиларни халқ хўл алигининг турли тармоқларида ишлатиш мумкин, бу гигиеник ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятта эгадир.

■Энди фойдаланиш мумкин бўлмаган корхона чиқиндилари-ни заарсиз ҳолатга келтириш ёки уларни кўмиб ташлаш тад-бир ва чораларини кўркш керак.

Дунё мамлакатлари тажрибасида фойдаланшл мумкин бўл-маган чиқиндиларни ёқнш ёки қиздириш усулларини кўллаб заарсиз ҳолатта келтирилади ва саноат корхоналари учун мўлжалланган полигюнларда кўмилади.

Чиқиндиларни термик, яъни иссиқлик усуллари билан за-арсизлантиришда маҳсус ўчоғларда 1000—1200°Сда куйди-рилади, аммо улар ёниши оқибатида пайдо бўлган заҳаруш газ-лар газ ушлагич мосламаларда, чанг ушлагич қурилмаларида тутиб қолинади, бунда атмосфера ҳавоси ифлосланишдан ҳо-сил бўлади. Гоҳо саноат корхона чиқиндиларини хўжалкк ах-латлари билан ҳам бирга ёкиш мумкин.

Кўп вақтлари фойдаланиш мумкни бўлмаган саноат чи-қиндилари маҳсус ажратилган жойда тўпланади. Масалан, Олмаликда жойлашган саноат кюрхоналарининг шу усул билан йиғилган чиқиндилари ҳозирда тахминан 40 млн. тоннани таш-

кил қиласы, кейинчалик уларни қайта ишлашга жүннатылади. Корхоналарда йиғиладиган чиқиндилар жуда заарлы бўлса, кейинчалик маҳсус полигонларда кўмилиб ташланади.

Полигонга олиб келинадиган ҳар бир чиқиндилердин паспорти, техник характеристикаси, миқдори, таркиби ва улар билан ишлаш техника хавфсизлигини бажариш йўриклари кўрсати-лиши керак. Айниқса, улар қиздирилганда, ёқсанда эҳтиёт бў-лиш чораларини кўриш зарур.

Сувда эрувчан ва кўп бўлмаган чиқиндилар, ўта заҳарли бўлса ерда ковланган ўраларда девори 10 мм қалинликда тайёрланган контейнерлар билан кўмилади. Уранинг девори, таги, усти ёnlари бетонли қилиб тайёрланилади. Қаттиқ, бўт-қасимон ва сувда яхши эрийдиган заҳарли чиқиндилар ўра-ларга кўмилади.

Чангсимон, қаттиқ чиқиндилар ўраларга қаватма-қават қи-яиб жисплаштириб кўмкласди.

Суюқ чиқиндилар учун полигон кичик участка майдонла-рига бўлинади, тўрт томони тупроқ билан кўтарилади, ҳар ҳол-да тупроқни сув ўтказмаслиги назарда тутилади. Суюқ чи-қиндуларнинг энг юқори юзаси тупроқ деворидан пастроқ (50 см) да бўлиши керак..

Полигонлар санэпидстанция ходимлари билан келишилган ҳолда ташкил этилади. Аммо полигон ташкил этилмасдан илгари гидрогеология мутахассислари полигон учун мўлжал-ланган майдонни синчковлик билан ўрганадилар ва уларнинг ёзма холосаси керак бўлади.

Полигонни кашлатиш учун қабул қилишда тагининг сув ўт-казмаслиги ва изоляция материаллари бўлан ишланганлиги текширилади.

Полигонларни лойихалаш даврида унинг паспорти тузила-ди, унда тупроқнинг кимёвий таркиби, ер ости сувлари, атмос-фера ҳавоси ва чиқиндиларнинг таркибий қисми, миқдори акс эттирилади. Полигон ишга тушгач вақти-вақтида 3000 метр масофа радиусида унинг атмосфера ҳавоси, ер ости сувлари ўсимликлар таркиби, полигон яқинидаги тупроқ таркиби тек-шириб турилади.

Саноат корхона чиқиндилари ўша корхона автомобиль транспорти ёрдамида полигонларга маҳсус йўллар билан олиб борилади. Чиқиндиларни автомобилга ортиш, тушириш ва уларни кўмиш механизмлар ёрдамида беркитилган шароитда бажарилиши керак. Полигоннинг маҳсус бетонланган майдо-нида двгамобиль транспортлари ювилади, тозаланади, заарар-сизлантирилади, бундай жо«йлар полигондан 50 метр нарироқ масофада жойлэштирилади. Ювинди сувлар корхона суюқ чиқинди сувларини зааррасизлантириш майдонларига тушири-лади.

Гальваник ишлаб чиқариш корхона чиқиндилари чукурли-ги 11 —12 метр бўлган чукур ўраларга ташланади. Чиқинди-лар намлиги 95—98% бўлиб, таркибида кислотали, ишқорли

туз эритмалари мавжуддир. Бундай чикиндиларни нейтраллаш учун кислота, кшкор күшилади. Чукур ўралар тўлдирилгач, сўнг^а устига 2—2,5 метр қалинликдаги тупроқ тортилади.

Органик суюқ чикиндилар—эмульсия ва эмульсоллар, бўёқ қолдиқлари, лаклар, фенол сувлари, карбон эпоксид, акрил ва қора мойлар, полиэтилен қпийклари, клёнкалар, қу-рум қоплари, пластмасса ишлаб чиқариш корхона чикиндила-ри 15 метрли чукур ўраларга кўмплади, шу моддалар билан тўлган ўралар 2,—2,5 метр қалинликдаги лой билан беркити* ладн, уки устидан ўсимлик ўстириш учун тупроқ тортплатди, сўнгра ўтлар, декоратив дараҳтлар экнлади.

Уга заҳарли чикиндилар — таркибида симоб, маргимуш, синиль кислотаси, сариқ фюсфор ва бошқалар бетонли ёки металл контейнерларда чукур ўраларга кўмилади, бунда 2— 2,5 метрли қалинликда лой тўлдирилади, кейин ўсимлик ўс-тириш учун тупроқ тортплатди.

Ёкиш хусусиятига эга бўлган корхона ччикиндиларидан фой-даланиш ёки уларнн қайта ишлаш цайин бўлганда уларки сувдан ажратиб олиб горизонталь цилиндрли ёкиш ўчоқлари-га юборилади, бундай чикиндилар форсункалар ёрдамида ҳаво» юборилиб ёндирилади. Чикиндилаони ёкиш камерасида ҳарорат 1300°C га етади. Учоқдан чиқадиган иссиқлик энергиясидан: фойдалакиши мумкин.

Бундай полигон Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳри яқи-нида ҳам курилган.

ШАҲАР КУЧАЛАРИНИ ТОЗА ТУТКИШНИНГ ГИГИЕНИК АҲАМИЯТИ

Шаҳар шароитида кўча ва майдонларни тоза ҳола-тда ту-тиш муҳим тадбирлар категорига киради. Маълумки, ёз фас-лида, кузда кўчаларда жуда кўп микдорда ахлатлар йиғилкб қолади. Масалан, 1000 м² майдонда бир йилда 15 м³ ахлат йиғилади, буларнинг таркибий қксми асосан қум, тупроқ, қофозлар, хазонлар, папирос қолдиқлари ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам кўча ва майдонлар ҳар куни тозалаикшв қерак, акс ҳолда шаҳар кўрки бузилади, одамлар соғлиғига, уларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади, пашша ва кемиравчиларни, ҳашаротларни кўпайишига нгароит туғилади. Ёз фаслида кўча ва майдонларни супуриш, сув сепиш, қишида қорни кураш, ер юзаси яхласа, яхларпи кўчириш ва муз усти-га қум, туз сепиш зарур.

Хазонларни ёки ахлатларни кўча майдонларда ёкиш мутлақо ман этилади. Кўча ва майдонларни сув сепилгандан сўнг супурилиши қерак. Кўча ва майдонларни тозалашни болалар мактабга, катталар эса ишга кетганларидан сўнг амалга ошириш зарур. Супуриндилар ахлат йиғиши учун мўлжаллан-ган идишларга солинади. Катта кўчаларда 50 литр ҳажмга эга бўлган темир яшиклар жойлаштирилади. Папирсс қол-

диклари, қоғозлар учун күчаларда ўрнатилган ахлатдонлар я^үйлади.

Иложи борича күча ва майдонларни сулуришни механизациялаш катта аҳамиятга эга. Ҳозирда күча супурадиган авто-мобиллар мавжуддир. Күча ва мандонларни супуриш учук мўлжалланган автомобиллар бир йўла супуриладиган жой-ларни намлаб, кейин супуриядиларни супуриб, ўзининг каме-расига тортади. Одамлар юрнш учун мўлжалланган йўлкалар-;ни маҳсус йўлка супургич автомобилларда супурилади.

Илм, фан-техника тараққиёти даврида кўча ва майдонлар тоза ҳолатини таъминлаш зарур. Аммо коммунал хўжалик хо-димлари айблари билан кўпчилик шахар ва посёлкаларнинг кўча ва майдонларини тоза тутиш талаб даражасида эмас. Бу •соҳада санитария назорати яхши ўрнатилмаган.

1960—70 йилларда Республикада санитария милиция груп-палари тузилган эди. Улар жуда кўнгилдагидек яхши ишларни бошлаган эди. Жумладан кўча ва майдонларни, турар жойларда йигилган чиқинди-ахлатларни ўз вақтида олиб чи-киб кетиши, ахлатларни сувга ташламасликни ва жамоат жой-ларида чиқиндилар йифилиб қолмаслигини таъминлар эдилар. Дозир бу масалага ҳеч ким эътибор бермай қўйди. Кўча ва майдонларда, айниқса шаҳарнинг ички қисмида тоғ-тоғ бўлиб ётган ахлатлар 6—10 кунлаб олинмай қолиб кетади. Бу эса -атмосфера ҳавосини чаж- ва микроорганизмлар билан ифлос-, лантиришга, сув ҳавзаларини чиқиндилар билан заарлани-шига олиб келмоқда. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ^олда санитария назоратини янада кучайтириш зарур. Кўча-лар намлигини узоқ сақлаш мақсадида баъзи бир шаҳарларда 1 м² майдонга 1 литр кальций хлорид сепилади, бундай эритма намликни яхши сақлайди. Қишлоқда жойлашган уй-жойларни катта ер майдонларига яқин бўлиши турар жойлар-! нинг санитария ҳолатини юқори даражада сақлашга имкон бе-ради.

Қишлоқ уй-жойларни лойиҳалашда, куришда уларнинг са-нитария ҳолатини ҳисобга олиш керак, бунда қишлоқ жойла-риникг ўзига хос шароитларини эътиборга олиниши зарур.

Қишлоқ марказларида икки-уч қаватли турар жойлар, маъмурӣ идоралар қурилиши мумхин, буларда канализация шохобчалари ўрнатилиши мумкин, айниқса кўп хонадонли биноларда бунинг зарурияти туғилиб қолади. Бундай ҳолат-дарда ҳамма биноларнинг канализация шохобчалари бирлаш-тирилади, улардан хосил бўлган чиқинди сувлар маълум то-заланиш босқичидан ўтгач, сўнг суғориш майдонларига оқизилиши мумкин.

Колхозчилар учун уй-жойлар қурилганда ҳожатхона ер участкасининг бир четида, яъни хонадонлардан 10—15 метр нарироқда қурилади ва коронги ҳолатда ушланилади. Ҳожат-хонани коронги ҳолатда ушлаш пашшаларни киришига ва кў~ лайишига имкон бермайди.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари шуни күрсатдикі, қишлоқ ахоли хонадонларининг ер майдонларн (тупроғи) мик-роорганизмлар, гельминт тухумлари, кимёвний моддалар билан күпроқ ифлосланган. Сабаби ҳар қандай чиқинди ахлатлар заарсизлантирилмай ер майдонларига ташланаверади. Ваҳо-ланки, хавфли чиқинди-ахлатларни уй шароитида кичик ўра-ларда компост килиб заарсизлантирчлгандан кейин уни то-морқага солиб ўғит сифатида фойдаланиш мүмкін.

Канализация бўлмаган жамоа муассасаларида ҳожатхона-лар ҳаво билан шамоллайди¹ан ҳожатхона люфтклозет типи-да қурилиши керак. Ёки шундай ҳожатхона куриш керакки, ўз вактида унга тупроқ сепиб комностга айлантириб, у зарар-сиз ҳолатга келгач, томорқада далаларда ўғит сифагида иш-латиш мүмкін. Бунда эски ҳожатхона ўрнига бошқа янгисини ковлаб, яхшилаб жиҳозлаб сўнг ундан фойдаланиш мүмкін.

Хонадонлардаги овқат чиқиндиларини молларга бериш* супуриндиларни эса компостлаш йўли билан заарсизлантк-риш мүмкін.

Қишлоқ шароитида ҳайвон ахлагларини йиғиши, асрарни тўғри уюштириш турли гижжа, тухумлар ривожланишини қо-лаверса, трихиениеллоз, экинококкоз, тениоз ва бошқа касал-ликлар тарқалишининг олдини олади. Томорқаларда турли ҳайвонларнинг гўнг-ахлатларн гўнг учун ажратилган майдон-га йиғилади, унинг атрофи сим тўр ёки тахта билан ажра-тилган бўлади. Катта молхоналарда маҳсус гўнг сақлайдигав жойлар ажратилади. Гўнгларни компостлаш гигиена томон-ларидан жуда ахамиятлидир. Компостланган гўнг таркибида гижжа тухумлари, патоген микроблар бўлмайди.

Акс ҳолатда гўнг йиғилиб қолган жойларда атмосфера ҳа-восига тупроқнинг санитария ҳолатнга, сув ҳавзаларига анча **путур** етказилади.

Суюқ ахлатлар. Нажас (ахлат ва сийдик) суюқ ахлатлар группасига кириб, у инсонларнинг нормал физиологик фаолия-ти натижасида организмдан ажраладиган чиқинди. Организм-яи шахсий гигиена қоидаларини са¹лаш мақсадида ювениш, кир ювиш ва боапқа фаолият оқибатида пайдо бўладиган суюқ чиқиндилар ҳожатхоналарда, кирхоналарда, ювинди ташла-■надиган ўраларда йиғилади, канализация тармоқлари мавжуд хонадонларда — суюқ чиқинди ахлатлар канализация орқали оқизилади.

Ҳожатхоналар шахсий ва жамоа ҳожатхоналарига бўлина-ди. Ҳожатхоналар канализация тармоқларига уланган ёки уланмаган бўлиши мүмкін.

Ҳожатхоналар ичида санитария талабларига жавоб бера-диган иситилган ҳожатхоналар (люфтклозетлар) дир. Улар ■биноларга тақаб яхши қурилиб жойлаштирилса, бино ҳавоси тупроқ ер ости сувлари, сизилган сувлар билан ифлосланмай-ди. Бундай ҳожатхоналарни бир-икки қаватли биноларга ўр-

натиб қуриш мумкин. Ҳожатхонани 1—2 маротаба йил даво-мидада тозалаш тавсия қилинади.

Канализацияси бўлган турагар-жойларда санитария талаб-ларига жавоб берадигани сувли ҳожатхонадир (ватерклозет), Ёндай ҳожатхоналар 1810 йилларда Англияда қурила бош-ланган. Бундай ҳожатхоналар асосан ўтириш този ва шу ўти-риш тозини ювиб ташлайдиган сув ҷдиш (баки) дан иборат.

Угириш този фарфордан, уни ювиш учун сув идиши пласт-массадан ёки фарфордан ишланган бўлиши мумкин. Унитаз ■[■] ўтириш този) ни сув билан ювиш учун труба унитазга туши-рилади ёки оралик сув идиши орқали ҳам унитазга уланиши мумкин.

Турар жойларни ободонлаштиришнинг яна бир кўрсаткичи жамоа учун қурилган ҳожатхоналардир. Бундай ҳожатхона-лар ташқи кўриниши ва ички жиҳозлари билан инсонни баҳ-ри дилини очадиган қилиб қурилиши гигиеник ва эстетик та-лабларга жавоб берадиган бўлиши керак. Ҳожатхонанинг ички томонлари силлиқ кафель плиталари, поли эса метлакс пли--талари деворларида кўзгу ойналари билан безатилади. Max-сус водопровод жўмраги ўрнатилиши, нажас ва сийдикни ювиб юборадиган мосламаларни бўлиши ҳожатхоналарни тоза уш-лашга имкон беради.

Уларда кийимни ечиб осадиган илгаклар, оёқ кийимларинн мойлаш учун мосламалар ва бошқа жизоҳларни бўлиши аҳо-.лининг гигиеник ва санитария савиясини оширишга имкон ■беради. Одамларнинг ҳожатини чиқариш учун ҳар бир ша-[■]арда аҳолининг сонига қараб ҳожатхоналар қурилган бўлн» 1пи даркор. Одатда жамоа ҳожатхоналари ободонлаштирил-ган хиёбон — боғларда, аҳоли кўп бўлган кўчаларда, вокзал-ларда денгиз ва дарё портларида, бозорларда, истироҳат боғ-ларида, стадион, чўмилиш пляжларида ва бошқа одамлар 1гавжум бўлган жойларда қурилиши керак.

Жамоа ҳожатхоналари катта-катта биноларнинг подвал .хоналарида, биринчи қаватларида қурилиши ҳам мумкин. Ҳо-жатхоналар иситилган ва етарли ёруғлик билан таъминлани-яни керак. Ҳожатхоналардан заарли ҳавони тортиш учун ша-моллатиш мосламалари ўрнатилади, улар тоза ҳавони тортиб, лфлос ҳавони ҳожатхонадан чиқариб юборишга мосланган. Кагта ҳожатхоналарга икки-уч баробар тоза ҳаво тортилса, «беш баробар ифлос ҳаво чиқариб ташланади.

Ҳожатхона кабиналарининг майдони $2,75 \text{ m}^2$ бўлиб ҳар бир яиссуар учун $1,50 \text{ m}^2$ жой ажратилади. Хоналарнинг эшиклари яолдан 15 см баландликда туради. Жамоа ҳожатхоналарининг атрофлари ободонлаштирилади ва кўкаламзорлаштирилади. Агар ҳожатхона ер юзасидан чукурроқ қилиб жойлаштирилса, у ҳолда унинг ташқи том майдонига турли гуллар экилиб гулзорга ўхшатилади.

Ҳожатхоналарнинг тозалигини таъминлаш мақсадида маъ-лум шахслар ишга қабул қилинади. Кейинги вақтда жуда кўп

жамоа ҳожатхоналари ижарага олиниб, кириш пуллик қи-линди.

Бундай ҳожатхоналар замонавий, гигиеник талабга жавоб берадиган ҳожатхоналарга айландч. Улар тоза, ёрг бўлиб кийим-кечакларни чангдан тозалаш учун шётка, оёқ кийим-ларни мойлаш учун мой ва маҳсус шёткалар, соқол олиш учун электр машиналар ва бошқа хизматлар мавжуддир.

Канализация шохобчалари бўлмаган аҳоли турар-жойлар-да суюқ ахлатларни ассенизацион автомобилларда ташки му-ҳитни ифлослантириш олиб чиқиб кетилади. Суюқ ахлатлар-ни олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган ассекизацион машиналарнинг ҳажми $2,5-4 \text{ м}^3$ га тенг. Улар тез тинмай сутка давомида ишласалар, аҳолига анча қулийлик туғилади.

Кўйиш станциялгри. Чиқинди суюқ ахлатларни узоқ масо-фага транспортлар ёрдамида канализация шохобчалари бўл-маган аҳоли турар жойларидан олиб чиқиб кетиш анча кийии-чиликларга сабаб бўлади. Шунинг учун канализация шохобча-лари бўлган баъзи жойларда суюқ чиқинди ахлатлар кўйиш станцияларига олиб бориб, улар орқали канализацияга туши-рилади. Кўйиш станциялари шаҳар яқинидаги жойлаштирилган бўлиб, аҳоли яшайдиган жой билан қўйиш станциялари ора-сидаги санитария муҳофаза зонаси 300 метрни ташкил этади. Бунга асосий сабаб қўйиш станцияларидан ҳавога ажралиб чиқадиган сероводород, сульфид ангидрид, метан, аммиак ва бошқа заҳарли газларни пайдо бўлишидир. Албатта, қўйиш станцияларининг шамоллатиш ускуналари ҳам бўлиши керак. Кўйиш станцияларидан суюқ чиқиндиларви канализацияга қўйиш учун маҳсус каналчалар курилади. Каналнинг икки ёнида 2—3 йўлак бўлиб у йўлакларга автоцистерналар кириб новлар ёрдамида суюқ ахлатлар каналга қўйилади. Канали-зация трубалари тиқилиб қолмаслиги учун ахлатлар сув билан суюлтирилиб (1:1) сўнгра симли тўрдан ва қум ушлагичлар-дан ўтказилади. Уларда йирик ахлатлар, қум ва бошқа мод-далар ушлаб қолинади.

СУЮҚ АХЛАТЛАРНИ ТУПРОҚ ЕРДАМИДА ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

Гигиенага багишлиган адабиётларда келтирилган далил-ларга қараганда суюқ ахлатларни тупроқлар ёрдамида заар-сиз ҳолатга келтириш масалалари XIV асрнинг бошларида кўтарилиган ва ҳал қилина бошланган. Масалан, 1893 йиллар-да санитария врачи П. П. Белоусов ўзининг «Суюқ ахлатлар-ни тупрок ёрдамида заарсиз ҳолатга келтириш ва рус ша-ҳарларида ассенизация ва зарарсизлантиришларнинг вазифа-лари» деган мавзудаги диссертациясини ҳимоя қилиш учун олимлар кенгашига тақдим этди.

Тупроқнинг жуда кучли ўз-ўзини тозалаш хоссаларига эга эканлиги ва шу жараёндан оқилона фойдаланиш тавсия қили-

нади, айниңса нажасчи зар#Р^{сиз} ^латта келтириш нат::ж"сл санитария талабига жавоб беради.

Тупроққа солинадиган, органи^ моддаларга бой бўлган ахлатлар маълум руҳсат этлядига^ нормада бўлса улар тез-ликда минераллашади, ахлатдаги ^чкд^об^лар тез кирилади. Тупроқда суюқ нажас ахлатларини заарарсизлантириш тупрох-нинг табиий хусусиятларини, киме^й тарки^бини ўзгартирди, яъни тупроқда азот, фосфор, калий ва микроэлементлар МИК, дори ортади, тупроқдан эса қишилс^ хўжалик ўсимликларини экиш учун фойдаланиш мумкин. А*,^{МО} кишлок хўжалик экин-лари экилганда доимо улар»^{инг} силлари турли микроблар, гижжа тухумлари билан ифЛослаки,^{Ф_{латт}} мумкин ва шу назарда тутиб, қандай экинлар^{ЭКЛ} шинни олдиндан аниқлаш керак. Экилган эккинлар ҳосилини факат юкори Даражада иссиқлик билан ишланиши мумки^ \$ўлан экинларга руҳсат берилади. Нажас ахлатлар тупроқ оркали заарарсизлантирил-ганда санитария қоидаларига амал килиш катта ахамиятга эга.

Кўпслиб борилган илмий ишлар ыд кишлок хўжалик таж рибасидан олинган материалларга ^ киликган холда тун^с^ул^ининг икки хили тавсия қилилади:

1. Ассенизация (заарарсизлантири^ шудгорлари). Бундай шудгорларда нажас тупроқ ердами^ заарарсиз холатга келти-рилади вт у ерлардан қишлоқ ху^дик экиилари экиш учун фойдаланилади. Шуни айтиш *Р^а%, буидай шудгорларда экин экиш алмашиниш йўл** оила!) оли^ борилади

2. Ҳайдаланилайдиган шу^Р^Ч Бундай " шудгорлардан бўш ерлар йўқлигидан ер майдон%ига камбағалроқ' бўлган ёки етишмайдиган кичик Ш^ЧФларда Фойдаланилади> экинлар экилмайди.

АССЕНИЗАЦИЯ ШУ^ЧД₀РЛАРИ

Ассенизация шудгорлари *аво^и>и алмашинадиган, сувни яхши утказадиган, баҳаво ерлард^ тупрохларда уюштири-лади. Жумладан, кумли, енгил, ҚУМ.<оյлн) кора тупрокли дудларда ассенизация шудгорларив, ташкил Килиш тавсия қилинади. Ассенизация шудгорлард^ иссиқ иқлими мина-қаларда кенг фойдаланиш мумкина Думладан< Урта Оскё республикалари, Кавказ, Молдава, Козогистоннинг жанубий районларида нажас суюқ-у ахлатларини заарарсиз лантириш ишларини кенг ри^{00Жлан, 11риш мумкин}

Ассенизация шудгорлари оғир У|рок_ларда> ерости сувла. ри яқин жойлашган тупроқларда, %.коклик жойларда уюш. тирилмайди. Бунинг сабаби шуши 5ундай тупроқларда ўз-узини тозалаш жараёнининг пастл^ нажасни заарарсиз xo. латта келтира олмайди, органик м^аларнинг минерал туз.

ларга айланиш[^] жуда қийин бўлади, шунингдек ер ости сув-ларининг ифлосланиш хавфи туғилади.

Ассенизация шудгорлари аҳоли турар жойларидан анчаги-на нарироқда, яъни 1000 метрли масофада ташкил қилиниши мумкин, аммо ассенизация майдонлари шамол оқими пайдо бўладиган қўланса хидларни аҳоли турар жойлардан олиб кетадиган томоғига қурилади, акс ҳолда турар жойларни нохуш хидлар билан заарлаши натижасида шикоятлар бўлишига олиб келади. Ассенизация шудгорларини текис ерларда таш-кил қилиш тағ*сия қилинади, акс ҳолда қия жойларга таш-ланган суюқ ч*1Қиндилар пастга оқиб кетиб кўп жойларни ифлослантириши мумкин. Заарсизлантириш шудгорлари таш-кил қилинганд[^] уларни ободонлаштириш кўзда тутилади, яъни майдонлар (14-расм) участкаларга бўлинниб тупроқ би-лан улар атрофида баландлиги 25—30 см деворлар кўтари-лади; бир участкадан иккинчисига ахлатлар куйилганда ўтиб кетолмайди, сўигра бу майдонларга бемалол кириб-чиқиш учун автомобиль йўллари қуриш кўзда тутилади, шудгор атрофла-рига дараҳтлар экилиб кўкаламзорлаштирилади.

Бундай шудгорларда алмашлаб экиш учун бир қанча участ-ка бўлинмаларИ ташкил қилинади. Участкалар асосан икки-та бўлинмаларга бўлинади, жумладан қиш ва ёз фаслларида ахлатларни тў^иш мўлжалланилади. Ҳар бир участка бўлак-бўлак пайкалларга бўлинади, бу пайкалларга ахлатлар гал-ма-галдан қутилади.

Ассенизация майдонлари олдида ишчилар учун маҳсус қурилган уйлар — дам олиш, юваниш, асбоб-ускуналарни сақ-лайдиган хўжалик ва овқатланиш хоналари бўлмоғи керак. Бир майдончада водопровод колонкаси ўрнатилиб, улар бў-шалган ассени^ация автомобилларини ювиш учун мўлжаллла-нади. Ассенизация машиналари ахлатдан бўшаганидан сўнг резина шлангл[^]Р ёрдамида босим билан тозаланишлари керак.

Пайкалларг[^] ахлатларни солиш тартибли равища уюш-тирилиши керак. Пағ!каллар олдиндан тракторлар ёрдамида хайдалади, кейин ахлат келтирган машиналар пайкалларга яқинлашади ва суюқ ахлатларни бўшатади, нажас суюқ ах-латлар пайкалларга баробар қилиб тўкилиши керак, уларнинг микдори иқлим шароити ва тупроқ тинига қараб ҳар бир 10 м² майдонга 1 м³ дан 2 м³ гача қутилиши тавсия этилади. Тў-килган ахлатларга қуриши билан майдонлар яна ҳайдалади. Шундай қилиб, ёз фасли учун мўлжалланган ерларга 2—3 маротаба ахлат тўкилади: ахлат тўкилиши вақти 1—1,5 ойга тўғри келади. Охирги маротаба қутилган ахлат қуригандан сўнг ер яна ҳайдалиб кейинги баҳор фаслигача қолдирилади.

Қишки фасдга мўлжалланган майдонларга фақат 10 м² майдонга 1—2 м³ ахлат бир марта сепилади ва қишига қолди-рилади, қишида ахлат музлаб, баҳорда эригандан сўнг ер ҳайдалади.

Қайта-қайта ўтказилган тажрибалар шуни күрсатдкки, бир гектар ерга қуйиладиган ахлат мөъёри йил давомида 1003 м^3 дан ошмаслиги керак. Мабодо тупрокда ўз-ўзнии³ тозалаш жа-раёни шу мөъёрда кийин ахволда қолса, бир гектарга ахлат миқдорпни 500 м^3 га камайтириш мумкин, аксннча бўлса 1000 дан 2000 м^3 га кўпайтириш мумкин. Энди алмашлаб экиш масаласига келсак, энг қиска вақт уч йил, яъни ер майдопига ҳар уч йилда бир маротаба суюқ ахлат солинади, сўнгра ер ҳайдалиб баҳоргача—экин зкиладкгап Давргача қолдири-ладп. Баҳор бошланиши билан ерга ҳўл ҳолатда истеъмол қи-линмайдиган экинлар экиласди.

Санитария талабларига кўра 4 йиллик алмашлаб экиш қуйидагича амалга оширилади. Биринчи йилда майдонга суюқ ахлат қуйилади, иккинчи йили ер ҳайдалиб ҳайвзинлар учун емак бўладиган экинлар экплади, масалан, ўтлар, Донли ўсим-ликлар, маккажўхори ва бошқалар. Учинчи йили ҳайвонлар учун лавлаги, ошхоналарга қизил лавлаги зкилиши мумкин, тўртинчп йпли — картошка экилса бўлади. Бизнинг шароитда техника экинларидан канюп, пахтани иккинчи, учинчи йил-ларда экса бўлаверади.

Бундай майдокларда етказилга ўсимликлардан жуда кўп миқдорда ҳосил олниш мумкин. Ассенизация мэйдонларининг ҳар бир 1000 кийига мўлжаллаиган мөъёрини ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, йил давомида ҳао бир киши бошига йиги-ладиган суюқ ахлат миқдори ўртacha $0,5 \text{ м}^3$ ни ташкил этади, агар шудгорга ўртacha ахлат қуйниш мөъёри бир гектарга 1000 м^3 бўлса $0,5$ гектар майдон етарли бўлади.

Ҳайдалкш шудгрлари. Бундай шудгорларда нажас суюқ ахлатлар фақат заарсизлантириш мақсадида ишлатилади. Аммо ҳайдалиш шудгрларига бўладиган санитария талабла-ри ҳам ассенизация шудгрларига бўлган талабларга ўхшашиб-дир. Лекин майдонлар сони иккита бўлади. Ҳар йили, нав-батма-навбат ер майдонлари нажас билан тўлдирилади. Ер майдонининг бири нажас билан банд бўлганда иккинчисига дам берилади, чунки биринчи ахлат билан тўлдирилган май-донда органик моддалар минераллашиб анорганик моддалар-га айланади. Тупроқ секин-секин органик моддалардан, мнк-роблардан тозалана боради. Ҳайдалиш шудгрларидан экин экилмаслнгини ҳисобга олиб, бир гектар майдонга қўйилади-ган нажас миқдори мөъёрини 2000 тоннага етказиш мумкин, бунда 1000 киши учун $0,6$ гектар ер майдони етарли бўлади. Санитария муассасаси ходимларининг вазифаси шундан иборатки, уларнинг эътибори нажас суюқ ахлатлар йигнлиб қолишининг олдини олишга, ахлатхоналарни йўқ қилишга қа-ратилган бўлиши керак. Сўнгра суюқ ахлатларни қуиши стак-цияларини, ассенизация шудгрларяни ўюстириш ва бошқа-ларни ташкил қилишда ташаббускорлик ролини ўйнашлари керак. Бу заарсизлантириш майдонлари коммунал хўжалик идоралари ихтиёрида бўлиб, канализация тармоқлари ўрна-

тилмаган жойларда кенг кўламда нажас суюқ ахлатларни заарсизлантиришда фойдаланилади.

ШАҲАРЛАРНИ ТОЗА ТУТИШНИ ТАШҚИЛ ҚИЛИШ ВА САНИТАРИЯ НАЗОРАТИНИ УЮШТИРИШ

Чиқинди ахлатларнинг эстетик, санитария, эпидемик ва бошқа томонларини ҳамда чиқинди ахлатларни йиғишни, ша-ҳар ҳудудидан олиб чиқиб кетишни ва заарсиз ҳолатга кел-тиришнинг мураккаблиги назарда тутилиб шаҳарларнинг то-залигини изчиллик билан режали равишда амалга ошириш тақозо, килинади. Жойларда тозаликни таъминлаш коммунал хўжалик идораларига юклатилган. Улар учун керак бўлган ас-бобускуналар, транспорт ва бошқа воситалар шу идоралар-нинг ихтиёрига топширилган. Демак, тинимсиз равишда ах-латларнинг ҳамма турларини шаҳардан олиб чиқиб кетиб, уларни заарсиз ҳолатга келтириш, майдон ва кўчаларнинг тозалигини, ахлат яшик ва бакларнинг бутунлигини, ҳожатхо-наларнинг, уй-жой атрофларининг тозалигини, ахлат ташиш автомобиль транспортларининг бутун ва тузуклигини таъ-минлаш улар зиммасидадир.

Санитария муассасалари эса бу борада кўйидаги вазифа-ларни бажарадилар:

1. Огоҳлантириш санитария назоратини олиб бориш;
2. Тозалаш пунктларини назорат остига олиш;
3. Чиқинди ахлатларни тозалаш иншоотларида, яъни ҳай-далиш ва ассенизация шудгорларидл, компост қилиш майдон-ларида ахлатларни кўйдириш ва қайта ишлашнинг натижа-ларини назорат қилиш вазифаларинл бажариш;
4. Шаҳарларнинг ифлослиги билан боғланган касаллик-ларни ўрганиш, айниқса ошқозон-ичак юқумли касалликлари, сариқ касали ва гельминтларнинг тарқалишини ўрганиш.

Одатда шаҳарларнинг кенгайишини, аҳолининг демографик кўрсаткичларини, келажакда тараққий этишини кўзда тутиб уларнинг тозалигини таъминлаш лойиҳалари 5—10 йилга мўл-жаллаб тузилади. Аммо 5 йилга мўлжаллальтан лойиҳаларда жуда аниқ, бажарилиши мумкин бўлган вазифалар кўрсати-лади.

Шукдай лойиҳалар ишлаб чиқиландагина шаҳарларни тоза тутиш имкони режали равишда амалга оширилади ва ҳозирги замон санитария техника асбоб ва анжомларидан фой-даланишга шароит туғилади.

Шаҳарларни тозалашни уюштириш лойиҳалари таркибига: а) тозалашнинг бош тархи; б) режали вазифалар; в) иншоот-ларнинг ва анжомларнинг лойиҳалари; г) ишни бошқариш режаси киради. Санитария врачларининг вазифалари лойиҳа-ларни ишлаб чиқишида фаол қатнашишдир.

Аммо шаҳарларнинг тозалигини таъминлаш лойиҳаларини аниқ ва кам-кўстсиз тузиш учун жуда кўп кўйидаги факт вэ

далиллар ўрганилиши керак: 1) жойларнинг табиий шароити, яъни тупроғи, текис-нотекислиги, ёғингарчиликлар, шамол йўналиши; 2) шаҳарнинг ва унинг районларининг санитария ҳолати; 3) аҳоли ўртасида юқумли ошқозон-ичак касалликларининг, гельминт касалликларининг тарқалиши; 4) тозалаш барча босқичларининг қайси аҳволда эканлиги; 5) канализация тармоқларининг ҳозирги ва келажақдаги тараққиёти; 6) аҳолининг районлар миқёсида зичлиги ва сони, турар жой фонди; 7) майдонлар, турар жойлар, кўча ва хиёбонларнинг ободонлаштирилганлиги; 8) кўкаламзорлаштиришнинг аҳволи ва бошқалар.

Аҳоли турар жойларини тоза тутишни лойиҳалаштириш учун ҳозирги ва келажакда йигиладиган ҳар хил ахлатлар-нинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар режага вазифалар сифатида киритилади.

Тозалашнинг бош тархида қуйидагилар ўрин топади:

1. Шаҳарни тозалашни умумий режаси;
2. Уй-жойларнинг мунтазам тозаланиб туриши;
3. Ахлатларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш усуллари;
4. Ахлатларни тупроқ ёрдамида зарарсизлантириш учун ер майдонларининг кенглиги ва ҳажми;
5. Аҳоли учун зарур бўлган коммунал объектларнинг мав-жудлиги: ҳожатхона, транспортлар учун парклар, ахлат ёқа-диган ўчоқлар;
6. Кўча ва майдонларни йиғиштириш, тозалаш, супуриш, сув сепиш, ювиш ва ҳоказолар;
7. Лойиҳа бўйича тозалаш ва уни бошқариш таннархи (қиймати, харажати).

Ишлаб чиқиладиган лойиҳалар асосида хонадонлардан ёки маҳаллалардан йигиладиган ахлатларни режали равишда то-залаоб олиб чиқиб кетиш ётади, канчлизация тармоқлари бўл-маган жойлардан најас ахлатларни тезроқ олиб чиқиб ке-тишни ўюштириш кўзда тутилади. Шу вазифалар амалга оши-рилган вақтдагина район, шаҳар ҳудудлари озода туриши мум-кин, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш таъминла-нади.

ИСТИҚОМАТ ЖОЙЛАРИДА КАНАЛИЗАЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ҲОЛАТИНИ ЯҲШИЛАШ ВА УИИНГ ЭПИДЕМИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Канализация тармоқлари ва каналлари ер остида жойлаш-ган бўлиб, чиқинди ифлос сувларни, инсоннинг физиологик аж-ралмалари (сийдик, најас)ни, хўжалик чиқинди сувларини аҳоли турар жойлардан шаҳар ташқарисига, тозалаш иншоот-ларига оқизиб узатадиган турли катта-кичик диаметрли қу-вурли шохобчалардан иборат. Канализация шохобчаларининг бўлиши турар жойларни, тупроқларнч турли суюқ ахлатлар-

дан холи қилиб ифлосланишдан озод қиласи, хонадонлардан нажас, сийдик ва бошқа чиқиндилар тезликда кувурлар ёрда-миди оқизилади ва тозалаш иншоотларига туширилади.

Канализация ички ва ташқи бўлинмаларга бўлинади. Ички канализацияга уй хоналаридаги асбоб ва анжомлар, нажас ва суюқ чиқиндиларни қабул қилувчи ҳожатхона ва ошхонага қурилган ошхона чаноги (раковина), унитаз (ўтириш тоси) ва бошқалар киради. Ташқи канализацияга ахоли турар жойла-ридаги қувур тароқлари ва тозалаш иншоотлари киради. Турар жойларда канализация шохобчаларининг бўлиши жамоа ва шахсий гигиена талабларини қондиради, сўнгра шу мақ-сад учун керакли бўлган сув миқдорининг етарли бўлишини аниқлайди.

Шаҳарларда канализация тармоқларининг бўлиши *касал-ларнинг* ва ўлимнинг камайишига имкон туғдиради, айниқса ошқозон-ичак юкумли касаллиги жуда камаяди. Канализация ёрдамида турар жойлардан ифлос чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш автоцистерналар, ассенацион машиналарда суюқ чи-қиндиларни олиб чиқиб кетишдан анча арzonдир. Масалан, канализация шохобчалари орқали чиқарилган 1 m^3 чиқинди учун тийин харажат қилинса, бошқа усуллар билан чиқарила-диган 1 m^3 чиқиндилар учун сўмлар харажат қилинади. Ҳо-зирги вактда ҳамма шаҳарларда качализация тармоқларининг ривожи учун ҳаракат қилинмоқда.

Канализация тармоқларининг бўлиши халқ ҳаётининг, унинг маданиятининг анча юқорилигидан дарак беради. Канализация шохобчаларини қурилиши бошқа коммунал иншоотлар-нинг қурилишига ҳам боғлиқ. Ҳозирда шаҳарларнинг янгиси-ни ёки эскисини қайта тиклашни канализация шохобчалари-сиз тассавур қилиб бўлмайди. Аммо шуну айтиш керакки, шаҳар канализацияси шаҳар водопровод тараққиётига жуда боғлиkdir. Одамлар томонидан хонадонларда сувни кўпроқ истеъмол қилиш ҳам канализация шохобчаларининг тарақ-қиётига боғлиkdir.

Шаҳарларни лойиҳалаштиришда канализация тармоқлари ҳар томонлама ҳисобга олинади ва кўча магистрал канализация қувурлари ернинг қия томонига ётқизилади. Унда чиқин-ди сувлар ўз ҳолича оқизилади, керак бўлган жойларда насос-лар ишлатилади. Канализация шохобчалари лойиҳалаштири-лаётган вактда албатта шаҳар ахолисининг келажақдаги ўси-ши ҳисобга олиниб ётқизиладиган қувурларнинг диаметри ҳосил бўладиган ифлос чиқиндиларни сифдириши ҳисобга олиниши зарур, акс ҳолда канализация тармоқларини қайта-дан қуришга тўғри келади.

КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Канализация турлари канализация шохобчалари ўрнатила-диган обьектларнинг турларига боғлиқ. Жумладан, хўжалик

чиқинди сувлари канализацияси шохобчалари хонадонларда, турар жойларда аҳолининг ҳаётий фаолияти оқибатида пайдо бўладиган чиқинди ифлос сувларни ўзига қабул қиласи ва тозалаш иншоотларига оқизади. Еки саноат корхоналари ка-нализациясини олайлик. Бу канализация саноат корхоналари-дан ҳосил бўлган чиқинди сувларни ўзига қабул қиласи.

Маълумки, ҳозирда жуда кўп саноат корхоналари ўзлари-нинг технологик жараёнида кўп миқдорда сув ишлатилади, пировардида бу ишлатилган сувлар ифлос чиқинди сувларга айланниб ўз таркибида ранг-бараг кимёвий моддаларни уш-лайди.

Ёғин сувлари учун алоҳида канализация тармоқлари мав-жуддир. Улар ёмғир, кор, кўчаларни ювиш натижасида иайдо бўладиган чиқинди сувларни қабул қиласи ва тозалаш ин-шоотларига узатади.

Бу канализацияларнинг турлари бир-бирига боғланмаган ҳолатда алоҳида алоҳида қурилиши мумкин. Аммо баъзи бир канализацияларнинг сувларини бир-бирига қўшиб юбориб умумий канализацияга ташлаш мумкин. Масалан, хўжалик ахлат чиқинди сувлари билан ёғингарчилик оқибатида пайдо бўладиган сувларни кўшиш мумкин.

Саноат корхоналарининг чиқинди сувлари хўжалик ахлат чиқинди сувларига таркиби томондач тўғри келса, канализация кувурларига зарари тегмаса, тозалаш иншоотлари ишини бузмаса, бундай чиқинди сувларни қўшиб оқизиш мумкин. Акс ҳолда саноат корхоналари сувлари учун алоҳида канали-зация ётқизилиши керак. Умумий оқизиш канализациясининг бўлиши натижасида, бир томондан, ёғингарчилик суви канали-зация тармоқлари орқали гоҳо-гоҳо тўла оқиб трубалардаги қолдик моддаларни ювиб кетади, иккинчидан, ҳамма чиқинди сувларнинг канализацияга ва тозалаш иншоотларига оқиб бориши очиқ сув ҳавзаларини ифлос сувлар тушишидан озод қиласи.

Аммо сел келганда ҳамда сув оқими канализацияга сиф-май, ер юзасига чиқиб пастқам жойлардан оқа бошлайди. Бундай ҳолатларда ҳаттоқи нажасли ахлат сувлари ҳам очиқ сув ҳавзаларига тушиши мумкин. Бу эса юқумли касалликлар тарқалиш ҳавфини туғдиради.

Гигиеник ва эпидемиологик нуқтаи назардан хўжалик ах-лат канализациясини алоҳида ташкил қилиш катта аҳамият-га эгадир.

ХЎЖАЛИК ЧИҚИНДИ АХЛАТЛАР КАНАЛИЗАЦИЯСИ

Маълумки, ҳозирги вақтда уй-жойлардан хўжалик чиқин-ди ахлатларини олиб чиқиб кетиш, уларни тозалаш иншоотла-рига оқизиш турли иншоотларни, қурилмаларни ўз ичига ола-дики, унинг оқибатида қуидаги масалалар ҳал бўлишига им-кон туғилади:

1. Канализация шохобчалари билан таъминланган уй-жой-ларнинг санитария тозалиги тубдан ўзгаради.

2. Чиқинди ахлатлар тураг жойларни булғатмай, ҳеч қан-дай қаршиликларга учрамай қувурлар ёрдамида тозалаш ин-шоотларига узатилади.

3. Бундай чиқинди сувлар очиқ сув ҳавзаларига ташлан-масдан олдин турли усуллар билая тозаланади ва заарсиз ҳолатга келтирилади. Оқибатда сув ҳавзаларининг санитария ҳолати анчагина тузалади.

Канализация иншоотлари таркиби гонадонларда, жамоа идораларида чиқинди сувларни қуиши учун мўлжалланган канализация асбоб-ускуналари, кўча канализация тармоқла-ри, коллекторлар, канализация тармоқларига ўрнатилган уску-налар, чиқинди сувни ҳайдаш учун мўлжалланган насосли стан-циялар, чиқинди ифлос сувларни заарсизлантириш иншоотла-ри, тозаланганди, заарсизлантирилган чиқинди сувларни сув ҳав-заларага ташлаш мосламалари киради.

Баъзан юқорида зикр қилинган иншоотларнинг баъзи бир-лари бўлмаслиги ҳам мумкин, жумладан ер рельефи қия бўлса насос станцияларининг ҳожати йўқ ёки тозалаш иншоот-ларининг таркиби, қурилиши турлича бўлиши мумкин ва ҳо-казо. Аммо канализация иншоотлари қайси турда курилмасин талаб битта, яъни чиқинди сувлар тозаланмоғи ва заарсиз ҳолатга келтирилмоғи керак. Шуни айтиш зарурки, гонадонларда канализация асбоб ва анжомлари гоналарни анчагина шинам ва обод қиласидан кўринишда бўлмоғи керак.

Ҳозирги вақтда қурилаётган уй-жой биноларида суюқ ва қаттиқ чиқинди ахлатларни олиб чиқиб кетиши учун янги мосламалар, асбоб ва анжомлар ўрнатилаётганлиги, гонадон-ларнинг чиройини очяпти ва уларни шинам қиляпти. Одатда, гонанинг асбоб ва анжомлари тўғрисида гап борганда биз ҳожатхонанкнг ювиладиган тосини, юваниш учн ўрнатилган барча идишлар, яъни ошхонада ўрнатилган (раковина) идиш-ларни ювиш тоси ва чўмилиш учун ўрнатилган ванна — тоғо-рани кўз ўнгимизга келтиришимиз керак. Жамоа ҳожатхона-ларидан писсуарлар ҳам ўрнатилади, улар гонада лайдо бўл-ган чиқиндиларни оқизиши учун мўлжалланган. Ҳамма асбоб ва анжомлар санитария фаянсларидан тайёрланади. Бундай фа-янслар мустаҳкам, юзаси ялтироқ ва силлиқ қилиб ишланган бўлади. Ошхома ва ваннада ўрнатилган асбоб анжомлар оқ ранг тусда эмалланган металлардан тайёрланади. Кейинги йил-ларда шу мақсадлар учун пластмассалардан ҳам фойда-ланилмоқда.

Гонадонларда ўрнатиладиган асбоб ва анжомларнинг паст-ки қисмида сув тўхталиб ўтадиган тамбалар бўлиб, улар би-лан сув алмасиниши таъминланади. Бундан тамбалар уйлар-ни қўланса ҳиддан, канализация шохобчаларидан пайдо бўл-ган газлардан асрайди. Энг зарури, одамларнинг физиологик ажралмаларининг (сийдик, нажас) тозаланиб ювилиши турли

хидлардан хожатхоналарни озод қилади. Жамоат хожатхона-ларида писсуар ва унитазларни автоматик ҳолда тоза ювиш гигиена талабларига жавоб беради. Ҳожатхонада ўрнатилган унитаз идишларини ювиш мақсадида оралиқ сув баклари билан жиҳозлантирилади. Кейинги йилларда оралиқ сув бак-лари унитазнинг устки қисмига пастроқ килиб ўрнаштирилди, ҳажми анчагина катта, ювиш трубаси кенгрок қилиб тайёр-ланган. Қурилишда янги тайёрланган водопровод тизимиға тазни ювиш учун тўғридан-тўғри уланган асбоблар мавжуд. бу ускуналар ердамида утириш тослари тоза ювилади, баклар учун сарфланадиган материаллар иқтисод қилинади ҳамда бундай мосламаларни ишлатниш анчагина қулайдир.

Унитаз (утириш тослари) идишлар япалоқ тарелкага ва жонусли воронкага ўхшатиб тайёрланади. Санитария мақсад-ларини қондириш мақсадида, тозаликни таъминлаш учун уни-тазларнинг воронкага ўхшатиб тайёрлангани анчагина қулай-дир.

Чиқинди сувларни оқизиб кетадиган қувурларга тешиклар қилиниб уларга қопқок буралади, сув оқизиш найларига би-рор модда тикилиб қолгудек бўлса уларни тозалаш шу бурал-ган қопқоқлар орқали амалга оширилади.

Канализация тармоқлари. Тармоқлар бошдан оёқ бир-би-ри билан қўшилган уй хоналари, мавзе ичи, микрорайон, кўча ва шаҳар ташқарисига жойлаштирилган қувурлардан иборат-дир. Пировардида бу қувурлар ёрдамида чиқинди ифлос сув-лар тозалаш иншоотларига етказилади.

Канализация тар^моқларига умумий санитария талаби уларни бир-бирига қаттироқ бириюриш, бутунлигини сақ--таш, тупроқ ва турар жойларни ифлосликлардан ёки канали-зация қувурларига бирор нарсанинг тикилиб қолишидан ас-раш ва оошқалардир. Канализация трубаларида чиқинди ах--латлар ўзи оқиб ҳаракатлапади, шунинг учун ҳам, кўпинча баъзи бир канализацияга тушиб қолган пахта, латта, қофоз, иўчок ва бошқаларнинг тикилиб қолиш хавфи тугилади. Шу саоаоли канализация қувурларини ўз вақтида назорат қилиб туриш учун 30—50—100 метр масофада ернинг рельефига қараб назорат қилиб туриш кудуклари ўрнатилади. Бу кудук-лар ёрдамида трубалар ўз вақтида қаралади ва тозаланиб турилади.

Канализация қузурлари назорат кудукларига очилади ва шундай давом этади. Канализация қувурларининг бир-биридан фарқи фақатгина трубаларнинг қандай материаллардан тайерлангани ва уларнинг тузилиши, холос.

Хонадонлардан йифилган чиқиндин сувлар трубалар билан умумий сувларни йифиши қувурига уланади, сўнgra уйлаонинг жаватларини боғловчи йирик тик трубаларга очилади. Уйнинг энг пастки қавати полининг остидаги диаметри каттароқ қувур-лар ёрдамида чиқинди сувлар назорат қилинувчи кудукқа гуширилади. Уйлардаги қаватлараро ўрнатилган тик қувур томнинг юқори қисмига, ташқариснага чиқарилади. Канализация қувурларида пайдо бўлган турли қўланса хидлар ўша тик. трубалар орқали ташқарига чиқиб кетади.

Агар уй бинолари кўчанинг қизнл деб аталувчи чи-зиққа яқин бўлса чиқинди сувлар назоэат қилинадиган қу-дуққа туширилаверади, сув назорат қудуғи орқали магистрал кўчаларда жойлаштирилган канализация шохобчаларига қўшилади. Магистрал кўчаларда ўрнатилган канализация шохобчалари йўлларнинг ўқи бўйича жойлаштирилган бўлиб,, улар район коллекторлари билан қўшилади, канализация коллекторлари шаҳар бош коллекторларига бирлашиб пировар-дида чиқинди сувлар коллекторлар ёрдамида гозалаш иншоот-ларига етказилади. Демак, чиқинди сувлар шундай усул бўлак шаҳар чеккасига чиқазилади.

Кичик турар жойларда канализация тармоқлари анчагина қулай, коллекторлар ўрнига катта магистрал канализация иш-латиш мумкнин. Уй хоналаридағи чиқинди сувлар учун чўян трубалардан фойдаланиш мумкин. Одатда каналпзация тру-балари шундай қулай ўрнатилади, уларни ҳар доим керак бўлганда назорат қилиш, ишдан чиқса тузатиш мумкин бўйлади. Шунинг учун улар девор ташқларисигз ўрнатилади.

Бу мақсадда кўпинча ички томони силликланган керами-кадан тайёрланган трубалардан фойдаланиш мумкнин. Кана-лизация трубалари қия қилиниб ўрнатилади, унда чиқиндж сувларнинг оқиши тезлиги секундига 70 см teng бўлади. Тру-баларда чиқинди сувларнинг оқиши шу тезликда бўлса, тру-балар ўз-ўзидан тозаланади, деворларида чўқмалар пайдо бўлмайди.

Канализация қувурларида ҳеч қачон суюғлик тўла бўлиб» оқмайди, улар 0,6—0,8 дм даражасида оқади. Қувурлarda суюқ, чиқиндиларнинг тўла бўлиб оқмаслиги тармоқларда босимнинг бўлишига йўл кўймайди ва қўшимча чиқинди сувларни вақт-бевакт қабул қилиш имконини беради ҳамда трубаларда ҳаво оқимининг бемалол бўлишини таъминлайди.

Назорат қилиб туриш кудуклари ҳар 50—100 м масофада бинолардан чиқадиган какализация трубаларп уланган жой-ларда ўрнатилади. Кудукнинг таг томонида яркм ойсимо»; тарнов ўрнатилади, бу тарнов орқали қудук остидан чиқиндж сувлар оқиб ўтади. Шунинг учун ҳам чиқпнди сувларни оқи-зиб келадиган трубанинг оғзи ва суюқликни олиб чиқиб кета-диган трубанинг тешиги тарновга тўғри келиши керак. Тарновни юқори жойлаштириш мумкин эмас, акс ҳолда сув йифи-либ, чўкиш имконини туғдиради.

Канализация қувурларига турли чиқиндилар, моддалар» тикилиб қолмаслиги учун

қудуқлар доимо казорат остида бўл-моғи шарт, айниқса канализация қня жойлашган жойларда чиқинди сувлар тўла бўлиб оқадиган кудуқ вақт-вақти билаш тозаланиб турилиши керак. Хўжалик чиқинди сувларининг ҳарорати юқорироқ бўлгани учун канализация тармоқлари 1,5—1,7 м чуқурликда ётқизи-лади. Урта Осиё, Кавказ ва бошқа иссиқ иклимли ҳудудларда 550 мм трубалар энг камидаги 50 см чуқурликда ётқизилади, акичик тирқишли трубалар ернинг музлаш қаватидан пастрок-да, энг узоги билан ер юзасидан 70 см чуқурликда ётқизи-лади.

Санитария нуқтаи назаридан, канализация тармоқлари во-допровод трубаларининг остида ётқизилиши керак ва канали-зация трубалари тасодифан ишдан чиқиб бузилганда водо-язровод сувларини заарламаслиги лозим. Канализация тру-балари водопровод трубалари билал ёнма-ён бўлса 1,5—3 м ъмасофада жойлаштирилади.

Кўпинча канализация тармоқларани ва тозалаш иншоотла-рини лойиҳалаш ер юзаси рельефига жуда боғлиқдир, шунинг учун чиқинди сувлар оқиши таъминланадиган қия рельеф бўлса канализация трубалари ер юзасига тозалаш иншоотла-ри олдидан чиқарилади, бошқа вақтда чиқинди сувларни ҳай-даш учун маҳсус насослар қурилиши керак бўлади.

Насослар ёрдамида чиқинди сувлар ўзи оқиб бориши мум-жин бўлган жойгача оқизилиши мумкин. Аммо чиқинди сувлар насослар ёрдамида оқизилиши маълум даражада қувурларда 'босимнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, шу туфайли канализация трубаларининг бир-бирига уланган жойи мустаҳкам, чиқинди сувлар силжимайдиган қилиб ўрнатилади. Насос станцияла^ри қурилган вақтда насос олдида қўпол чиқинди-ла=рни ушлаб қолиш учун симли тароқлар ўрнатилади. Насос •станциялари одатда уй биноларига зарар бермаслиги учун улардан нариро^қда жойлаштирилади. Насос станциялари ол.-диди чиқинди сувларни қабул қилиниши учун темир бетонли, маълум ҳажмга эга бўлган мослама — сув йигиладиган хо-вузсимон қурилма қурилади. Насос станциялари қурилган жойлар ободонлаштирилади, дараҳтзорларга айлантирилади.

ШАҲАР ШАРОИТИДА ЕГИН ВА ҚОР СУВЛАРИНИ ОҚИЗИБ ЮБОРИШНИНГ САНИТАРИЯ ХОЛАТЛАРИ

Шаҳарлар шароитида ёғингарчилик, эриган қор сувларини аҳоли турар жойларидан олиб чиқчб кетиш мақсадида, кўл-мак сувларнинг йигилиб қолмаслиги, бундай сувлар очик сув ҳасзаларини ифлослантирмаслиги, эпидемиологик хавф түғ-дирмаслиги учун катта йўлларда ер ости канализация қувур-«лари ўрнатилади.

Агар ёғин сувлари учун ер ости канализация қувурлари жуда кўп пастқам жойларда, уй подвалла-рида сув йигилади, уй фунда.ментлари,,инг чўкишига, йўл ҳа-ракатининг бузилишига олиб келади, саноат корхона майдон-ларида иш бажа,ришга зарар беради. Шунинг учун ҳам ёғин-гарчилик оқибатида пайдо бўладиган сувларнинг оқишини тўғри бошқариш ва канализацияга оқизишини ташкил қилицҳ катта санитария аҳамиятга эга. Демак, бу масала коммунал? хўжалик идораларининг ҳам вазифасига киради. Шаҳарларда ёғин сувлари учун канализация шохобчаларини қуриш улар-нинг ободонлаштирилганидан дарак беради. Гоҳо ёмғир ва. қор сувлари учун ер ости канализацияси тармоқлари ўрнат-масдан оддий навларни кўча четига қуриб, ёғин сувларшш улар ёрдамида очик сув ҳавзаларига йўналтириш мумкин.

Санитария нуқтаи назаридан ёғин ва қор сувлари, уларни: қабул қилувчи сув ҳавзаларидаги чўқмаларнинг кимёвий, табиий таркиби яхши бўлмайди. Бундай сувларни канализация чиқинди сувларига қўшмасдан олдин маълум тадбир-чо-раларни кўриш тақозо этилади. Жумладан, сувларни тиндир-гичлардан ўтказиш, симтўрлар орқали унинг механик тарки-бини яхшилаш ва бошқа тадбирлар кўрилгандан сўнг бундай сувлар шаҳар канализациясига оқизилади.

Умуман олганда, шаҳар майдонларининг коммунал хўжа-лик ходимлари томонидан тоза тутилиши ёғин, қор сувларининг таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар ҳолда очик сув ҳавзаларидан аҳолининг турли мақсадларда фойдаланишини кўз-да тутиб ёғин сувларини очик сув ҳавзаларига ташлаш жойи-ни тўғри аниқлаш керак бўлади.

ТУПРОҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДА, ТУРАР ЖОЙЛАРНИНГ ОЗОДАЛИГИНИ САҚЛАШДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Санитария врачлари тупроқни ва турар жойларни турли чиқинди ифлосликлардан муҳофаза қилиш мақсадида Дав-лат санитария назоратини, яъни огоҳлантириш ва кундалик назоратни амалга ошириши зарур. Бунда улар Давлат томо-нидан, вазирликлар, юқори ташкилотлар ва бошқа муассаса-лар томонидан ишлаб чиқилган қонун кучига кирган хужлот-ларга асосланиб иш олиб борадилар. Масалан, Узбекистон: Республикаси Конституциясига МДҲ га аъзо давлатларнинг Ер тўғрисидаги қонунига (1992)^ «Табиатни муҳофаза қилишни янада кучайтириш ва табиий бойликлардан фойдаланишини яхшилаш» масаласида Республикаси чиқарилган

қарорларга, Давлат стандартларига, Са-нитария норма ва қоидаларига, Соғлиқни сақлаш вазирлиг» томонидан тасдиқланган методик күрсатмалар ва бошқаларга¹ амал қилинади.

Санитария врачлари огохлантириш санитария казоратини: олиб бориш учун қуидаги күшларни бажаришда фаол қат-. нашадилар:

1. Қаттиқ ва суюқ ахлатларни йиғиши, олиб чиқиб кетиши, уларни заарсиз ҳолатга келтириш ва улардан фойдаланиш учун қуриладиган иншоотларга ер майдонларини ажратиша тқатнашадилар;
2. Туар жойларни соғломлаштириш режаларига баҳо бе-ришда;
3. Туар жойларни соғломлаштиришнинг бош режаларига хулса чиқаришда[^] экспертиза қилишда);
4. Қаттиқ ва суюқ ахлатларни заарсизлантириш ва фой-лаланиш учун қуриладиган турли иншоотларнинг объектлар-ининг лойиҳаларига ва қурилишига, қурилган объектларни қа-бул қилишга, бошқариш назоратини уchoширишга баҳо бе-ришда;
5. Заҳарли химикатларни ишлатиш шартларини ва ишлатиш учун мумкин бўлмаганларини утилизация учун рухсат этиладиган масалаларини келишиб олишда;
6. Минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар сақлаш омборлари, дон ва уруғларни дорилаш пунктлари, қишлоқ хўжалик самолётлари, автомобиль транспортлари, тракторларни заҳарли моддалардан заарсизлантириш учун қуриладиган объектларга ер майдонларини ажратиша;
7. Уларнинг лойиҳаларига хулоса ёзишда.

Огохлантириш санитария назоратининг энг асосий масалаларидан бири ер майдонларини ажратиша ёки танлашда са-'нитария врачларининг қатнашишидир. Ер майдонларини аж-ратиша санитария врачлари қуидаги уч масалага эътибор йерадилар: а) лойиҳалаш ва қурилмоқчи бўлган иншоот учун ажратилган ер майдонига, унинг катта-кичиклигига баҳо бе-риш; б) чиқинди сувларни тозалаш иншоотлари билан ахоли туар жойлари оралиғида санитарич химоя чегараларининг кенглигини аниклаш; в) ажратилган ер майдонларининг гид-рогеологиясига баҳо бериш, бунда, яъни тупроқнинг тури, унинг фильтрлаш қобилиятини, ер ости сувларининг қайси чуқурликда жойлашгани ва айрим ҳолатларда ер ости сувла-рининг йўналиш ҳаракатлари хисобга олинади.

Аҳоли яшайдиган жойларни соғломлаштириш режасини баҳо-лашда у жойларнинг ободонлашганлигини (канализация шо-хобчалари борлигини) хисобга олган ҳолда баҳолаш керак. Чунки шу ахволга қараб суюқ ва қаттиқ ахлатларни туар жойлардан олиб чиқиб кетишининг турли имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилиши керак. Туар жойлар тўлиқ ханализация тармоқларига эга бўлганда суюқ ахлатлар шу тармоқлар ёрдамида тозалаш иншоотларига оқизилади, шаҳар территориясининг суюқ ахлатлари ассенизация тизими ёрда-мида олиб чиқиб кетилса, қаттиқ ахлатлар эса юқоридаги син-гари уларни йиғиб олиб чиқиб кетиш тизимига асосланади. Канализация тармоқлари мутлақо бўлмаган туар жойларнинг ҳам қаттиқ ва суюқ ахлатларини олиб чиқиб кетиш ассениза-ция тизими ёрдамида бажарилади. Бунда санитария врачлари ахлатларни йиғиши учун идишлар миқдорини, уларни сақлаш-яи, ахлатларни олиб чиқиб кетишини ва заарсизлантириш масалаларини амалга ошириш учун хисоб-китобларга баҳо бе-ради.

Огохлантириш санитария назоратининг яна Сир энг му-хим босқичларидан бири тупроқни муҳофаза қилишда туар жойларни соғломлаштиришнинг бош лойиҳаларига хулоса ёзишдир.

Туар жойларни тозалашнинг бош тархи соғломлаштириш-ни уюштириш лойиҳасидир. Кўпинча санитария амалиётида туар жойларни тозалашни бош тархининг лойиҳаси алоҳида ўзига хос лойиҳа сифатида тавсия қилинади ва унга хулоса ёзилади, гоҳо бундай бош тарх лойиҳалари туар жойларна қуриш, қайта қуриш учун ишлаб чиқилган лойиҳалар тарки-бida ҳам бўлади.

Биринчи ҳолатда санитария врачлари олдида туар жой-ларни соғломлаштириш, санитария ҳолатини тузатиш режаси тўғрилигини аниклаш вазифаси турса, иккинчи ҳолатда тоза-лашнинг бош тархи лойиҳаларини амалга оширишда фаол; қатнашишдир.

Туар жойлар санитария ҳюлатиня сақлаш мақсадида иш-лаб чиқилган тозалаш бош тархининг лойиҳаси учун хулоса ёзиш бир неча босқичлардан иборат:

1. Санитария тозалаш Бош тархи лойиҳасини текшириш. ва хулоса ёзиш учун санэпидстанцияга келган хужжатлар тў-лиқлигини аниклаш, яъни тушунтириш хати, график ва қўшим-ча материаллар;
2. Санэпидстанцияга келган хужжатларга хулоса чиқариш; учун турли конунлаштирилган норматив, расмий хужжатлар. Давлат стандартлари ва бошқа зарур материаллар аниклани-лади ва улар асосида хулоса ёзилади;
3. Лойиҳанинг номи, ишлаб чиққан идора ёки ташкилот-нинг нюми, ишлаб чиқилган йили, муаллифлар номи билан танишилади;
4. Туар жойларни тавсифлаб берувчи хужжатлар билан[^] яъни аҳолининг сони, туар жой фондининг ҳолати, уларнинг ободонлаштирилганлиги, ахолига коммунал хизматни уюшти-риш ҳолати, одамларнинг юриши учун тротуар йўллар ва кат-та

йўллардан ўтиш қисмларининг ҳолати, жойнинг табиий ва иқлим шароитлари, ўртacha ҳарорат, ёғингарчилик миқдори⁴. жойнинг текис ва нотекислиги, грунт ер юсти сувларининг чу-қур ётиши, ахоли ўртасида тарқалган касалликлар — ошқо-зон-ичак, юқумли касалликлар, гепатит ва гижжа касалликла-рининг ҳолати ва бошқалар билан танишиш.

Санитария врачанинг бу материаллар билан танишишк-аҳоли турар жойларидаги санитария ҳолатини билиб олиш ва қолаверса турар жойларни соғломлаштиришнинг натижа бе-радиган гигиена илмига асосланган санитария тозалаш тад-бир чораларини ишлаб чиқиш ва уларни жойларда жорин, этишда муҳим аҳамият касб этади; Турар жойлардаги қаттиқ ва суюқ ахлатлар⁵ қиб кетмеш тизимини асослаш;

5. Турар жойларда режали ва м>нгизам ра0⁶да уюш-тирилган чиқинди ахлатларни олиб чиқиб кетиши⁷ санитария жиҳатдан баҳо бериш. Одатда, турар жойларда #ифилган чи--қинди ахлатларни олиб чиқиб кетиши кўп қаватли бинолар журилган худудлардан бошланади, бунда яна о^K⁰³⁰¹^11431⁸ жоқумли касалликлар, гепатит, гельминт касаллик,⁹ 1^aP¹⁰ тарқал-«ғал маҳаллалар ҳам ҳисобга олинади;

6. Ахлатларни ўз вактида йиғиши, олиб чиқиб кетишини ях-гл1и уюштиришда ҳар бир киши учун бир йилга йиғиладиган ахлатларнинг ўртача миқдори аниқланилади. Бу ҳисоо-китоо аҳоли яшайдиган жойлардаги ҳар бир инсон учуй. касалхона ааароитида ҳар бир қаватда ётувчи бемор учун в^a бошқалар учун ҳисобланади.

Илига киши бошига ўртача йиғиладиган ахЛ¹¹ мккдори районлар, шаҳарлар учун жуда зарур. Ахлатлар миқдорига қараб ахлат-нажас ташийдиган турли транспорт воситалари, •ахлатларни йиғиши учун идиш (баклар, контейнерЛ¹²P¹³ ва бош-қалар) лар ажратилиди. Катта шаҳарларда киши бошига ур-тача йиғиладиган чиқинди қаттиқ ахлатлар 0,5 д#¹⁴ 0,8 м га *генг;

8. Чиқиндиларни заарсизлантириш, йўқ қилихИ ёки улар-дан фойдаланиш усууларини танлаш катта аҳами#¹⁵- "У соҳада санитария врачининг вазифаси қўйидаги пр¹⁶ асосланиши керак: тартибсиз пайдо бўлган ахл¹⁷тхоналарни «ўқ қилиш, маҳсус жиҳозланган тартибли ахла¹⁸тхоналаP¹⁹ни жомпостлаш усууларини жорий қилиш, улардан фойД²⁰ланниш ва •маҳсус ахлатларни ёқадиган заводларда кўйдири²¹ йўли би-лан заарсизлантириш йўлларини амалга ошириш зарур;

9. Қаттиқ аялатларни заарсизлантирувчи ва йўқ қилув-чи маҳсус иншоотларга, ускуналарга, асбоб-анжомЛ²²P²³ гигие-ши баҳо бериш. Бунда заарсиз ҳолатга келтириш учун ке-лаётган ахлат миқдорининг, ахлатни заарсизланТ²⁴РУ²⁵ аиоотнинг ишлаб чиқариш ҳажмига тўғри келиши²⁶ и аниқлаш жерак бўлади. Масалан, компостлаш майдонининг ҳисоб-ки-".тоби:

М — компосглаш майдон-шинг катталиги, гектар ҳЯСобида;
0,13—1000 та аҳоли учун зарур бўлган майдон к#тталиги;

А — турар жойлардаги аҳолининг сони;

Шуни таъкидлаш зарурки, ахлатларни йиғиши, олиб чиқиб жетиш ва заарсизлантириш коммунал ҳўжалик f²⁷ милиция шуассасаларнинг зиммасига юқлатилиган. Санитария назорати-,аинг вазифаси аҳоли турар жойларини санитария то²⁸залаШ оош гтархи лойиҳасига хуоса чиқариб беришдир.

Милиция муассасалари ўзларининг маҳаллаларДаги²⁹ милии ция вакиллари орқали майдонларнинг, қўчаларнинг, бозор ва.боғларнинг, стадионларнинг ва бошқаларнинг тозалигини на-зорат остига оладилар.

Санитария врачлари турар жойларнинг санитария ҳолати-ни яхшилаш мақсадида санитария тозалаш босқичлари билан танишиши ва шундагина ахлатларни йиғиши, олиб чиқиб кетиши, заарсизлантириш тўғрисида натижали чоралар ишлаб чиқи-ши лозим ва улар район, шаҳар ижроқўмлари томонидан тас-диқланиши шарт.

Кундалик санитария назорати йил бошида тузилган ва Давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган режа асо-сида олиб борилади. Жойларни соғломлаштириш мақсадида кундалик санитария назоратини, турар жойларнинг тозалиги-ни самарали олиб бориш учун қўйндаги вазифаларни бажа-риш тақозо қилинади:

1. Турар жойларни соғломлаштиришнинг мукаммаллашти-ришни, яни санитария тозалаш ишлари билан ҳамма худуд-ларни қамраб олишни, турар жойларни ахлат йиғиши идиш-лари билан тўлиқ таъминлашни, ахлатни олиб чиқиб қетиши учун ахлат ташувчи восита — автомобиллар билан таъмин-лашни, ахлатларни заарсиз ҳолатга келтиришни, улардан фойдаланишда натижали чоралар ишлаб чиқи-ши лозим ва турар жойларни ахлатлардан тозалаш мақсадида тузилган тадбир-ларни амалга оширишни ҳамда шу шха бўйича санитария-маориф ишларини олиб боришни назорат остига олиш;

2. Турар жойларни чиқинди ахлатлардан тозалаш кунда-лик ва келажак режаларини ва тадбирларини ўз вактида ра-йон, шаҳар, вилоят ижроия қўмиталари олдига қўйиш.

Чиқинди ахлатларни заарсизлантиришни ва улардан фой-даланиши бажарувчи иншоотларнинг кундалик санитария: назорати қўйидагиларни бажаришни тақозо қилади:

а) ускуналарнинг ўрнатилишини ья ишлатилишининг тўғ-рилигини аниқлаш;

- б) заарсизлантириш жараёнинидг яхши натижка беришини назорат қилиш мақсадида комносталардан намуналар олинниб текширилади. Агар компостланган ахлатларнинг колнититри бир бўлса, намуналарда гижжа тухумлари учрамаса,, бундай компостлардан кишлоқ хўжалигида фойдаланишга рухсат берилади;
- в) ахлатларни заарсизлантирувчи ускуналар иш жараёнларининг ташки муҳитга зарар бермаслиги ёки бериши ўрганилади;
- г) чиқинди ахлатларни заарсиз ҳолатга келтирувчи ёки улардан фойдаланиш учун қурилган иншоотларда ишлайдиган. ишчиларнинг иш шароити, соғлиги ва бошқа томонлари ўрганилади.

Мукаммаллаштирилган ахлатхоналар таги қаттиқ бўлиб, сув ўтказмайдиган, маҳсус тайёрланган жойларда ташкил қи-лкнади, бунда сув ўтказмайдиган ер қаватининг қалинлигий 0,5 метр. фильтрлаш козффициенти $K=10^5$ см/сек га тенг бў-лиши керак.

Бундай талабларга лойли тупроҳ, яrim лойли тупроқ, жуда қаттиқ жинсли тупроқлар жавоб беради. Борди-ю, ахлатхона учун тайёрланган майдада тупрекларнинг сув ўтказувчанлигин юкори бўлса, унда лойли тупроқлардан олиб келиниб шнббаланади, сўнгра ахлатлар қаватма-қават қилиб майдонга тўп-ланиб борилади ва шиббаланади. Ахлатлар булдозер меха-низмлари билан қалинлиги 20—30 см қилиниб майдонга ёйи-лади ва шиббаланади. Шиббаланган ахлат устига яна янги ахлатлар солинади. Ахлат қаватларининг умумий баландлигин 2 м га етгач унинг устидан 25 см [^]алинликда тупроқ боетп-рилади, тупроқ намлиги 35—50% га тенг бўлади, тупроқ ўр-нига қурилиш чиқиндилари ташласа ҳам бўлади.

Мукаммаллаштирилган ахлатхоналарда лойихага асосеак. ахлат қаватларини 3—4 м га ҳам етказиш мумкин. Ахлатлар-нинг усти ёз ойларида узоғи билан бир кун, қиши кунлари уч кун беркилмаслиги мумкин. Иложи борича уларнинг устини. беркитиб пашша, курт-кумурсқа, қушлар ва бошқа ҳашарот-лардан асраш зарур. Ахлатлардаги ахлатларнинг заарсизла-ниши уларнинг усти беркитилгандан сўнг 15—20 йил давом; этади. Тахминан 1000 тонна ахлат учун йил давомида 0,02—0,05 гектар ер майдони етарлидир. Аҳоли тураг жойлари би-лан ахлатхоналар оралиғида санитария химоя зонаси 500 метр масофани ташкил қиласи.

Санитария врачлари компост майдонлари устидан кунда-лик санитария назоратини олиб бориш мақсадида уларни. ҳисобга оладилар. Компост майдонларининг атрофида ёғин сувларнинг тўхтаб қолмаслиги учун унинг атрофида сувларни оқизиш ва олиб кетиш учун кичик ариклар қазилади. Фой-даланиб бўлмайдиган ахлатлар бир-бирига ёндош қилиб жой-лаштирилади, улар оралиғидаги масофа 3 метрга, уларга ахлатларни ташлаш учун уюштирилган йўлларнинг кенглиги 6 метр[^] а тенг.

1000 тонна ахлат учун 1—2 гектар майдзн ажратилади, унинг 80% и компост майдзнларнга, 15% и йўлларга, 5% и. хўжалик зонаси учун мўлжалланади.

Компостнинг этилиш вақти турли иклим ва шароитга қа-раб 5 ойдан 12 ойгача давом этади, этилган компост жигар рангга эга бўлади, хидсиз, пашшаларни ўзига тортмайдиган қумок-қумоқ модда. Этилган компостни шудгорларда ўғит си-фатида ишлатиш тавсия этилади.

Ахлатларни заарсиз ҳолатга келтириш учун фойдалани-ладиган биотермик камералар текширилганда уларнинг бўлин-маларига, аэротор ускуналарнинг вентиляция-шамоллатиш минораларига, сим тўрларнинг борлигига аҳамият берилади. Биотермик камераларнинг таги 0,001 % қия қилиб сув ўтказ-майдиган материаллардан ишланади.

Камераларда биотермик жараёнлар нормал ҳолатда кети-киси учун камераларга узоги билан ахлат 4 кун давомида со-линиши керак. Ахлатларни тўхтовсиз заарсизлантириш мақ-қадида бир неча камера қурилади. Йил давомида 1000 м³-ахлатни заарсизлантириш учун 0,05—0,1 гектар майдонга бир неча биотермик камералар жойлаштирилиши керак. Май-доннинг бир чеккасига ахлатдан ажратиб олинган, фойдала-ниши мумкин бўлган нарсалар учун омборлар қурилади (те-шир-терсак, резина, ойна ва бошқалар). Компостнинг етилиши учун ёзда 40 кун, қишида эса 60 кун керак бўлади, санитария ҳимоя зонаси аҳоли турар жойлардан 300 метрли масоффан ташкил қиласди.

Санитария врачи турар жой тупрокларининг безарап э>кан-лигини билиш учун тупроқ намуналарини лаборатория шарои-тида анализ қилиб хулоса чиқаради. Чиқинди ахлатларни заарсизлантириш иншоотлари ишининг натижали эканлиги-ни билиш учун чиқиндилар анализ қилиниб уларнинг эпн-демик нутқи назардан заарсизлиги аниқланилади.

Чиқинди ахлатларни заарсизлантирувчи иншоотларнинг атрофдаги аҳолига, турар жойларнинг санитария ҳолатига за-рари тегмаслиги керак.

ЗАҲАРЛИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАР ГИГИЕНАСИ

Ҳозирги илмий-техника тараққиёти даврида ҳаётнинг тур-ли жабҳаларида кимё саноати маҳсулотлари кенг кўламда кўлланнлмоқда. Ўйниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиш-тиркш борасида кимёвий моддаларни қўллаш катта аҳамият •касб этади/ Олдимизда қишлоқ хўжалигини жадал тараққий зеттириш, илғор технологияни жорий этиш ва пировард натижа-да халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш, эл хирмонига -барака киритиш каби долзарб муаммолар турибди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ҳар томо-нлама ривож-лантириш, ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий, биологик, воситалар, минерал ўғитлар, комплевс механизация ва ерлар-ни мелиорациялаш йўли билан қишлоқ хўжалигини жадаллаш-тириш чораларини оғишмай амалга ошириб бориш билан мақ-садга етиш мумкин.

Бундай улкан вазифа қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг илғор усуулларини моҳирона ва тадбиркорлик билан қўллаш натижасида амалга оширилади. Мана шу усууллар орасида ўсимликларнинг заараркунандалари ва касалликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий вюситалардан фойдаланиш асосий ўрин тутади.

Узбекистоннинг серқуёш табиати ва ўзига хос иқлим ша-роитлари зироатчилик барча жабҳаларининг ривожланиши учун қулийлик яратиш билан бирга қишлоқ хўжалиги экинла-рига зарар етказувчи ҳар хил ҳашаротлар ва замбуруғ касалликларининг кўпайишига ҳам имконият беради. Катта меҳнатлар эвазпга етиштириладиган хўжалик эккнларига ҳар хил каналар, бактериялар, замбуруғлар, вируслар ва бошқа бир> қатор заарархунандалар жуда катта зарар етказиш қобилия-тига эга.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳалқ бошига очарчн-лик ва вайроналикни келтирадиган оғир оғатларнинг сабаб-чиларидан бири ўсимлик заараркунандалари ва касалликлари-дир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) ипнг берган маълумотларига қараганда, дунё бўйича қишлоқ хўжалигига ҳар турдаги заараркунандалар етказаётган зарар ҳар йил» 75 миллиард доллардан ошади. Чигирталарнинг булатдек ёпирилиб миллион-миллион гектар майдонлардаги экинзорлар-ни йўқ қилиб юбораётганлиги ҳакида маълумотлар берилади. Бутун-бутун ўрмонлар, мевазор боғлар, токзорлар, ҳашарот-лар, туфайли касалликка учраб курнб кетмоқда.

Қишлоқ хўжалик заараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг қанчалик мухим эканлиги мана шулардан кўриниб турибди. Усимликларни оғатлардан сақлашда бемин-нат дастёр бўлиб хизмат қилувчи пестицидлар ва минерал ўғитлар қишлоқ хўжалигига катта фойда келтиради. Масалан, заҳарли кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалигига қўллаш 1976 йилда 5,5, 8-беш йилликнинг ўзида 20 миллиард сўмдан зиёд фойда келтирганининг ўзи фикримизга далил бўла олади.

Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текши-риш институтининг берган маълумотларига кўра ўсимлик за-раркунандалари ва касалликларига қарши кураш чоратад-бирлари яхши йўлга қўйилганда ҳар йили қўшимча равишда 6000 тонна пахта, 25 миллион тонна дон, 260 минг тонна қанд лавлаги ва бошқа қимматли ноз-неъматларни етиштириш мумкин бўлади.

Ҳозирда ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий ва бюшқа турли омиллардан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Усимликларни заараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун ишлатилаётган кимёвий воситаларнинг аксарияти. Умумий таъсир кучига эгалиги билан ажралиб туради. Маз-кур таъсирчан кимевий моддаларни барча экин турларидава ҳар йил тупроқ ва сувларда учрайдиган заараркунандалао, ка-саллик тарқатувчилар, паразитлар ва бегона ўтларга қўллаш мумкин, шунингдек омборлар, хоналар, тегирмон-элеваторлар ва бошқа иншоотларни дорилашда қўллаш мумкин.

Айрим таъсирчан кимёвий моддалар билан ўсимликларнинг баргларини тўкишда, яна бир тури билан ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштиришда, салмоқли ҳосил

беришини таъ-минлашда фойдаланилади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳозирда 1000 га яқин турли хил кимёвий моддалар атрофли-ча ишлатилмоқда. Илига мингларча янги хил кимёвий мод-далар кашф этилиб, уларнинг маълум бир қисми қишлоқ хў-жалигида қўллаш учун тавсия этилади. Ҳар йили 100 мингтектардан зиёд экинзор ва мевазорлар ҳар ҳил кимёвий воси-•талар билан ишловга бершишоқда.

Захарли кимёвий моддаларнинг кенг кўламда ишлатилиши гигиена фани зиммасига кўп муаммоларни ечиш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Захарли кимёвий моддалар ўз но-ми билан заҳардир. Мазкур моддаларнинг таъсири факатгина ҳашаротлар, ўсимлик касалликларини чакирувчи микроблар, вируслар учунгина бўлмай, балки иссик қонли жониворлар, одамлар учун ҳам заарлидир. Кейинги вақтларда қишлоқ, хўжалигида чидамли квмёвий моддаларнинг ишлатилиши та-биатда экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Қўлланилаётган заҳарли кимёвий моддаларнинг биологик жиҳатдан фаол эканлиги инобатга олинган ҳолда, шунингдек уларнинг халқ хўжалигида кўп ишлатилиши муносабати билан мазкур моддаларнинг таоиқи муҳитга бўладиган таъсирини ҳи-собга олиш лозим бўлади.

Маълумки, инсон организми ташқи муҳит билан узвий ва чамбарчас боғланган. Демак, ташқи муҳитнинг заҳарли кимё-вий моддалар билан заарланиши (ифлюсланиши) ўз навба-тида аҳоли соғлиғига ва барча фойдали жониворларга салбий таъсирини кўрсатмай кўймайди.

Қишлоқ хўжалигида қўлланувчи заҳарли кимёвий модда-ларнинг турлари жуда кўп бўлиб, улар ўзининг таъсир кўла-ми, кимёвий тузилиши ва хоссалари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Мазкур таъсиричан кимёвий моддаларни атрофлича ўрга-ниш, синааб кўриш ва лозим бўлгандага қўлланилишига оид тав-скяларни ишлаб чиқишга доир барча масалалар қишлоқ хў-жалиги билан бевссита шуғулланувчи Давлат комиссиясига тегишилдир. У ўсимлик зааркунандалари, касалликлари ҳам-да бегона ўғитларга қарши кимёвий воситалар билан кураш борасида фаоллик кўрсатади.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАР ТАСНИФОТИ

Усимликларни касалликлар, зааркунандалар ва бегона ўтлардан асраш учун ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг умумий атамаси пестицид (лотинча «резИз» — юкум, «C1c1o»— ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ деган сўзлардан олинган) лар бўлиб, улар кимёвий таркиби, қайси максадлар учун қўлланилишига қараб, шунингдек зааркунандалар организмига ўтиш усули ҳамда қандай таъсир қилишига қараб гурухларга бўлинади.

Кимёвий таркибига кўра пестицидларнинг учта асосий гу-рухи қайд қилинади:

1. Анорганик бирикмалар (маргимуш, мис, рух, фтор, ба-рий, симоб, олtingугурт бирикмалари, шунингдек хлоридлар ва боратлар). Усимликлар, бактериЯлар ва замбуруғлардан слинади-ган пестицидлар (перетринлар, анабазин, никотин, бактериаж препаратлар, антибиотиклар^{ва} бошқалар).

2. Органик бирикмалар. Мазкур гурухга таалуклн пес-тицидлар физиологик таъсир жиҳатидан жуда фаол бўлгаш жуда кўп моддаларни ташкил қиласди. Бу гурух моддалар ку-йидагиларни ўз ичига олади:

а) хлороорганик бирикмалар (ггксахлороциклогексан, полихлорпинен, полихлоркамfen, гептахлор, келтан, эфир сульфонат. ДДТ, азотокс, дитоКС, геклатокс ва бошқалар);

б) фосфороорганик бирикмалар (метафсе, трихлорметафос —3, метилнитрофос, рогор, карбофос. ДДВФ, цициал, фазалон, фталафос, кильваль, антио, метилмеркаптафос, сайфос, метатион, базудин ва бошқалар);

в) карбонат кислота, ТИО—ва дитиокарбоминат кислота ҳосилалари (севин, карбатион, эптам, ИФК, хлор ИФК, цинеб, цирам, ТМТД ва бошқалар);

г) фенолларнинг нитро ҳиссалари (ДНОК, дкнитроортокрезол, нитрофон, пентохлсрфенол, пентохлорбензол, пентохлорнитробензол ва бошқалэр);

д) фталамиidlар (каптан, фталон ва бошқалар);

е) минерал мойлар ва яна бошқа турдаги кимёвий таъсиричан моддалар.

Пестицидлар аниқ >бир максад учун қўлланвшга қараб-қуйидаги гурухларга бўлинади:

1. Усимлик' зааркунақДаларига қарши қўлланиладиган: таъскиричан воситалар: ҳашарот ва какаларнинг тухумларкни қуритиш, йўқ қилишда ишлатиладиган акарницидлар (аса-гшз— кан а); личинкаларни йўқ қиладиган ларвицидлар (1аг-уа — личинка); думалоқ чувалчангларни қириш учун кшка-тиладиган моддалар — нематоцидлар (петаъз); шиллик курт-лар ва бузоқбошиларни нобуд қиладиган лимацидлар — (Н-та — шиллик курт); квмирувчи ҳайвокларни ўлдприш учун ишлатиладиган пестицидлар бўлмиш зооцидлар каби таъсири-чан моддалар тури қайд қилинади.

2. Усимликларнинг замбурурглар за бактериялардан пайдс* бўладиган касалланишига қарши ишлатиладиган моддалар — фунгицидлар (шпдиз —замбуруг) ва бактерицидлардир. Маз-кур туркум моддалардан уруғликларни, экинларни ва туп-роқни дорилашда кенг кўламда фойдаланилади.

3. Бегона, ёввойи ўтларга қарши ишлатиладиган таъскрчан: кимёвий моддалар тури гербидилар (негъеа — ўт) нисми би-лан юритилади.

4. Пахта ҳосилини механизация воситасида йигиб-териб-олишда, ғўзаларни тайёрлаш мақсадида ўсқмлк баргларинн сунъий йўл билан тўкиш, ятни дефолнацпя килиш учун киши-тиладиган дефолиантлар (тоНит— барг).

5. Усимликларнинг илдизини куритишда ишлатиладигаи, мс.ин суддан фоидаланилади.

о. Лалақит берадиган, керак бўлмайдиган дов-дараҳатлар-«и куритиш учун ишлатиладиган таъсири кимёвий модда-лар — арбоцядлар.

Пестицидлар ишлатилиш мақсадига қараб шартли равишда гурухларга бўлинган. Чунки талайпгна пестицидлар кўп то-монлама таъсири кўрсатиш хусусиятига эга ва хилма-хил обьектларга ишлатилади, яъни улар зааркунанда ҳашарот-лар, уларнинг тухумлари, ғумбак личинкаларини ҳам нобуд килиш хусусиятига эга. Жумладан, рагор, метилмер — капта-«рос, антио ва бошқалар инсектицид ҳамда айни бир вактда - акарпцид модда сифатида фойдаланилиши мумкин. Агар бир қатор гербидиларнинг ишлатилиш миқдори кўпайтирилади-ган бўлса, у ҳолда мазкур моддалар дов-дараҳатларни, шунинг-дек бута ўсимликларини қуритиб юбориши ҳам мумкин.

Пестицидлар зааркунандалар организмига қандай йўл би-лан тушиши, қандай таъсири кўрсатишига қаро ичак ^рқали, алоқа йўли билан таъсири кўрсатадиган пестицидларга ва фу-мигантларга бўлиниади.

Кимёвий кишлов берилганда пестинцидлар ҳашарот ва ли-чинкалар ичагига оғиз орқали тушади. Бу ходиса уларнинг заҳарли кимёвий моддалар сепилгзн ўсимликларнинг барги ёки бошқа қисмлари билан озиқланишида кузатилади. Бево--сита алоқа йўли билан таъсири киладиган пестицидлар заар-жунандалар ейдиган озука билан ҳам организмга т /шиб ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Пестицидларнинг фумигантлар деб аталаидиган тури ҳаша-ротлар ва зааркунанда жониворларга газ ёки буғ кўриникшл-да нафас йўллари орқали ўтиб, ўз таъсирини кўрсатади.

Пестицидларнинг буқдай гаенкфоти шартли ҳисобланади, чунки бир қатор заҳарли кимёвий моддалар сир вак.ткиг ўз:-.,да ҳам ичак орқали, ҳам алоқа йўли билан таъсири этиш ху-сусиятига эга.

Хозарда жуда кўп пестицид намуналари тизимларга таъсири жўрсатиб яхши самара бериши билан қишлоқ хўжалигида ат-рсфлича қўлланимокда. Улар ўсимликларнинг ичкарисига тез ўтнб, зааркуканда ҳашаротлар — триплар, каналар, ўсим-лкк битлари ва бошқаларга озука бўладиган ўсимлик шира-ларики маълум давргача за.харлаб қўйиш хусусиятига эга. Захарланган ширалар билан озиқлашан зааркунанда ҳаша-^рэтлар тез қирилади. Ичак орқали таъсири кўрсатадиган анор-ганкк кисектнцидлардан оғиз аппарати, кемириувчи типда бў-.ладиган ҳашаротларни: ғумбаклар, қўнғизлар, чигирткалар, ҳашаротлар ва бошқаларни нобуд қилишда фойдаланилар эди, тизимларга таъсири кўрсатадиган, органик асосга эга бўл-ган инсектицидлар эса асосан сғиз сўруви аппарати бўлади-1ган ҳашаротлар (ўсимлик битлари, триплар, шунингдек ўснм-лик каналари)га қарши ишлатилади. Зааркунандаларга таъсири кўрсатадиган пестицидларнинг афзалиги шундай бўлишин керакки, улар ишлатилганда фой-дали, яъни зааркунандаларнинг кушандаси бўлган фойдали ҳашаротларни ва кушларни заҳарланиб қолнишидан маълум. даражада холи бўлишин керак. Ам.мо мазкур пестицидларнинг аксарияти одам ва ҳайвонларнинг фавқулодда заҳарланиб қо-лишига сабаб бўлади, шу билан бирга заҳарланиш ходисаси пестицидлар таоодифан оғизга тушиб қолгандагина юз бер-масдан, балки терига тушиб қолганда ҳам содп.р бўлади, сабаби бу пестицидлар шикастланмаган тери орқали организмга осонлик билан ўтиш хусусиятига эга.

Пестицидлар барча организмлар учун заҳарли бўлкни ту-файли, қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳар қандай заар-кунандалардан муҳофаза этишида, касалликларга барҳам бе-ришда ҳар қандай кимёвий таъсиричан модда амалиётда жо-рий этглишкдан олдин ;ар томонлама чуқур текширувларданг ўтказилиб, турли жиҳатдан скяаб қўоилиши шарт. Заҳарлн кимёвий моддаларга баҳо бериш дейилганда ана шу атроф-лича тескирув ва синовларда қўлга киритилган маълумотлар-га асосланиб чиқариладиган якун кўада тутилади.

Пестицид намунасининг устидан ўтказиладиган чуқур тад-қиқот, текширув ва синовлар асосан икки мақсадни кўзллб» олиб борилади: бир томондан, кимёвий модда кишлоқ хўжл-лигига ишлатилганда унпнг қанчалчк самара бериш МУМКИИ-ЛИГИНИ аниқлаш ма^қсадида, иккинчи томондан, бирор йўл би-лан одам ва ҳайвонлар организмига тушиб қолгудек бўлса,, қаячалик заҳарли таъсири кўрсата олишини аниқлаш мақса-дида олиб борилади.

Кимёвий йўл билан синтез килинган ҳар бир заҳарлн кимё-вий модданинг самара бериши дастлаб тегишли қишлоқ хўжя-лик муассасаларининг лабораторияларида,

тажриба участка-ларида, махсус майдовларда скнаб кўрилади. Синов натижалари ижобий, яхши бўлиб мазкур кимёвий модда жамоа ҳамда-давлат хўжалиги ишлаб чиқариш шароитларида ҳам синааб кўришга топширилади.

Тъсиричан кимёвий моддани ишлаб чиқариш шароитларида* синааб кўриш учун давлат санитария инспекциясидан тегишли рухсат олинган бўлиши ва сиков ишлари ўша кимёвий модда учун беоилган вактинчалик муваққат инструкцияларига м>то-фирқа олиб борилиши даркор.

Модомики шундай экан, тъсиричан кимёвий моддани гитие-на ва токсикология жиҳатидан текшириш дала шароитларида* синааб кўришдан аввал бошланади. Пестицидлар текширилганда унинг ҳар хил ҳайвонлар учун қанчалик заҳарли экан-лиги тажриба йўли билан амалда аниқланилади. Олиб борилган мазкур тажрибада модданнинг ҳайвонларга кўрсатадига' маҳаллий (айрим органларга) ва умумий (бутун организмга) тъсири, жумладан нафас йўллари, меъда-ичак йўли, шикзст етмаган тери ва шиллик пяпва». рилмаслиги аниқланилади ва шу йўсинда унинг қандай заҳар-лилиги белгиланади.

Ҳар бир пестицид намунадининг организм учун заҳарлилик даражасини белгилашда токсикологияяда энг кам заҳарли до-за, ўлдирадиган энг катта — мутлақ доза деб номланувчи ибо-ралардан фойдаланилади.

Заҳар деб қандай бўлмасин бирор йўл билан жуда оз мик-дорда организмга тушганида организм тўқималари билан ўза-ро тъсири қиласидиган ва унинг нормал хаёт фаолиятини издан чиқарадиган моддага айтилади.

Заҳарланиш — организмга заҳарли модда таъскр этганда •органкзмнинг нормал хаёт фаолияти бузилиб, касал бўлиб қолишдир. Заҳарлилик, яъни токсиклик деб кимёвий мюдда-лар (пестицидлар) нинг организм хаёт фаолиятини издан чи-қариб, заҳарлай олишига айтилади. Токсиклик модданинг хаёт бўлан чиқиша олмаслик мезони бўлиб, турли катталиклар билан белгиланади. Бирор пестициднинг токсиклиги кимёвий ҳам физик-кимёвий хоссаларга боғлик бўлади ва кенг доирада ўзгариб туради. 'Заҳарланиш, яъни организмда рўй берадиган ўзгаришнинг табиати заҳарларнинг организм билан ўзаро тъ-сири қилишини белгилаб берадиган бир қанча шарт-шароитларга боғлик. Заҳарнинг доаси, организмга қандай ўтиши, қан-ча муддат тъсири қилаётганлигин, организмнинг ахволи) ва бош-қалар ана шундай шарт-шароитларнинг энг муҳимлари хисоб-ланади.

Заҳарли моддаларнинг тъсирини белгилаб борадиган асо-сий омиллардан бири уларнинг қандай доза ёки концентрацияда организмга тъсири қилинишдир.

«Заҳар» тушунчасининг ўзи ҳамиша модданинг дозаси, миқдори, тъсири этиш вақтининг қиска ва узунлигига алоқа-дор булади. Доза деб заҳарнинг маълум оғирлик ҳажми бир-ликларида қфода қилинадиган миқдорига айтилади. Одатда у мг,кг бўлан белгиланади. Ксицентрация деб пестициднинг тур-ли муҳитлар (ҳаво, сув, қон ья бошқалар) шароитида суюлпш даражасига айтилади ва мг/л ёки мг/м³ лар билан ифодала-кади.

Заҳарли кичёвий моддалар организмга хоҳ бир йўла кир-г^ч сўлски, хоҳ кўп марта қайта-қайта кирган бўлсин, уларнинг тъсиричан миқдори бўсаға доза, токсик доза ва ўлдира-, диган дозага бўлинади.

Бўсаға доза ёки концентрация деб кимёвий модданинг ор-ганизм физкэлогик функцияларида ўта сезгир текшириш усул-ларндан фойдаланилганда қайд қилинадиган маълум ўзгариш-..ларни келтириб чиқарувчи энг кам миқдорига айтилади. Бўса-га доза туфайли издан чиқсан физиологик функциялар тез -орада тккланиб асл холига келиб қолади.

Токсик заҳарли доза (ёки концентрация) маълум клиник ^елгилар билан ўтадиган рўй-рост заҳарланиш ҳодисасига сабаб бўлади. Улдирадиган доза (ёки концентрация) заҳарланигл ҳоди-сасининг ўлим билан тугашига/олиб келади. Мутлақо ўлдира-диган доза (концентрация) заҳарли модданинг ҳамиша ўлнм-га элиб келадиган энг кам миқдори (дозаси, концентрация-сири).

5 лдирадиган уртача доза еки концентрация бу тажриба утун заҳазланган ҳайзонларнинг 5096 ни ўлдирадиган дозадир. Улдирадиган ўртата дэза пробит— анализ усули билан хисоблаб Чўкиладӣ. Одагда турли заҳарларнинг бўсаға, токсик ва ўлдирадиган доза ҳамда конценграцияларини бир-бирига солишти-риб кўриш йўли билан ўша модданинг қанчалис заҳарлилиги тўғ-рисида фикр юритилади.

Пестицидларнинг заҳарлилик даражасини белгилаш учун куйидаги бошқа тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

Сурункали (хроник) тъсири бўслғаси деб пестицид ўткир бўсаға миқдорининг сурункали тъсири бўсағаси нисбатига ай-тилади.

Ишловга бериладиган майдонларда пестициднинг кўллани-лиши у ерда хизмат қилувчиларнинг саломатлигига салбий тъсири қиласи мозим. Пестицид ишлатиладиган зона ҳа-восидаги унинг йўл кўйса бўладиган концентрацияси — ҳар куни ишлаб турдиган одамлар организмига ўзгаришлар олиб келмайдиган концентрациядир.

Йўл кўйса бўладиган қолдик миқдор озиқ-овқат маҳсулот-лари воситасида организмга тушганда физиологик нормал ҳо-латни бузмайдиган миқдордир. Заҳира

коэффициенти (хавфсизлик индекси, ишончлилик коэффициенти) — сурункали таъсир бўсағасининг йўл қўйса бўладиган эиг катта концентрацияга нисбатан ҳисобланади.

Токсикология (юонча «{оҳю» — заҳар, « 10^1 а» — таъли-мот, ўрганиш деган сўзлардан олинган) заҳарланиш ҳодиса-ларининг олдини олиш ва даволаш учун самарали воситаларни қидириб топиш мақсадида заҳарли моддалар ҳамда уларнинг ҳайвон организмида келтириб чиқарадиган патологик ўзга-ришларини ўрганадиган фандир. Заҳарли моддалар тўғриси-даги фан сифатида токсикология аслида шу моддаларга ало-қадор жамй масалалар мажмумини ўз ичига олади. Бироқ унинг асосий мазмуни заҳарли модда туфайли организмда рўй берадиган патологик жараёнлар (заҳарланиш ҳодисаси) мо-ҳиятини ўрганишдан иборат. Токсикология тирик модда билан кимёвий агент ўртасида бўладиган ўзаро таъсир шаклларидан бирини ўрганувчи фандир. Токсикология фанининг ютуқлари-,дан кэммунал гигиена соҳасида кенг кўламда фойдаланилади. Жумладан, атмосфера ҳавоси ёки сув ҳавзлари учун заҳарли моддаларнинг рухсат этиладиган микдорини ишлаб чиқишида улар жуда зарур.

Токсикология фанининг энг муҳим вазифаси моддаларнинг заҳарлилик даражасини илмий асосда аниклаш, улар организмга бир марта ёки такрор-такрор таъсир кўрсатганида рўй берадиган заҳарланиш манзарасини тасвирлаш, организмдагив айrim функцияларнинг қандай бўлмасин бирор орган ёки ти-зимнинг бошқалардан кўпроқ ёки камроқ заарланишини то-пиш ва уларни патоморфологик жиҳатдан таърифлаб беркши-Дир.

Токсикологиянинг яна бир вазифаси заҳарлар кучини кеса-диган, камайтирадиган моддалар, яъни кучли заҳарланиш; ҳодисаларининг олдини олиш усуулларини ишлаб чиқишидир. Токсикологиянинг энг муҳим ва шу билан бирга қийин маса-лаларидан бири моддаларнинг организмга кўрсатадиган заҳарли таъсири механизмини ўрганиш ва заҳарнинг биологик: таъсири асосида ётувчи бирламчи биокимёвий реакцияларки аниклаб олишдир.

Заҳарнинг кучи организмда қандай ўзгаришларга учраши-га кўп жиҳатдан боғлиқ. Маълум вақт мюбайнода организмга кирган заҳар ундан ташқарига чиқариладиган ва зарареиз-лантириладиган микдордан кам бўлса, у организмда аста-се-кин тўпланиб боради, яъни кумуляция жараёни вужудга ке-дади. Кумуляция жараёни моддий ва функционал ҳолатда ке-чади.

Моддий кумуляция — бу организмда заҳарнинг тўплана бориб, организм тўқималари билан маҳкам бирикиши ва уларда қа-йтмас ўзгаришлар келтириб чиқаришидир. Моддий кумуляцияга олиб борадиган заҳарлар учун концентрация: (доза) нинг аҳамияти йўқ, бундай заҳарлар учун уларнинг нечогли узоқ таъсир қилиб келаётганч, яъни вақт катта аҳа-миятга зга.

Функционал кумуляция — заҳарнинг организм хужайра ва тўқималарига кўрсатадиган таъсирининг тўпланиб боришидир. Бунда тўқималарда қайтмас ўзгаришлар келиб чиқмайди, ле-кин заҳарнинг улар функциясига кўрсатадиган таъсири кучи тўпланиб боради. Бу гурухга кирадиган заҳарлар учун улар концентрацияси (дозаси) ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади: концентрацияси бўсаға концентрациясидан кўра паст бўлса, организмда физиологик ўзгаришларга олиб келмайди.

Кейинги вақтларда қишлоқ ҳўжалигида турли пестицид аралашмасидан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Модомики, шундай экан, пестицидлар организмга аралаш — мужассам таъ-сир кўрсатиши мумкин. Пестицидлар аралашмасининг таъси-ри ўзининг табиити ҳамда кучи жиҳатидан ўша фойдаланила-ётган аралашма таркибида кирадиган айrim заҳарлар таъси-ридан бошқача бўлиши мумкин. Агар бир неча заҳар модда-лар биргаликда организмга қаршилик кўрсатадиган бўлса, ор-ганизм (таъсирининг кучайиш ҳодисаси), антогонизм (таъси-рининг сусайиб қолиши) ёки аддитив ҳодисалари содир бўли-ши мумкин.

Синергизм дейилганда аралашма таъсирининг унинг тарки-бига кирадиган ҳар бир модда таъсиридан кучли бўлиши кўзда тутилади. Бошқача айтганда, синергизмда пестицид ара-лашма таркибидаги айrim моддаларнинг жамидан кўра куч-лироқ таъсир кўрсатади.

Аддитив таъсир деб аралашманинг ундаги ҳар бир таркибий қисм таъсири билан тенг таъсир кўрсатишига айтилади.

Антогонизм дейилганда аралашманинг умумий таъсири унинг таркибидаги айrim қисмлар жами таъсиридан кам бў-лишига айтилади.

Фанда модданинг физиологик антогонизми деб аралашмага кирадиган айrim моддаларнинг маълум органлар, физиологик тизимлар ва регулятор механизmlарига қарама-қарши таъсир «ўрсатиши ёки функционал жиҳатдан бир-бирига зид ишлай-диган унсурлар (масалан, функцияларни стимуллаш, сусайти-риш) га бир хил таъсир кўрсатиши тушунилади.

Одатда кимёвий антогонизм аралашма таркибида киради-тан моддаларнинг бир-бири билан реакцияга киришиб, кам заҳарли ёки безара бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятига ай-тилали. Бироқ, пестицидлар аралашмасига татбиқан олганда €>унинг аҳамияти йўқ, чунки аралашмалар тайёрлашда модда-ларнинг бу хусусияти инобатга олинган бўлади.

ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ГИГИЕНИК СИНФИ

Жэрий этилган тартибга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида кўлланиш учун тавсия этилган ҳар қан-дай янги пестицид модда олдин токсикологик жихатдан синаб кўрилиши зарур. Янги моддани шу тариқа ўрганиш асосида З’ни қишлоқ хўжалигида ишлатиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги муаммо ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги муаммо ҳал қилинади, шу билан бирга препарат қандай шароитларда фойдаланилганда бутунлай хавфсиз бўлиши бел-гилаб берилади. Мазкур кимёвий модда билан ишлаш вақти-да унинг қандай концентрацияда ҳавода бўлишига йўл кўйи-ловши, озиқ-овқат маҳсулотларида кўпи билан қанча бўлишига рухсат этилиши аниқ кўрсатиб берилади. Бундай тадбирлар-нинг барчаси Соғликни сақлаш вазирлигининг Баш бошқар-маси чиқариб турадиган тегишли ҳужжат-инструкциялар ва қарэрлар кўринишида расмийлаштирилади. Қишлоқ хўжалиги-да заҳарли кимёвий моддаларни кўллаш устидан дастлабки санитария назорати шу тариқа олиб борилади. Мазкур вази-фа Соғликни сақлаш министрлигининг Баш санитария-эпиде-миология бошқармаси қошида пестицидлар регламентацияси юзасидан тузилган Давлат маҳсус комиссиясининг рел[<]асига жўра умумдавлат кўламида ўтказилиб турилади.

Захарли кимёвий моддалар заҳарлилигига қараб бир неча гурухларга ажратилади.

1. *Меъдага (кузатувда бўлган ҳайвонларнинг меъдасига) юборилганида кўрсатадиган таъсирiga қараб:* а) кучли таъсир кўрсатадиган — ЛД₅₀ 1—50 мг/кг дан
заҳарли моддалар;

б) жуда заҳарли моддалар — ЛД₅₀—50—200 мг/кг;

в) ўртача заҳарли моддалар — ЛД₅₀—200—1000 мг/кг;

г) кам заҳарли моддалар — ЛД₅₀—1000 мг/кг дан ортиқ.

2. *Теридан сўрилиб таъсир қилишига қараб:*

а) таъсири жуда зўр моддалар — ЛД—50—300 кг/кг дан:
кам; тери-офиз коэффициенти бирдан кам;

б) таъсири зўр моддалар — ЛД₅₀—300—1000 мг/кг; тери-
офиз коэффициенти 1—3;

в) таъсири суст моддалар — ЛД₅₀—1000 мг/кг дан кўп::
тери-офиз коэффициенти 3 дан ортиқ.

3. *Учувчанилигига қараб:*

а) жуда хавфли моддалар — тўйичнган концентрацияси ток-
сик концентрациясидан катта ёки унга teng;

б) хавфли моддалар — тўйинган концентрацияси бўсаға?
концентрациясидан катта;

в) хавфи кам моддалар — тўйинган концентрацияси бўсаға,
коинцентрациясидан кичик.

4. *Тўпланиши (кумуляцияланиши) ga қараб:*

а) жуда юкори, кўп тўпланидиган моддалар — кумуляция:
коэффициенти 1 дан кам;

б) сезиларли даражада тўпланиб борадиган — кумуляция'
коэффициенти 1—3 дан кам;

в) ўртача тўпланиб борадиган — кумуляция коэффициенти!
3—5 бўлган моддалар;

г) суст тўпланиб борадиган — кумуляция козффициенти
5 дан ортиқ бўлган моддалар.

5. *Чидамлилигига қараб:*

а) жуда чидамли, заҳарсиз, таркибий қисмларга парчала-
ниш вақти 2 йилдан ортиқ моддалар;

б) чидамли, заҳарсиз, таркибий қисмларга парчаланиш:
даври бир йил бўлган моддалар;

в) ўртача чидамли, заҳарсиз, таркибий қисмларга парча-
ланиш вақти 1—6 ойдан ошмайдиган моддалар;

г) кам чидамли, заҳарсиз, таркибий қисмларга парчаланиш:
вақти 1 ойдан ошмайдиган моддалар.

6. *Хавфли ўсмалар пайдо килиши (канцерогенлиги)ga қа-
раб:*

а) рўй-рост канцероген моддалар — одамларда рак пайдо-
қилиши маълум бўлган, ҳайвонлар устидаги тажрибаларда
кучли канцероген таъсир кўрсатиши аниқланган моддалар;

б) канцероген моддалар — канцерогенлиги ҳайвонлар устидаги
тажрибаларда исбот этилгану, бироқ одамларда исбот
этимаган моддалар;

в) канцероген таъсири суст моддалар — ҳайвонлар устидаги
тажрибаларда суст канцероген таъсир кўрсатадиган модда-
дар;

г) канцероген деб гумон қышнадиган м-оддалар.

7. *Мутагенлигига қараб:*

а) ўта мутагенлар — ўсимлик ва ҳайвонларда 100% ва бундан кўпроқ мутациялар пайдо қиласидиган моддалар (100%)

деб 100 та хромосомада пайдо бўлган 100 та мутация қабул «^илинади);

б) кучли мутагенлар — дрозофилда 5—100% мутация пайдо Қиласидиган моддалар;

в) ўртача мутагенлар — дрдаофилда 2—5% мутация пайдо Қиласидиган моддалар;

г) кучсиз мутация пайдо қиласидиган моддалар; дрозофилда 1—2%

мутация пайдо қиласидиган моддалар;

д) жуда кучсиз мутагенлар — фрозофилда 0,5—1% мутация пайдо қиласидиган моддалар.

8. *Тератогенлигига қараб:*

а) рўй-рост тератогенлар—болаларлинг майиб-мажрух ^ўлиб туғилишига олиб келиши мумкин бўлган, тажриба ҳай-^вНларда шундай нуқсонларга сабаб бўласидиган моддалар;

б) терратогенлиги асорат бериши гумон моддалар — ҳай-^вонлар устидаги тажрибаларда аниқланган моддалар.

9. *Эмбриотроплигига қараб:*

а) селектив эмбриотроп таъсирига эга моддалар — она ор-^ттанизми учун заҳарли бўлмаган дозаларда эмбриотроп таъсири [^]Ўрсатадиган моддалар;

б) ўртача эмбриотроп моддалар — эмбриотроп таъсири •бошқа токсик таъсири билан бирга юзага чиқасидиган моддалар.

10. *Аллергик хоссаларига қараб:*

а) кучли аллергенлар — турмушда учраб турасидиган кичик лозаларда таъсири қилганида ҳам кўпчилик одамларда аллер-^гя ҳолатини келтириб чиқарасидиган моддалар;

б) кучсиз аллергенлар — айрим кишиларда аллергия ҳолат-ларини пайдо қиласидиган моддалар.

Атрофичча, чуқур ўрганиб чиқилган модда мазкур, тасни-фотда келтирилган кўрсаткичларнинг бирортасидағи «а» банд-ДИга тўғри келасидиган бўлса, уни амалда ишлатишга жорий қи-яинмайди. Мободо ҳозир амалда ишлатилиб келинаётган мод-Далар орасида шундайлари чиқиб қолса, яқин вактда булар-нинг қўлланилишини тақиқлаб қўйиш ва анча бехатар бўлган пестицид намуналари билан алиштириш зарур бўлади.

Одатда пестицидлар организмга турли йўллар билан: на-Фас йўллари, ҳазм йўллари, тери ва шиллиқ пардалар орқали кириши мумкин. Мехнат шароитлари, уларнинг физик-кимёвий ^ва токсикологик хусусиятларига қараб, бу моддаларнинг баъзилари асосан нафас йўллари орқали организмга кирса, баъзи-^зарни кўпроқ бошқа йўллар орқали кириши мумкин. Бироқ УЛарнинг нафас йўллари орқали организмга кириши қишлоқ ^хУжалик амалиётидаги кўпроқ аҳамиятга эга.

Захарли кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалигига ўсим-ликларга пуркаш, чанглаш, уруғларнч дорнлаш ва баъзи бош-қа ишлар вақтида қаттиқ ёки ёғли пестицидид зарралдиридан иборат аэрозоллар ҳоснл бўлади. Шуинингдек пестицидлар буг ҳолида ҳавога чиқади, демак, улар аиа шундай аэрозоллэр ва буг ҳолида нафас олинадиган ҳаво билан аралашб организм-га кириши мумкин.

Пестицидлар ҳаво йўллари тушгандан кейин улар юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардасидан ҳам сўрила о Упка альвеолаларининг юзасидан ҳам пестицидлар анчагинэ сўрилиши мумкин. Маълумотларга қараганда, ўпка альвеолалари ёзib қўйиладиган бўлса, уларнинг умумий юза'с-атҳи $\text{^ахминан } 100 \text{ м}^2$ га боради, альвеола мембрanasининг қалин-ғ лиги эса атиги 1—4 микрон атрофида бўлади.

Равшанки, ўпка альвеолалари юзаенинг ҳаддан ташқари катта бўлвши, ўпка тўқимасида қанчадан-қанча лимфа томир-лари борлиги туфайли нафасга олняган ҳаво билан киргад газлар, буғлар, зарралар, шунингдек организм муҳитида эрий-!)'> диган заҳарли моддалар альвеолалардан тез сўрилиб ўтиб, ор-"/" ганизмнинг заҳарланиб қолишига сабаб бўлвши мумкин. Чанг-ланувчи пестицидларнинг нафас йўллари орқали нечоғли тез ва кўп ўтиши ҳавюда муаллақ ҳолатда бўладиган зарралар-нинг катта-кичиклигига боғлик. Мазкур зарра омиллар қан-чалик майдада бўлса, организмга шунчалик чукурроқ киради ва. тезроқ сўрилиб боради.

§ Катталиги 30—50 м (микрон) келадиган зарралар бурун, томоқ ва трахея шиллиқ пардаларида ўтириб қолади, катта-лиги 30—10 м келадиган зарралар бронхларга 10—5 м кела-" V^1 диганлари бронхилаларга етиб боради, катталиги 3—1 м ке-ладиган ва бундан **Н** майдароқ бўлган зарралар альвеолаларга ўтади. Диаметри 1—2 м келадиган зарралар альвеолаларда кўпроқ ушлаб қолинади. Умуман, ўпкага тушадиган ҳар қан-дай зарра ушланиб қолаверади.

Нафас йўллари орқали организмга кирадиган пестицидлар шиллиқ пардаларга ҳамда ўпка тўқимасига маҳаллий таъсир кўрсатиши, шунингдек талайгина интерюрецепторларни таъсир-лантириб, рефлектор йўл билан бутун организмга ҳам таъсир қилиши мумкин. Упка сезувчи нерв охирларига бой рефлек-**соген** зонадир, шу муносабат билан патологик рефлекслар ўпкада пайдо бўлиши мумкин.

Пестицидларнинг ингаляцион йўл билан организмга кири-ши жуда ҳавфлидир. Нафас йўллари орқали организмга ки-радиган пестицидлар меъда-ичак йўли шиллиқ пардасидан сў-рилиб ўтадиган пестицидларга қараганда, одатда, бирмунча кучлироқ таъсир кўрсатади, чунки булар катта қон айланиш доирасига ўзгармаган ҳолда тушади ва жигар тўсиги (барье-ри)ни чеклаб ўтади. Мана шу нарса пестицидлар билан иш-лаш вақтида уларнинг ҳаводаги концентрациясини йўл қўяди-ган даражагача камайтириш, нафас йўлларини пестицидлар

киришидан сақлаш чораларини кўришни мухим килиб қўяди.

Захарли кимёвий моддаларнинг организмга меъда-ичак йў-ли орқали кириши маълум даражада аҳамиятга эга. Нафас олинадиган ҳаво билан кириб қоладиган майда заҳарли мод-далар оғиз бўшлиғига тушиб, кейин ютиб юборилиши мум-зкин. Бундан ташқари, пестицидлар овқат ейиш ва тамаки че-, киш билан, ифлосланган қўллар билан оғизга тушиши мум-кин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари озиқ-овқат кўринишида .«стеъмол этилар экан, агар мазкур маҳсулотлар пестицид қол-диклари билан ифлосланган бўлса, ^ларнинг киши организ-мига бевосита тушиш эҳтимоли бор.

Меъда-ичак йўлига тушган пестицидлар асосан ичакда сў-рилади. Липоидларда эрийдиган айрим пестицид намуналари эса оғиз ва меъда шиллик пардасидан ҳам сўрилиш хусусия-тига эга. Ичак шиллик пардасида эса лиоидларда эрийдигаи заҳарли моддалар ҳам, буларда эримайдиганлари ҳам сўри-^аверади. Сувли эритмалар асосан йўғон ичакда сўрилади.

Оғиз орқали тушиб, меъда-ичак йўллари орқали сўрилиб утган заҳарли моддалар қон ва лимфа томирлари билан бу-тун организм. мга тарқалиб боради. Улар катта қон айланishi доирасига тушишидан олдин вена орқали жигарга киради, бу срда уларнинг бир қисми ушланиб қолиши, заҳарсиз ҳолга желтирилиши мумкин.

Жигарнинг тўсиқ — «барьер» фаолияти ана шундан иб;о-рат. Заҳарли моддалар жигарда шу тариқа ўзгаришларга уч-райдиган ҳамда пестицидларнинг бир қисми ичакда сўрилмай мажас билан бирга ташқарига чиқиб кетадиган бўлгани учун заҳарли моддаларнинг ҳазм йўли орқали организмга кириши уларнинг ингаляцион ҳаво йўли билан ўтишига қараганда камроқ ҳавф туғдиради.

Пестицидларнинг маҳаллий, рефлектор ва умумий (резорб-тав) таъсири тафовут килинади. Маҳаллий таъсири дейилганда иестицидлар қайси жойга теккан бўлса, улар организмга сў-рилиб ўтмасдан туриб ўша жойдаги тўқималарнинг таъсирила-нишидан рўй берадиган ўзгаришлар тушунилади. Кимёвий моддаларнинг таъсирилайдиган, тўқималарни ҳалок қилиб эри-тадиган (некрозлайдиган), қуритиб, бужмайтирадиган таъси-ри ана шундай маҳаллий таъсири жумласига киради, Гексахло-ран, натрий фторид, кремний фторид, кальций цианамид, эр-кин цианамид ва бошқалар бадан терисини ачиштириб, яллиғ-лантиради ва куйдиради. Бироқ заҳарли химикатлар ҳар қан-дай маҳаллий таъсири кўрсатганида ҳам марказий нерв тизи-ми орқали ҳар хил рефлектор реакцияларини келтириб чика-ради (нафас йўллари, меъда-ичак йўлидаги шиллик пардалар, тери юзаси, томирлар системасида рецепторлар билан кўп таъминланган, айниқса умумий уйку артериясининг ташки ва йчки уйку артериясига бўлиниш жойидаги каротид копточча жимёвий моддаларга жуда сезгир).



Ҳозир ўрмон дараҳтлари уруғини кўпайтириш ишига кат-та аҳамият бериляпти. Урмон маликаси бўлмиш қарағай, арча, эман, писта ва бошқа дараҳт уруғларини кўпайтириш ва экиш, кейинги йилларга ҳам режалаб қўйилган. Урмонларни қайта тиклаш, уларни муҳофаза қилиш ва ўрмончиликка алоқадор* бошқа тадбирларнинг қишлоқ ҳалқ ноиблари ва уларнинг ижро этувчи ташкилотлари назоратида бўлиши катта аҳамиятга эгадир.

Урмон дараҳтларини зааркунанда ҳашаротлардан сак-лаш, муҳофаза қишиш ва уларни касалликлардан асраш билай: ўсимликларни ҳимоя қиладиган маҳсус ташкилотлар шугул-ланади.

Ҳашаротлар ва зааркунаидалар турли усуллар билан йў-қотилади. Шу мақсадда зааркунанда ҳашаротлар, ўсимлик: касалликлари атрофлича ўрганилади. Бундай хайрли ишдз-энтомологлар жуда катта ёрдам берадилар. Мазкур мутахас-сислар касаллик ёки заарли ҳашаротларнинг қаерда кўпаяёт-ганини, ўрмоннинг қайси жойида касаллик бошланаётганинж аниқлаб берадилар. Олинган далилларга асосан тегишли тад-бир ва чоралар ишлаб чиқилади. Урмон ўсимликларини касал-лик ва зааркунанда

ҳашаротлардан асрашга доир тадбирлар»-кўзда тутилади, яъни бунда биологик, кимёвий воситалардан фюйдаланилади, шунингдек ўрмон хўжалиги ишлари ҳамда-карантин бирга олиб борилади.

Урмон хўжалик ишлари нималардан иборат? Бунда ўсим-ликларни касалликлардан сақлаш чоралари кўрнлади, жум-ладан, ўсимликнинг инфекция ва зааркунанда ҳашаротларгат қарши чидамлилиги оширилади. Дараҳт кўчатлари тайёрла-кзётганда сифатига қараб ажратилади, экиш вактида ўсим-лик ниҳоллари ва уруғларининг соғломлигига эътибор бери-лади, чунки заарланган ниҳоллардаги микроорганизмлар ва ҳашаротлар ўрмонга ўтиб кетиши мумкин. Кўчат уруғларинш экишда ва кўчат ўтқазишда агротехника қоидаларига кагга аҳамият берилади. Булардан ташқари, ўсимликларни вактида буталаб туриш, буталанганд жойларни дезинфекция қилиш яхши натижада беради.

Урмонларни биологик усувлар билан ҳам муҳофаза қилиш мумкин. Заарли ҳашаротларга қарши энтомофаг деб атала-диган воситадан, шунингдек фойдали ҳайвонлар ва қушлар-дан ҳам фойдаланилади. Улардан ташқари ўрмон чумолилари ҳам зааркунанда ҳашаротларни қириши мумкин. Чумолилар органик моддаларни тупроқ мағзинга олиб киради, тупроққа чумоли инлари орқали ҳаво киради, шу туфайли тупроқдаги реакция ҳам аста-секин ўзгариб боради. Натижада чумоли ини яқинида ўсадиган дараҳтлар озуқа моддалар билан яхшироқ таъминланиб тез ўса бошлайди.

Юқоридағилардан ташқари, ўсимлик касалликларига ва ҳашаротларга қарши курашда биопрепаратлардан ҳам фойда-ланилади. Қуйидаги биопрепаратлар: дендробациллин, инсек-тии, триходермин, битокенбациллин, гемолин ва бошқалар заар-ли ҳашаротларга қарши ишлатилади. Бироқ зааркунанда ҳашаротларга қарши қайси усул билан курашилмасин, инсон еоғлигига улар зарар қиласлиги керак.

Кимёвий усул билан ўсимлик зааркундаларини қириш усули яхши самара беради. Кимёвий усул билан ҳар қандай зааркунанда ҳашаротларнинг касаллик қўзгайдиган микро--организмларини йўқотишими мумкин.

Зааркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган кимё-<вий моддалар инсектицидлар, замбуруғли касалликларга қарши қўлланиладиган моддалар фунгнцидлар деб аталади. Ҳо-зир кимё саноати жуда кўп кимёвий модда ишлаб чиқарайти. „Давлат комиссияси томонидан ўрмон хўжалигида ишлатилиши мумкин бўлган заҳарли кимёвий моддалар рўйхати тайёрлан-ди. Заҳарли препаратлар ўрмон хўжалигида рухсат этилган рўйхат бўйича ишлатилади. Кимёвий моддалар вертолётлар, •самолётлар ва бошқа механизмлар ёрдамида сепилади.

Қатта зарар келтирувчи ҳашаротлар бошқа мамлакатлар-дан келиб қолмаслиги, шунингдек бир вилоятдан иккинчи ви-лоят майдонларига касаллик тарқалмаслиги учун Давлат карантин ташкилоти тузилган ва бунга оид қонун ва қоидалар ишлаб чиқилган. Караптин ташкилотлари ўсимлик маҳсулот-ларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бораётганда назорат қиласи. Шунингдек, касаллик тарқалишига йўл қўймаслик тадбирлари ишлаб чиқилади.

Урмон ўсимликларини сақлаш ва >ни қайта тиклашда жа-моатчиликнинг роли ҳам катта. Маълумки, ҳар йили янги йил арафасида жуда кўп арча кесилади, натижада ўрмон хўжа-лигига маълум даражада зарар етказилади. Шунинг учун те-гишли ташкилотлар ўрмонларга унча зарар етказмай, аҳоли-ни янги йил арафасида арчага бўлган эҳтиёжини қондиришга харакат қилмоқда.

ИНСОН ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Ер куррасида мавжуд бўлган барча ҳайвонот намуналари ҳам табиатнинг маҳсулли хисобланади. Инсон зоти снгари жо-ниворлар табиатнинг барча марҳаматларидан, жумладан, суви, ҳаноси, ўсимликлар дунёсининг саховатларидан баҳраманд. бўлиб яшайди. Жониворларнинг ҳаёти табиат, атроф-муҳит-кинг холати билан узвий боғланган.

Ҳайвонот олами умуман инсониятнинг яшашн, ҳаёти фао-лиятида жуда муҳим рюль ўйнайди. Маълумки, уй ҳайвонлари хисобланадиган корамол, кўй, зчки, тўнғиз, от, эшак, туя, ко-лаверса ит, мушук каби жонзоротлар бизнинг ҳаётимизда тайин. бир мақсад учун боқиласи. Айрим ҳайвон турлари биз учун оқсил, мой, сут манбаи, бошқаеи хўжалик учун аскотадиган ишларни бажаради, транспортнинг энг оддий намунаси сифатида фойдаланилади, яна бири эса уйни қўриқлайди, яна бош-қаеи зааркундалар билан курашда беминнат дасёр ҳиеоб-ланади.

Табиат қўйнида ёввойи ҳолда яшайдиган ҳайвонларнинг ҳам ўзига хюс фойдали хусусиятлари мавжуд, жумладан, улар-дан ажойиб мўйналар, до.ривор воситалар (масалан, сайроҳ., буғи ва бошқалар), озиқ-овқат ма.^сулотлари, жунлар оли-нади.

Ҳайвонлар табиатда табиий воситаларнинг мувозанатини сақлаб туришда хизмат қиласи. Умуман, ҳайвонлар дунёсини ташкил қиласидиган жониворларнинг тури жуда кўп, уларнинг бир ярим миллиондан зиёд тури борлиги аниқланган. Шуни айтиш керакки, ҳайвонот олами орасида инсонга бевосита ёр-дам берадиган фойдалиларидан ташқари бир тоифа жонивор-лар ҳам борки, улар ҳаётда зиён келтаради.

Тадбиркор инсон ўзининг акл-заковати билан бир катор ҳайвонларни хонакилаштиришга мұяссар бўлган. Бироқ ана'. шу зотларнинг ўзи кўп фойдали

жониворларнинг йўқ бўлиб кетишига бевосита сабабчи бўлмоқда.

Инсоният ўз тараққиёти поғоналарида ҳайвонлар билан доим ҳам мурссада бўлавермаган. Одамлар ибтидоий жамоа даврида ҳайвонлар таҳлилидан анча ҳайикканлар ва уларнинг ҳужумидан холи бўлишга ҳаракат қилганлар, эндиликда эса одамлар ҳайвонларни ўз манфаатлари йўлида кўплаб қириб-ташлаб, айрим турларининг бутунлай йўқолиб кетишига ҳам сабабчи бўлди.

Жуда қадим замонлардан бери, шунингдек ҳозирда илмий-техника, жамият савияси ниҳоятда тараққий этган бир вақтда ҳам маълум гурух одамларни чиройи бор жониворлар териси, бошқаларни татимли гўшти, қимматбаҳо суюги, яка бир тоифа кишиларни ҳайвон ва кушларнинг майии момуғи ёки жило-дор патлари қизиқтиради. Баъзи ўта жохил кишилар ҳайвонот оламини йўқ қилиш ёки қиришга мазахўрлик, шунчалик эр-мак бўлиб қолганлар, бу иш улар учун ов хисоблнади Манбаларда шундай бир мудхиш лавҳа келтирилади: 1872 ,аа 1874 йиллар мобайнида Америка Кўшма Штатларидағи Канзасс темир йўли курилиши вақтида «иштиёқманд» овчилар ҳар йили 2,5 миллион бизонни отиб ташлайверганлар, уларни бу беозор жониворнинг на гўшти, на териси қизиқтирган, шунчаки мазахўраклик қилишган. Бунинг оқнбатида бизонлар •шу қадар камайиб кетганки, ҳозир уларнинг озгинаси маҳсус к.ўриқҳО'налардагина қолган.

Жаҳон узра илмий-техника тараққиёти бир тарафдан ҳай-вонот оламининг камайиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Жа-ҳон кўлампда демографик ўзгаркшлар, шаҳарлар ва саноат марказларининг тез суръатлар бнлая ўсиб бориши, янгидан-•япгн улкан иншоотларнинг қурилиши, кўриқ ерларнинг ўз-...лаштирилниши ўша жойларда яшовчи айрим ноёб ҳайвонлар-линг янада камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида кенг кўламга ишлатилаётган кимёвий мод-,далар маҳаллий қушлар ва ҳайвонларнинг камайиб кетишига ,ва айрим ҳолларда бутунлай йўқ бўлиб кетишига сабаб бўл-моқда.

Жаҳондаги нотинчликлар, урушлар табиий ҳолда яшайди-ган нодир ва ноёб жониворларнинг йўқ бўлишига олиб кел-ди. Жумладан, АҚШнинг Вьетнамда олиб борган уруши даво-мида бомбалар портлагандага гўзал ва фусункор Ъъетяям ўр-гмонлари куйиб, нес-нобуд бўлди, уларда макон кургзн жонч-ворлар қирилиб кетди.

Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро уюшмасининг маълумотларига қараганда (1973), ҳозирга қа-дар ер курраснда 63 турга ва 55 кенжага турга кирадиган сут эмизувчи ҳайвонлар умуман йўқолиб кетган, шунингдек ҳозир «600 турга яқин ҳайвон ном-нишонсиз йўқолиш арафасида ту-риди.

Шуни айтиш керакки, Узбекистон ҳудудида ҳайвонот ола-ми қанчалик муҳофаза қилинмасин ва уларнинг кўпайишига шароит яратиб берилган бўлмасин гоҳо уларни пинҳоний ов .қиладиган шахслар учраб туради.

Узбекистон ҳайзонот оламининг турлари кўп ва улар ранг-«баранг. Жумхурият ҳудудида 650 дан ортиқ умуртқали ҳайвон яамуналари мавжуд бўлиб, шу жумладан 79 балиқ тури, 3 та .амфибий, 57 судралувчилар, 410 турдан зиёд қушлар ва 99 хут эмизувчилар яшайди.

Улкамизнинг ҳайвонот олами қадими ҳамда мураккаб генетик боғланишлари билан ажralиб туради, бунда Урта Юсиёнинг эндемик ва автохтонлари маълум даражада аҳамият қасб этади. Глкада мавжуд бўлган кўпгина жониворлар жуда қадим замонларда бошқа қитъа ва минтақалардан келиб қол-ған. Жумладан, Марказий Осиё, Хинди Хитой саҳро ва тоғла-ридан, шунингдек Қозоғистон, Урта Ер дengизи бўйи, Сибирь, Жанубий Оврупонинг саҳро-чўл минтақаларидан келиб қолган ҳайвон намукалари ҳам бор. Узбеккетзн шароитида яшовчи ҳайвонлар ўзига хос тараф-лари билан ажрзлиб туради. Қенг воҳалар, водийлар, турли кўринишдаги саҳро кўринишларига эга тоғ чўллари, алъп ўт-лоқлари, тўқайлар, тоғ ўрмонлари, сув ҳавзалари, маданий-лаштирилган ерларкинг табиати ўзгача бўлиб, биоценозлари ҳам ўзига хосдир.

Ҳозирда бизда катта-катта кўриқ ва чўл зоналари, дарё дельталари ўзлаштирилиб, улар ҳоснлдор ерларга айлантирил-моқда. Лекин бир вақтлар чўл-биёбон бўлиб ётган ана шу жойларда жуда кўп фойдали жониворлар яшар эди. Чунончи, бизнинг чўлларимизда учрайдиган чипор сиртлон, илонлар, жайрон, тувалоқ, қуён, тулки каби жониворлар сони жуда ка-.майиб кетган, улар ноёб нусха бўлиб қолмоқда.

Ҳайвонлар дунёсини муҳофаза қилиш борасида сўз кетар .зкан, сув жониворларининг озорланиб, йўқ бўлиб кетишидан .асрашга ҳам катта аҳамият бериш лозим бўлади.

Сув ҳайвонлари, жумладан балиқларни муҳофаза қилиш жатта аҳамиятга эга. Кўпгина дарёлар, сой ва жилғалар суви камайи-б кетмоқда. Маълумки, сув манбаларида турли-туман чбалиқлар яшайди. Сувнинг камайиши, биринчидан, бир қатор балиқ турларининг йўқолиб кетишига сабаб бўлса, иккинчи-дан, сувдаги туз салмоғи ошиб, маълум турдаги балиқлар яшаш шароити ёмонлашади. Булардан ташқари, сув ҳавзала-рига табиий йўллар билан (сув, ер ости сувлари, ёмғир, кор сувлари, шамол, тўзон орқали) қишлоқ хўжалигида ишлати-лаётган пестицидлар ҳамда маданий ўғитлар тушади, нати-жада сувнинг таркиби ўзгариб, балиқларнинг **яшашига салбий** таъсир этади. Балиқлар зотига бузгунчи овчилар, яъни бра-конъерлар ҳам жиддий зарар келтирадилар.

Узбекистон «Қизкл китоби»да келтирилишича, ҳозирги ав--лод кишилари бир қанча ҳайвонот турлари йўқолиб кетганли-гнинг жонли гувоҳидирлар. Улка ҳудудидан турон йўлбарси, шунилгдек қизил бўри бутунлай йўқолиб кетган бўлиб, қоп-лон, Олд Осиё қоплони, йўл-йўл сиртлоя, тувалоқ каби жон-зотларнинг йўқолиб кетиш хавфи бор. Айниқса, Усторт қўйи (аркал), буралган шохли така, қора лайлак, оқкуш-оқкул, чипор калтакесак, қум эфаси каби жониворлар хатарли дара-жада камайиб кетган. Бундай ноёб жониворларнинг сони кун-дан-кунга камайиб бормоқда. Булар эса нотўғри ов қилиш, ер майдонларини хўжасизларча ўзлаштириш, атроф-муҳит-нинг бевосита ифлосланиши оқибати ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, кейинги йигирма йил ичida ^збекистон ҳудудида Мирзачўл, Қарши чўли, Сухон-Шеробод чўли, Фарғона водийсининг марказий қисмлари ўзлаштирил-гэн. Тянпгань ҳамда Помир-Олой ғарбий сарҳадларидағи адирлар иктенсив равиша ўзлаштирилмоқда. Бу эса ўз нав-батида сахро-чўл муҳитида яшайдиган бир қатор жониворлар--нинг, жумладан, жайрон, гўзал тувалоқ каби ноёб зотларнинг жамайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Урта Осиёдаги буюк дарёлар ўтган водийларда ҳам жид-дий ўзгаришлар содир бўлди, кўпгина тўқайзорлар кесиб ташланди ёки сув ўзанини ўзгартиргач, қовжираб кетди. Бунинг натижасида Бухоро хонгули, тустовуқ ва бошқа тўқайда яшов-чи жониворлар камайиб кетди. Орол деигизининг суви паса-йиб кетиши Амударё дельтаснга макон қурган ажойиб күш-лар бўлмиш оқкуш-оқкул, бирқозон, кулранг ғоз ва бошқа ноёб қушлардан айрилишга олиб келди.

Бир қатор гўзал жониворлар, жумладан тог қўйи, Эрон видраси, Урта Осиё капчаилои кабилар жоҳил овчилар томо-нидан бутунлай камайтириб юборилди.

.ҚИЗИЛ КИГОБ» НИМА?

Табиатнинг ўз қонуниятлари бор. Ҳар қандай инсон зоти--ки ҳимоя этадиган, унинг яшашга бўлган заруриятини белги-лайдиган, ҳуқукини белгилайдиган конституцияси бўлганидек,, табиатнинг нодир ва ноёб иамуналарини муҳофага қучогига оладиган «муқаддас» китоби мавжуд. «Қизил китоб» номи би-лан юритилувчи бу китоб табиатнинг мунгли нидоси хиеобра-яди. «Қизил китоб» деб аталишига сабаб шуки, у табиатнинг нодир ва ноёб турига айланиб қолган намуналарининг бутун-лай йўқолиб кетмаслиги учун барча гегишли жамоат муассса-салари, илмий ўчоқлар, кенг ақолили ўзига жалб эттириш ва шу билан зудлик, тадбиркорлик билан табиат муҳофазаси би-лан шуғулланичпни талаб этувчи манбадир.

«Қизил китоб»нинг асос солинишига 1948 йилда «Табиий ресурслар ва табиатни муҳофаза қилиш Ҳалқаро ўюнмаси»-ъинг ташкил этилиши сабаб Оўлган, дейиш мумкин. Бу муассса-санинг ташабуси билан йўқолиб кетиши арафасида турган ҳайвонлар ва ўсимликлар намуналарининг рўйхати тузилди.. Ана шунда уч ярим аср мобайнида ер юзидан 60 дан ортиқ ҳайвон ва 100 га яқин қушлар зоти мутлақо йўқ бўлиб кет-ганлиги қайд этилди. Бундай мудҳиш ҳолат айниқса ўтган асрнинг охирларида жуда хавфли тус олган. Афсуски, ҳали: ҳам бир қатор ҳайвон турларининг йўқолиб кетиши хавфи бор. Жумладан, 120 тур сут эмизувчилар ва 187 тур қушлар бутун-лай йўқолиб кетиши мумкин. Бундай хавфни бартараф этиш. ҳозирда биринчи навбатдаги долзарб масалалардан ҳисобла-қади.

Собиқ иттифоқда 1974 йилда «Қизил китоб» таъсис этилган бўлиб, 1978 йилда «СССР Қизил китоби» чоп этилди. Унга 62 тур ва кенжа тур сут эмизувчилар, 63 та қуш, 8 та амфибий, 21 та судралиб юрувчи мавжудодлар киритилган эди. «Қизил: китоб»нинг Узбекистонга тааллукли жойлари кўпгина олим-лар томонидан ишлаб чиқилди.

Шуни қайд этиш керакки, айrim сабабларга кўра. ўсимлик ўз статусини у ёки бу томонга ўзгартирпб туриши мумкин. Жумладан, давр ўтиши билан ўсимлик бутунлай йў-қолиб кетиши ёки аксинча, кўпайиб муҳофаза қилиш даража-сидан чиқиб кетиши мумкин. Шу сабабли ўз-ўзидан «Қизил китоб»ни қайта нашр қилиш зарурияти туғилди.

Умуман олганда, табиатшунос олимларимизнинг катта, машаққатли илмий-тадқиқот ишлари, кузатишлари асосида яратилган Узбекистон «Қизил китоб»и сўзсиз табиатимизнинг кўркам дурдоналари, нодир ва ноёб ҳайвонот турларининг сақланиб қолишида дастуралмаллик вазифасини бажарувчи манба бўлиб қолади. Бу китоб нафақат ҳозирги барча табиат-•севарлар, хўжалик ходимлари, илм ахиллари учунгина фойда-ли китоб бўлибгина қолмасдан, балки келажак авлодлар учун ҳам хайрли ишлиги билан зарур манба ҳисобланади.

Даврлар ўтиши билан «Қизил китоб» ичida муҳофаза та-лаб этувчи диёримизнинг ҳайвонот ҳамда наботот намуналари-нинг оони ўзгариб туриши мумкин. Баъзи йўқолиб кетиши арадрасида турган ўсимлик ҳамда ҳайвонот намуналари турли тадбирлар туфайли кўпаядиган бўлса, улар бу «муқаддас» китоб саҳифаларидан холи этилиши, мабодо янги бирор ўсим-лик ёки жони-ворлар муҳофазага муҳтоҷ бўладиган бўлса, улар «Қизил китоб» саҳифаларидан ўрин олиши ҳам мумкин. Ҳар холда «Қизил китоб»да баён этилган муҳофаза қучогига муҳтоҷ жониворлар ва ўсимлеклар яна табиатдан ўз ўрин-

ларини-эгаллашлари, йўқолиб кетиш хавфи чегарасидан ҳоли бўлишлари керак.

Табиятнинг ноёб намуналарини муҳофаза қилишда нафа-;қат мутасадди ташкилотлар, табиат ошуфталари, балки барчз кишилар, хоҳ у одий фуқаро, мактаб ўқувчиси, институт та-лабаси бўлсин, барча бир ёқадан бош чиқариб бу хайрли ҳам-да савобли ишларда фаолият кўрсатишлари лозим. Бунда -албатта табиат билимдонлари, биология фанининг мутахассис-, лари яқиндан ёрдам беришлари керак.

Биз яшаб, давр суроётган табиий муҳитни, шу жумладан, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш муаммоси одамзот учун ҳеч қачон ҳозирги кундагидек ҳаётий аҳамиятга эга бўлган эмас. Инсон табиатнинг марҳаматларидан ҳаддан ташқари :кўп фойдаланиб, унинг табиий манзарасини бузиб юборди, бу-янинг оқибатида мингларча ийллар давомида ташкил топган биогеоценозга салбий таъсири кўрсатилмоқда.

Жумхурият, вилоят ва туманлар кўламида саноат тармоқ-ларининг шиддат билан ривожланаётгани, шунингдек кишлоқ хўжалигининг тез суръатлар билан ўсиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг кўламда ўзлаштирилиши экологик муво-занатни ўзгартиришга олиб келмоқда, бунинг оқибатида ўсим-,лик ва ҳайвон турларининг камайиб кетиши ўсимлик ва ҳай-вонот оламидаги генофонднинг камайишига сабаб бўлди. Ҳар кандай турнинг йўқолиши тиклаб бўлмайдиган оқибатларга маҳкум қиласди. Бу эса инсоният учун муҳим аҳамиятга эга бўлган турнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Наботот генофондининг сақлаб қолиниши селекция жабҳасида янги ўсимлик навларини яратишда ва амалдаги муҳим нав-ларнинг сифатини яхшилашда катта аҳамият касб этади,. Ёввойи ўсимлик намуналари қишлоқ хўжалигига экилаётгая: маданий назларни етнештиришда асос бўлиб хизмат қиласди,, улар келгуси авлодлар учун ҳам зарур табиий омил ҳисоб-ланади.

Узбекистон ҳудудида 400 дан зиёдроқ ёввойи ўсимлик тур-лари бор. Улар орасида жиддий муҳофаза талаб қиласидан-кўпгина ноёб, эндем ва реликт турлар мавжуд. Келтирилган; маълумотларга қараганда, бундай турларнинг сони 400 атро-фида бўлиб, улар ўсимликлар оламининг 10—12 фойзини таш--кил этади.

Шуни афсулсланиб айтиш кераккл, республика набобот ола-мининг аксарият қисмидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун: тадбиркорлик билан оқилона фойдаланилмаяпти. Натижада1 улардан кўпларининг табиий захиралари кескин даражада* қисқариб, йўқолиб кетиши хавфи содир бўлган.

Узбекистон Республикаси табиий флорасининг салмоқли¹ қисмидан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўз ўрнида, режали, тадбиркорона фойдаланиш, шу билан бирга уларни сергаклик: билан асраб-авайлаб ҳимоя этиш ҳозирги замоннинг долзарб> масалаларидандир.

Табиатимизнинг ноёб ўсимлик намуналаридан ҳисоблан--миш лола, саллагуллар, саноат эҳтиёжи учун хом ашс сифа-тида йиғиб олинаётган сапония, сақловчи қимматбаҳо ўсим-лик — етмак, ҳозирда ажойиб дори асоси бўлган бозулбанг' (лалохиллус), озиқ-овқат ўсимлиги — анзур пиёз кабилар ми-сол бўлади.

Узбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ўсимлик намуна-лари Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси томонидан-ишлаб чиқилган таснифга биноан тоифага ажратилиди:

1. *Иўқотилган ёки йўқолиши арафасидаги турлар.* Бир неча! Йиллар давомида табиат кўйинида учратилмаган, бироқ зўрим пифиб олиш қийин бўлган жойлардагина ёки маданий шароит-да сақланиб қолиш эҳтимолигаэга бўлган ўсимлик турлари.

2. *Иўқолиб бораётган турлар.* Иўқолиб кетиши хавфи остида: турган, сақланиб қолиш учун маҳсус муҳофаза талаб этадиган турлар.

3. *Ноёб турлар.* Маълум кичик майдонларда ўзига хос ша-роитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўл-ган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар.

4. *Камайиб бораётган турлар.* Маълум вақт ичиди сони ва. тарқалган майдонлари табиий сабабларга қўра ёки инсонлар-таъсири остида қисқариб кетаётган турлар. Айни вақтда бун-дай ўсимликлар ҳар томонлама назорат қилиб туришин талаб-> этади.

ҚУРИҚХОНАЛАР, ЗАҚАЗНИКЛАР, МИЛЛИЙ БОГЛАР

Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари кўтарилигач, турлн кўринишга эга бўлган муассаса ва ташкилотлар ташкил эти-ла бошланди.

Давлат кўрпикхоналари турли жойларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Табиат му-ҳофазаси долзарб масалалардан бўлганлиги туфайли, ҳатто уруш кетаётган бир пайтда, яъни 1941 йилда Бадхиз Давлат жўрикхокаси ташкил этилди. Мазкур кўрикхона туфайлигина, йуқолиб кетиши арафасида турган кулонлар сақланиб қолин-/ган бўлиб, ҳозирда уларнинг сони 1000 бошдан ошиб кетган.

1960 йилда Сарі-Челек кўли атрофида 33 минг гектарлик майдонда давлат кўрикхонаси ташкял қилинган. Бу Тянь-Шань •бағридаги ниҳоятда гўзал ва сўлим маскан бўлиб, унда 1000 га яқин нодир ва ноёб ўсимлик турлари, 32 хкл ҳайвонлар ва 154 тур қушлар яшайди. У ерларда асрий ёнгоқзорлар мав-;жуд, унда қоплонлар, айиклар, тўнғизлар, тог эчкилари, си-лозсин ва турли ажойиб қушлар макон топган.

Чотқол Давлат қўриқхонасида мзвжуд бўлган камёб ўсим-лик ҳамда жонизорлар дунёсини таъриф қилиш қийин. Бу жойларда табиий ҳолда ўсиб ётган ҳамда унинг бағрида яша-«ётган нодир ҳайвонларни кўриш мумкин.

Кўриқхона ҳамда заказниклар чоёб ва нодир ўсимлик на-муналарининг, ёввойи ҳайвон, кушлар, балиқлар фойдали қа-зилмалар, бокира ҳолдаги ўрмоқларнинг сақланишига, ҳимоя топишига имконият яратади. Бундай ҳимоя қучогига олинган маска, нлардаги барча мавжудодлар, наботот олами намуна-«ларининг умри боқий бўлишига шубҳа йўқ.

Давлат қўриқхоналари — булар маҳсус равишда ажратил-сан, табиий воситаларга эга бўлган майдонлар бўлиб, улар плохида хўжалик, илмий ва маданлй қимматга эга.

Кўриқхона ҳудудида мавжуд бўлган барча табиий бойлик-, лар (ҳайвонлар, кушлар, ўсимликлар, фойдали қазилмалар, сув манбалари ва бошқалар) давлат қўриқхона фондини таш-жил қилиб, қонуний аосда ҳимоя қилинади.

Мазкур жойлардаги ҳайвонот намуналарини, балиқларни ов қилиш, ўсимлик дунёсидан бережа фойдаланиш қўриқхона мақсадига тўгри келмайди. Кўриқхона ҳудудида ноқонуний мишларга йўл қўйилмайди.

Кўриқхоналарда кенг кўламда илмий-тадқикот ишлари олиб борилади. У ерда инсоннинг бевосита таъсиридан бузил-маган табиий мажмулар атрофлича ўрганилади. Нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот турларини кўпайтириш муаммолари устида илмий-амалий тадбирлар олиб борилади. Кўриқхона -бисотида анчагина кўпайган ҳайвоилар бошқа жойларга жў-иатилади.

Заказниклар — маълум бир фаслда, айrim шароитларда, шунингдек бутун йил мобайнида ҳимоя этиладиган худуд (акватория) бўлиб, уларда маълум бир ҳайвон турлари, ўсим-лик намуналари мавжуд бўлади. У ердаги табиий воситалар-дан чегараланган микдорда фойдалачилади.

Улкамизда ов қилинадиган балиқ хўжалиги, ландшафтли, геологик ва бошқа заказниклар ҳам бор. Баъзи заказниклар ҳудудидаги барча табиий воситалардан, кўриқхоналарга нис-батан фарқли ўлароқ, қисман фойдаланилади, ўсимлик ҳамда ҳайвон турлари, жумладан ёввойи ўрдак, тустовуклар каби. баъзи жониворларнинг бир қисми овланиши мумкин. Заказ-никлар республика ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Миллий боғлар — бу табиатнинг муҳофаза этилишига арзи-гулик бўлган худудларидан бир қўриниши ҳисобланади. Миллий боғларнинг майдони жуда кенг бўлиши мумкин, уларда муттасил равишда табиат дурдоналарини асраш, муҳофаза қилиш борасида кевг кўламда ишлар олиб борилади. Бундай: муҳофаза этилаётган жойларга маълум тартибда сайёх-ту-ристлар, табиат ошуфталарининг келишига рухсат берилади.

Умуман, олганда, кейинги вақтларда табиат муҳофазасигз. катта эътибор берилмоқда ва бу хэйрли ишга турли ташки-лотлар, муассасалар, шунингдек кенг жамоатчилик жалб этил-моқда.

Вазирлар кенгашининг 1983 йил 18 декабрдаги қарорига биноан, катта бўлмаган ўрмонзорлар, кўллар, шаршаралар,, горлар, минерал булоклар, кўркам қоялар, айrim ноёб дараҳт-лар **табиат ёдгорликлари** деб эълон қилинди. Табиий ёдгор-ликларни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан ҳар бир ёдгорлик учун шу обиданинг номи, фотосурати, таърифи, у эгаллаб турган майдон чегараси, сақлаш тадбирларий кўрсатилади. Маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Узбекис-тонда 400 дан ортиқ табиат ёдгорлиги қайд этилган ва муҳофаза остига олинган.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАДАНИЙ ВА ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ

Инсон табиат оғушида яшайди, ижюд этади, фаолият кўр-сатади, унинг кўркам манзарасидан завқ олади, саховатли: марҳаматларидан баҳраманд бўлади. Табиат, у қандай кўри-нишда бўлишидан қатъи назар, ўзгача гаштли фусункор бў--лиши мумкин. Бизни ўраб турган табиатнинг кўркам манзара-си нафакат кушлар хониши, мусаввирлар, шоирлар, бастакор-машшоқлар, хонандалар учун илҳомбахш кўриниш бўлибгина^ қолмасдан, балки кишиларнинг руҳиятини енгиллаштирувчи, маънавий озуқа берувчи табиий манба бўлиб ҳам хизмат қи-лади.

Шуни айтиш керакки, табиатнинг кўркам эҳсонларига нисбатан том маъноли дилдан муҳаббат, эъзозлаш бўлмас экан, унинг марҳаматлари чегарали бўлиб қолади. Табиатдан инсон факатгина ижодий илҳом, руҳий озуқа, маънавий лаззат одиб-гина қолмасдан, балки унинг ҳаётбахш неъматлари билан яшайди. Шундай экан, «она» деб эъзозланувчи табиатни ҳар қанча мадҳ этиб, уни мусаффо, бокира сақлаш учун харакат қилинмоғи даркор.

Табиатнинг маҳсули ҳисобланмиш ҳар бир киши, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ёшлар ташкилоти ер журрасида яшовчи жониворлар тақдири, уларнинг ҳаёти устида қайгуришинн ўзларининг мұқаддас бурчи деб ҳисоблашлари ксрак. «Она»

табиатта нисбатан меҳр, хурмат уйғотиши, уни эъзозлаш кўп жиҳатдан ота-оналар, мураббийлар, ўқитувчи-ларнинг берган тарбияси, тушунтириш ишларига ҳам боғлиқ-Дир.

Бевосита табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган айрим маълумотларни келтириб ўтиш айни муддао бўларди.

Латвияда мактаб ёшигача бўлган болаларда табиатга ҳур-мат билан қараш, унга нисбатан эгтетик ҳиссиятни уйғотиши тажрибалари олиб борилиб, ижобий натижалар олинган. Бо-лалар боғчасига табиатсеварлар тўгарагининг фаоллари, -«яшил посбонлар» сафарбар қилинган, шунингдек Латвия до-рилфунунининг биология факультети талабалари ҳам жалб этилган. Улар ўз навбатида болаларнинг ёши, билим қўлами-ни инобатга олган ҳолда, уларнинг тафақкурига етиб бо-ради-тан даражада табиат тўғрисида, ўсимликлар олами ҳағқида, ҳайвонот дунёси борасида қизвқарлн ва мароқли сухбатлар ўтказганлар. Улар табиат билан узвий боғлиқ бўлган мавзуда энг яхши расм учун танловла.р ўтказишган, ўлка табиатининг сўлим жойларига экскурсия — томоша сайрини ўюштириш-аан.

Латвияда мактабгача бўлган болалар учун табиат манза-ралари намойишини ўтказганлар, унда турфа гулларнинг ранг-оаранглиги, доривор, хосиятли ўсимликлар, сабзавот — реза-ворлар ҳақида қизиқарли маълумотлар ўтказганлар, амалий 31ашғулотлар билан сабоқ берганлар. Бундай ҳар бир эшикти-ришда ёши беш — еттига етган 200 га яқин болалар қатнашган. Амалий машғулотлар қўламида ниҳоллар, сабзавот, гул наму-яларини қандай ўтказиш, парваришлиш, фойдалн қўзиқорин-ларни қандай танлаш ва қирқиб олиш борасида ҳам телевиде-ниеда кўрсатувлар ўюштирилади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, катта кишиларнинг хатти-ҳаракати ёшлар учун ўркак, сабоқ бўлиши табиий. Мабодо болалар бор хонадонда катталар уй ҳайвонларига, жонивор-ларга нисбатан опафқатсиз бўлсалар (мушук, кучукларни улоқ-тириб ташлаш, заҳарлаш ва бошқалар), у ҳолда шу уйда яша-ётган, тарбия топаётганларнинг жониворларга нисбатан қаҳр-лари қаттиқ бўлиши турган гап. Гоҳо шундай болалар кўз унгиди турли қурилишлар туфайли манзара қашф этувчи ҳамда мевали ўсимликлар аёвсиз қирқчлади. Янада ачинарлиси Шуки, айрим хўжалик, муассаса раҳбарлари томонидан мак-таб ўқувчилари, институт талабаларч жалб қилиниб дарахт-лар кестирилади.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИҚ ВА МАҚТАВ

Инсон табиат қўйнида яшар экан, унинг беминнат сахова-ти, инъоми ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Шундай экан, ивсониятнинг энг яқин «дўсти» бўлмиш табиатни ардоқлаш ва; эъзозлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлмбгина. қолмасдан, балки шу кўркам табнатнинг бир олий неъ-мати ҳисобланадиган инсониятнинг шарафли бурчи бўлиши лозим. Муруватли, кўркам, саховати кенг табиатни эзоз-лаш, унга бўлган муҳаббат инсон қалбида ёшликдан уйғонадж ва даврлар ўтиши билан шаклланади. Мурғак қалбнинг она табиатга бўлган ҳурматини орттиришда кенг жамоатчилик, қолаверса ота-она ва ўқитувчиларнинг ҳиссаси салмоқли ўрин. тутади.

Инсоният, шу жумладан бутун борлиқ табиат билан шисис-талиқда яшайди. Маълумки, илк бор туғилган гўдакнинг ав-вало она кўзи ва табиатга назари тушади. У она меҳри, таби-атнинг ажиб манзаралари оғушида яшайди, унади, камолотга этади. Тириклиқ, ҳаёт манбаи бўлмиш Күёш, ҳаво, сувдан, кўркам табиатнинг инъоми бўлмиш гурфа неъматлардан баҳ-ра олиб улғаяди. Ана шу инсониятга ҳаёт баҳш этган табиатнк муҳофаза қилишга кенг ҳалқ оммасини жалб қилиш, табиий бойликлардан ўз ўрнида тадбиркорлик билан фойдаланишга дикқат-эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бунда куйидаги чо-ра-тадбирларни амалга юшириш катта аҳамият касб этади:

- табиат борасидаги билимларни кенгайтиришга имконияг яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қонунчиликнв ёритиб бориши;
- ёшларнинг ўз фуқаролик буртларини англаб этишлари, табиат муҳофазаси борасида ўзларининг масъулиятларини ҳкс эта билишларини тушунтириш;
- табиат муҳофазаси борасидаги ишларга ёшларни жалб этиш;
- табиат бойликларини химоя этувчи давлат мутасадди ташкилотлари билан узвий боғлангат ҳолда фаолият кўрса-тиш.

Мактабларда, олий ўқув юртларида, саноат, ишлаб чиқа-риш корхоналарида, шунингдек жамоа хўжаликларида, Ма-даният уйларида, қироатхоналарда табиатсеварлар клуби, ёш~ лар маърузахонаси, табиатни муҳофаза қилкш жамиятлари, ўлка музейлари, бурчаклари ташкил этилиб, уларда ўлканинг табиати, бойликларини кўрсатадиган, ҳикоя этадиган тадбирлар катта аҳамият касб этади. Табиат муҳофазаси талқин эти-ладиган кечалар ташкил қилиниб, уларда ўқитувчилар, олим-лар билчн ёшларнинг мулоқотини ўтказиш ҳам ҳайрли тад-бирлардан ҳисобланади.

Улка бўйлаб биологик сафарларга ёшларни жалб этиш, уларни табиатнинг кўркам намуналари бўлмиш наботот ола-ми, ҳайвонот ҳамда қушлар дунёси

билан таништириш уларда табиатга нисбатан иштиёқни оширмай қўймайди. Ҳали табиат-нинг бирорта ҳужжатда, манбаларда қайд этилмаган янгидан-янти ажойиб ёдгорляклариви топиш, мўъжизали манзараларни кашф ягиб уларни ҳимоя қилиш таҳсинга лойик тадбирлардан ҳисоб^анади.

ЁИ ларнинг газета ва журнallарида, шунингдек радио ҳамда телевидениеларда доимий руқнлар ташкил этилиб, улар-нинг саҳифаларида, кўрсатувларида, эшиггиришларида таби-атни мадҳ этувчи, унинг эҳсонларини муҳофаза этувчи маъ-лумотлар ёритилиши шарт.

Табиат муҳофазаси бўйича ишлаб турган муассасаларда табиатни мадҳ этадиган, уни муҳофаза этишга бағишлиган ҳаваскорлик фильмлари, фотосуратлар, расмлар, шуяингдек мақола ва очерклар учун танловлар ўтказилиши ҳам атроф-муҳшини покиза сақлаш борасида, унинг неъматларини ардоқ-лаш, ҳимоя этишда катта ёрдам беруачи воситалардан бири ҳисобланади.

Даарий равишда республика, вилоят, туманларда слётлар, ёш олимдар, мутахаосислар, фаолларнинг табиат муҳофазаси муаммолари бўйича семинарларини ўтказиш зарур тадбирлар-дан ҳисобланади.

Биш табиатшуяослар станцияси, ёш саёҳатчилар клублари, ёшлар саройларининг ишини кенгайтиришга ҳаракат қилиниди лозим. Сайёҳларнинг макони, дам олиш гўшалари (тўрис-тик базаларда), кўркам манзидгоҳларда табиат муҳофазаси мавзуига бағишлияган бурчаклар, кўргазма-стендлар мутта- / сил равишда янгилини турниши керак.

Ешларнинг табиий бойликларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилишга жаяб қилиниши ва бу борада ўрмон ҳамда боғ ой-ликлари, шанбаликлар ҳамда якшанбаликлар ташкил қилини-ши хайрли ишлардан хиyoобланади.

Фаслга қараб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг оммавий ҳолда ўтказвилиши, Наврӯз, баҳор байрам-ларини табиагг муҳофазаси билан шоисталиқда олиб бориш куоидган натижга беради. Бу борада сқушлар куни», «гуллар байрамижи ўтказиш ҳам ижобий тадбирлардан ҳисоблаяади. Кўркам гўшалар, дам олиш масканларига илк бор келган кишиларга' табиат муҳофазаси бўйича маслаҳат бериш, уларни нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами намуналари билан таништириш зарур амаллардандир. Сайр қўлувчилар, савёҳларни маълум бир йўналиш билан уюштиришда албатта табиатга озор бермаслик масалалари асосий ўринда турмоғи

лозим. Сайёхлар мутлак ҳолда ўрмонлар ичида, ноёб ва яодир ўсимлік намушлари мавжуд бўлган жойларда гулхан ёқмас-ликларғ керак, шунингдек муҳофазага мансуб дов-дарахтлар СИНДИЕ жаслиги, яоёб гул-чечак намуялари узилмаслиги шарт. Гаштакка чиққанларўзлари дам олган жойларияни иф-лослантирмасликлари, топтамасликлари, гиёхларни пайҳон қилмасликлари даркор. Бу борада кенг ва чукур тушунтириш ишлари олиб борнлишн лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУИХАТИ

- Атабаев Ш. Т. Пестициды и гигиена внешней среды в условиях жаркого климата. Т., 1972.*
Артамонов В. И. Редкие и исчезающие растения. М., 1989.
Бороенисов П. Лаборатория на морском дне. Л., 1977.
Бжезинский В. Правовая охрана окружающей среды. М., 1979.
Гудериан Р. Загрязнение воздушной среды. М., 1979.
Гrimадиев М. м. Санитарно-гигиенические аспекты охраны окружающей среды. Казань, 1976.
Дергольц В. Ф. Мир водн. Л., 1979.
Золотарев Э. Л. Охрана природы и улучшение окружающей среды. Т., Т., 1975.
Никитин Д. П., Новиков Ю. В. Окружающая среда и человек. М., 1986; Общество и природная среда. Сборник. М., 1980.
Отабоев Ш. Т., Шомахмудов А. Л. Пестициды гигиенэси ва токсико-логияси. Т.. 1979.
Отабоев Ш. Т., Набиев А. М. Инсон ва биосфера, Тошкент, 1984.

МУНДЛРИЖА

Муқаддима	1
Экология ҳақида түшүнчә	
Ташкы мұхит ва тажовузкор (агрессив) омиллар	4
Атмосфера ҳавош ва инсон	
Қимә саноати атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба сифатида.	
Иесиклік злектр стакдаялари атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи	
манба сифатида	00
Автотранспорт ва атмосфера ҳавоси.....	
Ифлосланган атмосфера ҳавосининг атроф-мұхитта ва инсоннинг сог-	
лиги ҳамда турмуш тарзига таъсири	
Турар жойлар ҳавосидаги зааралы моддаларнинг гигиеник мөйерла-	
рини күшлаб чиқиши принциптери	
Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ўсимликларга таъсири	
Атмосфера ҳавосишағ табиий тозаланиши	
Атмосфера ҳавосидаги зааралы омилларнинг ер сиртига тарқалиш ко-	
нуниятлари	51
Г/Технологик тадбирлар	61«
[^] Лойихалашға асосланган тадбирлар	64
Атмосфера ҳавосини автотранспорт чиқндиляридан мухофаза қилиш.	66
Ахоли турар жойларини тоза ичимлик ва хұжалик суви билан таъ-	
минлаш	
Сув манбалари ва уларнинг санитария ҳолати	B
Очиқ юза сув манбалари	75
Сув ва инсон саломатлiği	79
Сув ва юқумсиз касалликлар	81
Сув сифатининг гигиеник мөйерлари	85
Марказлашган водопровод суви билан таъминлаш учун сув ҳавзалари	
танлаш	90
Сув ҳавзаларининг санитария мухофаза мінтақаларн	94
Очиқ сун ҳавзаларидан марказлашғай водопровод	99
Водопровод иништегілер ва уларнинг асосий вазифалари	101
Сувни коагулациялаш усули	103
Сувларни маңсус тозалаш	I . 109
Хлоринг таъсир этиши механизми1H
Водопровод сув тармоклари	121
- Ер ости сув макбалари иништегілердегі құйиладиган санитария талаби.	
Кишлоқлarda ахолини марказлашган сув билан таъминлашынг ўзига	
хослиги	123
Ахолини сув билан таъминлашда давлат санитария назоратини уюш-	
тириш	125
Ахолини марказлашган водопровод суви билан таъминлашда күндалинк	
санитария назорати	129
Маҳаллий сув билай таъминлашда күндалиқ санитария назорати. . .	129
Сув ҳавзаларининг санитария мухофазаси	£ЬО
Чиқнди сувларни тозалаш	147
Тиндирігічлар	151
Декончилик ерларини сүгориш	; . 158
Чиқнди сувларни тозалаш. Биологик сув ҳавзалари	160

Биофильтрлар	: 162
Чиқинди сувларни зарарсизлантириш	164
Чўқма лойқани зарарсизлантирврш	165
Чиқинди сувларни қайта тозалаш	167
Чиқинди сувларни тозалашда фойдаланиладиган иншоотлар	168
Алоҳида жойлашган бинолар канализацияси	170
Саноат корхоналари чиқинди сувларининг характеристикаси ва уларни зарарсизлантириши усуллари	175
Целлюлоза ва қофоз ишлаб чиқариш саноатларининг чиқванд сувларв.	180
Нефть чиқарувчи, нефтив қайта ишловчи саноатларнинг чиқиндв сув- ла ^{рн}	180
Қокс-кимевий заводлар ва газогенератор станцияларнинг чиқинди сувларн	182
Чиқинди сув юзасидаги актив моддалардан тозалаш	183
Қанд лавлаги заводларининг чиқинди сувлари	184
Сув хавзалари устидан давлат санитария назорати	188
Огоҳлантириш санитария назорати	188
Кундалик санитария назорати	[^] ол
Тупроқнинг инсон хаётидаги ўрни	192
Тупроқнинг асосий хоссалари ва унинг гигиеник жиҳатлари	194
Тупроқнинг ғоваклиги	[^] дс
Тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги	ш
Тупроқнинг фильтрлаш ҳусусияти	м
Тупроқнинг сув сифими	[^] 97
Тупроқнинг капиллярлари	«
Тупроқ таркибининг гигиена жиҳатдан аҳамиятим
Тупроқнинг органик моддалари	[^] эд
Тупроқнинг намлилиги	:хг
Тупроқ ҳавоси	«ш
Тупроқнинг гигиеник аҳамияти	«01
Тупроқни ифлослантирувчи манбалар	Япо
Туорокда ўз-ўзни тозалаш жараёни	£ ^Г
Туар жойларни тозалашнинг гигиеник ва эпидемишюник аҳамиятв. .	£ [~]
Ахлатларни йигиши нормалари ва классификацияси	§§.
Ахлатларни чиқариб ташлаш	£ [~] г
Турор жой ахлатларидан тупроқни муҳофаза қилиш	[^] ^
Қаттиқ чвқиндилиарни тозалаш	~'^
Ахлатларни йигиши ва олиб чиқиб ташлаш	~ [^] у
Ахлатларни зарарсизлантириш ва улардан фойдалакиши	* ^{**}
] V Саноат чиқиндиларини қайта ишлаш	212
1/УШаҳар кўчаларини тоза тутишининг гигиеник аҳамиятв	[^]
Суюқ ахлатларни тупирқ ёрзғида зарарсизлантириш	~20
Ассенизация шудгорларий	« TM
Шаҳарларни тоза тутишини ташкил қилиш ва санитария вазоратини уюштириш	[^] **
Истиқомат жойларида каялизация шоҳобчаларнинг савитарвя хола- тини яхшилаш ва унинг эпидемиясининг олдики оғвашдага аҳа- мияти	£1Я>
Канализация тармоқларининг турларя	229
Хўжалик чиқинди ахлатлар канализацияси	[^] »»
Шаҳар шароитида ёғин ва қор сувларини оқизяб шборишининг сани- тария холатлари	231
Тупроқни муҳофаза қилишда, туар жойларнинг озодалигини сақлзяз- да олиб бориладиган давлат санитария назорати	235
Захарлар кимёвий моддалар гигиенаси	236
Усимликларни химоя қилишда ишлатиладиган кимёвий восителар таснифоти	242
Пестицидларнинг гигиеник синфи	244
Пестицидларнинг ташки мұхит билан алоқадорлиги	251
Бирданига ўткир ва сурункали заҳарланига тўғрисида тугаунча.	262

Пестицидларнинг организмга таъсир қилиш механизми	263
Пестицидлар ва ташқи мухит	264
Пестицидларнинг ташқи мухитда айланниб юриши	268
Захари химикатларнинг ташхи мухит объектлари учун меъёрини, ишлаб <гакиши.....	277
Инсон ^{^вА} енимликлар дунёси	281
Урмонлар ва ўсимликлар дунёсидан сихат-саломатлик вўлида фойдаланиш	289
Усимликлар дунёси ва ўрмокларни ёнгидан ҳимоя қилиш	290
Урмон ресурсларидан тўғри фондаланиш ва уларни зааркундалар ва касалликлардан асраш	293
Инсон ва хайвонот олами	295
«Кизил китоб» нима?	298
Кўрикхоналар, заказниклар, миллий бобглар	301
Тябиятнк мухофазг қилкишнинг маданий ва зстетик аҳамияти	302
V Табиятш мухофаза қил-шида жамоатчилик ва мактаб	304
фгвдманилгзи ¹ адабиёт>:ар рўйхати	307

ШАРИФ ОТАБОЕВ
МАННОН НАБИЕВ

ИНСОН ВА БИОСФЕРА

**Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва олий ўқув юрти талабалари учун
ўқув қўлланма**

Toшкент «Ўқитувчи» 1995.

Таҳряряят мудири *С. Мўминов*
Муҳаррврлар *Ҳ. Нуруллаев, С. Мўминов, И. Шоймардонов*
Кичик муҳаррир *М. Маҳмудова*
Бадиний муҳаррир *Э. Нурманов*
Техаик муҳаррир *Т. Грешикова*
Мусаххиха *П. Аъзамова*

ИБ № 6444

Теришга берилди 16.06. 93. Босвига рухсат этилди 20.05.95. формати 60Х9071«. Твп. қоғози. Литературная гарн. Қегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 19,5+0,5 вкл. Шартли кр -отт. 20,187. Нашр. л. 19,41+0,73 вкл.
7000 нусхада босилди. Буюртма № 2340.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкевт, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07—102—93,

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмвтасвнинг 1-босмахонасида босвлдв. 700002, Тошкент, Сағбои кўчасв, 1-берк кўча, 2-йй.

086

Отабоев Ш., Набиев М.

Инсон ва биосфера: Мактаб ўқи^{*}увчилари,
олий ўқув юрти талабалари учун ўқу^Э қўллан-
ма.— Т.: Уқитувчи 1995.-312 б.


20.1 I. Автордош.

№ 348-95

Алишер Навоий номидаги
Узбекистон Республикасиши-

Давлат кутубхонаси


Тираж 3000 Карт. тиражи 6000



1 - расм. Артезиан сув ҳавзасининг тархи:


АБ — ^гингарчилик сувларининг фильтрланиш минтакаси; ВГ — сув катлами босимли сув ташувчи катламнинг кенглик минтакаси; С — булоқли сувлар тешиги; Н — ер ости суви; I — юкори ва пастки сувга чидамлой кават; 2 — сув ташувчи кумли кават; 5 — дарё чукма қатлами; 4 — босимсиз сув сатки (АБ); 5 — булоқ маибалари (ВГ); 6 — юмшок сув; 6 — юкори даражада минераллашган сув.

^




4- расм. Тез фильтрлар тасвири: а — икки қаватли фильтр; б — икки оқимли фильтр, в — контактли тиндиригач.

фото Мирилган Биз




-ламаси:

- ш номли сув тозалаш мосламаси: 1 — тозаланган сувни оқизиб берувчи насос; 2 — тиндиригичга ўрнатилган погалар пайдо килувчи кг 3 — фильтр; 4 — сувни коагуляция килувчи мослама; 5 — сувни зарарсизлантирувчи насок; 6 — дозаловчи насок; 7 — сув насок; 8 — босимли минара; 9 — ваакум насос; 9 — операцияли сурилма.




6- расм. Водород тармоқлари тасвири:

А — берк тарх; Б — айланма тарх; а — насос станцияси; б — сув келтирувчи құвур, в — сув босими түгдірүвчі минора; г — турар жойлар; д — сув тарқатувлы тармоқлар.



7- расм. Артезиан құдуқларининг I мінтақа санитария мукофаза чегарасы ва депрессия чукурлігінің тасвири:


1 — құдуқдагы сувнинг статик сатхи; 2 — құдуқдагы сувнинг динамик сатхи; К — I мінтақадагы санитария мукофаза килиш чегара радиусы.



У»»»»ШМ»».

8- расм. Хлорли оқактош билан дезинфекциялаш ишчи эрітмалар мосламасы:

I — лўқидонли идиш; II — хлорли оқактошнинг куюқ эрітмаси; III — ишчи эрітма идиши; IV — дозаловчи шар пўкакли идиш.



9- расм. Насос станцияси ёрдамида чикинді сувларни канализацияда оқизиш тархи:


1 — квартал канализация тармоғи; 2 — канализация коллектори; 3 — кўриш кудуклари;
4 — чикинді сувларни насос билан хайдаш станцияси; 5 — босимли чикинді сув кувури;
6 — тозалаш анишотигача ўзи оқадиган коллектор; 7 - кум ушлагич; 8 — Эмшер тиндиргичи;
9 — чикичди сувни таксимловчи идиш; 10 — биологик фильтрлар; 11 — чўкма лоика учун майдон;
12 — хлорлаш хонаси; 14 — тозаланган чикинді сувни дарега ташлаш.


/р 1 -2- чикинди сувни келтирувчи кувур; 2 — түр; 3 — кум ушлагич; 4 — икки ярусли тиндиргич;
 5 — таксимловчи идиш; 6 — биофилтр; 7 — хлорлаш хонаси; * — хлорни аралаштириш мосламаси; —
 хлор билан контактлаштириш резервуари; 10 — тозаланган сувни чикариш жойи; 11 — чўкма лойкани
 чикариш жойи.

11-расм. Икки ярусли тиндиргич (эмшер):

/ — тиндиргичга чикинди сувнинг оқиб келиши; 2 — сув келтирувчи тарнов; 3 — тиндиргич нови;
 4 — ботирилган ёки сузид юрувчи тўсик;


5 — чикинди сувлар учун сурилма; 6 — чўкмани олиб кетувчи кувур; 7 — чўкма учун сурилма;
 8 — чўкмани бўшатиш; 9 — чикинди сувларни олиб кетувчи нов.






расм. "КУ-12" маркали ихчам биологик

— 2 —, — х курилма: I
1 вч тарнов; 2 — аэратор; 3 — копк остидаги электродвига- / — кум
тель ва редуктор; 4 — аэроция зонаси; 5 — тиндергич зонаси. ушловчи
тарнов; 2 — аэратор; 3 тель ва редуктор; 4 — аэроция зон



13- расм. Гофман зонаси (чегараси):



14-расм. Ассензия шугорларарининг тасыры:

- 1 — ёзек майдонлар; 2 — кишин майдонлар;
- 3 — вакуумник ўтиш күлдәрләр;
- 4 — дөммөн ўтиш күлдәрләр; 5 — ўтиш күпрыслар;
- 6 — сувалар ингүчүлүк аркулар; 7 — сувалар оқынналыган аркулар;
- 8 — майдонларнын түпнок билан күтәрлелтүс дөврөлдөр;
- 9 — хұжыл майдончасы;
- 10 — ассензия транспортларнин юниш майдони.

15-расм. Чилдам пестицидларининг ташы мүхиттә айланыб юринүү.



